





Михаил Прудников

«ҚАҚНУС» ОПЕРАЦИЯСИ

Қ И С С А

Эркин Носиров таржимаси

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1989

П $\frac{4702010201-143}{306 (04)-89}$ 89—70

ISBN 5—633—00348—9

© Воениздат, 1979

© Издательство «Еш гвардия», 1989 (перевод, оформление)



Биринчи боб

ШОШИЛИНЧ ЧАҚИРИЛГАН МАЖЛИС...

Ўша йили Лондон баҳори дим ва намхуш келди. Атлантика томондан бўзранг парча-пурча булутлар сузиб келиб, бир-икки соат сийрак ва илиқ ёмғир шивалар, сўнгра яна қуёш мўралаб қолар, бундан парклар ва хиёбонлардаги дов-дарахтларнинг ҳўл япроқлари ялтирар, ярқироқ асфальтларда машиналар, автобуслар, фонарлар ва ўткинчилар акслари тўнтарилгандек кўринарди. Шаҳар ана шунақа дамларда ғалати, ноаниқ бир қиёфада кўзга ташланар, гўё ундаги барча нарсалар остин-устин бўлиб кетганга ўхшарди.

Ёмғир ҳар куни қуяди. Ҳавода буғ қалин бўлгани учун нафас олиб бўлмасди. Ҳатто денгиз шамоли ҳам димликни қуволмасди. Газеталар эса юраги санчаётганларнинг сони кескин ошиб бораётганидан хабар қилишарди.

Лондон кундузи кимсасиздай туюлади. Унда одам-

лар кечроқ, иш кунн тугагандан кейин гивирлаб қолишади. Шунда машиналарнинг сершовқин, зич оқими шаҳардан ташқарига, коттеджлар ва виллаларга, салқин томонларга, буталари бир текисда қайчиланган гулпушталар ва майсазорлар, қайрағочлар ва теракларнинг қуюқ соялари остига ҳамда ложувард сувлари ялтираётган ҳовузларнинг бўйларидаги оромгоҳлар сари ошиқаётган бўларди.

Оқшомда шаҳар яна тинчиб қоларди, неон рекламалар бу улкан шаҳар оксанида гангиб юрганларнинг барини бамисоли маёқлардай кўз қисиб ўзларининг нажоткор ёнларига имлаётгандек бўлишади. Шунда десангиз, Миллий банк устунлари олдида уймалашаётган ялангоёқ, серсоқол такасалтанглар ана шу даъватга лаббай деб келган одамларга ўхшашади. Ўт ўчирувчилар сингари бошларига шлём кийиб олган полициячилар исқирт, соч-соқоллари ўсиб кетган бу дайдилар тўдасига заррача ҳам парво қилишмасди. Нима ҳам қилишарди дейсиз! Социологлар, психологлар, давлат арбоблари бу ёшлар дардига бирор даво тополмайдилар-ку, полициячиларга йўл бўлсин.

Лондон кечаси соат бирга борганда бутунлай тинчийди. Окофордстрит ва бўлак савдо-сотик кўчаларидаги витриналарнинг ҳам чироқлари сўнади. Фақат гоҳи-гоҳида полициячиларнинг томида чироғи пириллаб турган букри машинаси ўтиб қолади, кейин яна жимлик чўкади.

Эрта билан шаҳар яна жонланади. Магазин, дўкон, маҳкама, бюроларнинг эшиклари очилади, тоза ҳавода дам олиб, тиниққан ходимлар ўзларининг иш столлари ёнига қайтишади.

Ўша йил 25 майнинг тонгида Лондоннинг кечаси ёққан ёмғирдан ҳали селгимаган кўчаларидан иккита вазмин лимузин полиция машиналари ҳамроҳлигида келарди. Машиналар тўдаси разведка резиденцияси олдида тўхтади. Машина — лимузинлардан бўйдор қўриқчилар билан биргаликда икки киши тушди. Улардан бири вазмин юзи қизил, оқсоч, олтмишларга борган, қора қошлари қуюқ, учбурчак даҳани қиррадор бўлиб, у махфий хизмат маҳкамаси директорининг ўринбосари эди. Унинг ёнидаги озғин, найнов, заҳил, касалманд башарали, дўрдоқлабн осилиб тушган киши — директорнинг планлаш-

тириш ишлари бўйича ўринбосари мистер Лейнгарт. Иккита катта амалдор бино томонга ошиқишди. Ҳали барвақт, соат энди саккиз ярим бўлганига қарамай махфий хизмат маҳкамаси директорининг ёрдамчиси Гарри Кронкайт бошлиқнинг иккита ўринбосари келишини сабрсизлик билан кутарди. Гарри Кронкайт булар фавқулодда муҳим хабар билан келишганини биларди. Машинка ёзувида бир саҳифа ҳажмида баён қилинган бу хабар Лейнгартнинг портфелида эди.

— Эртангиз хайрли бўлсин, жаноблар,— деди Кронкайт кабинетига кириб келишган ўринбосарлар билан саломлашаркан.— Мулоҳазаларингизни иложи борича мухтасар баён қилишларингизни сўрайман. Икки соатдан кейин фавқулодда мажлис бўлади...

* * *

Пэт Бувьенинг ота-онаси франциялик эдилар. Отаси катта универсал магазиннинг эгаси эди. Шу ваздан Пэтни бутун Лондон аҳли билишига ажабланиб бўларканми? Бунинг устига Пэт Англиядаги энг оммавий газеталардан бири «Дейли миррор»да ишларди. Унинг вазифаси Уайтхоллдаги разведка секретариатидан редакцияга хабар етказиб туришдан иборат бўлиб, Уайтхоллда Пэтни ҳамма — оддий қоровулдан тортиб, ходимларгача биларди.

Пэт журналистика билан мутлақо сабаби тирикчилик вазидан шуғулланмасди. У ўн тўққиз ёшида катта меҳмонхона эгасининг ўғлига турмушга чиқди, йигирма иккига тўлганида эса оилавий ҳаёт жонига текканлигини тушуниб етди. Унда куч-ғайрат, шуҳратпарастлик, тадбиркорлик жўш урар эди. Эри билан орани очiq қилиб, ёлғиз ўзи қолганидан кейин бир неча касбни қилиб кўрди, ниҳоят, гарчи техник маълумоти бўлса ҳам, журналистикада тўхтади. Бу иш Пэтнинг тиниб-тинчимас табиатига жуда ҳам мос келарди. Газета унинг бор вақтини банд этар, дасти узун ҳамда ажойиб кишилардан таниш-билишлар орттиришига имкон берарди. Пэт келишган, хушчақчақ, ақли расо, ўзига ишонган жувон эди. У оз вақт ичида «Дейли миррор»да етакчи мавқени эгаллади. Тўғри, унинг мақолалари силлиқлик бобида ажралиб турмас, бироқ бу нарсани ундан биров та-

лаб этмасди ҳам. Газетада риайтерлар¹ етарли бўлиб, улар материалларга тегишли бадий жило беришарди. Ҳа, Пэтни редакцияда қалами учун эмас, бошқа жиҳати учун қадрлашарди. У ҳар қандай маълумотларни топиб келар, редакцияга керакли одамлар билан учраша оларди. Одам исини ёқтирмайдиган ҳар қандай машҳур кимса ҳам Пэтнинг қистови-ю, жозибасига дош беролмай қоларди. Шунинг учун ҳам Пэт Бувьени разведка резиденциясига тиркаб қўйишганди.

Навқирон мухбир жувон Уайтхоллдаги кўпгина парламент аъзолари, ходимлар, разведка бошлигининг қўриқчилари, машҳур ёзувчилар, киноактёрлар, банкирлар, бўлак нашрларнинг муҳаррирлари ва саноатчилар билан яқин алоқа ўрнатганди.

Мабодо Лондонда қизиқ воқеа содир бўлса ёхуд бирорта машҳур зот шарафига зиёфат берилса, ўша ерда Пэт ҳозир у нозир эди. У зиёфат залига ҳаммага жилмайганича, саломлашиб, ҳазил-ҳузил гаплар қилганича учиб кирарди. Пайт пойлаб турарди-да, ўзини қизиқтирган одамнинг олдига бориб, унга бор саволларини берар, ўзининг бутун жозибасини кўз-кўз қиларди.

Директор ўринбосари билан Лейнгартнинг разведка бошлиғи ҳузурига келишгани ва фавқулудда мажлис бўлишидан хабар топган сиёсий янгиликлар бўлими муҳаррирининг Пэтга мурожаат қилганига ажабланмаса ҳам бўларди. Муҳаррир элликларга борган паст бўли, жуда жонсарак ва тиниб-тинчимас одам эди. Иш пайтида кўпинча маҳкамаларда қўлини силкитганича югуриб юрарди. Боши кал, чаккаларида ва орқа томонида озгина сарғиш сочи қолганидан масхараовозларга ўхшаб кетарди.

— Пэт, сен билиб олишинг керак!— деди у бидирлаб.— Албатта! Нима ҳақда мажлис қилишганикин-а? У жуда ва жуда ҳам муҳим нарса бўлиши керак! Бунини нимага яширишаётганикин-а? Бунда бошқача нимадир бор! Ҳа, Пэт, сен албатта ҳид билишинг керак! Бу келаси сонимизнинг асосий материалли бўлади!— Муҳаррир шундан кейин сепкил босган қўлларини хурсанд ҳолда бир-бирига ишқади.

Пэт ҳам ҳид биллишга ваъда берди. У ўзининг

¹ Адабий ходим.

«ягуар»ига миниб, разведка резиденциясига йўл олди. Бироқ мажлис борасида кимдан сўрамасин бирортаси ҳам у билан гаплашишни истамасди. Пэт умрида биринчи марта шундай ҳолга дуч келди. Бу эса уни ғижинтирарди. Наҳотки, редакцияга икки қўлини бурнига тиқиб қайтса? Йўқ, бунақа бўлиши мумкин эмас. У зўр бериб резиденция ходимларидан ким ўзига ёрдам бера олишини ўйларди, ҳар бир номзодни синчковлик билан мушоҳада қилар ва биринкетин «бўлмайди»га чиқарарди.

Парламентда, министрликларда ва муассасаларда Пэт танийдиган одамлар учун сиёсат ҳаёт-мамотиши саналарди. Улар ўзлари эгаллаб турган мансабларига минг азоблар билан етишганлари турган гап. Бунинг учун кўп йиллар уринишган. Пэт учун эса сиёсат қизиқарли, ўзига қаттиқ тортувчи ўйин, ҳа шунинг ўзгинаси эди. Унда эътиқод ҳам, принцип ҳам йўқ. У лейбористларга ҳам, консерваторларга ҳам, сўлларга ҳам, ўнгарга ҳам хайрхоҳлик қилмайди. Бирор нарсани инкор ҳам этмайди, бирор нарсадан бош ҳам тортмайди. Мабодо танишлари бош министрнинг нутқини ёмонлашса борми ўзи ҳам уларга қўшилади. Ушалар янги қонун лойиҳасини маъқуллашгундай бўлишса, ёнларига ўтиб кетаверади. Сиёсатда у ўзи тўқнашиб турган турлича қиёфадаги кимсаларнигина тан олар, уларнинг баъзилари зерикарли, баъзилари эса алланимаси билан ажойиб одамлар эдилар. Энг ажойиблари ана шу ҳафтада, ана шу ойда ёки шу йили кўпроқ оғизга тушган одамлар эдилар. Бунинг устига унга, Пэт Бувьёга самимий муносабатда бўлган сиёсий арбоблар ҳам хуш келарди.

Пэтга жуда мойил бўлганлар орасида Чарльз Уолт ҳам бор эди. У, очиғи, сиёсатдонлар жумласидан эмасди. Чарльз Гарри Кронкайтнинг идорасида эксперт бўлиб ишларди. Баланд бўйли, доимо бенуқсон кийинадиган, босиқ киши бўлган Уолт Пэт бор жойда ноқулай аҳволга тушар, ҳаттоки тортинчоқ бўлиб қоларди. Уттизга борган бу ҳукумат амалдорининг босиқликдан ташқари бир олам хислатлари ҳам бор эди. Чунончи, унинг оиласи Англиядаги энг кекса зодагонлар хонадони жумласига кирарди. Уолт Оксфорд университетида таълим олган, яхши оиладан чиққан ибратли йигитлардан эди

Пэт Уолтни расмий қабул маросимларида, Лондондаги таниқли хонадонлардаги ўтиришларда, идораларнинг коридорларида ва матбуот конференцияларида тез-тез учратиб турарди. Шунда ҳар сафар Уолтнинг ғалати илтифотларидан кўнгли ўсиб, завқ оларди.

— Менга қаранг, Чарли,— деди бир куни унга Пэт.— Бугун бизникида коктейлхўрлик. Кечқурун соат еттида, бироқ сиз ўзингизга қулай пайтда келишингиз мумкин. Ажойиб одамлар бўлишади. Бизникига бир кириб ўтсангиз бўлармикин?

Уолт ўшанда нақ тайин этилган пайтда келиб, бутун оқшом бека ёнидан нари кетмади. Кам гапирар, фақат Пэтдан кўзини узмай гўдаклардай маъсумона илжайарди, холос.

Уолт ўшал оқшомдан бери Пэтнинг Срик-стритдаги уйига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Икковлари деярли ҳоли қолишмасди. Мабодо Уолт бунга интилса ҳам астойдил ҳаракат қилмасди. Пэт Уолтнинг тортинчоқлигини унча хушламасди. У йигитга самимий тегишарди, холос. Ҳаёт тез суръатлар билан ўтиб бораётгани учун Пэт Уолт билан жиддий муносабатда бўлишга вақт тополмасди. У йигитни тез-тез ёнида кўриб турмаса, бир нарсаси етишмаётгандек хумори бўларди, холос.

Пэт ҳозир ҳам резиденциянинг қуйи залида ўтираркан эсига Уолт тушди. Унга ана шу йигит ёрдам бера олади! Пэт у билан тезда кўришиши керак. Пэт қўл соатига қаради: чоракам уч. У телефон будкасига кириб Уолтга қўнғироқ қилди:

— Пэт Бувье гапираяпти,— деди трубкани олган котибага,— мени Чарльз Уолт билан боғласангиз.

— Бир дақиқа, хоним.

Трубкадан шириқлаш, кейин Уолтнинг мулойим овози эшитилди. Уолт Пэтнинг овозини эшитгач, дил-дилидан суюниб кетди. Коктейлхўрликми? О, лутфли таклифларидан беҳад хурсанд. Ҳа, ҳа, албатта. Еттидами? Йўқ, еттида боролмайди. Сал кечроқ. Бўлади, албатта, бўлади. Ахир Пэтни нақ бир ҳафтадан бери кўрмади-я.

Пэт хурсанд ҳолда трубкани илиб, кўчага чиқди. У бир неча дақиқадан кейин машинада ўтираркан, бу оламда мен эплолмайдиган ҳеч нима йўқ, деб ғурури жўшиб кетди; у одатича ана шу кўйи хаёл

суришни жуда ҳам яхши кўрарди-да, ўзи ҳам. Пэт машиналарнинг шиддатли оқимига қўшилиб, приёмникни буради. Кимдир майин овозда хиргойи қиларди. Бу ким бўлди? Фрэнк Сиватрами? Ёки, эҳтимол, Бинг Крособимикин? Дарвоқе, бунинг нима фарқи бор! Энг муҳими ҳали Чарли билан учрашадди. Ҳозирча энг муҳими — ёши йигирма учдалиги-ю, очиқ машинада кетаётгани. Шаббода сарғиш сочларини тўзғитаяпти. Муҳими яна шундаки, у ҳозиқ сартарошни чақириб, сочига оро беради. Кейин эса эгнига... Ҳа, нимани кияди? Денгиз тўлқини рангидаги, бир ой муқаддам Парижга буюртма бериб тиктирган кечқурунги узун кўйлагини кийса бўлар. Ё бўлмаса кўкрагида қизил гулли одмигина оқ кўйлагини кийсамикин? Сўнгра у Уолтдан бошқа бирон-та одамни уйига чақирмайди. Уолт бу уйда икковларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрганидан кейин роса ҳам ҳайрон бўлади-да. Бундан гангиб қолиши турган гап, ундан билган нарсаларининг барини қоқиштириб олади. «Ҳа,— деб қўйди Пэт хурсанд ҳолда ичида,— бошқаларни билмайману бу Уолтни ўзим эплайман».

* * *

Ҳа, радиода куйлаётган Фрэнк Сиватра эди. У маҳбубасини деб тахтдан воз кечган инглиз қироли Эдвард ҳақидаги ашулани айтарди. «Кулгили ашула,— деди ичида Пэт,— бемаъни, кулгили...»

Пэт отаси берган саккиз хонали уйи бор ҳовлида истиқомат қиларди. Отаси шаҳардан ташқарига чиқиб кетган, чунки пойтахт кекса савдогарнинг дилига хуш келмаганди. Уйда хизматкорлар ҳам кўп эмас, ходима аёл билан кекса Жекоб бўлиб, Бувье қизимдан кўз-қулоқ бўлиб туринг, деб тайинлаганди унга. Пэт ходима аёлга қариндошларини кўриб келгани жавоб бериб, Жекобга эса уйга ҳеч кимни киритмасликни буюрганди.

Пэт соат еттида меҳмон кутишга таппа-тайёр эди: сочи ҳам жойида, устига ўша пайтларда расм бўла бошлаган оқ туника — кўйлак кийганди. У Уолт келгунича нима қиларини билмаганидан ўзига содали сув ва музли виски тайёрлашга тушди.

Меҳмонхонага новча ва букчайган чол Жекоб кирди:

— Ҳеч ким келмадими?— сўради ундан Пэт.
— Худога шукрки, йўқ.— валдиради Жекоб.—
Тинч кун бўлди. Битта уста келди, холос, бор меҳ-
мон шу.

— Уста? Қанақа уста?— ҳайрон бўлди Пэт.

— Электрик, симни тузатди.

— Уни чақирувдингми?

— Эсимда йўқ. У: «Мени чақиришган экан»,—
деди.— Чақиришган бўлса ҳам бордир. Бари эсда
турармиди.

Пэт сал безовта бўлгандай қандайдир нохуш кўй-
га тушди, бироқ бу ҳол бор-йўғи бир лаҳзагина да-
вом этди, холос. Уни яна Уолт билан бўлажак учра-
шуви ҳақидаги ўйлар забт этди.

Чол меҳмонхонада имирсиланиб юраркан, бир неча
шиша ва стаканлар, музли ваза турган пастак стол-
чани синчковлик билан кўздан кечирди. Столчадаги
бошқа вазада бир даста бинафшаранг атр гул бор
эди. У ҳамма нарса батартиб эканлигига ишонч ҳо-
сил қилганидан кейин Пэтни ҳоли қолдирди.

Пэт чоракам саккизда Жекоб дарвозани очгани
кетганини эшитди. У пардани суриб, деразадан қа-
ради. Худди ўша, келган машина Уолтнинг яшил
«седан»и эди. Пэт ўзини шунчаки ойнага солди.
Виски ичганидан юзи оқарган, кўзлари жававали
ёнарди. Кўзлари амалда бўзранг бўлса-да, ҳозирда
жуда йирик ва қора туюларди...

— Мистер Уолт!— Жекоб меҳмонхона эшигини
очаркан, эскичасига тантанавор ахборот берди.

Уолт Пэтни доимо ширакайфлар орасида кўришга
одатланиб қолганидан ҳозирда меҳмонхонада уни
ҳоли учратгани учун бир лаҳза довдираб қолди.

— Пэт, азизам...

Пэт қўлларини чўзганича унинг истиқболига
ошиқди.

— Чарли, сени кўрганимдан бениҳоя хурсандман.
Келишга вақт топганинг қанчалар яхши. Мен бугун
ўзимман, чарчадим, бировни кўрмасам дейман. Мен
билан бирга чарчоғимни ёзгин... Зерикдим. Розими-
сан?

Уолт хурсанд ҳолда рози бўлди. У сира ҳам ўзи-
га келолмасди. Пэт уни кутганди-да! Наҳотки, ана
шу кечки кўйлак, сочидаги гул ва энг муҳими, ким-
сасиз уй — буларнинг бари ўзи учун бўлса?

— Ичасанми?

Уолт бош силкиди. Пэт унга ҳам, ўзига ҳам виски тайёрлади.

— Сенга айтсам,— Пэт шошилмай гап бошлады,— биз кўп марта учрашган бўлсак ҳам суҳбат қуришимизга деярли фурсат бўлмаганди.

— Пэт, жуда ҳам хурсандман! Сен билан ҳоли қолишни жуда ҳам истагандим. Бироқ бунинг иложи йўқ эди! Теварагингда доимо одамлар бўлишарди...

Чарльз азбаройи ҳаяжондалигидан нафаси тикилиб қоларди. Пэт, гулгун очилган Пэт унинг рўбарўсида ўтирар ва оташли, мафтункор нигоҳини узмасди. Уолт эса бу нарсаларни гўё тушида кўраётгандай бўларди. У эгилиб, Пэтнинг қўлидан ўпди...

Пэт кулди-да, унинг сарғиш-қорамтир сочини силади. У, очигини айтганда, доимо Уолтга интилганини хаёлидан ўтказди. Нимага энди? Уолт келишган, яхши тарбия кўрган. Фақат шунинг учунгинами? Унда болаларга хос маъсумий бокиралик, ўзини қуршаган одамларда деярли учрамайдиган қандайдир фазилат бор эди. Теварагидаги одамларнинг маънавий сифатлари борасида унчалар бош қотирмасди ҳам. Улар бамисоли қизиқарли фигуралар эдилар, халос. Уларни томоша қилсагина бўларди. Пэт уларни томоша қиларди-ю, ўша заҳотиёқ унутарди.

Уолт жувоннинг қўлларини юзига босди. Пэт қўлларини бўшатиб олди-да, Уолтнинг ёнига ўтиб, бошини унинг елкасига қўйди. Уолт уни тортиниbroқ бағрига босди. У тим бўзранг фланель костюм кийганди. Бунақа костюмларни катта амалдорларнинг аксарияти кийишарди. Шунда Пэт уни нимага чақирганини бирдан эслаб қолди. Ҳе, қуриб кетсин, ўша мажлис! Уолт шунинг учун ҳам бу ерда ўтирибди-да! Ҳозирда эса Пэтнинг у билан сира ҳам бу мавзуда гаплашгиси келмасди. Мана шундай қимирламай, унинг пинжига суқулиб ўтиришни истарди. Бироқ редакцияга икки қўли бўш ҳолда боролмайди-ку! Пэт Уолтнинг оғушидан сирғилиб чиқди-да, ўрнидан турди.

— Ичгим келаяпти!

Бу сафар вискини Уолт тайёрлади, Пэт эса у стаканга муз солиши, шишадан қуйишини тамоша қиларкан, завқи келиб, ҳаракатлари жуда чиройли эканлигини хаёлидан ўтказарди. Икковлари қову-

шишса борми, ажойиб эр-хотин бўлишарди-да! Газетани ҳам, тинимсиз югур-югурларни ҳам йиғиштириб, Уолтга турмушга чиқсинми? Бир этак бола билан Уолтнинг ишдан қайтишини кутиб ўтирарди-да...

Чарльз унга стакан тутди, Пэт эса жилмайганича бошини чайқади.

— Мен виски ичмоқчимасман,— деди у шивирлаб.— Сени ўпишни истайман.

— Пэт!— деб юборди Уолт. У стаканини столчага қўйиб, Пэтга чўзилди:— Пэт, Пэт, Пэт...

...Кейин улар деворларига шоҳи сирилиб, нодир суратлар осилган баҳайбат меҳмонхонага ўтиб, ўйинга тушишди. Пэт ширакайф ҳолда Уолтнинг елкасига бошини қўйиб, унинг изҳори муҳаббатини тингларкан, кутилаётган суҳбат бўлмаганида борми, ҳозирги онлари бахтли кеча келажагининг дебочаси бўлиши хусусида ўйларди. Пэт гапни қандай бошлашни билолмасди. Ё бунга келаси сафарга қолдирсинми? Бироқ редакцияга ваъда берган-ку!..

Уолт зўр бериб ўпгани ўпган, Пэт эса қаршилиқ қилмасди. Уолт уни кўтарганича ётоққа қараб юрганида ҳам индамади. У ҳозирда ҳамма нарсани унутган, ўзини гўдакдай ожиз сезарди ҳисоби. Ҳеч нимани ўйлашни истамас, ўзини бебош ҳиссиётлар ҳукмига ташлашни истарди, халос.

...Ярим соат ўтиб, Уолт тинчиганидан кейин Пэт халатини елкасига ташлаб, меҳмонхонага тушди-да, виски олиб келди. Икковлари виски ичишиб, музыка тинглашди ва бирлари олиб, бирлари қўйиб, валақлашди. Пэт Уолтдан кўзини узолмас, нега деганда, у яланғоч ҳолда янада кўркавроқ кўринарди. Бироқ Уолтдан сўралиши керак бўлган нарса Пэтга тинчлик бермасди. Пэт ундан иши ҳақида сўрашга уринар эди, бироқ Уолтни ҳозирда бу нарса унчалар қизиқтирмасди.

— Пэт,— деди Уолт ёнбошлаб,— биринчи марта учрашганимиздаёқ бир-биримиз билан бирга бўлишимиз кераклигини тушунгандим. Уорреннинг уйдаги учрашув эсингдами?

— Албатта, жонгинам, эсимда.

— Менга эса ўлгудай такаббурдай кўрингандинг. Кейин сен доимо қаёққадир шошилардинг.

— Газетага-да, жонгинам. Бу расво иш! Бу ҳозирда ҳам менга тинчлик бермаяпти.

— Газетангни яхши кўрасанми?

— Албатта.

— Ишламасанг ҳам бўлади-ку?

— Бўлмайди. Одам ўзини бирор нарса билан банд қилиши керак-ку.

— Ғалати гапларни гапирасан-а! Назаримда, сенинг эринг бўлсам борми, бу ишингни ғаш кўрардим. Ишинг шунча вақтингни олаётганидан жинни бўлиб қолардим.

Пэт эса ўзининг ишини ўйларди.

— Чарли,— деди у саволи иложи борица табиий чиқишига ҳаракат қилиб,— сен сўнгги нарсалардан хабардор бўлсанг керак-а?

— Хўш... унча-бунча.

— Резиденцияда ақл бовар қилмайдиган нимадир бўлаяпти. Менимча, қандайдир муҳим воқеалар рўй бераяпти. Бироқ уни биз, журналистлардан яширишаяпти. Нима гап ўзи, Чарли?

Уолт унга масхараомуз қаради.

— Бу сени жиддий ташвишлантираяптими?

— Албатта, битта-яримта журналист мендан олдинроқ хабар топишини истамайман. Буни мен биринчи бўлиб билишим керак, тушунаяпсанми, биринчи бўлиб. Менга бунда ёрдам бера оласанми, Чарли?

— Иложим йўқ, Пэт.

— Ҳатто менгаямми?

— Ҳатто сенгаям.

Пэт хафа бўлгандай жим қолди-да, ўзига яна виски қўйди.

— Сен жуда кўп ичаяпсан,— деб қўйди Уолт.

Пэт елкасини учирди. Кейин ўрнидан туриб, ётоқда қўлда стакани билан юра бошлади. У Чарли ҳақлигини билса ҳам энди ўзини тўхтата олмади.

— Аччиғланма.— Уолт унга яқинлашиб, қучоқламоқчи бўлди. Пэт эса бепарво эди.

— Мен билишим керак, Уолт,— деди у ниҳоят Уолтнинг кўзига тик қараб.

— Пэт, бурчимни бузишимга мени мажбур қилаяпсан. Бу ҳақда гапиришга ҳаққим йўқ. Мени шунга чақиргандингми? Билиб олмоқчимидинг?— Уолт кўзларини қисди.

Пэт таққа тўхтади.

— Жинни бўлибсан! Наҳотки, шундай хаёлга борсанг!

Уолт қовоғини солганича ўринга чўкди. Унинг ўзи билан ўзи олишаётгани аён эди.

— Хоҳласанг, гапирмаслигинг мумкин...— Пэт унинг ёнига ўтирди-да, жилмайганича сочини силашга тушди.— Буни эсдан чиқарамиз... Тўғри, мен ба-рибир билишни истардим...

Уолт кўзини ундан олиб қочди.

— Чарли, бу орамизда қоладиган гап-ку. Буни матбуотда ишлатмасликка сўз бераман.— Пэт охир-ги сўзларини беихтиёр равишда айтиб юборди. У ўша лаҳзада шундай бўлишига ишонарди ҳам.

Уолтнинг афти жуда тундлашиб кетди.

— Хўп, яхши,— деди у анча жимликдан кейин,— жуда тикилинч қилаётган экансан... руслар алоҳида ёнилғида ишлайдиган янги универсал антиракетани синашаётгани разведкага маълум бўлиб қолди.

— Бу нима ўзи?— Пэт сиртдан бепарво ҳолда сўраса ҳам ичида ниҳоят муддаосига етганидан хурсанд эди.

— Менинг ўзим ҳам бунда кўп нарсага тушунмайман. Айтишларича, бу ракета амалда душманнинг ҳар қандай нишонини йўқ қилишга қодир экан.

— Фақат шунинг ўзими!— деб қўйди Пэт соддадиллик билан.

— Шунинг ўзи камми? Англия билан унинг иттифоқчилари ҳозирча бунақа қуролга эга эмаслар. Кучлар мувозанатида бузилиш рўй берди.

— Бунда мен кўп нарсага тушунмайман. Шундай бўлса ҳам эртами ё кечми бизнинг тухумбошларимиз¹ шунга ўхшаган бирор нарса яратадилар, деб ўйлайман.

— Эҳтимол, ҳозирча эса раҳбарларимиз жуда ташвиш чекишаяпти.

— Разведкадаги фавқулодда мажлисда шу ҳақда гап бўлдимми?

— Ҳа. Бироқ оғзингдан чиқармасликка ваъда берганингни унутма, Пэт.

— Ўлсам ҳам, Чарли!— Пэт оташин хитоб қилди.— Бу сир ўзим билан кетади.

Пэт энгашиб Уолтнинг кўзларидан ўпди. Уолт

¹ Зиёлилар, техника инженерлари

эса қимир этмай ўтирар ва нимадандир ташвишда эди. Пэт хавотирга тушиб:

— Сенга нима бўлди?

Чарльз унсиз елка қисди.

Пэт яна ичди, бироқ кайфда бўлса ҳам Уолт билан орасига қандайдир совуқчилик тушганини сезиб турарди. У виски ичиб-ичириб, Уолтни қанчалар силаб-сийпаламасин ўртадаги бу совуқчилик барҳам топмади.

Орадан кўп ўтмай Уолт кетишга отланди. Пэт ундан қолишни илтижо қилса ҳам Уолт сира кўнмади. Пэт уни эшиккача кузатиб қўйди. Ётоққа қайтиб келиб ўзига виски қуяркан, Уолтнинг «седан»и жаҳл билан бўғиқроқ вағиллаганини эшитди. Сўнгра уйга шунақанги жимлик чўкдики, Пэт ўзининг юраги қандай ураётганини эшитса бўларди.

Пэт эртасига ўзидан нафратланган ҳолда бўлса ҳам барибир Уолтдан билиб олган нарсаларини сиёсий янгиликлар бўлимининг муҳарририга айтиб берди. У эса бу маълумотларни газетанинг ҳарбий шархловчиси Стюарт Саймингтонга етказди.

* * *

Роберт Лейнгарт тушган вертолёт Лондондан йигирма миль наридаги Вотергрейт деган муъжазгина ва кўпчилик билмайдиган жойга яқинлашарди. Бу ерда инглиз махфий хизматининг бўлинмаларидан бири бор эди. Роберт Лейнгарт кресло суянцигига ўзини ташлаб, оёқларини чалиштирганича ўтираркан, шимининг учи билан пайпоғи оралиғида болдининг кўкимтир териси кўзга ташланарди.

Лейнгартнинг амали гарчи ваҳималироқ бўлмаса ҳам у етакчи раҳбарлардан саналарди. Мабодо «учинчи дунё»нинг мамлакатларидан бирида нобоп ҳукумат қулатилса, разведка ходимлари қаердадир усталик билан разведка ёки қўпоровчилик операциясини ўтказгудай бўлсалар, ҳар сафар ишонч билан бу ишга Лейнгарт бош-қош бўлган, деса тўғри чиқар, чунки разведканинг ақлу фаросати унинг қўлида эди.

Лейнгарт билан ёнма-ён унинг шахсий қўриқчилари бўлган иккита йигит ўтиришар, салоннинг ичкари томонида эса иккита эксперт сигарета тутатишарди.

880846



Вертолёт чайқала-чайқала пастлай бошлади, моторларининг овози бўғилди. Лейнгарт беҳузур бўла бошлади, бу эса кейинги икки кунда қаттиқ асабийлашганининг асорати эди. У олтмишга яқинлаб қолганидан худди мана шунақа кунларда ёши ўтинқираб қолганини айниқса сезарди.

Лейнгарт ёнида ўтирган қўриқчини имлаб чақирди. У Лейнгарт томонга эгилди.

— Жо, уларга айт,— Лейнгарт вертолётнинг дум томонига имо қилди,— чекишни бас қилишсин. Ундан кейин тамаки тутунига тоқатим йўқлигини унутимасин.

Қўриқчи топшириқни бажаргани кетди, Лейнгарт эса даричадан қаради. Вертолёт қўниш майдончасини мўлжалга олганича юз метрча баландликда турарди. Чап томонда эса пастда ҳар тарафдан сийрак ўрмонлар қуршаган, викторианча услубда қурилган ёштин, учли, томига черепица ётқизилган оппоқ коттеджлар кўзга ташланарди. Вертолёт пастлай бошлади-да, бир дақиқа ўтар-ўтмас ўрмондаги бетон майдончага қўнди. Унинг парраклари тўхташга улгурмасиданоқ қора лимузин етиб келди. Лейнгарт қўриқчилари билан машинага ўтирди. Машина жойидан унсиз қўзғалди-да, тез орада кенг бетон йўлга чиқиб, «Жамоат йўллари бюроси» деган ёзувли кўрсаткич ёнидан ўнгга бурилди. Олдинда разведорган резиденциясини ўраб турган уч метрли панжара девор бор эди. Темир дарвозанинг ёнидаги панжарада: «Хусусий мулк. Бегоналарга кириш ман этилади», «Суратга олиш тақиқланади», деган ёзувларни ўқиса бўларди.

Дарвоқе Лейнгарт бу кўрсаткичларга парво ҳам қилмади. Темир дарвоза унсиз очилгандан кейин лимузин қўриқчилар хонасини орқада қолдириб, эман ёғочидан ясалган катта эшикли подъездга яқинлашди.

Коттеджлардан бирининг кимсасиз пастки залида иккита қўриқчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Бу иморатда одам турадиганга ўхшамасди. Ташқаридан келган бегона одамнинг бу ерда, қаёққа, қанақа идорага келиб қолдим, деб боши қотиши турган гап эди. Чунки бу ерда ёзувлар ҳам, кўрсаткичлар ҳам йўқ эди.

Бироқ буларнинг бари Лейнгартни кам ташвишга

соларди. Унинг хаёли бошқа нарасада эди. Нега деганда, у ҳозир директорга руслардан янги антиракета сирийни суғуриб олишга кўмаклашган разведка тадбирларининг программаси борасида ахборот бериши лозим эди. Бу ахборот тадбирлар рўйхати портфелида эди. Лейнгартнинг хаёли бўлғуси ахборот билан банд бўлганидан экспертларни пастдаги залда қолдирди-да, уч жойдаги қўриқчилар ёнидан ўтиб, директор қабулхонасига етди. Бу ер ҳам бутун бинодаги сингари сокин эди. Директор ёрдамчиси бўлган қирмизи юзли йигит ким биландир оҳиста овозда телефонда гаплашарди. У Лейнгартни кўриши биланоқ трубкани шоша-пиша жойига қўйди.

— Директор сизни кутаяпти,— у шундай дея ёнгоқ ёғочига ўхшатиб ишланган баланд эшикни очди.

Планлаштириш бўйича директор ўринбосари гарчи бу ерда деярли ҳар куни бўлиб турса ҳам ҳар гал бошлиғининг оstonасидан ҳатлаб ўтаркан, бу сафар учрашувимиз қандай бўларкин, деб ҳаяжонга тушарди.

Кабинет деворининг биринчи қўйи қисмига ойна қопланган, бироқ деразаларга сарғиш ҳарир парда тортиб қўйилганидан уйни сарғимтир туман босгандай туюларди. Кабинетнинг директор иш столи яқин турган олд деворида бир неча экран бор эди. Кабинетнинг ўртасида эса кенгаш ўтказишга мўлжалланган думалоқ стол кўринарди.

Директор столнинг ўнг томонида бир неча телеэкранли алоқа пульти бўлиб, унда селекторли алоқа панели ва талай телефон трубкалари ҳам бор эди.

Ичкарига кириб келаётган Лейнгартнинг қадам товушлари юмшоқ гиламга сингиб кетарди. Директор Лейнгартга пешвоз чиқиб, унинг қўлини қисди. Бошлиқ енгил қадам ташлар, боқишлари тез, синовчан эди. Эски услубда кийинган, эғнида сийрак йўл-йўл, тугмаси икки томонга қадаладиган костюм бўлиб, кўкрак чўнтагидан оппоқ дастрўмолининг учи чиқиб турарди. Қийшиқ йўлли галстуги ингичка тўғноғич билан маҳкамланган, оёғида эса юпқа таг чармли ботинкаси бўлиб, ялтиллаб турарди. Сал оқ оралаган сийрак сочи силлиқ таралган. Бошлиқнинг қоши қуюқ ва қора, юзи чўзинчоқ бўлиб, яноғидан то даҳанигача тушган чуқур чизиклар унга ярашиб

тушгандек эди. Бироқ оғзи кичик ва эркакча бўлмаганидан уни инжиқроқ ёки такаббурроқ қилиб кўрсатарди.

Директор ўзи хусусида, мен «селфмейдмен», яъни ўзимни ўзим оёққа қўйган одамман, дея оларди дангалига. Бу рост гап эди. Мартабаси кўтарилганини директор ўзича толмаслигидан, тиришқоқлиги ва ишга фидойилигидан кўрарди. У ишни урушгача бўлган даврда Берлинда инглиз газеталаридан бирининг мухбири сифатида бошлаганди. Журналистлик гувоҳномаси унга бир ниқоб эди, холос. Директор фақат репортажлар ва мақолаларгина эмас, балки Гитлер Германиясининг аҳволи борасида ҳисоботлар ҳам ёзарди. У фашист режимида беш кетганлигини яширмас ва буни «большевиклар Россияси»нинг Европада тарқалиши йўлидаги энг яхши тўсиқ деб биларди. Мухбирнинг муфассал, изчил ҳисоботлари эътиборни ўзига тортди ва уруш бошланиши олди-дан у разведка марказий аппаратида, ҳарбий бўлимга ўтказилди, у тез кўтарилди, уруш охирига қолганда етакчи бўлимлардан бирига бошлиқ бўлди. Унинг сўл кучларга тоб-тоқати йўқлиги, разведканинг қудратига бўлган чуқур имони урушдан кейинги йилларда кенгайтирилган аппаратда янада кўтарилишига имкон берди.

Разведканинг ҳозирги замондаги айрича роли хусусида директорнинг ўз қатъий фикри бор эди. У «совуқ муносабатлар уруши» бошланиши билан олишаётган томонларнинг дағал моддий кучлари билан соф ҳарбий соҳаларга таянадиган бу қадимий ҳарбий санъат ақл-идрок доирасига ўтди, деб ҳисобларди.

Албатта, бу ақл-идрок омиллари ўтмишда одатдаги урушларни олиб боришга таъсир этмади, дегани эмас, дерди у ўзини оқлаб. Барча асрларда ақл кучи урушда ўзини кўрсатган. Ганнибал, Искандар Зулқарнайн ва Цезарни ботирлик ва тажрибагина ўтмишнинг буюк кишилари этиб етиштирган эмас, Наполеон, Веллингтон ва Эрпгерцог Карл шак-шубҳасиз ўз замоналарининг энг билимдон саркардалари бўлишган...

Бироқ замонлар ўтиши билан, дерди директор қўл остидагиларга ўзининг фикрини асослаб, ҳарбий билимларнинг ўзи кифоя қилмай қолди. Эндиликда

урушлар алоҳида ҳарбий майдонларда ўзаро жанг қилаётган армияларнигина эмас, балки бутун-бутун давлатларни ҳам ўз ичига олади. Фақат генералларгина эмас, давлат арбоблари ва халқ бундан четда қолмайди. Ёлғиз ҳарбий санъатгина эмас, балки дипломатия, экономика ва ижтимоий фанлар ҳам шу жумлага киради.

Урушнинг ялпи характери, деб такрорлашни хуш кўрарди директор, ҳозирги замон тўқнашувининг барча нарсани қамровчи, барча жойга кира олувчи характери шунга олиб борадики, урушнинг ноҳарбий томонлари, хусусан, разведка тобора кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳозирда биз ақл ва билим унда янада муҳим роль ўйнашини эътироф этамиз. Ақл хусусий уруш олиб боришда куч касб этди. Ҳозирги замонда разведка алоҳида роль ўйнаётгани ҳам шундан келиб чиқади.

Директор ўзини фақат амалиётчигина эмас, балки йирик назариётчи деб ҳам санарди.

Ҳаётдаги кўнгилхушликлардан ўзларига бир йўла бир нечасини танлаб оладиган одамлар ҳам бор. Директор бўлса фақат битта нарсага ишқибоз одам эди. Унга мансаб бўлса бас, шундагина бемалолроқ юрарди. У ичмас, чекмас, қаҳвага ҳам тоби йўқ эди. Сут билан мева шарбатлари ейдиган ноз-неъматларининг асосийларини ташкил қиларди. Унинг ҳатто болалари ҳам йўқ эди. Хотини билан турарди, холос. Очиғини айтганда, жони ҳам, тани ҳам иш эди. Бунинг ёнига гольф ўйинини ҳам қўшса бўларди. Бироқ қизиқадиган нарсаларига келганда гольф ҳам бир чеккада қолиб кетарди. Гольфни сиҳатини мустаҳкамлаш ва хизматдан бўш пайтларда одамларга аралаштириш учунгина ўйнади. Бироқ бу ерда одам ҳайрон қоладиган бир нарса бор эди. Директорнинг мартабаси ошгани сари ўзини тобора ёлғиз сезар, жуда сершовқин, кулфату шодликларга тўла бу дунё унга кундан-кунга торайиб борарди. Директор ҳозирда таъсири жуда ҳам зўр бўлган одамлардан бирига айланган, мартабанинг чўққисига чиқиб олганди. Унинг ихтиёрида кўп минглаб ойлик оладиган ва олмайдиган ходимлар — олимлар, маслаҳатчилар, экспертлар, профессионал разведкачилар, тўққизта рақамли сон билан ҳисоби юритиладиган катта бюджет бор эди. Бутун дунёга сочилган мингларча

одамларни ишга солишга биргина ўзининг сўзи кифоя қиларди. Бироқ келиб-келиб энди директор амалидан илгаригидай ҳузур қилмаётганини сезаётгани жуда ажабланарли эди.

Директор, очигини айтганда, карталар ва схемалар нурланувчи улкан кабинетида ўзини ихтиёрий зоҳиддай сезарди. Шунинг учун ҳам бамисоли зоҳидлардай бераҳм эди. Амални деб кўнгилхушликлар, роҳат-фароғат ва маишат-паишатлардан воз кечганидан қўли остидагиларнинг бундай нарсаларга берилишига сира ҳам йўл қўймасди. Разведка биносида чекишни тақиқлаш борасида расмий фармойиш берганди. Ичкиликка ружу қўйган ходимлар қўлга тушгудай бўлса беаёв равишда ишдан ҳайдарди. Бошқармага фақат уйланган (иши юзасидан бўйдоқликларича қолишлари афзалроқ бўлганлар бундан мустасно эдилар) одамларни ишга олишни буюрарди.

Директор эллик еттига кирганди. У иккита бош министрни кўрган, ҳеч бир нарса яширин империянинг кучи ва таъсири сўниб бораётганидан дарак бермасди. Аксинча, русларнинг антиракетаси учун янги ёнилғи борасида яқинда қўлга киритилган маълумотлар бу империянинг позициясини янада мустаҳкамлади. Директорнинг русларнинг универсал мудофаа қуроли борасидаги ахбороти разведка аппарати барча ходимларида чуқур таассурот қолдирди.

Директор ўзининг столи ёнига ўтириб, кресло суянчиғига ташланаркан, деди:

— Илтимос, Лейнгарт, жуда қисқа қилсангиз. Бешу ноль-нолда кенгаш ўтказаман.

Лейнгарт портфелидан докладини олди. У машинкада ёзилган уч саҳифадан иборат эди. Биринчи бетнинг юқорисидagi ўнг бурчакда: «Мутлақо махфий» деган ёзув бўлиб, сўнг бу доклад мўлжалланган кишиларнинг рўйхати келтирилганди.

— Сэр,— гап бошлади Лейнгарт,— биз комплекс тадбирларнинг бир тўдасини ишлаб чиқдик. Булар анъанавий, классик разведка методларини ҳам, энг янги илмий-техник методларни ҳам ўз ичига олади. Илмий-техник методлардан сўз бошлашга ижозат бергайсиз.

Лейнгарт гарчи бардам, тетик гапиришга ҳаракат қилса ҳам ичида юраги пўкиллаброқ турарди.

Лейнгартнинг назарида директорнинг ўзи бир вақт-лари планлаштириш масалалари билан шуғулланганида унинг ишига айрича қизиқиш билан қарарди.

— Биринчидан,— гапида давом этди Лейнгарт,— биз махсус ўта сезгир жиҳозланган механизмлар билан аппаратлар сериясини учиритишни таклиф қиламиз... Бундай аппаратлар, хусусан, антиракета учиритилган районлардан текшириб кўришга ҳаво олиши ва шу тариқа руслар ёнилғини тайёрлашда қандай материаллардан фойдаланишаётганидан дарак бериши мумкин.

— Бунақа аппаратларни тайёрлашга қанча вақт талаб қилинади?— қизиқсинди директор.

— Менимча, тўққиз ойдан бир йилгача.

— Йўқ, бу суръатлар жуда ҳам секин,— директор тилга кирди,— вақт омили ҳозирда биз учун энг муҳим нарса. Гарчи космик аппаратларни ёрдамчи воситалар сифатида истисно қилмасам ҳам. Яна нимани таклиф қиласиз?

— Биз жуда яқин орада антиракета масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари қаерда жойлашганини аниқлашни мўлжаллаяпмиз. Ана шу институтларга яқин жойда одам гапирганда дераза ойналари салгина зириллашини ҳам сезиб, гапларни микропенкага ёзиб оладиган аппаратура ўрнатиш фикримиз ҳам йўқ эмас.

— Буларнинг бари ажойиб,— кулимсиради директор,— бироқ бу институтларнинг адресини қандай аниқлайсиз?

— Бу билан фикримча, жойлардаги резидентларимиз шуғулланишадн. Улар буни агентлари орқали аниқлашлари лозим.

— Россиядаги агентларимизга келганда эса, айтиш керакки, улар сероблиги билан мақтана олишмайди. Гарчи биз эса уларни молиявий маблағ масаласида танг аҳволга солмаётган бўлсак ҳам.

— Гапингизга қўшиламан, сэр. Шунинг учун ҳам Россиядан ва бошқа социалистик мамлакатлардан резидентларни кўрсатма олишлари учун чақиришни таклиф қиламан. Биз олдимизда турган янги вазифаларни аниқ-равшан қилиб тушунтирмоғимиз лозим.

— Сизнинг таклифингиз қабул қилинади, Лейнгарт. Тегишли шифровкаларни бугуноқ жўнатишга

фармойиш беринг... Контрразведкачиларни сергаклантирмаслик учун бу ишни иложи борица силлиқроқ бажаринг. Ҳар бир резидент жўнаб кетишига дурустроқ баҳона топсин: бетоблик, отпуск ёки шунга ўхшаган бирон бир нарса...

Лейнгарт «ўта махфий» деган ёзувли махсус қўйин дафтарига нималарнидир қайд этди. Ёзган нарсалари кейин бошқарма биносидаги махсус шу мақсадда қурилган учта печдан бирида ёқиб ташланади. Лейнгарт шундан кейин ахборот беришда давом этди:

— Бундан ташқари агентларимизнинг маданий ва илмий айрибошлаш программаси бўйича уюштирилаётган туристик сафарларда қатнашишларини кўпайтирсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

— Бунга ҳам розиман,— директор дадил тасдиқлади.— Яқин орада биз Россияда иложи борица кўпроқ одамимизга эга бўлмоғимиз даркор. Эндиликда якка ҳолда иш кўрувчи гениал разведкачиларга ишониб бўлмайди. Йўлни кенгроқ олиш керак.

Лейнгарт бардам тортди. Ахбороти ёмон бўлмаяпти чоғи. У жиндай сукут қилиб, рўмолчасини олди-да, терлаган пешонасини артди. Ҳозирги ишларнинг бари унинг роса жонини олаётгани сезилиб турарди.

— Яна қандай мулоҳазаларингиз бор?— шоширди уни директор.

— Сэр, маълумки, яқин орада Лондонда металлургия масалалари бўйича халқаро симпозиум ўтказиш мўлжалланмоқда. Рус олимлари ҳам бунга чақирилса керак.

— Сиз,— директор бармоқлари билан столни чалди,— руслар бунда антиракета бўйича мутахассисларини ҳам қатнашишга рухсат беришади, деб ўйлайсизми?

— Ким билади, дейсиз, сэр. Мабодо, улар амалиётчиларнинг боришларига ижозат беришмаса ҳам симпозиумда назария бўйича мутахассислар бўлиши турган гап.

Директор ўйчан ҳолда қошларини чимирди. Уртага жимлик чўкди. Шундан кейин разведка бошлиғи қўлини беихтиёр чўнтагига солди-да, мўъжазгина япалоқ қутича олди. Бунда асабий чарчоқни ёзадиган таблеткалар бор эди. Шулардан бирини оғзига

ташлаб, столдаги сифондан содали сув қуйиб ичди.

— Ичиб кўринг,— таклиф қилди у Лейнгартга.— Чарчоқни зумда тарқатади. Зўр дори. Айтмоқчи, сизга зарар қилмайди: кўринишингиздан чарчагансиз.

Лейнгарт миннатдорчилик билдирди-да, битта кичкинагина дорини олди.— Хўш, демак, симпозиумми?— шошилмай деди директор.

Директор ўрнидан туриб, пультадаги клавишлардан бирини босди. Шунда орқа томондаги экраннинг пардаси секин, шитирлаб очилди-да, тиниқ пластиканинг ранг-баранг бўлакчаларидан ясалган дунёнинг улкан харитаси намоён бўлди. Айниқса океан ва денгизларнинг ичдан нурланаётган мовий-яшил кенгликлари чиройли кўринарди. Барча қитъаларда ранг-баранг митти лампочкалар тўдаси милтилларди. Улар ҳаттоки Атлантика, Тинч ва Ҳинд океани оролларида ҳам милтилларди. Лампочкалар, айниқса, Берлин, Вена, Берн, Тель-Авив, Сингапур, Ҳиндихитой ярим оролида ғуж-ғуж эди. Булар империализм разведкаси томонидан тузилган разведка пунктлари ва бошқа махсус группаларнинг схематик тасвири эди.

Директор харитадан нари кетиб, бир неча лаҳза унга унсиз боқиб турди. Гўё лампочкаларнинг милтиллаши уни сеҳрлаб қўйгандай туюларди. Ҳа, шундай ҳам бўлганди ўзи. Директор паннога тикиларкан, империяси ҳажман бениҳоя катталигини, разведка манфаатлари йўлида ижтимоий ҳаётнинг талай воқеаларига таъсир кўрсатишда чексиз имкониятларга эгалигини жуда аён ҳис этди. Унинг агентлари ана шу мақсадларда кўпинча халқаро конференциялар, симпозиумлар ва ҳоказолардан ҳам фойдаланишарди.

— На чора,— деди директор Лейнгартга ярим ўгирилганича.— Эс---Три-Эс бўлимига бу масала билан шуғулланишни топширинг. Ана шу симпозиум учун агентлар тайёрлашни ҳам тезлатишсин. Яна нимани таклиф қиласиз?

— Сэр, менимча, биз эски классик методлардан ҳам воз кечмаслигимиз керак. Гарчи Россия шароитида улардан фойдаланиш анча мушкул бўлса ҳам ҳар қалай...

Директор мийиғида салгина кулимсиради.

— Сиз пул, ичкилик, аёлларни кўзда тутаяпсиз...

— Албатта, сэр, жумладан шулар ҳам асқотади. Ота-боболаримиз тажрибасидан кўз юмишимизнинг нима ҳожати бор. Улар бу методларни қўллашган, муваффақиятларни қўлга киритишган. Тўғри, ҳозир кўп нарсалар ўзгарди, бизда энг нозик приборлар пайдо бўлди, бироқ инсон табиати техникага қараганда секинлик билан ўзгаряпти... Одам кўп жиҳатлардан бундан юз, икки юз йил илгари қандай бўлса шундайлигича қолган. У янгича кийинади-ю, бироқ эскичасига гуноҳ қилаверади.

— Сиз менинг қарашларимни биласиз, Лейнгарт. Мен битта яхши электрон приборни ўнта Мата Харига алишмайман. Приборнинг ишончли эканлиги шак-шубҳасиз. У психологик ишловга бўш келмайди ва уни қайтадан ёллаб бўлмайди. Унга нақ ўзингга ишонгандай ишонса бўлади. Ундан кейин Советларда пул сира ҳам универсал восита эмас. Мабодо сиз бунинг аксини исботлагудай бўлсангиз, мен сизнинг ихтиёрингизга амалда истаган суммангизни беришим мумкин...

— Тилингиздан тутаман, сэр... — Директор елкасини қисиб қўйди, Лейнгарт эса гапида давом этди: — Назаримда, биз русларнинг маънавий матонатига ортиқча баҳо бераяпмиз. Биз, менимча, бу ерда эскича категориялар асосида фикрляпмиз. Россия бўйича кўплаб мутахассисларнинг уқтиришларича, фақат янги техника билан агентуранинг актив фаолиятидан оқилона фойдаланишгина бизни мақсадимизга яқинлаштиришга қодирдир...

— Эҳтимол, — унинг гапини бўлди директор.

— Шундай, сэр, фикримни давом эттиришимга рухсат бергайсиз. Бизда қандайдир бир режа туғилди.

Лейнгарт кўкрак чўнтагидан кўзойнак чиқариб, бурнига қўндирди-да, машинкада ёзилган текстга кўз югуртириб, гапини бошлади:

— Сэр, Россияда бизнинг битта агентимиз бор, унинг махфий номи фамилияси, исми ва отасининг номи бош ҳарфларидан олиб ясалган — РПА, биласиз. У — Рудник Павел Аркадьевич. Биз худди ўшанинг кўмагида русларнинг антиракетаси ҳақидаги ўзимиздаги баъзи бир маълумотларга аниқлик киритдик.

Директор унсиз бош ирғади.

— Хусусан, биз ўшандан мазкур ракета устида

ишлаётган олимлар ҳақида баъзибир маълумотларни олиш умидидамиз. Ўша олимлар орасида бизга фойдаси тега оладиган одамлар бўлса ҳам ажаб эмас.

Лейнгарт бу режаси директорга қандай таъсир кўрсатаётганига ишониш учун унга кўз қирини ташлади. Бироқ директорнинг башарасидан бирор нарсани илғаб бўлмасди.

— Афсуски, ахборотнинг илмий қимматини белгилаш учун Рудник зарур техник билимга эга эмас. У яхши тайёргарлик кўрган раҳбарга муҳтож.

— Бунинг учун нимани таклиф қилмоқчисиз?

— СССРда маълумот олган ажнабийлар орасидан бизнинг одамларимиз муносиб номзодни кўз тагига олишган.

— У ким ўзи?

— Москва университетининг битирувчиси, Шарқий германиялик немис, қариндошлари Фарбий Берлинда туришади. Уни бизнинг мақсадларимизга жуда боп келади, деб мени ишонтиришди. Ўзаро Ёрдам Кенгашига эксперт бўлиб ишга киради, деган маълумот бор. Шундай қилиб, у эксперт ниқобида бемалол иш кўраверади...

— Буниси дуруст.

— Бизнинг мўлжалимизча, у операциянинг техник томонига раҳбарлик қилиши керак. Тўғри, у билан батафсил суҳбатлашганимиз йўқ, ҳозирча унинг розилигини ҳам олмаганмиз. Бироқ унинг рози бўлишига барча асосларимиз бор.

— Бу резидентнинг тайёргарлигига ким жавоб беради?

— Бизнинг Фарбий Берлиндаги бўлимимиз ва шахсан мистер Кларк, шу бўлимнинг бошлиғи.

Директор нималарнидир ўйлаб, деразага қаради.
— Менимча, бу резидентнинг тайёргарлигини ўзингиз текшириб, ишончли эканига ўзингиз кафил бўлишингиз керак бўлади.

— Эшитаман сэр.

— Тезда Фарбий Берлинга учинг.

— Уч кундан кейин, сэр, ўша ерда бўламан.

— Жуда соз. Давом этинг.

— Экспертлар билан қилган консультацияларимдан менга маълум бўлишича, бундай антиракетани яратишдаги асосий қийинчилик — таъсирчан юксак калорияли ёнилғини топишдадир. Биз Москвадаги

резидентурамиз олдига ана шу ёнилғининг сирини билиш ҳамда ракетанинг суратини қўлга киритиш вазифасини қўйдик.

— Розиман, Лейнгарт. Режангизни беринг. Уни имзолашга тайёрман.— Директор шундан кейин эскича нусхадаги, сирлари кетган авторучкасини (бу ручкани ўттиз йилдан бери ишлатиб келаётганидан ғурурланиб юрарди) олди-да, Лейнгарт ҳозирлаб келган ҳужжатга катта қилиб имзо чекди.

— Миннатдорман, сэр,— деб қўйди ахбороти муваффақиятли ўтганидан мамнун бўлган Лейнгарт.

— Муваффақиятлар тилайман!

Директор қаддини ростлаб, Лейнгартга яхши парваришланган бармоқлари узун-узун муздай қўлини берди.

Икки кундан кейин русларнинг янги антиракетаси ҳақида разведка ихтиёридаги маълумотлар ошкор бўлди. «Дейли миррор»нинг эрталабки сонида ҳарбий шархловчи Стюарт Саймингтоннинг мақоласи босилди. Биринчи саҳифада «Руслар янги антиракетани синаб кўришяпти», деган ваҳимали сарлавҳа бор эди. Стюарт Саймингтонни Англиядагиларнинг бари биларди. Унинг кундалик шархларини мамлакатнинг барча графликларидаги газеталар кўчириб босишарди. Саймингтон ҳарбий масалаларда энг йирик мутахассис ҳисобланарди.

«Энг ишончли манбалардан маълум бўлишича,— деб ёзганди у мақоласида,— яқинда руслар ракетага қарши ишлатиладиган янги қудратли қуролни синаб кўрганлар. Руслар бу қуролни кўп мақсадли қурол, деб аташади. Бу ракета маълум классдаги ҳар қандай ракетани жуда катта даражадаги таъсирчанлик билан йўқ қилишга қодирдир.

Янги қуролнинг даҳшатли кучи шундаки, ракета катта маневрга эга ва душман ракетасини жуда кўп миля наридан аниқлашга имкон берувчи ўта сезгир аппаратура билан таъминланган. Ишонч билан айтиш мумкинки, Советлар фақат қудратли қуролнигина эмас, балки дунёда биринчилик учун ўйинда йирик козирни ҳам қўлга киритишган.

Бу эса бизнинг ҳарбийларимиз олдига кутилмаганда кўндаланг қўйилган янги муаммонинг фақат битта томонидир. Бугунги кундан бошлаб, фақат ўзимизнинг стратегик концепциямизни эмас, балки

ташқи сиёсатимизни ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш анча муҳим нарсадир, зеро биз кўп йиллардан бери ўйнашга уриниб келган «озодлик ва демократия»нинг ҳимоячиси сифатидаги ролимиз эндиликда янгича шароитларга тўғри келмайди. Русларда янги мудофаа қуролининг пайдо бўлиши дунёда шу чоққача мавжуд бўлган кучлар мувозанатини бузди. Жилла бўлмаганда бу ҳол бизнинг олимларимиз Пандора қутисига калит топмагунларича давом этади.

Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас. Ташқи сиёсатда кучли томон тарафдорларнинг кўпчилигини ёллаб оларкан, биз айниқса «учинчи дунё» деб аталган зонадаги ҳозирги иттифоқчиларимиз билан муносабатларимизни қайта баҳолаб олишимиз даркор.

Булар русларнинг янги қурол ихтиро қилишлари билан вужудга келган муаммоларнинг тўла рўяхати эмас, албатта. Ракетага қарши қурол ихтиро қилиниши қандай оқибатларга олиб келишини ҳозирча башорат қилиш мушкул. Бироқ битта нарса равшан: бизнинг ташвишимиз кўпаяди. Очигини айтганда, ҳозирги аҳволдан қутулиш йўлларини излаш бошланди, икки кун муқаддам ҳарбийларнинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлди, унда разведканинг русларнинг янги қуроли ҳақидаги маълумоти муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорлар ҳозирча инглиз халқидан сир тутилмоқда, бироқ бир оз ўтгандан кейин биз ҳарбийларимиз Россиянинг ана шу даъватига нисбатан нималар қилмоқчи бўлганликларидаи воқиф бўламиз».

Стюарт Саймингтон шундай деб ёзганди. У мақоласи барчанинг эътиборини ўзига қаратишига шакшубҳа қилмасди, албатта. Ўзи ҳам худди шуни мўлжаллаганди. Шунинг учун ҳам мақолани лоқайднамо, эътироссиз бир руҳда ёзганди. Стюарт Саймингтон ҳайратомуз янгиликлар борасида бепарво қалам тебратилса, одамларга кучли таъсир кўрсатажагини жуда яхши биларди. Чиндан ҳам унинг мақоласи роса шов-шувга сабабчи бўлди. Журналистлар бунга зўр бериб изоҳ топишга киришишди. Улар разведка бошлиғининг матбуот билан алоқа қилувчи ёрдамчисига сира ҳам тинчлик беришмасди, Ёрдамчи эса журналистларнинг барча кети узилмас, қалтис саволларининг барчасини анъанавий қилиб: «Ҳеч қанақа изоҳ берилмайди»,— деб жавоб берарди.

— Навбатдан ташқари мажлис бўлгани тўғри-ми?— деб суриштиришарди журналистлар.

— Ҳа, рост,— деб жавоб қиларди ёрдамчи.

— Ҳарқалай, унда қандай масалалар муҳокама қилинди?

— Пайти келганда биласизлар.

— Бироқ, Пит,— бўш келишмасди журналистлар,— биз ўз газетхонларимизга хабар беришимиз керак-да.

Сэр Питер Кармайкил ёки журналистлар жўнгина қилиб аташадиган Пит ўзини қўршаган газетачилар тўдасига кўз югуртирарди-да, ўрганиб олгандай қилиб: «Мен айтдим-ку — ҳеч қанақа изоҳ берилмайди»,— деб такрорларди.

Бу орада «Дейли миррор»даги мақола фақат биржа ва ишбилармон одамлар доираларинингина эмас, балки кенг жамоатчиликни ҳам қўзғаб қўйганди. Разведка раҳбарларининг: «Махфий мажлис ҳақидаги маълумот қандай қилиб матбуотга чиқиб қолди? Ахир бошлиқ алоҳида кўрсатма берилмагунча мажлис рўзномаси қаттиқ сир сақлансин»,— деб фармойиш берганди-ку»,— деб бошлари қотарди. Стюарт Саймингтоннинг мақоласини бошлиқ ўқиб, қутуриб кетди.

— Бундан қандай хабар топишлари мумкин?— хитоб қилди у газетани ёғжимлаб.— Бунини тезда аниқлаш керак!

Бошлиқ бу саволига тез орада жавоб олди. Ходимлар бу маълумот қайси ёриқдан чиқиб кетганини аниқлашди. Бошлиқ бунини мақола чиққан куниёқ билиб олди.

Стюарт Саймингтоннинг мақоласидан икки кун кейин Пэт бир гуруҳ бошқа журналистлар билан Европа мамлакатларидан бирининг ташқи ишлар вазирлигидан интервью олди. Расмий визит билан Лондонга келган вазир «Хилтон» деган энг ҳашаматли меҳмонхонага тушганди. Пэт интервью олишни тугатганидан кейин кичкинагина магнитофончасини сумкачасига солди-да, тўққизинчи қаватдан настига тушиб, машиналар турадиган жойга йўналди.

Меҳмонхонадаги салқин, кондиционер уфуриб турган ҳаводан кейин ташқарига, кўчадаги жазирамага чиқиб бўлмас, кўча ҳам кимсасиздай туюларди. Фақат чорраҳалардаги полициячиларгина иссиққа

бепарво эдилар. Уларнинг дубулга соя ташлаб турган юзлари жигаррангдек туюларди. Пэт машинаси-га шошиларди: ҳар қалай усти очиқ «ягуар»да кетиш жазирама иссиқ кучини анча қирқарди-да.

Газетада ана шу лаънати мақола чиққанидан бери Уолт унга бир марта ҳам кўнғироқ қилмади. Ўзи эса кўнғироқ қилишга юраги бетламади. Бўлган бу аҳмоқона ишга ўзи ҳам жуда ачинарди. «Ё худо,— дерди у,— нақадар расвоман-а! Нега бундай қилдим! Бечора Уолт! Бошлиқлар маълумотни у бергани ҳақида шубҳа қилишса борми, жуда кўнгилсиз ишлар бошига тушиши мумкин». Бироқ Пэтнинг нохуш ўйларга тоби йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳозирда уларни ҳаёлидан қувишга уринарди. У ҳаммаси яхши бўлиб кетишига, бирорта бахтли тасодиф туфайли аҳволни тузатишига ва Уолт билан муносабати яна изга тушиб кетишига ишонарди.

Пэт бегона машиналар орасидан ўзининг «ягуар»-ини тезда топиб олди. Машиналар турадиган жойдан чиқиб, Оксфорд—стритга тушиб олганидан кейин тезликни оширди. Қулоғида шамол ғув-ғув қиларди. Пэт энди битта нарсани — тезроқ редакцияга етиб олиб, машинисткага айтиб интервьюни ёздиришни ўйларди. Нега деганда интервью газетанинг кечки сониди чиқиши керак эди. Бироқ у чорак миль ҳам юрмасиданоқ қаттиқ пақиллаган овоз эшитилди. «Ягуар» ўнг томонга вазмин оғиб қолди. «Покришка ёрилди»,— Пэтнинг ҳаёлига шу нарса келди. Хизмат кўрсатиш станциясига кўнғироқ қилиб, улар келиб, машинани олиб кетишларини кутиш керак. Редакцияга эса таксиди етиб олишга тўғри келади. Пэт пўнғиллаганича салондан чиқиб, машина ёнидан ўтди. Ўнг томондаги орқа покришканинг дискаси асфальтга қапишиб кетганди.

«Ягуар»дан олдинда қизил «додж» тормозларини ғийқиллатиб тўхтади. Ундан мовийранг ёзги костюм, гирди катта шляпа кийган новча эркак тушди. Нотаниш одам Пэтнинг ёнига шошилди-да, шляпасини салгина кўтариб сўради:

— Бирор нимада ёрдамим тегармикин, хоним?

Пэт нотаниш кишига кўз ташлади. Унинг кўриниши ёқимли, очиқ, қарашлари ўйчан, қомати келишган ва елкалари кенг эди. «Диск отувчига ўхшаркан»,— деб қўйди у ичида.

— О, миннатдорман!— Пэт ожиз ҳолда жилмайди. Илтифотли экансиз! Мен Риджен-стритдаги бешинчи уйга етиб олишим керак.

— Менинг машинам сизнинг хизматингизда, хоним,— «Диск иргитувчи» яна шляпасини салгина кўтарди.

Нотаниш киши Пэтни ўзининг «додж»ига ўтқазди, полициячини чақириб, Пэтдан калитини олди-да, уни тартиб сақловчига тутқизди. Полициячи зудлик билан хизмат кўрсатиш станциясига қўнғироқ қилишга ваъда берди.

— Машичангизни қаерга элтиб беришсин?— деб сўради полициячи. Пэт редакциянинг адресини айтганидан кейин «додж» жойидан қўзғалди. Бир неча кварталдан ўтишди. Нотаниш кишидан садо чиқмасди, Пэтдан ҳам. Улар шундай миқ этмай бир оз юришди. Бироқ шунда ғалати бир нарса юз берди. «Диск иргитувчи» тўғридан кетиш ўрнига машинани ўнгга, нотаниш кўчага бурди.

— Менга қаранг,— деди Пэт хавотирга тушиб,— мени қаёққа олиб кетаяпсиз?

— Сизни кутишаётган жойга, хоним,— жавоб қилди «диск иргитувчи» тўппа-тўғрисида қараб. Кўча кимсасиз бўлиб, «додж» соатига саксон милда кетарди.

— Мени редакцияда кутишаяпти!

— Фақат редакциядагина эмас, хоним,— жавоб қилди нотаниш киши боягидай Пэтга қиё ҳам боқмай.

— Бу қанақаси бўлди?— бақирди Пэт.— Мен полицияни чақираман. Машинани тўхтатинг!

«Додж» яна бир неча марта бурилди. Пэт нота-ниш кишининг елкасига ёпишди.

— Тўхтанг деяпман сизга! Бўлмаса машинадан ўзимни ташлайман.

Пэт ўнг томондаги эшикни итармоқчи бўлди, бироқ у қулфланган экан. Шунда чинакамига қўрқиб кетди. У ҳар кунги газеталарда чиқиб турадиган аҳмоқона аҳволлардан бирига тушиб қолгани аниқ. «Диск иргитувчи» гангстерлардан бири бўлса керак. Пэт сумкачасида газли тўппончаси борлигини эслади. Уни пайпаслаб нотаниш кишидан нари сурилди-да, башарасини мўлжалга олди.

— Тўхтатинг, бўлмаса отаман!— Пэтнинг қўли титрарди.

Пэт шартта ўтирди. У ҳали ҳам жуда бегонасираб турарди.

— Биз дўстимиз бўлиб қолишингизни истаймиз,— деди Кроуфорд тилёғламалик билан.

— Нима дедингиз?

— Хўш... сизга буни қандай қилиб аниқроқ тушунтирсамикин?— Кроуфорд чайналди.— Бизга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолса ажаб эмас. Йўқ, йўқ, ҳеч қанақа чатоқ жойи йўқ. Шунчалик майда-чуйда нарса...

— Бошқача айтганда?..— Пэт ундан қайтариб сўради.— Мабодо сизни тўғри тушунган бўлсам, мистер Кроуфорд, менга агентингиз бўлишимни таклиф этаяпсиз, шундайми?

— Нега бунчалик ваҳима қиласиз, хоним? Оддийгина қилиб, махфий ходим, дея қоламиз.

— Сиз ҳам мени бунга жуда мос келади, деб ўйлагандирсиз-да?

— О, шак-шубҳасиз, хоним. Сизда одамларга ёқа олишдек нодир фазилат бор. Ундан ташқари, сиз бўлиб турадиган донрада бизни баъзи бировлар қизиқтиради...

— Сиз танишларим ва дўстларимнинг изларидан қолмай жосуслик қилишимни таклиф этаяпсизми?

— Эҳ, хоним, яна бошқа нарсани айтаяпсиз. Бизнинг бу сўзга тоб-тоқатимиз йўқ. Сиз бизга шунчаки ахборот бериб турасиз, холос. Ах-бо-рот бе-ра-сиз. Бу сўз менга кўпроқ хуш келади.

Пэт шартта турди.

— Мен жуда мамнунман, мистер Кроуфорд. Бироқ менинг бошқа ишим бор, буёғи энди етар.— Пэт эшикка қараб йўл олди.

— Бир дақиқа.— Кроуфорд стол ёнидан чиқди.— Шошилманг. Гапимиз ҳали тугагани йўқ.

— Мен аниқ-равшан қилиб айтдим, шекилли?— деди Пэт ўгирилиб.

— Йўқ, хоним. Сиз ҳаммасини айтдингиз, мен эса барини айтганимча йўқ. Илтимос, ўтиринг.

— Мени редакцияда кутишаяпти.— Пэт эшик тутқичига қўл чўзди.

— Ўтиринг!— Кроуфорд энди буюрганди, Пэт ихтиёрсиз равишда унга итоат қилди. Кроуфорднинг мулойимлигидан асар ҳам қолмаганди. Пэт эндиgina унинг лаби юпқа, бераҳм одамлигини сизди.

— Мен барча ходимларим сингари,— Кроуфорд Пэт ўтиргандан кейин гапида бамайлихотир давом этди,— аёлларга доимо яхши муомалада бўламан. Шунинг учун ҳам ҳозирда сизни изтиробга солиш мен учун жуда кўнгилсиз нарса. Бундан уч кунча олдин кўлимга жуда нозик суратлар тушиб қолувди. Улар сизни қизиқтирса керак, дейман.

Кроуфорд стол тортмасини очиб, ундан семиз конверт олди-да, Пэтга берди. Пэт суратлардан бирини олувди юзи қип-қизариб кетди. Суратда яланғоч Уолт уни қучоқлаётгани акс эттирилганди. Пэт суратларни шатир-шутур кўздан кечирди. Ўзининг уйида Уолт билан биргаликда ўтказган оқшоми бошдан-оёқ суратга олинганди. Бирорта ҳам нарса четда қолмаганди. Пэт ер ёрилсаю ёрилиб, унга кириб кетгудай аҳволда эди. У энди эзилган, хароб, хўрланган ҳолда бошини ҳам қилганича ўтираркан, Кроуфорд синчиклаб тикилаётганини сезарди. Симни тузатгани келган электрик уста ўша одам экан-да. У меҳмонхона билан ётоқхонага митти кинокамералар ўрнатгани уйга келибди-да. Пэт тузоққа тушганини ўйларкан, юраги орқасига тортиб кетди. Бу одамлар ўзига раҳм-шафқат қилмасликларини биларди. Бунда алоқада бўлган катталар ҳам ожизлик қилишади.

— Бу суратлар кўп одамларга етиб боришини хоҳламасангиз керак, дейман, хоним!— сўради Кроуфорд мулойимлик билан.— Таниқли журналист, йирик молиячининг қизи бўлсангиз. Бундан манфаатдор бўлганлар бу суратларни олишга яхшигина ҳақ беришса керак, дейман?

Пэт бошини кўтармасди.

— Энди эса кетишингиз мумкин. Менинг таклифимни ўйлаб кўринг, сизни шоширмайман. Бу суҳбатимизга яна қайтамиз. Кўришгунча хайр.

Пэт ўрнидан турди-да, гандираклаганича эшикка йўналди.

Иккинчи боб

ИККИ ГАНС

Мюллерштрассе — Ғарбий Берлин чеккасидаги торгина кўча. Бу ердаги уйлар икки-уч қаватли, қадимий, пештоқлари ва подъездлари ганч нақшли:

деразалари найзасимон ва баланд. Пастки қаватларида магазинлар, дўкончалар, мўъжазгина қаҳвахоналар, кам одам биладиган агентликлар ва бюролар бор. Йўл чеккасида машиналар қатор тизилишиб туришади. Одатдаги соатларда кўчалар сокин бўлади, аммо туш пайтларида кўчаларда одам қайнайди. Хизматчилар ва сотувчилар яқинроқдаги қаҳвахоналарда тамадди қилиб олгани идора ва магазинларидан ёпирилиб чиқишади.

31-уй теварагидаги уйлардан кам фарқ қилади. У ҳам уч қаватли, қизил ғиштлири кўп вақт ўтгани учун қорайиб кетган, баланд ойналарига дераза дарчалари қилинган, деворининг қуйи қисми қўнғир мрамар билан ишланганди. Ягона подъездининг соябонини иккита мускулдор, серсоқол паҳлавон суяб туради. Анча ботиқ кўринган кираверишда ичкари-сидан парда тортилган эшик бор эди.

Уй кўчадан анча ичкарироққа қурилган бўлиб, олд томонида тепаси яхшилаб текисланган майсазор ва гулзор пушталари бор эди. Бу иморатни иши юришган адвокат ва хусусий иш билан шуғулланадиган докторга тегишли бўлса керак, деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Майсазорни тротуардан ажратиб турадиган панжара тўсиқдаги темир тахтачада: «Беда-рак кетганларни қидириш агентлиги», деган одам унча тушунмайдиган ёзув бор эди. Айтмоқчи, сиз тўсиқдаги қўнғироқ тугмасини боссангиз, агентлик хизматчиси келиб эшикни очади. У сизни кенг залга олиб киради-да, келишдан мақсадингизни суришти-ради. Мабодо бу уйга шунчаки қизиқсиниб келиб қолган бўлсангиз ҳам сизни бениҳоя мулойимлик билан кутиб олишади. Хизматчи бизга муассасанинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. Агентлик жуда олижаноб ва инсонпарварлик мақсадларида ташкил этилган. У ўтган урушда бедарак кетган ёки номаълум вазиятларда ҳалок бўлган кишиларни қидиради. «Ҳа, ҳа,— дейди хизматчи хўрсиниб,— қариндошларини топишолмаётган бахтсизлар қанчадан-қанча! Бизнинг вазифамиз — уруш вақтида бедарак йўқолганларни қидириб топиш». Сизга ҳатто бедарак йўқолганлар ва уларнинг қариндошлари ҳақида энг муфассал маълумотлар сақланаётган улкан картотекани ҳам кўрсатишлари мумкин. Кўп йиллик ва қаттиқ излашлар туфайли топишга муваффақ бўлин-

ган кишиларнинг суратларини ҳам кўрсангиз бўлади.

Мабодо сизни агентлик қандай маблағлар ҳисобига иш юритаётгани қизиқтирса, хизматчи бунга ҳам батафсил жавоб беради. Маблағнинг анчагина қисми шахсий ионалардан, бошқа қисми хайрия жамиятлари ва фондларидан келади, мижозлардан келади, мижозлардан тушадиган мавоза бюджетнинг қандайдир бир қисмини ташкил этади. «Маблағ масаласида анча камбағалмиз,— эътироф этади хизматчи,— бироқ фойда олиш бизнинг вазифамизга кирмайди».

Агарда сиз бу идоранинг номига қизиқиб ичкарига кирсангиз ва чиндан ҳам урушда бедарак кетган қариндошингизни қидиришингиз лозим бўлса ўша хизматчининг ўзи саволларга лиқ тўла бўлган каттагина қоғозни тўлдириб беришингизни сўрайди. Сиз унда фамилиянгиз, ёшингиз, касб-корингиз, динингиз, адресингиз, шунингдек яқин қариндошларингизнинг адресларини кўрсатишингиз керак. Сиздан бедарак кетган қариндошингизнинг суратини, хатларини (агар улар бор бўлса) келтиришни, айрича белгиларини айтиб беришни илтимос қилишади. Бу расмиятчиликлар тугаганидан кейин сиздан бир ойдан кейин кириб ўтишни сўрашади. Хизматчи сизни бир ойдан кейин ҳам, икки ойдан кейин ҳам, уч ойдан кейин ҳам қабул қилади-да, ўзини ҳамдард тутган ҳолда афсуски, ҳозирча бирор нарса билан хурсанд қилолмаслигини билдиради. Агентликнинг жуда зўр бериб қидиришларидан ҳам, таассуфки, бирор нарса чиқмабди.

Ишга бевосита алоқадор бўлган кишиларнинг тор доирасигина Мюллерштрасседаги 31-уйда инглиз разведка хизматининг бўлимларидан бири жойлашганлигини билади. Пардалари зич тортиб қўйилган уч қаватли бинода чиндан ҳам бегона кўзлардан яширин ҳолда хайрия мақсадларига мутлақо алоқадор бўлмаган ишлар жуда пухталиқ билан олиб бориладди. Бу ерда, шу уйдан инглиз разведкасининг Ғарбий Берлиндаги қалин, кўпсонли тармоқлари иши бошқариладди. Хайрия агентлигининг номи ёзилган темир лавҳа эса қулай ниқобгина бўлиб қолмай, мижозларнинг картотекасини сақлашга ҳам имкон берар, гап ташувчилар, алоқачилар, агентлар эса ўшалар орасидан олинадди.

Июль бошларида 31-уй олдида фил суяги рангидаги «Мерседес — 2505» келиб тўхтади. Машинадан новчагина, қотма, рангпар, пастки дўрдоқ лаби осилиб тушган киши чиқди. У чаккаларини ажин босган сарғимтир кўзларини кўчанинг иккала томонига жонсарак ҳолда югуртирди-да, ўша «мерседес»дан тушган иккита бўйдор йигит билан уйнинг дарвоза-хонасига қараб юрди. Хизматчи уларга дарвозани шоша-пиша очди.

Пастки залда бу кишини «агентлик»нинг уч ходими кутиб олди. Жилмайишган ҳолда бир-бирларининг қўлларини олишди. Идора соҳиблари келган кишининг иззат-ҳурматини жуда жойига қўйишаётгани шундоққина сезилиб турар, меҳмон эса бунга жавобан толиққашнамо бепарво ҳолатда эди.

— Саёҳатингиз ёқимли бўлган бўлса керак, дейман, сэр?— деб сўради идоранинг уч ходимидан бири, сочлари оқарган, қизил юзли, бошқаларга қараганда ўзини бемалолроқ тутаётган бақувват киши. У маҳаллий марказ бошлиғи мистер Кларк эди.

— Раҳмат, раҳмат,— жавоб қилди меҳмон.— Сени кўрмаганимга анча бўлди. Қалайсан?

Кларк жойида депсиниб тураркан, жавоб ўрнига ниманидир деб, ғудранди.

— Нимага қаққайиб турибсан?— бетоқатланди меҳмон.— Кабинетингга бошла. Вақтни кетказмайлик. Ишга киришайлик.

Кларк зумда питирчилаб қолди.

— Шу, кечирасиз, сэр. Мана буёққа, юқорига.

Гарчи бошлиқни қарши олган ходимлар Лейнгарт (келган ўша эди) бораётганлиги хусусида шифровка билан огоҳлантирилган бўлишса ҳам улардан бирортаси меҳмоннинг номини айтмасди. Унга шунчаки «мистер» деб мурожаат қилишарди. Лейнгартнинг номи ҳам унинг Фарбий Берлинда бўлиши сингари жуда қаттиқ хизмат сири эди. Мюллерштрасседаги бинода унинг келишини фақат уч киши — марказ бошлиғи, унинг ўринбосари ва рус бўлимининг бошлиғигина билишарди. Бошқалар учун Лейнгарт табиийки бошқа фамилия билан келган одатдаги кишилардан эди. Паспорт бўйича у иш юзасидан Эски Дунё билан муомила қиладиган инглиз савдо фирмасининг вакили саналарди. Амалда эса Лейнгарт бу ерга текширгани келганди. У кўп сонли разведка

марказларида «Қақнус» операциясига тайёргарлик қандай кетаётганлигини ўз кўзи билан кўриши керак эди. Совет Иттифоқидан янги ракетага қарши қурол сирини билиб олишга қаратилган тадбирлар серияси «Қақнус» операцияси», деб аталганди. Лейнгарт директорнинг кўрсатмаларини бажарган ҳолда қўл остидагиларнинг ишларини шахсан бошқариш ва ҳаракатларнинг аниқ планини ишлаб чиқиш ниятида эди. Бундан ташқари ўзининг бу ерга келиши махфий хизмат ходимларининг сафарбарлигини кучайтиришига ҳам ишонарди.

«Қақнус» операциясидаги ишларнинг ҳар бир бўғини умумий номидан ташқари ўзининг тартибий рақамига ҳам эга эди. Мюллерштрасседаги бинода режалаштирилган тадбирнинг тартибий рақами биринчи эди. Шунинг учун ҳам разведка раҳбарлари Ғарбий Берлин вариантыга қанчалар катта эътибор билан қарашаётганларини тушуниб олиш қийин эмасди.

Кларк Лейнгартни ўзининг каминли ва шифтганчкор нақшинли кенг хонасига бошлади. Кабинет бамисоли ертўладагидай сокин ва салқин эди.

Бир вақтлари Кларк билан Лейнгарт ҳарбий разведкада бирга хизмат қилишган ва оралари ҳам анча яхши эди. Бироқ Кларк меҳмоннинг илк луқмасиданоқ Лейнгарт ҳозирда мансаб чўққисида бўлганидан илгариги дўстона алоқаларига унчалар катта аҳамият бермоқчи эмаслигини ўқиб олди.

«Доимо шунақа бўлади ўзи,— кўнглидан ўтказди Кларк,— амал билан муваффақият одамларни ўзгартириб юборади. Лейнгартнинг назарида мен кимман? Иши юришмаган майда ходим».

Кларк ўзини шўрпешона ҳисобларди. Ахир у ҳам амал чўққисига кўтарилиши мумкин эди-да. Нима, унинг найнов Лейнгартдан қаери кам?! Бахт деган нарса унга ҳам кулиб боқиши керак-ку!

Улар пастаккина столча теварагидаги каттагина чарм креслоларга ўтиришди. Столчада коктейллар пайдо бўлди.

— Таассуфки,— деди Кларк,— биз шу чоққача тараққиётга эришолмадик. Мен бунда Физик лақабли агентни тайёрлашни кўзда тутаяпман. У ҳақда шифрограмма орқали ахборот бергандим,

Лейнгарт сарғиш қошларини чимирди. Йўл уни толиқтирганидан ҳозирда таъби ҳам хира эди.

— «Тараққиётга эришолмадик», деганингиз нима-си? Аниқроқ қилиб айтишнинг иложи йўқми?

— Физик охирги пайтда биз билан бирга ишлашдан бўйин товлади.

— Ҳим... Унинг ўрнини босадиган одамни топиб бўлмасмикин?

— Ўрнини босадиган, дейсизми? Афсуски, сэр, бизда ҳозирча бунақа одам йўқ.

Лейнгартнинг қуйи лаби баттар дўрдайди. Ҳозир бу бақалоқни жигига тегарди. Лейнгарт жуда ҳам ишонган нарсани барбод қилиб ўтирса-я! У қизил юзли, бақалоқ Кларкнинг башарасига ҳозирда бир нарса дегиси келарди. Бироқ Лейнгарт ўзини босди. «Пировардида бизнинг ишимизда мағлубиятдан ҳеч ким холи қололмайди,— деди у ичида.— Ундан кейин Кларкнинг бошқаларга ўхшамай ўзининг мағлубиятидан очиқ гапираётгани ҳам қимматли».

— Менга қаранг, Кларк,— Лейнгарт энди мулоҳимроқ гапирди.— Операцияни барбод бўлмаслиги кераклигини тушунсангиз керак, дейман. Барча методларни синаб кўрганингизга ишончингиз комилми?

— Ҳа, сэр. Биз унга шу чоққача бировга айтилмаган катта пул ваъда қилдик. Ишни битирганидан кейин ўзи истаган мамлакатнинг паспортини олишини ҳам айтдик. Бироқ, бу нарсаларга ҳам парво қилмади.

— У руҳан дуруст одамми, ишқилиб?

— Ҳа, тўла-тўқис, ақлу ҳуши жойида, сэр. У коммунистик назариянинг таъсирига жуда ҳам берилиб қолган экан. Бунақалар ҳатто «совуқ урушлар» асрида ҳам шунақанги кўпки, саногига етолмайсиз. Бизнинг махсус картотекамиздаги маълумотларга кўра, бунақа белгили кишилар, менимча, тўрт миллиондан ортиқ бўлса керак. Жаҳонда муносабатлар илий бошласа, буёғи нима бўлади ўзи? Физик Россияда беш йил бўлганлигини сизга эслатиб қўймоқчиман, сэр.

— У, ҳарқалай, нима деяпти ўзи?— Лейнгарт одатдагидан сал қаттиқроқ ва ғижиниброқ гапирди.

— У, менга билим берган ва кўп дўстлар орттирган мамлакатга зарар келтиролмайман, деяпти. Бундан бир йил муқаддам биз билан алоқа қилишга

қаршилиқ билдирмаган. Мана шуниси ғалатиноқ,
сэр. Бизнинг одамларимиз бундан уч йил олдин уни
яхшилаб кўз тагига олиб, уни пишитиб юришганди.

— Ана шу бир неча ой ичида нималар бўлди ўзи?

— Менинг тушунишимча, сэр, у Россияда бир
қиз билан танишиб қолган, ҳозир унга уйланмоқчи
бўлиб юрибди. Чамаси, ўша қизнинг таъсирида
унинг қарашлари ўзгарган...

— Ҳим...— Лейнгарт беўхшов кулимсиради. Дирек-
тор, битта электрон прибор унта Мата Харига ўхшай-
ди, деганда ҳақлигини эътироф этишга тўғри келади
чоғи...— У ўзига содали сув қуйди-да, ўйчан ҳолда
бир неча марта ҳўплади. Вентилятор ўзининг тиним-
сиз қўшиғини ғинғилларди. Қизғиш ёғочдан ясалган
ғилофдаги ва миллари готик услубда ясалган соат
ўн марта занг урди.

Лейнгартнинг юзи бирдан ёришиб кетди. У ста-
канни столчага қўйиб, ўрнидан турди-да, хонада
уёқдан-буёққа юра бошлади.

Қларк бошлиғига зимдан қараб-қараб қўярди.
Лейнгарт кабинетни бир неча марта айлангач, стол-
ча ёнида тўхтади-да, нималарнидир ўйлаганича
Қларкдан паришон ҳолда сўради:

— Ўша... сизнинг физикингизнинг исми нима?

— Кушниц... Ганс Кушниц, сэр.

— Кушниц... Кушниц... Ганс Кушниц,— ғўлдира-
ди Лейнгарт.— Яхши исм. Унда чинакам славянча
нимадир бор... Ҳа, Қларк, мабодо Кушниц бўлмага-
нида уни тўқиб чиқаришга тўғри келарди. Буни ким
айтган Қларк?

— Вальтер бўлса керак... Бироқ худо ҳақида айт-
ган,— Қларк бошлиғига қизиқиш билан қаради.

— Тўппа-тўғри, Қларк. Сиз классикларни ёмон
билмайсиз, бироқ фантазиянгиз ғариб. Гап бундай,
Қларк, менда дуруст бир фикр туғилди, шекилли.

Лейнгарт шоша-пиша креслога ўтирди. Унинг кўз-
лари чақнаб кетганди.

— Қларк, менга ўша Кушницга дахлдор қоғоз-
ларни беринг-чи.

* * *

Инглиз разведкасининг иккита катта амалдори
зўр қизиқиш билан номини тилга олишаётган Ганс
Кушниц «9-меҳмонхона»нинг икки хонали номерида

(разведка ходимлари Ғарбий Берлиндаги хизмат квартираларидан бирини шундай аташарди) ўтирар ва нима бўлганини тушуниб етишга уринарди.

Ҳозирча битта нарсa — бошига кулфат тушгани аниқ эди.

Унинг Москвадан қайтганига бир неча кун бўлганди, холос. Чўнтагида у, Ганс Кушниц, ГДР граждани, МДУ физика факультетини «квант физикаси» ихтисоси бўйича тугатганлиги ҳақидаги яп-янги, бўёғининг ҳиди келиб турган дипломи, Ленинские горидаги ётоқхонада ўртоқлари уни қандай кузатишганлари майда-чуйдасигача ёдида турибди. Йўлга чиқиш арафасидаги оқшомда хонасига ўн икки нафар курсдоши келишди. Жиндай-жиндай ичишди, баҳслашишди, бир-бирларини унутмасликка ва мунтазам равишда хат ёзиб туришга ваъдалар беришди. Кейин қаердандир гитара пайдо бўлиб қолди. Ҳаммалари тонготаргача ашулалар айтишди. Ганс ўшанда жуда ҳам ҳаяжонда эди, чунки ўшал оқшомда беш йилги ўқиш давомида ўртоқларига қанчалар ўрганиб қолганини жуда ҳам чуқур сезиб олганди.

Бу ерда эса уни Ленинские гори, Москва билан мустаҳкам боғлаб турган яна битта одам бор эди. Бу одамнинг кўзлари кулранг, сарғиш сочлари калта қирқилган ва яноқлари салгина бўртиб турарди. Ганснинг назарида бу одамнинг ҳамма нарсаси — ўтли боқишлари ҳам, табассумини жозибадор қиладиган олдинги сийрак тишлари ҳам, баҳслардаги самимий очиқлиги ҳам ўзига яраша эди. Ганс унинг исми бўлган Татьяна сўзини ҳам ҳатто тинимсиз равишда такрорлашга рози эди. Татьяна конькида жуда яхши учар ва жуда кўп рус қўшиқларини биларди. Овози ҳам тиниқ ва кучли эди.

Ленинские горидаги ўтиришнинг эртасига эрта-лаб Татьяна уни кузатиб қўйгани Белоруссия вокзалига борди. Улар бу ерга поезд жўнашидан қирқ минут олдин етиб келишди. Ганс багажини ўриндиқ тагига жойлаб, платформага тушди. Шанба кунининг офтобли субҳидам палласи эди. Вокзалда одамлар қайнар — москваликлар шаҳардан ташқарига ошиқшарди.

Поезд қўзғалгунича икковлари бир-бирларига завқ билан тикилганларича вагон олдида туришди. Татьяна шу ерда уни биринчи марта шоша-пиша,

қайноқ ўпиб олди. Бундан Ганснинг нафаси чиқмай қолаёзди. Вагон майдончасига иргиб чиқаркан, қўлини силкиб қичқирди:

— Мен тезда қайтаман! Кутгин!

Ганс тобора олисда қолаётган қизнинг баланд қоматига тикиларкан, икки ой ўтмасиданоқ яна Москвада бўламан ва Татьянани яна кўраман, деб ўйларди. Ўшанда унинг бундан бошқача ўйлашига асоси ҳам йўқ эди. Диплом ҳимоя қилишидан сал олдин уни ГДРнинг Москвадаги элчихонасига таклиф қилиб, яна бир неча йил Совет Иттифоқида қолиш ва Ўзаро Ёрдам Кенгашида ишлаш масаласига қандай қарайсиз, деб сўрашганди. Тўғри, Ганс илмий-тадқиқот институтида ишлашни орзу қиларди. Бироқ эндиликда Татьяна ҳаёлини банд этиб қўйганидан Ганс бу таклифга бажонидил рози бўлди. Сўнгра уни Ўзаро Ёрдам Кенгашига чақириб, ариза ёзишини сўрашди, аввалига у эксперт вазифасида ишлашини айтишди. Бир неча ҳафтадан кейин уни яна Ўзаро Ёрдам Кенгашига чақириб, отпускадан кейин ишга дарҳол туша оласизми, деб сўрашди. Ганс диплом ҳимоя қилганидан кейинроқ ишга тушишга тайёрлигини айтди.

— Қойил!— хитоб қилди кадрлар бўлимининг бошлиғи.— Сизни ўн бешинчи августда кутамиз. Ҳозирча эса дам олинг.

Ганснинг ҳамма иши жуда яхши бўлаётганди. Шунинг учун ҳам у ўзини сира ҳам ҳозиргидагидек бахтли, хушчақчақ, бемалол сезмаганди. Олдинда кўнгилдагидек иш, Татьяна, янги дўстлар билан учрашувлар турар, хуллас, сеҳрли келажак жамол кўрсатаётганди.

Ганс Шарқий Берлинда бобоси билан бирга турарди. Бобоси қоқ балиқдай қотма, кар бўлса ҳам, етмиш учга борганига қарамай, анча бардам эди. У ўтган урушнинг қатнашчиси бўлганидан ўзини «чинакам немис солдати» санар ва шу ваддан ёшига қарамай, йигитдай азамат кўринишим керак, дерди.

Ганс ота-онасини деярли билмасди. Отаси урушнинг охирги кунларида ҳалок бўлган, онаси эллигинчи йилларда қазо қилганди. Шундан кейин етти яшар Ганс холаси билан бобосининг тарбиясида қолди. Ганс Гертруда холасини иккинчи онаси деб билар ва бунга ажабланмаса ҳам бўларди. Нега деганда бо-

ла эсини таниганидан буён унинг уйида турганди-да. Гертруда хола тўладан келган чиройли, хушчақчақ жувон бўлиб, Ганс кейинчалик унинг анча енгилтак аёллигини тушуниб қолганди. Уйида ўзига ўхшаган хушчақчақ ва тўладан келишган эркаклар бўлиб туришарди. Ганс ўн олтига тўлиб, мактабни битираётганида ўшандай эркаклардан бири — иши яхши кетаётган ва фирмасининг иши билан ГДРга келган савдогар холасини Ғарбий Берлинга олиб кетди. Ганс ўшандан бери бобоси билан қолди. Унинг бошқа қариндош-уруғлари йўқ эди.

Ганс кўп жиҳатдан тасодифийдек туюлган вазиятлар тақозоси билан Москвага келиб қолди. Бунда бобосининг Шарқий фронтда жанг қилгани, уч йил асирликда, лагерларда бўлгани, ўша ерларда русчани унча-мунча ўрганиб олгани ҳам сезиларли роль ўйнади. Бобоси Россияни кўп ва бажонидил эсларди. Унга Россиядаги кўп нарсалар маъқул келавермаса ҳам, баъзи бир собиқ фронтчиларнинг бу мамлакатга қарши қаратилган гапларига қўшилмасди.

— Ҳа,— дейишни хуш кўрарди бобоси,— нима десанг ҳам, Ганс, руслар у ерда бизга жуда олижаноб муносабатда бўлишди. Мен улар бошига қанчалар кулфат солганимизни ўз кўзимиз билан кўрганман-ку.

Шарқдаги суронли мамлакатга қизиқиш Гансга бобосидан ўтганди. У кундалик муомилада керак бўладиган русча сўзларни бобосидан ўрганганди.

— Менинг сенга маслаҳатим, Ганс,— дерди бобоси,— бу тилни ўрган. Биз руслар билан дўст бўламизми ё душманлигимизча қоламизми — барибир бу тил сенга асқотади. Сен бир умр бадавлат бўлиб қоласан.

Гертруда хола Гансга кўп марта табиятан ҳарбий инженер бўлган отангга тортгансан, дерди. Ганс ҳам отасига ўхшаб жиддий мулоҳазакор, аниқ фанларга зўр, физика ва математикадан у фақат аъло баҳо оларди ва ҳар жиҳатдан пишиқ эди. У бирорта ишга киришгудек бўлса, охиригача етмай қўймасди. Рус тилини ўрганишга киришганида ҳам шундай бўлди. У ярим йўлда қолишни истамас, рус тилини мукамал ўрганишга киришганди.

Ганс мактабни тугатганидан кейин радиозаводга ишга кирди. Кечқурунлари ҳафтасига тўрт марта

Герман-совет дўстлиги жамияти қошидаги рус тили курсига қатнарни. У икки йилдан кейин Чехов, Толстой, Горький асарларини рус тилида ўқийдиган бўлди. Кастаньенвельдхендаги Марказий дўстлик уйида Ганс ҳамманинг назарига тушганди. У кечалар, концертлар, учрашувлар ўтказишда қарашарди. Берлиндаги совет колониясида истиқомат қилувчилар орасида ҳам таниш-билишлари кўп эди. Бир куни уни жамиятдаги актив фаолияти учун СССРга бепул туристик сафар йўлланмаси билан мукофотлашди. Шундай қилиб, у китоблардан кўп ўқиган ва одамлардан эшитган мамлакатни кўришга муваффақ бўлди.

— Хўш, қалай,— деб суриштириб қолди ўшанда бобоси,— у ерда, биз, немисларни ҳали ҳам хуш кўришмаса керак-а?

— Йўқ-е,— жавоб қилди Ганс,— бунини мен сезганим йўқ.

— Ҳим,— бобоси ишонқирамади,— балки бунини илтифот юзасидан сездиришмаётгандир. Дарвоқе, мен сенга, руслар — олижаноб халқ, дегандим-ку.

Шундан кейин Ганснинг ҳатто тушига ҳам кирмайдиган иш бўлди. Бир куни унга жамият правлениесида Москвага ўқишга боришни таклиф қилишди.

— Сиз қайси мутахассисликни танлаган бўлардингиз?

— Физикани.

— Унда кириш имтиҳонларига ҳозирлик кўраве-ринг. Москва Давлат Университетининг физика факультетига ўрин бор.

Илҳомланиб кетган Ганс дарсликларга шўнгиб кетди. Кузда у Москвада бўлди ва эрталабдан кечгача студентлик билетини чўнтагидан олиб кўрарди. Наҳотки, бу ҳол ўнгида рўй берган бўлса, у, Ганс Кушниц оламдаги энг йирик ва машҳур университетлардан бирининг студенти саналса?

Ганс эндиликда меҳмонхона номерида ўтираркан, қисқа таржимаи ҳолидаги шу тафсилотларни кўп марта ҳаёлидан ўтказди. Номер сокин, гўё меҳмонхонада жон асари йўқдай туюларди. Бироқ Ганс қуйи залга чиққудай бўлса борми, қаёқдандир боксёр сифат камгап сўлоқмонлар унсиз равишда пайдо бўлиб, яна номерига киритиб қўйишларини биларди. Ганс ўзини нега ҳибсда сақлашаётганларини тушу-

нолмасди. Наҳотки, булар билан бирга ҳамкорлик қилолмаслигини очиқ-ойдин тушунтирмаган бўлса? Улар Гансдан яна нима исташаркин?

— Менга қаранг,— Ганс ўзини Кларк деб таништирган бақалоққа пўписа қилди,— мабодо мени зудлик билан чиқариб юбормасангиз, деразани синдириб полицияни чақираман.

Кларк бунга жавобан хандон отиб кулди-да, кейин жиддий маслаҳат берди:

— Бемаънилик қилманг. Дераза кимсасиз ҳовлига қараган, овозингизни биров эшитмайди. Иннанкейин, наҳотки, менинг одамларим шундай қилишингизга йўл қўйишади, деган ҳаёлга борсангиз?

— Мени холам қидираётган бўлса керак. У полицияга қўнғироқ қилган бўлса ҳам бордир.

— Хавотир олманг. Бунинг йўлини қилиб қўйганмиз. Холангиз сизнинг ошнангиз билан Альцга дам олгани кетганингизни билади.

Ганс бутунлай чорасиз қолди. У суҳбатдан кейин боши қотганича ўринда ағанаб ётарди.

Ногаҳон номерга хизматчи унсиз кириб келди. У патнисда кечки овқат, бир шиша виски, муз, содали сув ва бир блок сигарета олиб келганди.

— Яна бирор нарса керакмасми?— мулойимлик билан сўради хизматчи.

Ганс жавоб қилмади. Ўшал оқшом ғирт маст бўлгунча ичди. У умрида биринчи марта шундай ҳолга тушиши эди.

Эртасига эрталаб Ганс анчагача қаердаю нималар бўлаётганини эслолмади. Боши лўқиллаётганидан башарасини бужмайтирганича кўзларини сал очиб номерни бошдан-оёқ айланиб чиқди. Ниҳоят, ҳаммасини эслаб, бу азобдан инграб юборди. Қандай қилиб буларнинг қўлига тушиб қолди? Кейинги кетма-кет хатоларга сабабчи бўлган биринчи хатога қаерда йўл қўйди ва қандай қилиб бу номерга келиб қолди?

Буларнинг бари уч йил олдин бошланганди чоғи. Ганс ўшанда ёзги таътилда Берлинга келиб, биринчи марта холасини кўргани Ғарбий зонага борганди. Поччасининг ишлари ёмон эмасди. Холаси шаҳарнинг энг яхши районидаги каттагина квартирада турарди. У ўзининг шахсий «фольксваген»ида юрар, эри эса «мерседеси»да ишга кетарди, Икковлари Ганс

келганидан жуда хурсанд бўлишди. Гертруда хола бепарзанд бўлганидан бутун оналик меҳрини Гансга бағишларди.

Бироқ ҳамма иш холасидан эмас, балки эрининг танишларидан бошланди. Улардан бири — кекса, кал, юпқа лаблари қонсиз киши Ганс яқиндагина Москвадан келганини эшитаркан:

— О, буниси қизиқ! Бизга Россиядан гапириб беринг. У ер қалай?— деб хитоб қилди.

Кални ҳамма-ҳамма нарса — Россиядагиларнинг немисларга муносабатини Ганснинг совет ёшлари хусусида қандай фикрдалигига қизиқтирарди. Ганс эса гапига қулоқ соладиган шундай миннатдор суҳбатдош топилганидан хурсанд эди.

— Хўш, сиз русларнинг тинчлик учун курашларидаги муваффақиятларини қандай баҳолайсиз?— суриштиришда давом этди янги таниш.

— Ҳозирча мен Россияни яхши билмайман,— жавоб қилди Ганс.— Бироқ Москвада юрсам ҳам барибир уйимни соғинаман.

— Тўғри!— хитоб қилди кал.— Ҳақиқий немис аввало ватанпарвар бўлиши керак. Айтмоқчи, сизни уйимда кўришдан мамнун бўлардим. Эртага тушда бизникига кириб ўтинг.

Ганс калнинг уйида яна бир киши билан танишди. У хушчақчақ, дилкаш, анча навқирон эди. У Гансни бизнинг «москвалик дўстимиз» деб атарди.

Янги танишлар ягона Германиянинг келажаги, немисларнинг миллий туйғулари борасида баҳслашиб, Штраусга қойил бўлиб, Брандтни сўкишди. Гансга бу кишилар Германия кулфатларини шахсий кулфатларидек юракка яқин олаётганлари учун хуш келарди.

— Ганс, сиз Германиянинг бўлиниши ҳақида қандай фикрдасиз?— деб сўради ундан кал.

Ганс буни содир бўлган факт деб, Германиядаги илгариги ҳокимлар йўл қўйган хатоларнинг жазоси сифатида тушунажagini айтди.

— Бироқ бир кунмас бир кун нотўғри ҳолатга чек қўйилиши керак-ку,— эътироз билдирди уй эгаси.— Ҳар қандай жазонинг ҳам чегараси бўлади, ҳа деяверинг.

— Сиз ҳақсиз,— Ганс унинг гапига қўшилди.—

Эҳтимол, яқин келажакда Германия яна ягона бўлиб қолар.

— Бироқ бу қандай рўй беради?

Ганс елкасини қисди. Бу масала бўйича унинг тайин бир фикри йўқ эди.

— Мен бўлсам сизга, руслар Германия бирлашишига сира ҳам йўл қўймайдилар, дейман,— хушчақчақ таниш гапга аралашди.— Бу ишни бошқа биров эмас, немисларнинг ўзлари қилишлари керак.

— Ҳа-ҳа,— кал унинг сўзини қувватлади,— ўртадаги чегарага қарамай биз бу ерда, Федератив республикада ҳам, Шарқий зонада ҳам ягона миллат, ягона оила эканлигимизни доимо унутмаслигимиз лозим.

Ганс янги танишлари ёқимли одамлар экан, деган хаёлга борди. Шунинг учун ҳам улар ГФР элчихонасида ишлайдиган танишларига битта пакет бериб қўйишни илтимос қилганларида бу арзимас нарсадан бош тортишни ноқулай ҳисоблади.

Ганс шундан кейин ҳар йили ёзда холасини бориб кўрадиган бўлди. Танишган дўстлари билан ҳам ҳар ёзда учрашарди. Улар Ганснинг Москвадаги ҳаётига илгаригидай қизиқишарди. Ганс ҳам уларни қизиқтирган нарсаларга жавоб берар, бунда бирорта қинғирликни кўрмасди. Улар Москвадаги танишларига посилка ёки хат-пат бериб қўйишни илтимос қилганларида ҳам бунда бирорта чатоқлик топмасди.

Ганс Москвадан диплом билан қайтганидан кейин бир ҳафта ўтиб, Гертруда холасини кўргани борганида унинг уйида эски ошналарини кўрди. Шунда уларга ғурур билан бир ойдан кейин Москвага Ўзаро Ёрдам Кенгашида доимий ишга жўнашини билдирди.

Ошналари уни қизғин табриклашди. Хушчақчақ ошнаси Ганс шарафига қадаҳ кўтариб, унга муваффақиятлар тилади.

— Хўш, Ганс,— деди у,— бу ерда сен билан самимийларча фахрланадиган дўстларинг ўтиришганига ишонсанг керак, дейман.

Хушчақчақ ошна ўтириш охирида Гансни ўзининг уйига таклиф қилди ва ўзим олиб кетгани келаман, деди. Чиндан ҳам эртасига тайинланган пайтда хушчақчақ киши олиб кетгани қора «мерседес»да келди. Орадан чорак соат ўтгандан кейин «мерседес» «9-меҳмонхона»нинг олдида тўхтади. Шундан кейин

ҳеч нимадан шак-шубҳаси бўлмаган Ганс разведканинг хизмат квартирасига бош суқди.

Ганс бу ерда Кларк билан илк марта учрашди.

* * *

— Гап шундай, Кларк,— Лейнгарт Ганс Кушницга дахлдор материаллар бўлган папкани ёпаркан, гап бошлади,— унутмаган бўлсам, сиз ундан москвалик агентингизнинг алоқачиси, шунингдек операциянинг техник раҳбарларидан бири сифатида фойдаланмоқчи эдингиз.

— Мутлақо тўғри, сэр.

— Тушунишимча, бу номзоднинг сизни икки жиҳати мафтун қилган. Биринчидан, исми нимайди... К-к-к...

— Кушниц,— Кларк айтиб юборди.

— Ҳа-ҳа, Кушниц — махсус илмий тайёргарлиги бўлган киши. Иккинчидан, социалистик мамлакатнинг граждани сифатида у русларнинг хавфсизлик хизмати томонидан кузатувдан холи бўлади.

— Ҳа, сэр. Менинг фикримни жуда тўғри тушунибсиз. Яна битта асос бор: Ганс Кушниц айланишаётган қизнинг отаси йирик олим — физик. Унинг квартирасидан ўзимизга фойдали бўлган бирорта ахборот олса бўлади. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Кушницнинг яна битта афзаллиги бор. У бориб алоқа қиладиган одам ГДРнинг Москвадаги элчихонасида ишлайди. Шунинг учун ҳам рус контрразведкасининг эътиборини жалб қилмай, у билан учрашаверади.

— Қойил! Энди Кушниц ҳозир қаердалигини айтсангиз.

— Бизнинг махфий квартирамизда.

— Жуда соз!— хитоб қилди Лейнгарт.— Бизни бу Кушницнинг қарашлари қаноатлантирмас экан, ҳар жиҳатдан тўғри келадиган бошқасини яратишимиз лозим.

Кларк Лейнгартга синчиклаб тикилди. Бошлиқнинг юзи ҳаяжондан бўғриқиб кетганди.

Шунда Кларк бирдан фаҳмлаб қолди.

— Сэр,— деди у,— уни алмаштиришни таклиф қилаяпсизми.

— Сизда сезгирликдан ҳам бор экан, ошна.

Кларк қўлида қадаҳни айлантирганича ўйлаб қолди. Нега бу нарса олдин унинг хаёлига келмади. «Оҳ, Роберт, яна бахтли имкониятни бой бердинг».

— Буниси қизиқ, сэр. Бироқ жуда қалтис ва ба-жарилиши мушкул. Алмаштирилган одамни қариндошлар, дўстлар сезиб қолишлари мумкин.

— Ҳўш, қалтисликка келганда бу сиз билан бизнинг касбимизнинг ўзига хос томони,— эътироз билдирди Лейнгарт.— Қийинчиликлар масаласида ҳам материалларни бир кўриб чиқинг. Сиз, қариндошлар, деяпсиз... Бироқ улар кимлар? Шу ерликларми? Бизда уларга таъсир қилиш йўли бор. Иш учун зарур бўлса биз хоҳлаган одамни Ганс дейишаверади. Шарқий Берлинда саксонга қараб кетаётган гаранг бува бор. Берлинлик дўстларми? Бироқ улар Кушницни нақ бир йил кўришмаган. Вақт эса, ўзингиз билгандай, одамни ўзгартиради. Лейнгарт бир лаҳза ўйга ботди.— Битта реал хавф бор, тўғри: Кушницнинг севган қизи. Бироқ одамимизнинг у билан учрашишига ҳожат бормикин?

— Шарт эмас, сэр. Бироқ у Ганс жимиб кетганидан хавотирга тушиши мумкин. Уни қидириб қолиб, сўраб-суриштира сиз ҳам ажаб эмас.

— Сиз ҳақсиз, Кларк. Бироқ бунда ҳам чора бор. Айтайлик, у Шарқий Берлиндаги йигитидан хат олади. Хатда йигит, олдинги фикримдан қайтдим, ватанимда қолишга қарор қилдим. Менга қизиқарли иш таклиф қилишаяпти, деган сўзларни ёзади.

— Бунақа хатни тайёрлаш қийин эмас. Бизда ясама хатни ўхшатиб ёзадиган яхши хаттотлар бор. Ҳўш, қиз бизнинг Гансимизни Москва кўчасида учратиб қолса нима бўлади, сэр?

— Буниси эҳтимолдан узоқ, Кларк. Москва — катта шаҳар. Учрашишлари эҳтимоли йўқдек гап.

— Шундай бўлса ҳам ўша одамни бу жиҳатдан пишитиш зарур. Тўғри, бизнинг ихтиёримизда жуда оз вақт бор.

— Қанча ўзи?

— Кушниц холасининг уйида яна бир ҳафта бўлиши керак.

— Бир ҳафта дейсизми? Унча кўп эмас, албатта, бироқ шу фурсат етиб ортади. Фақат бир минутни ҳам беҳуда кеткизманг. Кушницни тезда рангли пленкада суратга олдинг, овозини ёздиринг, хуллас,

ҳамма нарсани тайёрлаб, разведка мактабларимизга жўнатиш. Эҳтимол, уларда мос номзод топилар. Бунга немис ҳамкасабаларимизни ҳам тортинг. Ҳаракат қилинг, Кларк, ҳаракат. Вақтимиз чиндан ҳам оз.

Лейнгарт ўрнидан турди. У баланд бўйли, жиддий, шаддод кўринарди.

— Кечирасиз, сэр, яна битта савол. Чунончи, оригинални нима қиламиз?

Лейнгарт ўйчан ҳолда лабларини ямлади.

— Менда бу борада тайёр фикр йўқ. Бироқ унинг тақдирини ўйлаб кўришга ваъда бераман. Ҳа, яна битта гап, Кларк... Москвага ўзингиз ҳам боришни истамайсизми? Уни чиройли шаҳар, дейишади!

Бу савол Кларкни довдиратиб қўйди.

— Сэр, сира ҳам ўйламовдим...

— Кларк, ўзингизга виски, менга эса шарбат қўйинг. Мен сизнинг Россиядаги муваффақиятларингиз учун ичмоқчиман.

Кларк қадаҳларни шоша-пиша тўлдириб, бирини бошлиғига узатди.

— Ҳа...— Лейнгарт ўйчан ҳолда гапирди,— сизга ҳавасим келади. Кларк, олдингизда қизиқарли иш турибди... Сизнинг соғлигингизга, жаноб резидент.

Лейнгарт музли шарбатни ҳузур қилиб ичди.

* * *

Ганс жуда азобда қолди. Унинг шу чоққача сокин бўлган номерини нотаниш одамлар тўлдиришди. Улар Гансга кино ва фотокамераларини тўғрилашарди. Бу одамлар Ганснинг овозини ёзишар, бармоқлари изини ҳам олишарди. Гансни ўтиришга, ётишга, туришга, хонада юришга, жилмайишга, кулишга, ҳўмрайишга, сўнгра ечиниб, хонада яланғоч юришга мажбур қилишарди. Худди шу нарсалар кўчада ҳам давом этарди. Ганснинг машинага босиб, қандайдир хилват паркка олиб боришди. У ерда ҳам кинокамераларнинг овози тинмади.

Ганс ўзини ҳўрланган, эзилган, юрак олдиргандай сезарди. Аппарат кўтарган одамлар эса унинг бунақа ҳолатига парвойи налак эдилар. Улар индамай ишларини қилишарди. Ганс улар учун объектнинг ўзи эди, холос. У ўзини томошатаалаблар ўраб олган катакдаги нодир жонивордай сезарди.

Кларк суратга олиш ишлари тугагандан кейин

Гансни хоҳлаган томонига қўйиб юборишга сўз берганлиги учун Ганс мана шу одамни хўрловчи ишларига кўнганди.

Аппарат кўтарган одамлар Гансни ниҳоят холи қолдиришди, бироқ номерда Кларкнинг ўзи ёрдамчилари билан пайдо бўлди.

— Хўш, Ганс,— Кларк хушчақчақ ҳолда гап бошлади, қийналишларингиз тугади, деса бўлади. Бугун сиз озод бўласиз. Нега хафақон кўринасиз?! Биз сиз билан дафн маросимида эмасмиз-ку. Йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди. Менга қаранг, Жек,— деди у ёрдамчиларидан бирига,— айт, бизга овқат олиб келишсин. Мен билан бирга овқат қилишга йўқ демассиз, Ганс?

Ганс ўзининг қийноқчисига тунд, хунук нигоҳ ташладию индамади.

Тез орада таом келтирилди. У бифштекснинг катта-катта бўлаклари, ошкўк, апельсин шарбатидан иборат эди. Жек «Лонг Жон» шишасини очди. Ганс барига охиригача чидаш бериш учун стол ёнига ўтирди-да, узатилган виски билан апельсин шарбатини индамай ичди.

— Хафа бўлиш керак эмас, Ганс,— деди Кларк мол гўштининг каттакон бўлагини ликобчасига соларкан.— Биз сизга ёмонлик тиламаймиз. Ҳозир биз суҳбат қиламиз, ундан кейин озодсиз. Холангиз ҳам кутиб қолган бўлса керак.

Ганс ҳам гарчи овқат егиси келмаса ҳам ўзига бифштексдан солиб олди. У соқчиларига зимдан қараб-қараб қўйса ҳам уларнинг афтидан ёмон бир нарсга сезмади. Улар одатдагидай, ҳатто мулойимгина кўринишар ва овқатни бемалол кавшашарди.

Ганс кўп ўтмай, ўзини бениҳоя енгил сезди. Бор қўрқувлари йўқолди кетди. Баданига ёқимли иссиқ югурар, ҳаракатлари ҳам жуда енгил бўлиб қолганди. «Мен нимадан қўрқдим,— дерди у ўзича,— бари унчалар қўрқинчли ҳам эмас экан. Пировардида рўбарўмдаги гангстер эмас-ку. Кўриниши ҳам жуда салобатли. Бошқалари ҳам ёқимли йигитлар».

— Менга қаранг, Ганс,— Кларк тилёғламалик билан илтимос қилди,— менга ўзингиз ҳақингизда озроқ гапириб берсангиз. Берлиндаги квартирангиз, Москвадаги дўстларингизни тасвирлаб беринг...

— О, марҳамат,— рози бўлди Ганс,— мабодо бу сизни қизиқтирса...

— Ҳа-ҳа, албатта,— тасдиқлади Кларк.

— Бобом икковимизнинг Фишеринзелдаги янги уйнинг иккинчи қаватида учта хона ва катта ошхонамиз бор... Энг катта хонамиз — меҳмонхона, унда Дюре асарларидан бир неча репродукция, жовонларда эса сувенирлар...

Ганснинг фикрлари ниҳоятда тиниқ, жумлалари гўё ўзидан-ўзи келаётгандай силлиқ чиқар, тафаккур бениҳоя тезкорлик билан ишларди. «Менга нима бўлди?— деди Ганс ўзича.— Бу енгиллик қайдан келди, наҳотки виски сабабчи бўлса? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Унда нимадан бўлди?» Ганс эса шундай ҳаёлда қолишни истамас, ҳадеб гапиргиси келарди. Шунинг учун ҳам у бетўхтов гапирар, қолаверса Кларк, ҳатто майда-чуйда нарсаларга ҳам қизиқар, буюмлари квартиранинг қаерида ётгани, қанақа устарада соқолини олиши, нонуштага ўзига нима тайёрлаши, қаерда тушлик қилиши, севимли таомлари бор-йўқлигини суриштирарди. Саволлар кетма-кет ёғиларди. Ганс ҳам ўзига хос бўлмаган сўзамоллик билан жавоб қиларди.

Кларк квартирадаги жиҳозларни, Ганснинг одатларини роса билиб олганидан кейин гапни Москвага кўчирди. У Гансдан таниш рус қизи ҳақида гапиришни сўради.

— У чиройлими?

— Менимча, ҳа.

— Сиз унга уйланмоқчимисиз?

— Мабодо у рози бўлса, биз, албатта...

— Унинг кўринишини, қанақа кийинишини, қаерда ишлашини, ота-онаси кимлигини баён қилинг. Дарвоқе, сиз у билан танишмисиз?

Ганс Танянинг Черемушкадаги квартирасини, болалар кўп бўладиган сершовқин ҳовлини, ёзда тераклардан булдуруқ учишини эслади. Танянинг кенг, олижаноб юзли, бармоқлари бақувват, таниқли физик олим бўлган отаси, кўзлари ниҳоятда мулойим ва қора бўлган тўлароқ онасини ҳам кўз олдига келтирди. Ганс булар ҳақида гапираркан, ҳозирда барини жонли тасаввур қилаётганидан тинимсиз ҳайратланарди.

Кларк шундан сўнг бошқа саволга ўтди. Ганс Москвадаги ГДР элчихонасида кимларни билишини сўраб, бу одамларнинг барини, уларнинг характер-

лари, қизиқишлари ва одатларини баён этишни илтимос қилди...

Ганс элчихонадаги кимларни биларди? Биронта ҳам одамни яқиндан билмайди. Фақат учинчи секретарь Штропни билади чоғи. Улар бир мактабда ўқишган ва Москвада тасодифан учрашиб қолишганди. Шундан кейин у яна бир неча кишининг фамилиясини тилга олиб, кўринишлари қандайлигини тасвирлаб берди.

Саволлар пайдар-пай тушарди. Суҳбат қанча вақт давом этди — бир, икки, балки уч соатми — Ганс айтиб беролмасди. У хона қоронғироқ бўлиб қолганига эътибор берди, холос. Ганс ногаҳон жуда толиқганини сизди. Гапириши ҳам қийинлашди. У ўринга ўзини ташлаб, ухлашни истарди.

— Кечирасиз,— деди у,— мен...

— Ҳа-ҳа,— Кларк ўзига келди,— сиз чарчадингиз. Дам олишингиз керак. Кунингиз оғир бўлди.

Кларк ёрдамчилари билан қўзғалди-да, Ганснинг қўлини сиқиб, уни ёлғиз қолдиришди. Ганс кўзи уйқуга кетаётганида бу ернинг эгаларидан қачон жавоб беражакларини сўрашни унутганини эслади. Бироқ бу нарсани бошқа бир арзимас нарсдай лоқайдлик билан ўйлади.

Ганс ўн тўрт соат донг қотиб ухлади. Бу пайтда эса Мюллер штрасседаги 31-уйда бир неча машинистка аёл унинг кўрсатмаларини магнитофон ленталаридан кўчириб олишарди. Кларк шошилар, Ганснинг ўрнига борадиган одам етиб келгунича барча ҳужжатларни тайёрлашни истарди. Чунки ўша одам Шарқий Берлинга жўнашидан олдин мана шу кўрсатмаларнинг барини ёд олиши ва янги ролини ўзлаштириши керак эди-да.

Эртасига сўроқ такрорланди. Яна биргаликда овқат қилишди, Ганснинг қадаҳига яна жиндай махсус дори солишди. Қўшни хонадаги ва стол тағидаги магнитофонга кўринмас сим билан уланган микрофонлар яна суҳбатни юзларча метр лентага ёзишди.

Бу ҳол бир неча кун давом этди.

* * *

Кларк «Қақнус» операцияси билан кўпроқ шугуллангани сари унинг ғоясига тобора бериларди. Лейнгартнинг аввалига ҳайратомуз, ниҳоятда дадил ва

ғалати туюлган ғояси энди реал ва конкрет иш тусига кира бошлади. Айтмоқчи, у шунчалар ғалати эдимизми ўзи? Жосуслик тарихи ахборот олишда одам алмаштириб қўйилган мисолларни кўплаб билади. Бироқ бу ҳақда ўқиш ва эшитиш бошқаю ўзинг бунақа операция иштирокчиси бўлишинг бутунлай бошқарса.

Кларк мартабаси ошиши ва қўлдан бой берган имкониятларнинг ўрнини тўлатиб олишни ўйларкан, тобора ишга шўнғирди. У роман ёзишга киришган адиб ёки кўнглидаги ниятини олдидаги сурпга илк чизгиларини тушираётган рассомга ўхшаб ижодий жазавада эди. Кларк, афтидан, ана шундай дақиқаларда ўзининг касбини севарди чоғи.

Энг муҳими, дерди Кларк, ҳеч нимани назардан қочирмаслик. Ҳар қандай майда нарсани ишни барбод қилиши ёки сақлаб қолиши мумкин. Алмаштирилдиган одам оригинал ҳақида ҳаммасини ёки қарийб барини билиши лозим. Бунинг учун ҳам Кларк Ганс Кушниц эсхонасининг ҳамма бурчакларига кирмоқ учун миясини тит-пит қилаётган эди. Кларк Ганс Москвадаги ва Берлиндаги барча танишларини эслашини ва қиёфаларини тасвирлаб беришини талаб қиларди. Ушалардан биттаси четда қолиб кетса борми, алмашган одамнинг ана шу таниш билан учрашуви аянчли оқибатга олиб келарди. Айтайлик, Москвада кўчада Ганснинг университетдош ўртоғи алмаштирилган одамга яқин келади. У чинакам Гансни яхши билганидан саломлашади ёки чақиради. Алмаштирилган одам мабодо «ўзининг танишини» билмаса унинг ўзини тутиши дарҳол ғалати кўринади. Наридан борганда бу ҳолат мағлубиятга олиб келиши мумкин. «Бошқа танишларингизни, уларнинг белгиларини, нима иш қилишларини, қандай вазиятда танишганингизни эсланг»,— дерди Кларк Гансга сира ҳам тиним бермай.

Алмаштириладиган одам тайёр бўлгунича Гансни сўроқ қилиш давом этди...

Кларк билан Лейнгарт суҳбатлашган куннинг эртасига бир неча ходим махфий хизматнинг разведка мактабларига, НАТО мамлакатларининг разведка мактабларига юборилганди. Атлантиканинг иккала томонидаги ўнларча шахслар «Қақнус» операциясига жалб қилинган бўлиб, бунинг пировард мақса-

дидан фақат тор доирадаги шахсларгина воқиф эдилар.

Операция бошланганидан кейин икки кун ўтгач, Кларк бир вақтнинг ўзида иккита шифровка олди. Уларнинг бири Англиядан, иккинчиси Туркиядан эди. Шифровка юборганлар, мактабларнинг курсантлари орасидан муносиб номзодни топганга ўхшаймиз, деб хабар қилишганди. Ўша куннинг ўзида Англия Ҳарбий Ҳаво Кучларига қарашли махсус самолётларда алмаштирилиши лозим бўлган одамлар Франкфурт — Майн яқинидаги ҳарбий-ҳаво базасига келтирилди, у ердан эса қалбаки паспортлар билан голландиялик туристлар тўдасига қўшилиб Ғарбий Берлинга ўтишди.

Кларк алмаштириладиган одамларни сабрсизлик билан кутарди. У Физик — Кушницнинг жуда катталаштирилган суратини узоқ кўздан кечирди. Расмдан Ганс унга ё қўрққаннамо, ё ҳайратланганнамо қараб турарди. Унинг қиёфаси оддий бўлиб, тўдада бировнинг эътиборини ўзига тортмасди. Сарғимтир кўзлари ботиқроқ, бурни тўғри ва сал калтароқ, сарғиш сочлари тараб қўйилганди. Ёлғиз даҳанигина кенгроқ, кўркам, ўртада кулдиргичи бўлиб, йигитнинг бутун Мюллерштрассе, 31-уйдагилар Физик деб ном қўйишган Ганснинг ташқи кўринишига айнан ўхшашлиги Кларкни тўла-тўқис қаноатлантирарди. Нега деганда унда кўзга ташланиб турадиган, бошқаларда учрамайдиган бирор нарса йўқ эди-да. Ҳатто 179 см. бўлган бўйи ҳам уни эл қатори эркак қилиб кўрсатарди. Буларнинг бари унинг ўрнига алмаштириладиган одамни танлашдек ишни енгиллаштирарди. «Ҳа-ҳа,— дерди ўзига ўзи Кларк,— бунақа кўринишдаги одамни қидириб топиш — анча реал вазифа».

Кечқурун соат тўққиздан ошганди. Кларкка қўнғироқ қилиб, алмаштириладиган одамлар етиб келишганидан хабар беришганида Кларк ҳамон ишлаб ўтирарди. Ярим соатдан кейин Кларкнинг столида иккита семиз папка пайдо бўлди. Булар қиёфадош одамларга дахлдор материаллар эди. Кларк папкани ичкари томонига ёпиштирилган конвертдан катталаштириб олинган рангли суратларни шоша-пиша чиқарди. Расмлар учта эди. Бирида курсант рўбарўдан, иккинчисида ён томондан, учинчисида эса

бўйи баробар қилиб олинганди. Кларк бу суратларга тикиларкан, жиндай бўшашгандай бўлди. Ҳа, расмларда Гансга ўхшаш томонлар сезилиб турарди, албатта. Даҳан ҳам Ганснинг даҳани сингари қўшалоқ, сарғимтир кўзлари ботиқроқ, юзида ҳам ўхшаш томонлар анчагина, Кларк столидан Ганснинг расмини олиб, курсантнинг сурати ёнига қўйди-да, биридан иккинчисига кўз ташлайверди. Ҳа, иккови бир-бирига шубҳасиз ўхшарди. Шундай бўлса ҳам Кларкка бунда нимадир етишмай тургандек эди. Бундаги тафовут суратлардаги юз чизиқларида эмас, балки иккала сурат эгасининг ички ўзига хослигида сезилиб турарди. Ганснинг кўринишида очиқлик, самимият, инсоний туйғулар кўпроқ сезиларди. Курсантнинг кўринишида эса маҳдудлик, совуқлик, қандайдир ички жонсараклик, ташқи оламга ишончсизлик кўзга ташланарди. Курсант қандайдир ғиштин девор ёнида бўй баравар олинган суратида Гансга кўпроқ ўхшарди. Кларк эртаси куни иккала йигитни ўз кўзи билан кузатганидан кейин тугал хулосага келишга қарор қилди. Ҳозирча эса суратларни бир чеккага суриб, шахсий материалларни ўрганишга киришди.

«Эрнст Краузен,— дейилганди папкадаги материалда,— ёши 26 да, бўйдоқ, бўйи 179 см. протестант динида, Канада фуқароси. Отаси эстон, онаси рус, икковлари ҳам Россиядан, Торонтодаги технология колледжини тамомлаган. Эстон, рус, инглиз тилларини билади. Мактабда тўртинчи йили таълим олиши, радио ва шифр ишидан, «махфий ёзув ва қаратёдан баҳолари яхши».

Шундан кейин Краузеннинг табиати тасвири, мактабдаги ва жамоатдаги хулқи, қарашлари ва эътиқодлари баён қилинарди. Қисқача характеристикадан маълум бўлишича, Эрнст Краузен ичмас, чекмас, жисмоний жиҳатдан бениҳоя бақувват, вазмин, хотиржам, бироқ бирмунча маҳдудроқ бўлганидан ҳамма билан ҳам тезда киришиб кетавермайди.

Кларк характеристикани охиригача ўқимай, биринчи папкани нари сурди-да, иккинчисини қўлга олди. Бунда ҳам уни аввало суратлар қизиқтирди. Кларк уларга кўз ташлаши биланоқ енгил тин олди. Ҳа, бу оригиналга яқинроқ экан, шекилли. Кўриниши хушчақчақ, шўх, одми—жозибадор қиёфа. Тўғри, курсант Кларкка Гансга қараганда анча ёшроқ кў-

ринди. «Физик — Кушнициннинг ёши 27 да, буниси нечага кирганикин?»— уйларди Кларк материалларни шоша-пиша варақларкан.

Юзеф Полонскининг ёши 25 да эди. Шахсий ишидан маълум бўлишича, у Англияда, Дортсмутда, поляк офицери Крайовой оиласида туғилганди. Отаси жиноятга тортилишдан чап бериб, 1947 йилда Англияга қочган ва рус муҳожирининг қизи Екатерина Слепцовага уйланган экан. Улар Юзеф икки ёшга тулганида Германия Федератив Республикасига кўчиб ўтишибди, у ерда катта Полонски поляк муҳожирлари ташкилотида тарғибот ишлари олиб борибди. 1955 йилда у автомобиль ҳалокатида сирли равишда ҳаётдан кўз юмибди. Юзеф ўн еттига кирганида онаси ҳам вафот этибди. У шу тариқа мусофир юртида нонга ҳам пул тополмай қолибди. Мюнхендаги ресторанлардан бирига амал-тақал қилиб, официантликка кирибди, ўшанда бир киши оқшомда НАТО разведкасининг ходими бўлган кекса офицер билан учрашибди. Офицер йигитчанинг таржимаи ҳолини эшитганидан кейин унга анча қизиқарлироқ иш таклиф қилибди. Юзеф шуҳратпараст эди. Официантликдан анча-мунча ишлаб турар, бироқ у хизматида бўлганларнинг кўпчилигида вилла билан яхталар бор, Полонскининг уйи эса харобгина, мебелли бир каталак эди. «Йўқ-йўқ,— дерди у ўзига ўзи,— мен албатта одам бўлишим керак».

Энди унга бахтли имконият туғилганди.

Юзеф Полонски Англияга бориб қолди. «Хўжайинлар» уни ёпиқ технология колледжига жойлаштиришди, уни тамомлаганидан кейин икки йил разведкачиларнинг махсус курсларида таълим олди.

«Юзеф Полонски,— дейилганди материалларда,— поляк, немис, инглиз ва рус тилларини билади. НАТО флотининг денгиз разведкаси бўлимида икки йил хизмат қилган. Киришимли, катта жозиба соҳиб, сезгирлиги жойида ва хотираси кучли. Аёллар орасида муваффақият қозонган».

Кларк кресло суянчигига ўзини ташлаб, трубкасига тамаки жойлаб, чекди. На чора, бу Полонски билан яқинроқ танишса арзийди. Одатда бунақалардан дуруст агент чиқади. Тўғри, Россияда унга қийин бўлади, бироқ ёш, шуҳратпараст йигитнинг «Қақнус» операциясида иштирок этиши мартаба ва бой-

лик орттириши учун яхши имконият бўлади. Ҳа, бу йигитнинг омади бор экан. Афсуски, Кларкка бунақа ҳол энди дуч келиб турибди. Кларкнинг умри кўпроқ турли элчихоналарнинг хавфсиз биноларида: кондиционерлар салқин қилиб турган қулай хоналарда ўтганди. Қалтис ва хатарли ўйинлар эса бошқалар зиммасига юклатилганди. Кларкнинг зиммасига эса асосан режалар тузиш ва ҳисоботлар тайёрлаш тушарди.

Бироқ, рўй-рост айтиладиган бўлса, Кларк чинакам ишга мана энди қўл ураётганди. «Ҳаққуш» операцияси муваффақиятли ўтса бас, унда Кларк уйига зафар қучиб қайтарди. Ҳозирда эса энг муҳими — адашмаслик ёки бирор нарсани назардан қочирмаслик. «Ўзингни бос, Кларк,— дерди у ўзига ўзи,— фақат қизишмасанг бўлгани. Бу икковидан қайси бири Физикнинг ўрнига бора олишини ҳал қилиш зарур ҳали. Ўз таассуротларингни бошқаларда ҳам синаб кўриш керак, чунки шахсий таассуротларинг субъектив чиқиб қолиши мумкин. Бироқ бу ишни эртага қиламан».

Кларк эртасига ўзининг кабинетига кираркан, дастлаб ички алоқа кнопоксини босиб, «махсус сектор» ходимини чақирди. Бир дақиқадан кейин хонага баланд бўйли, боши катта, тақир кал киши кириб келди. Тўқ кулранг костюм унга жуда ҳам ярашиб тушганди. У бошлиқнинг столи ёнида ишонч ёрлиқларини топшираётган элчидек тантанавор ҳолда турарди. Ёқавайрон ва паст бўйли Кларк унинг ёнида вилоятдан келган майда, афтода бир одамдек кўринарди.

Бу кишини Мюллерштрасседаги 31-уйда Барон де-йишарди. У чипдан ҳам остзейлик баронларнинг фарзанди эди. Дарвоқе, Барон унга «мистер Розенцвейг» деб мурожаат қилганларида жавоб берарди. Розенцвейг доимо жиддий юрар, оддий ҳазил-ҳузилни ҳам тушунмас, шунинг учун ҳам ходимлар уни роса эрмак қилиб юришарди. Улар Баронга салгина ҳазил гаплар қилишса ҳам у чиппа-чин ишонаверарди. Бироқ бошқа масалаларда Розенцвейгга етадиган топилмасди. У ресторанда тушлик ёки кечки овқат ташкил қилишни, даврада қўшиқ айтишни, меҳмонларни кутиб олиш ва кузатишни жуда ҳам ўрнига қўярди. Ана шу одамнинг қатнашуви ҳар қандай

ижтимоий тадбирга салобат ва ҳаттоки зодагонларга хос файз бахш этарди.

— Эртангиз хайрли бўлсин, сэр Розенцвейг,— деди Кларк.— Яхши дам олдингизми? Ўтиринг.

— Миннатдорман, сэр,— Барон эса ёши бир ерга борганига қарамай адл қоматини тантанавор эгдида, пиджагининг барини қайириб ўтирди.

Кларкка Бароннинг тантанаворлиги ва Кембридж университетининг битирувчиларига хос бўлган қилиқлари хуш келмаса ҳам ҳозирда унинг хаёли бошқа ёқда эди.

— Сизга топшириғим бор, сэр Розенцвейг.

— Хизматингизга тайёрман, сэр.— Барон мулоим таъзим қилди.

— Хитой ресторани меҳмонларни кутишга тайёрма?

— Ҳар маҳалгидек. Мен куни кеча ҳамма нарсани кўздан кечириб чиққандим. Аппаратура шай ҳолда, сэр.

— Қойил, Бугун қаерда ўзингиз билан бирга тўрт кишилик зиёфат уюштирасиз. Айтайлик... кундузи соат бирга.

Барон кичкинагина қўйин дафтарини қаради-да, унга: «Тўрт кишилик зиёфат. Кундузи бирга», деб ёзиб қўйди.

— Қайси разряд бўйича ўтсин, сэр?

— Биринчи бўйича ўтса ҳам бўлади.

Барон дафтарчасига бу нарсани ҳам қайд қилди.

— Кундузи соат бирга ресторанга сизнинг ихтиёрингизга иккита йигитни олиб келишади,— гапида давом этди Кларк,— бироқ иккови бирга келмайди, навбати билан, ўн-ўн беш минут олдинма-кейин келишади. Йигитлар бир-бирларини танишмайди, шунинг учун ҳам уларни бир-бирлари билан таништирмайсиз. Икковларини бошқа-бошқа залларга ўтқазинг. Тушундингизми?

Барон, очиги, ҳеч нимани тушунмаганди, бироқ кўп йилдан бери хизмат қилаётгани сабабли ҳеч нимадан ажабланмасликка ва ортиқча саволлар бермасликка ўрганиб қолганди. Шу ваздан ҳам «Ҳаммаси равшан»,— деб жавоб қилди.

— Бўлмаса, бўғини эшитинг. Бир оздан кейин залда бизнинг ходимимиз пайдо бўлиб, йигитлардан бирининг ёнига келиб ўтиради. Мабодо у сиз билан

суҳбатлашаётган йигитнинг ёнига келиб ўтирса, сиз яна бир печа дақиқа ўтиринг-да, уларни холи қол-
диринг. Бошқа йигит билан банд бўлинг, унга яқин-
лашишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни одмироқ ту-
тинг — баронлигингизни пеш қилманг.

Кларкнинг сўнгги гапи бемазалиги билан Розен-
цвейгнинг жиғига тегса ҳам у дамини чиқармади.

— Бугун кечқурун,— Кларк бароннинг нафсония-
ти олиниб ич-этини еяётганини сезмаганга олиб да-
вом этди,— ҳамма нарса ҳақида менга ахборот бера-
сиз.

— Эшитаман, сэр.

— Бўшсиз.

Розенцвейг эшикни ёпиши биланоқ Кларк яна
селектор кнопоксини босди. Динамикдан аёл киши-
нинг овози келди.

— Бетси, менинг ёнимга киринг,— буюрди Кларк.

Кларк ходимаси келгунича трубкасига тамаки
жойлади ва шифтда секин визиллаётган вентилятор
томонга бир олам тутун пуркаб, мамнун ҳолда қўл-
ларини ишқалади. Кеча кечқурун хаёлига битта ре-
жа келган, уни ўйлагани сари режаси ўзига кўпроқ
ёқарди.

Зерикканроқ ва юриши ўйноқироқ кўринадиган
жонан Бетси кириб келди. Бетси, афтидан, ўзини бу
учрашувдан хурсанд кўрсатмоқчи бўлиб, ўлганининг
кунидан жилмайди.

Кларк кечаги оқшомни эслаб, қўлини сал кўтариб
саломлашди. Кечаги нарсаларни эсласа, Кларк бир
аҳволга тушар, нега деганда, у эркак сифатида Бет-
сининг кўнглини ололмай шарманда бўлганди. Бугун
эрта билан ўзини оқлашга уринаётган бўлса ҳам,
ҳаракатлари беҳуда кетарди. У Бетсининг белига
шапатилаб қўйди.

Бетси бунақа нарсаларга сира ҳам қаршилиқ қил-
масди. Чунки у ўзини енгил-елпи тутиши учун яхши-
гина ҳақ олар ва ичида бошлиғининг журъатсизли-
гини сира ҳам тушунолмасди.

Бетси таклифни кутиб ўтирмай креслога ўтирди-
да, оёқларини чалиштирди.

— Менга ишингиз борми, хўжайин?

— Албатта, Бетси,— Кларк ҳамон тиржаярди.

— Яна битта-яримта мижозми?

— Шунга ўхшаганроқ нарса.

— Бироқ ўтган сафардагидай шарти кетиб, парти қолган кал бўлмаса керак, дейман?

— Аксинча, келишган йигит.

— Ҳим...— Бетси гумонсиради.— Кўрамиз, бироқ, хўжайин, шу эсингизда турсин, мабодо менга қундирма тишли чолларни тикиштирадиган бўлсангиз, маошимни оширишингизни талаб қиламан.

Кларк хохолаб юборди:

— Йўқ-йўқ, Бетси, бугундан бошлаб ихтиёрингизда расмларини журналларнинг муқоваларида чиқарса ҳам одам уялмайдиган йигитлар бўлишади. Ҳозир сиз бу сафар ажойиб йигит билан бирга бўлишингиз ғамини еганимни кўрасиз.

Кларк креслоси ёнидаги столчадаги панель кнопоксини босганди, деразалардаги парда аста орқага тортила бошлади. Кабинетни қоронғилик босди. Шундан кейин у бошқа кнопкани босганди ўша захотининг ўзида ёришган экраннинг пардаси иккала томонга сурила бошлади-да, Кларкнинг тепасидаги даричадан конуссимон оқиш ёғду тарала бошлади.

Экранда Ганс Кушниц — Физик кўринди. У малла сочли бошини солинтирганича парк йўлкасидан борарди. Бирдан у тўхтаб, бошини кўтарди, камера жуда яқин келганида аранг ва ғайритабиий кулиб юборди.

— Хўш, у сизга ёқадими?— сўради Кларк.

Бетси, йигитнинг кўриниши чакки эмас, деб қўйди.

Ганс шундан кейин хонада айланиб юраркан, кулди, кадр ортидаги кимдир билан суҳбатлашди. Дарвоқе, лента овозсиз бўлганидан Ганснинг нималар деяётганини билиб бўлмасди.

— Унинг юзини яхшилаб эслаб қолдингизми?— экран сўниб, дарпардалар очилганидан кейин сўради Кларк.— Сизга уни оломон орасидан таниб олишга тўғри келади.

Бетси, бу ишни уddалашим қийин эмас, деб уни ишонтирди.

— Унда гапимга диққат билан қулоқ солинг,— Кларк ўрнидан турди-да, кабинетда уёқ-бубёққа юраркан, гапида давом этди.— Бугун соат биру йигирмада сиз хитой ресторанида бўлишингиз керак. Сиз ҳозиргина кўрган йигит ўша ерда бўлади.

— Мен унинг ёнига ўтириб, гапга тортишим ке-

рак-а? Кечирасиз, менинг бу ресторанда биринчи бўлишим, таомлар рўйхати борасида қарашиб юбормайсизми?— деди Бетси бидирлаб.

— Бунинг ҳам қойил қилишингизга шубҳам йўқ.— Қларк жилмайиб қўйди.— Бироқ бизнинг вазифамиз мураккаброқ: қўшни залда ёнингиздаги йигитга жуда ҳам ўхшаган бошқа йигит бўлади. Сиз адашмаслигингиз ва ҳозиргина расмини кўрган йигитнинг ёнига бориб ўтиришингиз керак.

— Шунинг ўзини?

— Деярли. Сиз уни айлантиришингиз мумкин, бироқ ошириб юборманг, тагин у сизга уйланиш ҳаёлига тушиб қолмасин. Бунинг фойдаси йўқ: у Берлинда оз бўлади, қачон қайтиб келиши эса номаълум.

Бетси кўзларини юмиб, уҳ тортди.

— Эҳ, хўжайин, доимо шунақа бўлади. Мабодо менга бирортаси ёқиб қолса, албатта уйланмаслиги керак. Ҳа, сиз мени сўққабош ўтишимни хоҳлайсиз-да.

Қларк кулди.

— Менимча, Бетси, сўққабошлик сизга таҳдид қилаётгани йўқ. Ҳа, дарвоқе, у ерда Баронни учратасиз, бироқ ўзингизни уни танимайдиганга соласиз. Кечқурун сизни ахборот билан кутаман.

Бетси кўзгалди. Қларк столдан узоқлашиб, унинг яноқларини сийпалади.

— Хўш, қизча, бемаъни ишлар бўлмасин. Тагин уни яхши кўриб қолмагин.

Бетси елкасини қисиб қўйди-да сонларини, ликиллатганича эшикка томон йўналди. Қларк эса ютоқиб унга тикилганича турарди.

Хитой ресторани Америка зонасида, жуда катта кўчалардан бири Бисмаркштрасседа эди. Унинг теваарагида меҳмонхоналар, универсал магазинлар, идоралар, кинотеатрлар қалашиб ётарди. Бисмаркштрассенинг тротуарларида қарийб барча тиллардаги сўзларни эшитса бўлар, теваараклардаги магазинлардан энг янги маркадаги «мерседес» ёки европада чиқариладиган «форд»дан тортиб, жиғилдон қайнашини тўхтатадиган дориларгача харид қилиш мумкин.

Қларкнинг одмигина «опель-рекорд»и теваарагидаги машиналарнинг шиддатли оқимидан аранг сур-

гилиб, икки қаватли, хитойча услубда қурилган чароғон бино олдида тўхтади. Бинонинг томи ҳам, деразаларининг соявонлари ҳам ёй шаклида эди. Кларк машинасини қўйишга тротуар ёнидан зўрға жой топди.

Эшикларининг ўрни бамбук пардалар билан тўсилган ва шифтида ранг-баранг фонуслари бўлган пастак, салқин залда Кларкни тўқ зангори костюмдаги хитой кутиб олди. Чамаси унинг афтини кўнгилни оздирадиган даражадаги чучмал табассум сира ҳам тарк этмайдигандай туюларди. Кларк ундан бошқарувчига олиб боришни сўради. Хитой тинимсиз таъзим қилганича нимқоронғи коридордан Кларкдан олдинда пилдираб кетди.

Кларк эшикни итариб, мўъжазгина хонага кирди.

— А, Кларк!— оқ сочли киши хитоб қилганича унга қўлини чўзди.— Сени кўрганимдан хурсандман!— Улар қўл олишишди.— Сен ҳар маҳалгидай иш билан келдингми?— сўради меҳмонни яхши танийдиган бошқарувчи. Унинг ўзи ҳам Кларк ишлайдиган разведка бўлимининг ходими эди. Разведка бошлиқлари уни ана шу ишига жойлаштириб қўйишганди.

— Ҳа, Брени, иш билан келдим. Пультли хонанинг калитини тез бер.

Брени бурчакда турган пўлат сандиқни очиб, калитларни олдида, Кларкка узатди.

— Юр, кузатиб қўяман.

Улар коридор охиридаги торгина зинадан иккинчи қаватга кўтарилишди-да, биттагина эшикли торгина майдончада ўзларини кўришди. Бошқарувчи шу ерда меҳмонни ҳоли қолдирди. Кларк эшикни очиб, анчагина кенг хонага кирди. Хонанинг олд деворини телевизион пулт эгаллаган, унинг темир тахтасида бир неча экран қатор тизилган бўлиб, улар тагида хилма-хил рангдаги кнопкалар бор эди. Девор ва шифтдаги кавакларга яширилган мўъжазгина телекамералар ва эшитувчи қурилмалар қўшни залдаги овозлар ва тасвирни бу хонага узатиб турар, шунинг учун ҳам пулт олдидаги кенг креслолардан бирида ўтириб олиб, залда нималар бўлаётганини бемалол эшитса ва кўрса бўларди. Мабодо бирор столча атрофидаги суҳбат қизиқиш уйғотса

борми, кнопкалардан бири босилса бас — ўша темир қутидаги магнитофонлар бу суҳбатни ёзиб оларди. Суҳбат ниҳоятда аниқ ёзиб олинар, чунки тегишли аппаратура бегона барча шовқинни чегириб қоларди. Бу ресторанга келиш Ғарбий Берлиндаги барча туристлар программасига киритилганидан Кларк билан унинг ходимлари бу ердан анча-мунча фойдали ахборотлар олиб туришар, бу эса ўрнатилган мураккаб асбоб-ускуналар учун ҳам ресторан эгасининг ҳисобига ўтказиб туриладиган маблағни тўлатукис оқларди.

Кларк соатига қаради. Бирдан йигирма минут ўтганди. Қиёфадош одамлар залда бўлишлари керак. Бетсининг кўринишига яна ўн минут бор эди. Кларк пастак шкафчанинг эшигини очиб, бир шиша «Куин Энн» содали сув бўлган сифон ва музли темир қути олди. Ўзига виски тайёрлаб олгандан кейин панелдаги бир неча кнопкани босди-да, креслога чўкди.

Ҳамма экранлар оқиш ёғду тарата бошлади. Столлар атрофида ўтириб, овқат чайнашаётган, кулишаётган, зерикашаётган, бир-бирлари билан чақчақлашишаётган кишилар Кларкнинг кўз ўнгидан турна қатор ўтиша бошлади. Ёш, қари, эркак ва аёлларнинг кўркем ва хунук башаралари...

Кларк экрандан кўзини узмаган ҳолда эринибгина виски тортарди. «Одам ўзини кузатишаётганини билмаганида ўлгудай кулгили бўлади-да,— дерди у ичида.— Анави бақалоқни қаранг — қўшни стол ёнидаги сариқ сочли аёлга азбаройи бақа бўлиб тикилиб қолганидан пастки лаби осилиб кетибди-я. Эҳ, одамлар одамлар»,— Кларк хўрсиниб қўйди. У ҳозирда кавшашдан бўшамаётган одамлар тўдасига нафрат билан боқарди.

Камерада қўққисдан Бароннинг кал боши ва даҳанида кулдиригичи бўлган яхши таниш башара кўриниб қолди. Буниси ким бўлди — Краузенми ёки Полонскими, Кларкнинг буни айтиб беришга қийналиши турган гап. Йигит ялтироқ — жигарранг костюм кийган, мой сурилган сочи силлиқ таралганди. Кларк унинг ҳаракатлари, жилмайишидан бу курсантни Физикдан ажратиб турадиган ўзига хос томонларини ахтариб юзига тикиларди. У вискиси чала ичилган стаканни қўйиб, иккита кнопкани босди. Камера

бир жойда тўхтади. Кларк назарида баландроқ туюлган товушни сал пасайтирди.

Ўртадаги суҳбат арзимаган нарсалар устида борарди. Барон мулойимлик билан йигитдан қандай келганлиги, Ғарбий Берлиндан олган таассуротларини суриштирарди. Кларк овозни ёзиб олинадиган кнопкани босди-да, телекамерани ҳаракатга соладиган кнопкани босди.

Ниҳоят, эшикда Бетси кўринди. Метрдотель — зал оғаси зумда унга яқинлашиб, бўш столча ёнига бошламоқчи бўлувди, у, дўстларимни излаяпман, дея унинг хизматидан воз кечди. Метрдотель бир мунча бўшашган ҳолда нари кетди, Бетси эса диринглаганича залда юра бошлади. У даҳанини мағрур кўтариб олганидан гўё рўбарўсига қараётгандай туюларди. Кларк унинг экранда тўлалигича кўринаётган юзига тикиларкан, Бетсининг узун киприкли кўзлари зални титкилаётганини сизди. Мана у Барон ва курсант ўтирган столча ёнидан ўтса ҳам Барон билан танишлигини сездирмади, курсантга кўзи тушганида киприклари салгина титради, холос. «Таниди,— ўйлади Кларк қаноатланиб,— демак ўхшашлик, барибир кўпроқ экан».

Кларк шундан кейин Бетсини бошқа залда кўрди. Ўша заҳотининг ўзида иккинчи курсантга ҳам кўзи тушиб қолди. Курсант пастак креслонинг суянчигига ўзини ташлаганича оёғини чалиштириб, устун ёнида зериккан алфозда ўтирарди.

Кларкнинг нафаси чиқмай қолди. Бетси, қаерга ўтирсам экан, деяётгандай ботинқирамай тўхтади. Курсант унга қизиқиш билан тикилди. Бетси эса орқасига ўгирилиб, бошқа залга қараб юрди: у адашишни истамасди.

Кларк панелга эгилиб, кнопкани босди. Энди экранда иккинчи курсантнинг афти катта бўлиб кўринарди. Кларк, бу Юзеф Полонски, деб ўйлади. Бироқ бунга тўла ишонмасди. Худди ўша лаҳзада Бетси ҳам унинг тахминини тасдиқлади. У курсант столига яқинлашди-да, зўр табассум қилганича сўради:

— Рухсат этасизми?

— О, албатта, хоним,— жавоб қилди Полонски қўзғалиб,— бажонибидил.

Бетси курсантга миннатдорона нигоҳ ташлади-

да, креслога кўрам чўкиб, сигаретасини олди. Полонски унга зажигалка ёқиб, тутди.

— Герберт Спак,— ўзини таништирди у. (Полонски ана шу фамилияда Фарбий Берлинга келганди).

— Менинг исмим Бетси... Бетси Крамер,— суҳбатдоши ҳам ўзини таништирди.

— Сиз Англиядан бўлсангиз керак?— қизиқсинди Полонски.

— Худди шундай! Бу ерга туристлар группасида келдим,— Бетси бажонидил тушунтирди.— Сизга айтсам, хитой ресторанида сира ҳам бўлмагандим. Шунинг учун, бир кўрай-чи, деб келувдим. Дарвоқе, бирор егулик танлашда қарашиб юборсангиз. Менинг хитой таомларидан сира ҳам хабарим йўқ.

— Очиғини айтсам, мен ҳам жуда катта билимдон эмасман. Биргаликда бирор нима танлаймиз-да, менда синаб кўрамиз: мабодо заҳарланмасам, унда сиз ҳам таваккал қиласиз...

Икковлари хушчақчақ қулишди...

— Унда шундай деймиз, биттадан мао-тай, лойга ўраб пиширилган тухум, қўзиқоринли бузоқ гўшти,— таклиф қилди Полонски.

Кларк аппаратни қўйилган ҳолда қолдириб, Мюллерштрасседаги 31-уйга жўнади.

Уша оқшомнинг ўзида Лейнгарт Франкфурт — Майннинг қаеридандир Кларкка қўнғироқ қилди. Табиийки, уни «Қақнус» операциясига тайёргарлик қандай бораётгани қизиқтирарди. Фарбий Берлин бўлимининг бошлиғи, ҳаммаси план бўйича кетаяпти, қиёфадош одам топилди, у билан иш олиб борилаяпти, деб жавоб қилди.

— Эртага мен сизларда бўламан,— огоҳлантирди Лейнгарт.— У билан ўзим гаплашмоқчиман.

Юзеф Полонски билан ишлаш чиндан ҳам бошланганди. Кечқурун Барон билан Бетси қиёфадош одамлар билан қилган суҳбатлари борасида Кларкка ахборот беришганди. Кларк уларнинг гапларини паришон ҳолда тинглади. Бундан олдин у ёзиб олинган нарсаларни эшитишга улгурган, ходимларнинг унга бирор янгилик қўшишлари мушкул эди. Кларкни асосан Бетсининг ўзини ресторанда қандай тутгани қизиқтирарди. У нимага Полонскини танлади?

— Мен анча иккиландим,— деди Бетси,— кейин

эса иккинчиси экранда кўрган одамимга кўпроқ ўхшайди, деган қарорга келдим. Бироқ бошқасининг ҳам ўхшайдиган томонлари бор.

— Иккинчиси сизда қандай таассурот қолдирди.

— Жуда яхши йигит. Эртага учрашишга келишдик.

— Қаршимасман. Бугун арзимас нарсалар ҳақида валақлашдинглар. Эртага анча қимматлироқ информация олиб келарсиз, дейман.

Кларк ходимларига жавоб бериб юборгандан кейин Ганс Кушниц — физик ва унинг қиёфадошлари тасвирлари туширилган пленкаларни яна кўрди-да, ўзининг дастлабки қарори ҳақлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилди. Ҳа, Полонски Кушницнинг ўрнига жуда ҳам мос келарди. Икковлари бир-бирларига жуда ҳам ўхшашарди.

Кларк меҳмонхонага қўнғироқ қилиб, соқчиларни, Полонски жойидан қимирламасин, деб огоҳлантириб қўйди. У кечқурун соат тўққиз бўлганда ўзининг «опель»ига ўтирди-да, хизмат квартирасига жўнади. Дўконлар билан магазинлар ёпилган, у ер-бу ерда рекламаларнинг чироқлари ёнарди. Шаҳар кундузги югур-югур ва жазирамадан кейин дам оларди.

Кларк эса чорраҳалардаги светофорлардан бўлак нарсаларга парво ҳам қилмасди. Унинг фикру хаёли Полонски билан бўлажак суҳбатда эди.

Кларк чорак соатдан кейин меҳмонхонага кирди. Полонски ўзининг номерида телевизор кўриб ўтирарди. У ичкарига кирган Кларкни кўраркан, телевизорни ўчирди-да, меҳмонга қизиқиб тикилди.

Кларк ўзини таништирди. Полонски ўзининг Герберт Спаклигини айтди.

— Бу ерда эҳтиёткорликнинг ҳожати йўқ, — деди Фарбий Берлин бўлимининг бошлиғи илжайиб. — Бизни сизнинг чинакам фамилиянгиз Юзеф Полонски — тўла қаноатлантираверади. Яқиндагина сизнинг шахсий ишингизни кўриб чиқдим. Шунинг учун ҳам жиддий гапим бор. Сизда ичадиган бирор нима топилар, дейман?

Полонски қўлларини ёзди:

— Мен бу ерга ҳали ўрнашиб олганимча йўқ. Билмайман, балки бордир... — У меҳмондан синовчан нигоҳини сира ҳам узмасди.

— Унда анави бурчакдаги барни очинг. У ерда бўлиши керак.

Чиндан ҳам пастаккина шкафда олти-еттита шиша ва кубиклар шаклидаги муз бор эди. Полонски зумда виски тайёрлади. Йигит Кларкка маъқул келди. Унинг эгнида ўзига ёпишиб турган сарғиш ранг шим бўлиб, болаларники сингари ингичка белига камар таққан, кўк кўйлагининг енги катта бўлганидан мушаклари кўриниб турарди. «Бунақа йигит аёлларга ёқиши керак»,— деб қўйди ичида Кларк ҳасад билан.

Кларкнинг ҳамма нарсага — ёшликка, пулга, ишдаги муваффақиятларга ҳаваси келарди.

Икковлари индамай ичишди.

— Юзеф,— гап бошлади Кларк,— ўзингизни дуруст ҳис этаяпсизми? Соғлигингиздан нолийдиган жойингиз йўқми?

Полонски ўзини жуда ҳам яхши ҳис этаётганини айтди.

— Сизни нимага чақирганимизни сезаяпсизми?

— Мутлақо. Менга, Ғарбий Берлингга учинингиз керак, дейишди, холос. Бор-йўғи шу.

Полонски вискидан ютди. Кларк, бу йигит сал ҳаяжондалигини ва гап нимадалигини билишга сабри чидамаётганини сизди. Йигит шундай бўлса ҳам суҳбатдошим нима деркин, деб сабр-тоқат қилиб турарди. «Бардоши яхши экан»,— деб қўйди ўзича Кларк.

— Сиз оғир вазифани бажаришингизга тўғри келади, Юзеф. Бу иш қалтислигини яширмоқчи эмасман. Бунга тайёرمىсиз?

— Мени қалтис ишга кўп йил тайёрлашди,— Полонски қисқа жимликдан кейин жавоб қилди.

Бу жавоб Кларкка хуш келди.

— Сиз «темир парда»нинг нарёғига боришингиз керак бўлади.

Полонски бир неча муддат жим қолди.

— Қаёққа ўзи?— ниҳоят сўради у.

— Москвага.

Полонски қадаҳни столчага қўйди.

Номерга жимлик чўкди. Кларк суҳбатдошининг юзига синчиклаб тикиларди. Полонски чамаси қотиб қолгандай эди. Кейин у қултиллатиб, вискидан ютаркан, қизиқсинди:

— У ерда нима қилишим керак?

— Сиз русларнинг янги қуроли борасида эшитган бўлсангиз керак? Сўнгги ракетага қарши қуролни. Бизнинг вазифамиз — унинг сирини қўлга киритиш. Сиз эса бунда бизга кўмаклашадиганлардан бўласиз.

— Мен русларнинг янги қуроли ҳақида энди эшитаётганим йўқ. Кейин эса у қуролнинг ўрни тагида йўқлиги маълум бўлади,— ҳижолатга тушиб жавоб қилди Полонски.

Кларк йигитнинг охирги сўзларини тингламасида-ноқ шоша-пиша:

— Бу сафар ҳам худди шундай бўлиб чиқса, биз хурсанд бўлардик. Бироқ буни ҳам исботлашимиз лозим,— деди.

Полонски шоша-пиша сигарета олиб, зажигалкасини ёқди. Кларк курсантнинг бармоқлари салгина титраётганини пайқади.

— Москвада бизнинг одамимиз бор,— гапида дамов этди Кларк.— Унинг имкониятлари катта ва мавқеи мустаҳкам бўлса ҳам ўзи бор-йўғи шофёр холос. Шарқий германиялик дипломатни олиб юради. Унга техник жиҳатдан тайёргарлик кўрган раҳбар зарур.

— Москвада бунақа одам йўқ эканми?

— Бор, албатта. Бироқ уларнинг имкониятлари чекланган. Руслар гарблик дипломатлар ва журналистлардан гумонсирашларини сиз яхши биласиз. Уларни сира ҳам кўздан қочиришмайди. Сизга биз бопта бошпана топдик, у ўзаро Ёрдам Кенгаши. Бизнинг матбуотимизда уни «Комэнк» дейишади. Сиз у ерга техник эксперт бўлиб борасиз.

— Бироқ, қандай қилиб?

— О, бу жуда осон ва айни пайтда жуда мураккаб. Бу ерда Шарқий Берлиндан келган одам бор, у уч ҳафтадан кейин Москвага жўнаб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида иш бошлаши керак. Биз уни узоқ кузатдик ва ходимимиз бўлишга кўнади, деб ўйлагандик. Бироқ у коммунистик идеологиянинг таъсирига тушиб қолиб, таклифимиздан бош тортди. Шундан кейин биз унинг ўрнига бошқа одам топишга қарор қилдик ва сизнинг номзодингизда тўхтадик. Гап шундаки, икковингиз икки томчи сувдай бир-бирингизга ўхшайсизлар. Эртага сиз уни кўрасиз.

— Бироқ қариндошлари бу қалбакиликни пайқаб қолишади-ку!

Кларк кулимсиради.

— Ташвишланманг. Биз ҳаммасини кўзда тутганмиз. У йигитнинг биттагина мункиллаган бобоси бор. Кейинги йилларда у неварасини жуда кам кўрган ва ўртадаги фарқни пайқамаслиги ҳам мумкин. Биз йигитнинг Москвадаги танишлари, ҳатто севган қизини ҳам биламиз. Йигитдан ҳамма нарсаларни сураб-суриштириб олганмиз. Сиз ўшаларни яхшилаб ўзлаштириб олсангиз бас, барча тасодифиятлардан эсон-омон юраверасиз.

— Бироқ мени Шарқий Германиянинг элчихонасида ёки ўша... Ўзаро Ёрдам Кенгашида... пайқаб қолишлари мумкин-ку...

— Буниси мустасно. У элчихонада унча кўп бўлмаган, Ўзаро Ёрдам Кенгашига эса икки марта кирган, холос.

Полонски ўйлаб қолди.

— Истасангиз, рад этишингиз мумкин,— гапида давом этди Кларк,— бироқ манави нарсани ўйлаб кўринг. Сизнинг чекингизга агентлар умр бўйи орзу қиладиган вазифа тушаяпти. Муваффақият қозонсангиз, катта мартаба эгаси бўласиз. Бадавлат одамга айланасиз...

— Бадавлат, дейсизми?— Полонски қайта сўради.— Қанча пул оламан ўзи?

— Ойига ўн минг доллар ва операцияни бажарганингиздан кейин — юз минг.

— Пул!— хитоб қилди у.— Пул учун нималар қилмайсан! Эсимни танибманки, пулга ёлчимайман.

— Пулдор бўласиз. Бироқ бу ҳаммаси эмас. Сиз разведка тарихига кирасиз ва вақти келиб миллий қаҳрамон бўласиз. Қартага, Юзеф, анча кўп нарса тикилган ва таваккалчилик ўзини оқлайди.

Юзеф гоҳ-гоҳ вискидан ютиб, сигарета чекарди.

— Ўйлаб кўринг, эрталабгача вақтингиз бор. Рози бўлсангиз, эртадан бошлаб тайёргарлик кўришга киришамиз. Душанба куни Шарқий Берлинга жўнашимиз лозим.

— Шунчалар тезми?— Полонски чамаси биринчи марта ажабланганлигини изҳор қилди.— Мен розиман. Бошқа чорам ҳам йўқ. Ёлғиз бошимни тикаман, тирикчилик қиладиган бошқа нарсам йўқ.

— Ҳар ким ўзича тирикчилик қилади,— деб қўйди Кларк,— бироқ вақтимиз, афсуски, оз. Демак, эртагача,— Кларк қўзғалди.— Ҳа, яна битта гап,— деб қўйди у Юзефнинг қўлини қисаркан,— ҳаражат масаласида бемалол бўлаверинг. Ходимларимиз орқали хоҳлаган нарсангизни буюраверинг. Хўш, виски, яхши овқат... қизчалар, дегандай. Яхшилаб маишат қилиб, тиниқиб олсангиз ёмон бўлмайди.

Эртасига эрта билан Полонскини тайёрлашга киришилди. Етиб келган Лейнгарт у билан нақ бир соат суҳбатлашиб, оригинал билан алмаштирилдиган одамнинг бир-бирларига ўхшашликлари ҳайратланарли даражада, деб топди. Лейнгарт Полонскига вазифасининг ҳарбий-стратегик ва сиёсий аҳамиятини уқтириб, ўзи ҳар қанақа ёрдам кўрсатажагини айтди.

— Сиз озод дунё ҳимоясига қўшадиган ҳисса,— деди Лейнгарт,— чинакамига бебаҳо бўлади.

Полонски ўзи билан суҳбат қилаётган одам кимлигини билмасди. Унга бу НАТОнинг катта одами, дейишганди, холос.

— Сиз ҳамма ердан, ишдаги суҳбатдан, метрода, газета, журнал ва китоблардан информация олишингиз керак,— гапида давом этди Лейнгарт.— Қўпинча қимматли информация ўзинг томондан тушадди. Тарих разведка маълумотлари масалан, инжилдай беозор китобдан олинган мисолларни ҳам биладди. Ҳа-ҳа, инжилдан... Сизга бу классик ҳолат ҳақида мактабда айтиб беришмаганми?

— Йўқ,— эътироф қилди Полонски.

— Унда буларни эшитиб қўйиш сизга фойдали бўлади. 1918 йилнинг феврилида,— давом қилди директор ўринбосари,— генерал Аленби олтмишинчи инглиз дивизиясига Иерихонга ҳамла қилиб, туркларни Иорданнинг нарёғига суриб ташлашни буюрди. Инглизлар асосий зарба беришга ҳозирлик кўришаркан, ҳужум йўналишидаги қояли тепаликда жойлашган Мичмаш қишлоғини ишғол этишлари керак эди. Тепаликни штурм қилишга бутун бир бригада ажратилди. Мичмашни кенг ҳужумга ўтган ҳолда эгаллаш ва туркларнинг ўша қишлоқчада ўрнашиб олган катта кучларини қувиб чиқариш зарур эди.

Дастлабки кенгашда Мичмаш қишлоғининг номи тилга олинганида бригада штаби бошлиғи Вивьен

Жилберт бу номни қаердадир эшитгандай бўлди. Шундан кейин бу номни инжилда эшитганини эслади. У чодирига кетди-да, бир бўлак шам ёруғида инжилни варақлаб, Мичмаш тилга олинган жойни ахтаришга тушди. Уша жойни топди ҳам. Унда шундай дейилганди:

«Саул ҳам, ўғли Ионфан ҳам, улар билан бирга келишган одамлари ҳам Гибес Вениаминда эдилар, бироқ филистимликлар Мичмашда лагерь қилиб олишганди... Кейин шундай воқеа бўлди: Саулнинг ўғли Ионфан қуролбардор йигитига айтди: «Нариги томондаги филистимликлар, қўшинига борамиз». Бироқ у ўзининг падарига айтмабди... одамлар ҳам Ионфан кетганидан ғофил қолишибди. Ионфан филистимликларнинг лагерига ўтмоқчи бўлган қора сўқмоқ узра бир томонда ҳам учли қоя, иккинчи томонда ҳам учли қоя бор экан. Улардан бирининг номи Бознас, бошқасиники эса Сенех экан. Улардан бири Мичмашнинг шимол томонига, иккинчиси эса Гебейдан жануб ёққа қараган экан. Ионфан ўзининг қуролбардор йигитига дебди: «Лагерга борамиз... балки парвардигор бизни қўллар, чунки эгам ўзининг иродасини кўплар орқали ҳам, жуда озгина одамлар орқали ҳам ўтказаверади».

— Ана шу парчада,— гапида давом этди Лейнгарт,— Мичмашга яқинлашиш тўғрисида муҳим ҳарбий информация мужассамлашган. Штаб бошлиғи Ионфан қуролбардори билан ёнбағирликдан тепаликка кўтарилган жойларгача ўқиган. Уйқудаги филистимликлар уйғонишган. Улар бизни Саул армияси қуршаб олибди, деган хаёлга бориб, тартибсиз равишда қоча бошлашган. Шунда Саул уларга ўзининг армияси билан ҳужум қилган. Инжилда айтишлишича, бу унинг филистимликлар устидан қозongan илк ғалабаси бўлган.

Штаб бошлиғи бригада командирини уйғотиб, унга инжилни кўрсатибди. «Бу тоғ йўли,— дебди у,— ўша қоялар ва тепалик ҳали ҳам турган бўлса бордир». Командир унинг гапига қўшилибди. Ушаёққа юборилган разведкачилар йўл худди инжилда айтилгандайлигини, Мичмашдаги тепалик ойдинда аниқ кўриниб турганини хабар қилишибди. «Ўтган асрлар мобайнида Паластинда оз нарса ўзгарибди»,— деди бригада командири.

Штурм плани зумда ўзгартирилди. Командир бутун бригада ўрнига уйқудаги туркларга битта рота жўнатди. Ротанинг йўлида учраган бир неча соқчилар шовқин-суронсиз йўқ қилинди ва инжилда айтилган тепалик ҳеч бир ҳодисасиз эгалланди. Турклар тонготар олдиди бир вақтлар филистимликлар уйғонганларида кўз очиб қўраб олиними, деган ҳаёлга бордилар-да, тўзиб кетдилар...

— Ҳамма жойдан информация топишни ўрганинг,— хулоса қилди Лейнгарт,— ўшанда филистимликларни тум-тарақай қилаверасиз...

Россия бўйича учта мутахассис Полонски ёнидан жилишмади. Уни рус тилини, урф-одатларини билишни имтиҳон қилиб кўришди. Олдига Москванинг ҳеч қанақа белги, ёзув-позуви бўлмаган харитасини ёзиб қўйиб, анча кенгроқ маълум бўлган майдонлари, театрлари, музейлари, тарихий ёдгорликларини кўрсатишни, шунингдек уларга шаҳар транспорти билан тез етиб бориш йўллари сўрашди. Москвадаги йўл ҳаракати қоидалари ҳақида алоҳида сабоқ бағишланди.

Полонски мактабда бу масалаларда яхши тайёргарлик кўрганига ишонч ҳосил бўлгандан кейин Ганс Кушницнинг муфассал таржимаи ҳолини ўрганишга ўтишди.

Полонски хотираси бениҳоя ўткир эканлигини кўрсатди. Икки кундан кейинроқ у оригиналининг асосий ҳаёт босқичларини равои ҳикоя қилар, отонаси, қариндошлари, дўстларининг номларини айтиб, уларнинг кўринишлари ва одатларини айта оларди. Кушницнинг тасвирини унга ўнларча марта кўрсатишди. Полонски унинг юриши ва кулишини ўрганиб олди. Дарвоқе, у билан бирга ишлаётган натоқи разведкачилардан бирортаси ҳам курсантни Юзеф Полонски демасди. Энди уни Ганс Кушниц дейишарди.

Ганснинг ўзини ҳам унга бир неча бор кўрсатишди. Тўғри, қиёфадан уни қўшни хонадаги деворга ўрнатилган ойнадан кўрди. Ходимлардан бири Кушниц билан суҳбат қилди, Полонски эса кузатарди. Кушниц гангиган ва эзилган кўринарди. Допинг унга мунтазам равишда бериб турилганидан жуда мазасини қочириб қўйганди. Иродаси букилган, ўзи итоатгўй ва ювош бўлиб қолганди.

Кларк агентидан бир қадам ҳам нари кетмасди. У ўзини Россияда, жамоат жойларида, муассасаларда ва ижтимоий тадбирларда қандай тутиши кераклигини батафсил тушунтирарди.

Пировардида алоқа қилиш усуллари борасида келишиб олишди. Полонски кўрсатмани махсус радио эшиттиришлар орқали олиб туради. Икки ҳафтада бир марта жума кунлари Москва вақти билан соат ўн саккиздан 05 минут ўтганда. Ғарбий Берлинга хабар юбориш учун Новодевичье қабристониди яширин жой бор, у савдогар мазорига ўрнатилган ёдгорликда. Кларк Полонскини бу ёдгорликнинг сурати ва мазорнинг махсус планида қаерда тургани билан таништирди... Яширин жойдан информация Ғарбий Берлинга етказилади...

Якшанба куни Полонски тайёр бўлди, унга Ганснинг ҳужжатлари, квартирасининг калити, костюми ва бошқа буюмлари берилди. Улар Гертруда холасининг квартирасидан олинганди. Ходимлардан бири ҳақиқий Ганс билан қиёфадошни сўнгги бор солиштириб кўраркан, Ганснинг яноғида кичкина холи борлигини қайд этди. Буни шошилинча ҳеч ким пайқаманган экан. Шундан кейин зудлик билан пластик операция қилувчи хирургни излашга тўғри келди ва тунги соат ўн иккиларда Полонскининг яноғида сунъий хол пайдо бўлди.

Энди Ганс Кушниц бўлиб қолган Полонски душанба куни каллаи саҳарлаб Шарқий Берлинга жўнади.

— Биз оригинални нима қилайлик энди?— деб сўради Кларк навбатдаги учрашувлардан бирида Лейнгартдан.— Унутмаган бўлсам, сиз унинг кейинги тақдири борасида ўйлаб кўришга ваъда бергандингиз, сэр.

— Э, ҳа-ҳа,— Лейнгарт унинг гапига қўшилди,— эсимда. Менимча, азизим Кларк, бу одам телба.

Кларк бошлиғига ажабланиб қаради: ҳазил қилмаётганмикин, ишқилиб? Бироқ Лейнгартнинг тунд юзи сергак кўринарди.

— Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, Кларк. Биз унга пул, катта пул, операция тугаганидан кейин хоҳлаган мамлакатининг паспортини таклиф қилдик, келажагини таъминлашини истадик, у эса баридан бош

тортди. Эси-ҳуши жойида одам бунақа қилолмайди, хўп деяверинг.

— Шундай, сэр,— Кларк эҳтиёткорлик билан унинг гапига қўшилди.

— У ўзини ҳозир қандай тутаяпти?

— У жуда ҳам эзилган, сэр.

— Мана кўрдингизми?— Лейнгартга жон кирди,— бу менинг тахминларимни тасдиқлаяпти, холос. Сизнинг ўрнингизда бўлсам, Кларк, психиатрлар ёрдамига мурожаат қилардим. Бу одамни даволаш керак. Гарчи у бизнинг умидларимизни оқламаган бўлса ҳам, унга инсоний муомилада бўлишимиз керак, Кларк

— Бироқ, сэр...— оғиз очди Кларк.

Лейнгарт унинг гапини бўлди:

— Бизнинг қийин аҳволдалигимизни тушунадиган мутахассисларни топиш қийин эканми?

— Менимча, қийин эмас, сэр.

— Жуда соз. Бунда зиқналик қилиб ўтирманг.

— Эшитаман, сэр.

Ҳақиқий Ганс Кушницнинг қисмати шу тариқа ҳал бўлди. Бир неча кундан кейин уни Франкфурт-Майнга олиб келиб, хусусий клиникага жойлаштиришди. Врачлар Лейнгартнинг ғойибона қўйган диагнозини маъқуллашди. Кушницнинг асабларини жуда айниганга чиқаришди.

Учинчи боб

У КИМ БУЛДИ?

— Ҳарқалай, бу қандай рўй бериши мумкин?— контрразведка махсус бўлимининг бошлиғи Анатолий Васильевич Петраков дерди ўзига-ўзи.— Инглизлар қандай қилиб ракетага қарши янги қуроли ҳақида маълумотлар олишга муваффақ бўлишдикин?

Анатолий Васильевич шарикли қаламини қўлида айлантирганича кабинетида шошилмай уёқдан-буёққа юрарди. Полковник Петраков қирқдан ошган, шундан ўн етти йили контрразведка органларида ўтиб келаётганди. Унинг маҳкам юмилган оғзи, пайваста қошлари бутун қиёфасига кескинлик ҳаттоки бирмунча жиддият бахш этиб турарди. Бошқарма-

даги кўпчилик одамлар Петраковни табиатан оғир, ортиқча гапни ёқтирмайдиган одам санашарди. У бор жойда бошқаларнинг, айтайлик, хоккейнинг охирги матчи ҳақида валақлаш ёки янги латифа айтишга юраклари дов беравермасди.

Петраковнинг ишдан бошқа яна битта нарсага суяги йўқ эди, яъни беш яшар қизчасини жудаям яхши кўрарди. Полковник бутун бўш вақтини сарғиш сочига капалакнусха лента бойлаган қизчаси билан ўтказарди. Қизчаси билан хоккейга борар, отпусчасини бирга ўтказар, гоҳо байрам эрталиклари бўлганда клубда ҳам кўриниб қоларди. Унинг бутун қалб ҳарорати ана шу кичкинагина сарғиш сочи қизалоққа бағишланаётганга ўхшарди.

— Ҳаммасини бир бошдан таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Анатолий Васильевич,— таклиф қилди дераза ёнида турган ходим Сергей Николаевич Рублев. У йигирма еттига борган, баланд бўйли йигит эди. У қўлларини кўксига чалиштирганича пастки лабини ямларди. Рублев зўр бериб ўйлаган пайтларидagina шунақа қиларди.— Бу маълумотлар инглизларга уларнинг агентураси орқали эмас, балки дўстларимиз орқали етган, деб бир дақиқа фараз қилайлик. Шу маълумотлар тасодифий равишда тушиб қолган. Бу қанақа бўлишини биласизми? Гоҳо яхши ниятли дўстларимиз Совет Иттифоқининг қудратини пеш қилишни истаб, унинг ўзида йўқ нарсаларни бор қилиб кўрсатишади. Мишмишлар кўпинча шундай пайдо бўлади.

— Йўқ, Сергей Николаевич,— гапиди давом этди Петраков,— бу вариант кетмайди, «Дейли миррор»даги мақолани синчиклаб ўқиб кўринг. Унда очиқдан-очиқ қилиб, навбатдан ташқари мажлис ўтказилди, дейилган. Демак, душман разведкасида ракетага қарши қурол учун янги ёнилғи ҳақидаги хабарга мутлақо ишониш учун ҳамма асослар бор. Акс ҳолда улар айюҳаннос солишмасди. Гоҳо эса шунчаки афкор оммани чалғитгани ва вазиятни янада кескинлаштириш учун ҳам шунақа қилишади.

— Улар гарчи бу соҳада чиндан ҳам бирор маълумотга эга бўлсалар, унда фақат агентларидан оладилар,— деди Рублев тахминига таяниб.

Икковлари жим қолишди. Петраковнинг столидаги вентилятор аридай гўнғилларди. Офтобнинг қий-

шиқ нурлари ланг очилган деразаларга урилиб, полга тўрт бурчак бўлиб сочиларди.

— Айтинг-чи,— деди Петраков тинчликни бузиб,— сизда бу борада қандай тахмин бор? Бу муаммога дахлдор кишилар орасидан ким биринчи манба бўлиши мумкин?

— Ҳозирча йўқ. Бунинг тагига етиш учун менга вақт керак.

— Ҳим...— Петраков бир дақиқа ўйга ботди.— Шундай бўлса ҳам, менимча, информация сирғилиб чиққан кавакни институтдан излаш керак. Енилгининг илғор турлари проблемаси билан шуғулланадиган институтдан. Демак, шунда...

— «Зет» суyoқлиги устида Смеляков фирмаси ишляпти... Мен бу фамилияни кўп марта эшитган бўлсам ҳам, Смеляков билан ҳали танишганимча йўқ. Айтишларига қараганда, жуда етилган, зўр ташкилотчи, фаннинг фидойиси экан. Сиз у билан учрашмаганмисиз?

— Афсуски, йўқ, Анатолий Васильевич. Бироқ уни ажойиб одам деб эшитганман. Айтишларига қараганда, ўзига ҳам, қўл остидагиларга ҳам бераҳм экан. Қандайдир ғалати томонлари ҳам бор. Менга бир сафар у институтдаги қабул маросимига спорт кийимида келиб, кексаларни жуда ҳайратга солганини гапириб беришувди...

— Дарвоқе, унинг ёши нечада?

— Анигини билмайман. Бироқ элликлар атрофида бўлса керак. Смеляков ишлаётган вазифаси учун ҳали анча ёш. Ўттиз ёшида фан доктори бўлган. Уни бениҳоя ишчан дейишади. Шуҳратпараст, бироқ қалбаки обрў орттирганларга тоби йўқ, шунинг учун ҳам анча-мунча душмани бор. Мухлислари ҳам бор. Уни Фарбнинг илмий доираларида ҳам яхши билишади. Англияда Қироллик илмий жамияти: «Доктор Смеляков хусусида қандай фикрдасиз?»— деган мазмунда сўров ўтказганини айтиб беришувди.

— Бунчалик ном қозонганига сабаб нима?

— Сизга айтсам, Анатолий Васильевич, бу Смеляков энергетик инверсиянинг ашаддий тарафдори. Сиз ана шу тахмин борасида қанчалар қизгин баҳслар кетаётганлигини билсангиз керак?

— Ҳа, ниманидир ўқигандим. Энергия йўқолиб

кетмайди, у атмосферага ёйилади ва уни йиғса бўлади... Шу атрофдаги нарсами?

— Ҳа. Проблемаларнинг проблемаси. Ана шу назария атрофидаги тортишув етти юз йилдан бери давом этапти. Смеляков бу тахминни математик томондан асослаб берган. Бу бутун фан оламида унинг шахсига бўлган қизиқишни кучайтирган, албатта. Шунақа кашфиёт, чунончи, атом ядросининг парчаланиши қонуниятини очишдан кам аҳамият касб этмаслигини тушунасиз, албатта. Бу нарса башарият учун амалда энергиянинг туганмас манбаига эга бўлишни насиб этган бўларди.

— Ҳа, бу қизиқ,— деб қўйди Петраков ўйчан ҳолда. Пича жимликдан кейин эса сўради,— Сергей Николаевич, бу гап Смеляковнинг фирмасидан чиқиб кетолмаганмикин?

Рублев дарҳол жавоб бермади.

— Сизга айтсам, Анатолий Васильевич, менга маълум бўлишича, Смеляковнинг институтида шахсий маълумотларни сақлаш чораларига қаттиқ амал қилинади...

— Ҳа-ҳа,— Петраков сабрсизланиб, унинг гапини бўлди,— буни мен биламан. Бироқ ҳарқалай... Биз институт раҳбарларини бепарволикда гумонсирай олмаймиз, бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам... Маълумотлар сақланаётган жойдан тарқалишини амалиёт кўрсатиб турибди. Мен битта-яримта киши ёмон ниятда, деб сира ҳам шубҳа қилмайман. Эҳтимол, кимдир мақтанчоқлик қилиб валдираб қўйгандир. Ҳозирги олиб бораётган ишлардан институтда ишлаётганларнинг тор доираси хабардор-ку. Сиз бунга алоқадор одамлар билан яқинроқ танишиб олинг. Бироқ, бунда қалтис йўлдан борманг, албатта. Биз битта-яримтани ишончсизлик билан ҳақорат қилолмаймиз. Айтмоқчи, сиз Смеляковнинг шахсий ҳаётини биласизми?

— Жуда кам. Унинг шахсий ҳаёти — иши бўлса керак, дейман. Смеляков Совет Армияси техник қўшинларининг собиқ офицери. Армиядаги чиниқиши ҳозирги ишида ҳам ўзини сездириб туради. У жуда қаттиққўл, эс-ҳуши жойида ва ўзини қўлга олган одам.

— Ҳа, бунақа тоифадаги одамлар шунақа бўлади ўзи. Бироқ унинг, айтайлик, ички ҳаёти қанақайкин?

У уйланганми? Болалари борми? Қариндошлари ким?

— Билишимча, унинг хотини билан қизи бор.

— Хотини ким?

— Врач. Педиатрия бўлимида ишлайди. Қизи — журналист.

— Турмушга чиққанми?

— Ҳа.

— Яхши. Эртага кечга яқин сиздан ҳаракатларингиз режасини кутаман. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўринг. Сизни ўн бешу ноль-нолда кутаман.

Рублев кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турди, бироқ Петраков уни қўли билан тўхтатди.

— Ҳа... Сергей Николаевич, сал бўлмаса унута-ёзибман. Анави инглиз билан бўлган воқеа... бир оз хунук чиқибди-да.

Рублев бошлиғига саволчан нигоҳ ташлади.

— Нима гап ўзи, Анатолий Васильевич?

— Ҳарқалай... Нима қилардингиз ўзингиз бориб?

— Ҳа, кўзим билан кўриб, ишонмоқчи бўлгандим...

— Одамларингиз бор эди-ку... Мени кечиринг, Сергей Васильевич, сиз ҳамма ишни ўзингиз қилмоқчи бўласиз, буни пайқаганимга анча бўлган.

— Ҳа, бироқ...— оғиз очди Рублев.

— Йўқ, гапга қулоқ солинг. Сиз — группа раҳбарисиз. Сизнинг вазифаңгиз — ишни ташкил қилиш. Сиз эса ўзингиз бажарасиз. Бунақа ишларни қўл остингиздагиларга қўйиб бераверинг.

— Маъқул, буни ҳисобга оламан...— Рублев қизариб кетди, Петраков эса буни пайқаб, гапида давом этди,

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, хафа бўлманг. Кўникиб кетасиз. Буни кўнглингизга олманг...

— Қўйсангиз-чи, Анатолий Васильевич!

— Бунақа нарсаларни эшитиш хуш келмаслигини тушунаман. Бироқ, начора.— Петраков кулимсираб қўл узатди.— Вақти келиб, ўрганиб кетасиз. Ҳозирча... муваффақиятлар тилайман.

* * *

Петраков эслатиб ўтган воқеа икки кун олдин рўй берганди. Кечга яқин Рублевга группасининг оператив ходими дўстона даврада Гоша дейишадиган

Георгий Максимов қўнғироқ қилиб, Малла яна уфқда пайдо бўлганидан хабар берганди.

— Унга Новодевичье қабристонига нимадир керакка ўшайди,— деди Максимов.

— Эҳтимол, ёдгорликларни кўргани шунчаки келгандир?

— Йўқ. У хизмат машинасида эмас, балки таксида келди...

— Бу ҳали сабаб эмас...

— Ҳа, албатта,— қўшилди Максимов,— бироқ унда нега ўзини панага олади? У «дум»дан қутулмоқчи бўлгандай роса илонизи қилиб юриб, чалгитди.

— Бирор нарсани пайқадими?

— Чамамда йўқ... Бу ерда нимадир иши бор. Ким биландир учрашмоқчи бўлса керак.

Ҳа, кейинги пайтларда Жозеф Маккензи ўзини ғалати тута бошлаганди. Уни Рублевнинг группасида Малла дейишарди. У негандир кечаси соат ўн иккида шаҳардан ташқарига жўнар, дам бир илмийтадқиқот институти олдида уймалашар, дам яширинча қандайдир махфий учрашувга шошиларди. Мана энди эса Новодевичье қабристонига пайдо бўлди. Бу сафар ҳам яширинча келди.

— Уни кўздан қочирма,— буюрди Рублев Максимовга.— Ҳозир ўзим етиб бораман.

Рублевнинг назарида Маллани ўзи кузатса, унинг сирли равишда бу ерда пайдо бўлганини фош этадигандай кўринарди. Ун минутдан кейин Рублевнинг машинаси Новодевичье қабристонининг дарвозасига етди. Соат бешдан ўтган, бироқ кўчалардаги иссиқ пасаймаган, бу ерда, дарахтлар соясини эса кечки салқини ўзига макон қилганди. Қабристон хиёбонларида одамлар айланиб юришарди. Рублев ҳарбий саркардаларнинг гранит ёдгорликлари орасидан ўтиб, қабристоннинг эски қисмига элтувчи йўлгага бурилди. Максимов скамейкада газета ўқиб ўтирарди. Сергей Николаевич унинг ёнига чўкди.

— Хўш, қалай?

— Кетди,— Максимов газетани буклаб, сигарета чекди. Унинг сарғиш кўзлари тутунга дош беролмай қисилди.

— Бу ерда нима қилди?

— Эски қабрларни тамоша қилди. Айниқса ана

вини.— Максимов даҳани билан ям-яшил мрамардан ишланган даҳма томон имо қилди.

— Битта-яримта билан учрашдимми?

— Йўқ. У нима учун қабристонга келганини биров пайқашини истамаганини тушунолмаёпман, холос.

Сергей Николаевич ўрнидан туриб, Максимов имо қилган даҳмага яқин келди. У гумбазсимон қилиб қурилганди. Даҳманинг гумбазсимон сағанасида оқ мрамардан ишланган фаришта бор эди. Қуйи қисмига зарҳал билан қуйидагилар битилганди:

«Бу тош тагига биринчи гильдия савдогари Федор Васильевич Маклаков дафн этилган, 1886—1916 йиллар».

Шундан сал пастроқда:

Қулингни сақлагин ўзинг, худойим,

Бўлсин жони жаннатингда доим...— деган мисралар битиб қўйилганди.

Рублев даҳмани жимгина айланиб ўтди.

— Бу ерда Малла нима керак бўлган экан?

— Менимча, у битта-яримтаси билан учрашмоқчи бўлган. Бироқ учрашолмади.

— Шундай деб ўйлаёпсанми?— Рублев Максимовнинг баҳайбат гавдасига тикиларкан, қайтариб сўради:

— Ҳа. Эҳтимол, мен нуноқлик қилгандирман ёки унинг шериги сезиб қолгандир?

— Балки, шундайдир,— Рублев унинг гапига қўшилди.— Бироқ Малла ёдгорликлару даҳмаларни томоша қилишга вақтини сарфламаса керак, деб ўйлайман. Бу ерда унга нимадир керак. Бироқ ўша «нима» нима?

Иккала контрразведкачидан садо чиқмасди.

— Бу ерга яна келиши керак у,— деди Максимов.

— Ўзини кузатишаётганини сезиб қолса келмасов...

— Барибир келади. Менимча, Малла бу ерда кўп марта бўлган. Чунки бу ерга йўлни яхши биладиган одамдай бемалол келди.

— Ҳим... Буниси қизиқ. Ундай бўлса, қария, бу ерда одамимиз бўлиши керак. Шунинг чорасини кўр.

Сергей Николаевич қабристонга йўл олганида яхши ниятда ҳаракат қилганди. Яқиндагина махсус группага бошлиқ бўлганидан бу ишига сира ҳам

кўниколмасди. Ҳамма ишни ўзи бажаришга ҳаракат қиларди. План тузишми ёки оператив топшириқни бажаргани боришми — барибир ўзи қиларди.

— Чиндан ҳам,— мулоҳаза юритарди Рублев,— нимага ўзим қабристонга шошдим? Максимовга группадан бирортасини кўмакка юборсам бўларди-ку.

Петраков унга гарчи юмшоққина шаклда дашном берган бўлса ҳам бошлиғи бу ҳаракатидан норози бўлганини сезиб турарди. Сергей Николаевич ичида Петраковга ҳавас қилар, унинг ишдаги мардоналигига мафтун эди. Шунинг учун ҳам бошлиғидан арзимас дакки эшитиш Рублевни жуда ноқулай аҳволда қолдиради. «Йўқ,— дерди у ичида,— мендан раҳбар чиқмас экан. Маъна, бошлиғимизни раҳбар деса бўлади. Туғма раҳбар». Рублев кейин Петраковнинг босиқлик билан ҳаракат қилишини, ҳар бир нарсасига тўғри ва аниқ баҳо беришини, қатъиятлилигини ва айни пайтда одамларга муносабатда жонкуярлигини эслади.

Рублев кўнглидаги ана шу хираликдан анчагача қутулолмай юрди.

* * *

Сергей Николаевич иш куни охирида столида таклиф қоғози кўриб қолди. Унда шундай дейилганди:

«Ушбу билан Сизга маълум қиламанки, 17 июнь соат 19.00 да Г. П. Максимовнинг хонадонида максимумлар авлодининг давомчиси бўлмиш ўғлининг таваллуди муносабати билан камтарона тантана бўлади. Ўзингиз билан хотинингиз (эрингиз) бирга бўлсин (нокерагини ўчиринг).

Келишингиз жуда зарур. Кечикканларга жарима солинади.

Эр-хотин Максимовлар».

Таклиф қоғозининг тепа бурчагида йиғлаётган чақалоқ тасвири бор эди.

Рублев беихтиёр жилмайди. Тўғри, у яна ишламоқчи эди. Бироқ, бу таклифдан бўйин товлашнинг ҳам иложи йўқ эди, чунки Максимов хафа бўларди. Рублев эр-хотинни табриклагани кечроқ кириб ўтишга қарор қилди-да, ўша заҳоти қандай совға олиб бориш кераклиги эсига тушди. «Болалар дунёси» тўққизгача очиқ бўлади. Рублевнинг кайфияти жуда

кўтаринки бўлмаганидан ораларида ҳозирда мутлақо — нотанишлар ҳам бўладиган одамлар билан ўтиришгиси ҳам йўқ эди.

У трубкани кўтариб, Максимовга қўнғироқ қилди.

— Қария, таклиф қилганинг учун раҳмат...

— Сени кутамиз...

— Бироқ, сенга айтсам...

— «Бироқ-мироқ» кетмайди. Надя сени кўриб хурсанд бўлади. Сени деб олма пирог пиширди... Мен бўлсам, икки оқшом магазинма-магазин югурдим.

— У ерда кўпгина нотанишлар бўлади, мен бўлсам, ўзинг билгандай...

— Қанақа нотанишлар?!— хитоб қилди Максимов.— Ҳаммаси ўзимизнинг одамлар. Мен хотиним билан, сен, Тарков.

Тарков дегани Рублевда кўнгилсиз хотиралар қолдиргани учун у боришдан бош тортишга қатъий қарор қилди.

— Яна Катя ҳам бор...

— Қанақа Катя?

— О, бўйдоқлар-е! Сизларни хиёнаткор деса бўлади — Максимов ҳазиломуз ҳайқирди.— Ёдимдан кўтарилибди! Таништириб қўйгин, деб ўзинг илтимос қилувдинг-ку. Биринчи Май намоишидаги узун оёқли жонон эсингдами? Айтгандай, у ҳам сени сўровди.

Катя... Рублев сўнги Биринчи Май намоишини эслади. У ёйилган сочлари узун, энли камарли, узун оёқларини таранг кўрсатиб турган жинси шим кийган қиз билан ёнма-ён борганди. У жуда хушчақчақ бўлгандан тинимсиз куларди. Ҳатто нимага кулаётганини ҳам билиб бўлмасди. Куч-гайрати ичига сиғмаётгани, чиройлилигини билганидан, ёнида одимлаётганларнинг ҳар бирига қиё боқса бас — кетидан югуриб қолажакларини ҳис этаётганидан хурсанд бўлаётгандир-да.

— Яхши,— деди ниҳоят Рублев.— Бораман, бироқ сал кечроқ.

Рублев трубкани жойига қўйса ҳам фикру хаёли офтоб чарақлаб турган кундаги Биринчи Май намоишида эди. Намоишдан кейин ўзи, Максимов, қалин свитер кийган соқолли уч йигит (улар қандайдир институтнинг илмий ходимлари эканлар) қаҳва-

хонага боришди. Тўғриси айтганда, қаҳвахонага бориш фикри Катядан чиққанди:

— Эҳ, болалар, ҳозир бирор жойга кирсак бўларди-да...

Ҳаммалари бу таклифни бараварига қўлаб-қувватлашди, чунки бунга сабаб бирорталарининг ҳам оёқлари узун бу жонондан ажралгилари келмасди. Ҳатто, доимо уйига, «кампир»ининг (у хотини Надяни ҳазиллашиб шундай дерди) ёнига шошилиб турадиган Максимов ҳам бир соат ўтиришга кўнганди.

Ҳаммалари «Пўкак»ка киришди. У ер сершовқин, нотинч ва унча озода эмасди. Дастурхоннинг нотозалигига ҳам, кабобнинг мазаси йўқлигига ҳам ҳеч ким эътибор бермади. Ҳамма қизиқ-қизиқ нарсалардан гапириб, бажонидил вино ичиб, шўх ва яйраб кулаётган Катянинг латофатидан маст эди. Рублевни ана шу латофат ўзига тортар ва чўчитар, қизнинг ўзига ошкора равишда кўпроқ эътибор бераётгани бир мунча гангитарди ҳам. Свитердаги чорпахилдан келган соқолли ва трубкали йигит бўшашиб, гапга аралашмай жим қолганини Рублев сезиб турарди. Унинг Катяга кўнгли борлиги аён эди. Сергей Николаевич соқолли бу йигит бирор ғалва чиқаришини кутарди. Бироқ, буни қарангки, қаҳвахонадан чиққанларидан кейин бундай қарашса, қиз билан икковлари ҳоли қолишибди. Максимов соқолли ошнаси билан қаёққадир ғойиб бўлибди. Бу эса жуда ҳам асқотди. Ниҳоят, Рублев билан қизнинг ўзлари қолишди.

«Гошка буни мен учун чақирган бўлса керак»,— деб қўйди Рублев ўзича жилмайиб. У барча дўстлари ва танишлари тезда уйланишини истаб, тиқилинч қилаверишларига ўрганиб қолганди. Рублев битта-яримтаникига меҳмонга боргудай бўлса, ёнидан албатта уй эгасининг ёки беканинг, ёки танишларидан бирининг ўртоғи жой оларди, албатта.

Бу кўпинча Рублевнинг ғашига тегарди. Бироқ ўша май кунда у ўртоғидан хурсанд бўлди. Катя ажойиб суҳбатдош чиқиб қолди. У ГИТИСнинг театршунослик бўлимини битириб, журналнинг санъат бўлимида ишлар экан. Катя Рублевга сўнгги спектакллар ва фильмлар, актёрлар ва қизиқарли мақолалар борасида гапириб берди. Улар байрам либосидаги Москвада то кечгача айланиб юришди.

Катянинг ўзи Рублевга телефонини ёзиб берди.
— Зерикканингизда телефон қилинг. Сизни бирорта премьерлага олиб бораман.

Бироқ, Рублевда Катяга телефон қилиш имкони бўлмади. Байрамдан кейин кўп ўтмай у командировкага кетди. Москвага қайтганидан кейин янги танишини, тўғрироғи ундан қалбида қолган қувончли хотирани эслади. Бироқ, қўнғироқ қилишга ботинолмади. Мабодо телефон қилгудай бўлса, ўртада шундай гап бўлиши мумкинлигини тасаввур қилди: «Яхшимисиз, мен Сергейман». — «Қанақа Сергей?» — «Сиз Биринчи Май куни танишган Сергейман-да»... Йўқ, Сергей бунақа қилолмасди.

Сергей еттидан ошганда бошқармадан чиқди-да, таксида «Болалар дунёси»га бориб, икки ҳафталик чақалоққа нима олсам экан, деб универмаг қаватларида боши қотиб юрди. Ниҳоят, устидан кўк лента бойлаб қўйилган қоғоз қутини оладиган бўлди. Унинг ичида чақалоқларга аталган тугмасиз кўйлакчалар, яхлит кўйлак-иштонлар, чойшаблар бор эди. Рублев танлаб олган нарсасидан хурсанд бўлганича меҳмондорчиликка жўнади.

Максимовларнинг уйида магнитофон қўйиғлиқ, қўшиқ таралар эди. Шейкнинг ритмларига жўр хонанданинг ҳирқироқ, жазавали овози эшикдан ўтиб, қаватдаги майдончада ҳам эшитилиб турарди. Гоша эшикни очди-да, андак ичиб олган хўжайиндай меҳмонни бениҳоя хурсандлик билан қаршилади. Сергей дастурхон атрофида бир неча нотаниш одам борлигини сизди, улар Максимовнинг қариндош-уруғлари бўлишса керак. Ҳаммалари андак безовта бўлишди. Бу эса меҳмондорчиликка битта-яримта кечроқ келганида бўладиган бир ҳол эди.

Ҳаммалари меҳмон билан сўрашиб бўлганларидан кейин уй эгаси Сергей Николаевични ётоққа судраб қолди. У ердаги каравотчада турли чойшаблар орасида кичкинагина пучуқ чақалоқ кўринарди.

— Секин,— Гоша шивирлаб огоҳлантирди,— ҳозиргина овқатланди. Паҳлавонлардек уйқуда. Хотиним тўрт ярим килоли бола туғди-я, билдингми! Бу кимнинг ҳам хаёлига келипти, дейсан! — Максимов шундан кейин кулимсираганича ёнида турган хотинига кўз югуртирди. Хотини ўрта бўйли, жиккаккина бўлганидан ҳали қиз болага ўхшарди.

— Отини нима қўйдинглар?— деб сўради Сергей каравотга эгиларкан. У чақалоқнинг буришган думалоқ афтидан дўстига ўхшаш томонларни ахтарарди.

— Илья,— айтиб юборди хотини.

— Яхши исм...

— Нима бўпти! Илья Георгиевич — жаранги ҳам жойида...

— Жойида,— Георгий Николаевич унинг гапига қўшилди.— Бақувват, чинакамига русча ном. Ҳозир бу исм кам учрайди. Сергейга ўхшаган эмас-да. Бизнинг курсимизда учта Сергей бор эди. Мактабда эса нақ ўн иккитага етарди. Мен Сергей билан Андрей деган исмлар мода бўлган пайтда туғилган эканман.

Гоша ўғлининг юзидан кўзини узолмасди. Рублев ўртоғини бунчалар содда — бахтиёр ҳолда сира ҳам кўрмаганди.

— Қалай, у менга ўхшайдими?

— Албатта,— Сергей Николаевичнинг тили ёлғонга бурилди. Унинг назарида бу ёшдаги чақалоқларнинг ҳаммаси бир хил бўларди.

— Ана, кўрдингми?— Максимов хурсанд бўлганидан хотинига ўгирилиб гапни илиб кетди.— Сенга нима девдим? Надя бўлса ўзимга ўхшайди, дегани деган...

— Бўпти, бўпти, шовқинлама, дастурхонга юринглар.— Надя ён бергандай жилмайиб, эрининг қўлтиғидан олди.— Бўлмаса уйғониб, гаплаштирмай қўяди...

Сергей уйга кираверишда, қия очиқ эшикдан қараб, ноз-неъматлар билан тўла столни, катта хонада сочи узун Катянинг нозик бармоқларида тутуни чиқаётган сигарета ушлаб турганини пайқаганди. У бошқарма ходими, уй эгасининг яқин дўстларидан бўлган Игорь Тарков билан нима ҳақдадир қизгин суҳбатлашмоқда эди. Рублев стол томонга йўналаркан бу учрашувдан ҳаяжонга тушаётганини сизди. У Катяга қанақа муомилада бўлишни, бир марта ҳам қўнғироқ қилмаганини қандай тушунтиришини ҳам билмасди. Рублев хонага кирганида Катя дарҳол бошини кўтармай яна пича Тарков билан гаплашишда давом этганини ва қараганида гўё Сергейни энди кўргандай ҳолга тушганини сизди. Шунга қарамай,

Сергей елкалари қотиб турганидан ўзининг келишини жонсараклик билан кутаётганини уқиб олди. Катянинг устида кўкраги кесмали одмигина чит кўйлак бор эди. Ингичка ва узун бўйнида тилла занжир кўринарди. Катя бир лаҳзалик ҳижолатдан ўзини ўнглаб олди-да, Рублев унинг нозиккина қўлини сиқаётганида ўзининг юзига қизни кулранг кўзлари билан илгаригидай дадил ва ҳатто журъатли қарашга мажбур этди.

— Биз сизни кутиб қолдик,— деди у.— Унга жарима қадаҳини қуйинглар.

Гоша жон-жон деб арақли шишага қўл чўзди. Рублев эса уни имо билан тўхтатиб, ўзига «Фетяски»дан қўйди.

— Соғлигингизни авайлаяпсизми. Ёки хизматингиз йўл қўймайдими?— Катя масхараомуз ҳолда сўради.

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Випони яхши кўраман, холос. Араққа эса ўрганмаганман.

— Сиз рационалист бўлсангиз керак.

— Бундан ор қилиш зарурми?

— Йўқ. Бироқ Горькийнинг: «Ичкиликхўрларга тоб-тоқатим йўқ, бироқ ичувчиларни тушунаман ва ичмайдиганларга шубҳали қарайман»,— дегани эсингиздами?

— Катерина!— шовқинлади Гоша.— У-бу еб олсин-да, ахир. Эркак кишини яхши овқатдан кейин қўлга олиш кераклигини унутма.

Паст бўйли, эгнига юмшоқ чармдан тикилган пиджак ва оқ водолазка¹ кийган Тарков ўрнидан турди. Унинг сийрак сочлари фарқи очиб, диққат билан таралганди. У яхши оиладан чиққан, ингичка бел, қизил юзли ва силлиққина болакайга ўхшарди. Дарвоқе, унинг ўзи ҳам шундай эди. Игорнинг отаси савдо соҳасида катта амалдор эди.

— Мен бахтиёр ота-онанинг соғлигига ичишни таклиф қиламан!

Кейинчалик, дастурхон йиғиштирилиб, магнитофон қўйилганида Игорь Катяни танцага таклиф қилди, Сергей билан Гоша чеккани қаватдаги майдончага чиқишди. Уй эгаси кўзини муғамбирога қисганича шунчаки гапиргандай деди:

¹ Кофтага ўхшаб баданни таранг кўрсатиб турадиган либос.

— Менга қара, Катъканинг сенга кўнгли борга...
— Бу гапни қаёқдан олдинг?— Сергей ҳижил бўлиб ғўлдиради.

— Мен уни биламан-да... Яхши-а? Хўп деявер.

— Яхши — бошқа гап йўқ. Бироқ, у икковимиздан бошқа одамга ҳам ёқса керак, дейман?

— Сен Игорни кўзда тутаяпсанми? У анчадан бери ўлиб-тирилиб юрибди. Бироқ, менинг кузатишларимга қараганда, натижаси дуранг бўлаяпти.

— Дарвоқе, Катянинг ички ҳаёти қанақа?

— Одатдаги воқеа. Эри бор, бироқ кузатишимча, номига. Негадир буларнинг мурасиси тўғри келмаяпти. Ё эридан ажраган, ё ажрамоқчи. Афсус, қиз бечоранинг омади юришмаяпти. Мен эрини кўрмаганман, бироқ ундан яхшилик чиқмайди, дейишаяпти. Ғирт текинхўрнинг ўзи, бунинг устига ичкиликхўр. Бўпти, юр, оёқнинг чигилини ёзайлик. Кўпдан бери «кампирум» билан танца тушмовдим.

Надя чой қуярди. Ота-оналар одоб сақлаб ёшларни холи қолдиришганди. Игорь билан Катя қий-шанглаб шейкка тушишарди. Катя завқланиб, бироқ қандайдир босиқлик билан ўйнардди. Унинг узун оёқларидаги эндигина модага кириб келаётган қалин пошналли туфлиси гиламга енгил ва илдам сирғалар, яланғоч, эндигина қорайган қўллари ҳам шундай енгил ва бемалол қимишларди.

Сергей свинг рақсига яхши тушолмас, бироқ ундан кейин танго бошланганида Катяга яқин келди. У Сергейнинг елкасига жон-жон деб қўлини қўйди.

— Сиз зўр раққос экансиз ўзи!— деди Катя хонани бир айланганларида.

— Менинг яхши томонларим умуман кўп!— кулди Сергей.

— Бироқ зарурият улар қаторига кирмайди.

— Нимага энди...

— Ҳозир сиз телефон номеримни йўқотиб қўйганингизни айтасиз...

— Йўқ...

— Ушанда телефон қилсангиз бўларди... Ё ишингиз бошингиздан ошиб ётибдими?

— Йўғ-е... Мен шошилмай бир қарорга келади-ган одамлар қаториданман...

— Мен бўлсам аксинча... Демак, мендаги камчиликни сиздаги яхши томон ёпиб кетади.

Катя ритми жуда ҳам яхши ҳис этарди. Бироқ, Сергейни Катядаги нимадир сергаклантирарди. Бу ё Катянинг астойдиллиги, ё бўлмаса, ҳаммаси айтганимдек бўлади, жозибага дош берадиган эркак ҳали туғилмаган, деб ўзини ошкора тутиши эди.

Игорь буларга яқин келди. У ширакайф бўлса ҳам буни сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— Битта гап, болалар,— таклиф қилди у,— бир кунмас бир кун меникига борсанглар. Менда яхшигина нарсаларнинг ёзувлари бор.

— Бажонидил,— ғўлдиради Сергей.

— Биз негадир ўзимизни бегонадай тутамиз. Ма-на сиз, Сергей... қанча вақтдан бери бирга ишлаймиз... Ҳали бир марта ҳам уйимда бўлмагансиз. Катя, сиз ҳам келинг...

Катя ҳўп дегандай сочини бепарво силкиб қўйди. «Бу меҳмондорчиликдан мақсад шу экан-да»,— деди ичида Сергей ногаҳоний бу таклифдан ҳайратга тушиб.

Тарков Сергейнинг ўзини меҳмонга чақирмаган бўларди. Нега деганда ўтган йили уларнинг ораларидан гап ўтганди. Тарков ўзини гўё ҳеч нима бўлмагандай кўрсатишга уринса ҳам буни ўрнига қўя олмасди.

У Сергей билан атайлаб дўстона сўрашса ҳам кулранг кўзларида совуқлик сезиларди.

Улар бир нарсада тўқнашиб қолишганди. Ўшанда Рублевнинг группасида бўлган Тарков ҳарбий заводлардан бирининг ходими бўлган Людмила Н.нинг иши билан шуғулланганди. У бир зиёфатда бегоналарга айтилмайдиган нарсаларни валдираб қўйганди. Тарков мудофаа саноати учун муҳим бўлган маълумотлар қандай қилиб ва ким орқали ташқарига чиққанини жуда усталик билан аниқлаганди. У Людмила Н.ни судга беришни таклиф қилди.

Рублев ҳужжатлар билан танишиб чиқаркан, Людмила Н.нинг айби аниқлигига ишонч ҳосил қилди. Бироқ шу билан бирга у эндигина ўн тўққизга тўлгани, комсомол аъзоси эканлиги ва илгари сира ҳам бунақа иш қилмаганига эътибор берди. Рублев Тарковга ишни судга ошириш тўғрисидаги таклифи кескин ва беасос эканлигини очиқдан-очиқ айтди.

— Маъмурий чора билан чеклансак бўлмасмикин?

— Унинг айби очикдан-очик кўриниб турибди-ку!— Тарков бўш келмади.

— Очикдан-очик. Бироқ одамни тузатиш мумкин бўлганида нега уни жамоатдан айириш керак?

Хуллас, икковлари бир тўхтамга келишолмади. Тарков шундан кейин Петраковга мурожаат қилди. У эса бир қарорга келишдан олдин Рублевни чақириб, унинг асосларини эшитди-да, маъқуллади. Тарков шундан кейин бошқарма бошлиғига мурожаат қилди, бироқ барибир мадад ололмади.

— Раҳмат, қария, бопладинг,— деб юборди Тарков бир кун Рублев билан суҳбатлашаётганида.— Шундай ишни жувонмарг қилдинг! Бунда инсонпарварлик юзасидан иш тутган бўлсанг майли...

— Яна нима гап?

— Яқин одамнингнинг оёғидан чалиш-да...

— Қўй-е!— Рублев елкасини қисди. Рублевга бегона ва ўзлари қанақаликларини тушуниб бўлмайдиган бир тоифа одамлар бор эди. Бунақа одамлар одатда биров олижаноблик юзасидан иш тутишига ишонишни истамайдилар. Рублев билишича, Тарков ана шундай одамлар жумласидан экан.

Бироқ, буларнинг бари бундан бир йил муқаддам бўлганди. Ҳозир эса Тарков қўлда қадаҳ билан Катянинг рўбарўсида тураркан, суриштиргани суриштирганди:

— Сиз ёзувларни йиғмайсизми?— Катя йўқ дегандай бошини чайқади, Тарков эса гапида давом этди:— Мен бўлсам коллекционерман. Музика, китоблар ва африкаликларнинг ниқобларини йиғаман. Менда Африкада ёғочдан ишланган нарсаларнинг яхшигина коллекцияси бор. Конго, Фил Суяги Қирғоғи, Сьерра — Леонедан келтирилганлари ҳам учрайди. Мен студентлигимдаёқ Африкада практикада бўлгандим...

— Мен эсам чорбоғимиздан бўлак бирор жойда бўлмаганман,— деди Катя. Унга бу суҳбат ёқмаётганлиги аниқ сезилиб турарди.

— Хўш, ҳали кўп нарсалар олдингизда турибди...

Катя айланмоқчилигини айтди. Сергей уни кузатиб қўйишни ўзининг бурчи деб билди. Тарков уларга эргашмоқчи бўлганди, Катя унга Сергей билан бирга бўлмоқчилигини сездирди. Игорь бу нарса

нафсониятига текканлигини сездирмасликка уриниб, жуда мулойим ҳолда хайрлашди.

— Бунақа одамларга тоб-тоқатим йўқ...— Катя ўзини босолмади.— У Африка санъатини севармиш. У ўздан бўлак ҳеч нимани ва ҳеч кимни яхши кўрмайди.

— Сиз, жуда ҳам қаттиқ қўлсиз-да...

— Йўқ, мен бунақаларни олисданоқ биламан.

Сергей Катянинг ана шу ногаҳоний ғижинишида бошидан ўтган ниманингдир таъсири ҳам бўлса керак, деган хаёлга борди. Бироқ буни Катядан суриштириб ўтирмади. Улар ҳозирда ҳувиллаб қолган Комсомол кўчасидан боришарди.

— Биласизми, Сергей,— Катя жимликни бузди,— ҳозир қаҳва ичишдан бўйин товламасдим. Сизда у топиладими?

Сергей, топилади, албатта, деди.

— Унда, балки мени уйингизга таклиф қиларсиз, дейман?

— Менинг уйим сизнинг хизматингизда, хоним,— Сергей ҳазиллашган ҳолда жавоб қилди.

— Гўзал. Гарчи гўзал нарса бўлмаса ҳам. Мен жуда беадаблик қилаётганимни биламан. Бироқ бунда ноиложман.

Рублев уйда «Гуржони» шишасини очди. Қаҳвани Катянинг ўзи тайёрлайдиган бўлди.

— Мен тахир, тузли қаҳвани ёқтираман,— деди плитани ёндираркан.— Ишда ҳам ҳаммани ўргатганман. Хонамизда немисларнинг ажойиб кофеваркаси бор.

Катя ошхонада куйманаётганида Сергей винони куйиб, сэндвич қилди. Уни Катянинг бу ишларни қўзғагани сал ҳижолатга соларди. Бироқ, бу нарсани хаёлидан қувишга ҳаракат қилар, нега деганда ҳозир у ёнида, Катянинг ҳушчақчақ овозини эшитиб турибди, илдам, гўзал ҳаракатларидан завқланаяпти. Энг кераги шу.

— Бу жойингиз жуда ҳам шинам экан,— деди Катя хонага қўлида торгина бўғзидан қаҳва кўпириб чиққан «турка» билан кириб келаркан.— Бу бўйдоқнинг квартираси эканлигига сираям ишонгим келмаяпти.

— Мен бир вақтлар суворовчилар билим юртида ўқиганман,— жавоб қилди Сергей.— Ўшанда стар-

шинамиз ўрнимиз қанақалигини ип тортиб текшириб кўрган пайтлар ҳам бўларди.

Катя чашкаларга қаҳва қуйди-да, рўбарўдаги креслога ўтирди.

— Мени эса биров тартибга ўргатмаган. Ким ҳам ўргатарди дейсиз? Дадам доимо ишда, ойим эса банд. Мен ўзимни ўзим тарбияладим, десам ҳам бўлаверади,— Катя кулиб юборди.

— Энди натижасидан хурсандмисиз?

— Бутунлай эмас. Ҳаётда ниманидир тушунмадим. Сизга Гоша менинг эрим борлигини айтган бўлса керак. Турмушга чиқиш менинг биринчи мустақил қарорим эди. Кети яхши бўлмади. Сиз эса уйланишга уриниб кўрмадингизми?

— Йўқ.

— Нимага?

— Мен шошилмай ва қийналиб бир қарорга келаман, дедим-ку. Чамаси, шундан бўлса керак.

— Сиз калтафаҳм одамдай кўринасиз. Сизда босиқлик ва ўзингизга ишонч мавжуд.

— Менимча,— деди Сергей жилмайиб,— сизда ҳам қатъият бобида камчилик бўлмаса керак?

Катя бош чайқади.

— Йўқ. Амалда мен ўзимга ишонмайман. Бироқ, буни ошкор этишдан чўчийман. Ўзимни қатъиятли аёлдай тутадиган бўлдим. Бироқ, меъёридан ортиқ даражада очиқ бўлсам керак. Келинг, ичайлик.

Сергей танца тушишни таклиф қилди. У Катянинг баданига қўли текканида жувон аста-секин бўшашиб бораётганини сизди. Қандай қилиб ўпишиб қолганлари ҳам аниқ эсида йўқ эди. Шундан кейин икковлари ҳам харс-харс қилганларича анчагача бир-бирларидан узилишолмади.

Пластинка ҳадеб бир жойда айланарди. Деразанинг нариёғидан охирги троллейбуслар ва машиналар вишиллаб ўтишарди. Шамол эса балконнинг очиқ эшигидаги пардаларни ҳилпиратарди.

Олдин Катянинг ҳуши ўзига келди.

— Нима бўлаяпти ўзи?— У нафасини аранг босиб, Сергейни нари сурди.— Мен жинни бўлганга ўхшайман ўзи...

— Назаримда, менга ҳам бир нима бўлганга ўхшайди ўзи,— деди хирқираб Сергей.

Катя кўзига тушган соч толаларини тўғрилади.

— Мен кетишим керак...

— Кетма...— илтимос қилди Сергей.

Катя унга қаради.

— Мен, чамаси, бутунлай эс-ҳушимни йўқотганга ўхшайман. Ҳар куни телефон қилишингни кутувдим.

— Билганимда борми!

— Ўзим телефон қилмоқчи бўлдим-у, бироқ бо-
тинолмадим.

— Қоласан-а?

Катя чўзинчоқ ўринга чўкди-да, рўбарўсига қара-
ди. Сергей ёнига чўкди. Ўртадаги жимлик нақ бир
дақиқа давом этса ҳам оғир кўчди.

— Қолмасам, керак,— Катя шивирлаб шундай
дея, бошини Сергейнинг кўксига қўйди.

Тўртинчи боб

МУҲИМ ТОПШИРИҚ

Яқин Шарқдаги мамлакатлардан бирининг элчи-
хонасида миллий байрам муносабати билан қабул
маросими бўлди. Торгина кўча замонавий маркадаги
машиналарга тўлиб кетганди. Оғир, салобатли «Чай-
ка»ларнинг ёнида мўъжазгина «Пежо-404», «Тат-
ра», «Вольво», бежиримгина «Мерседес»лар, узунчоқ
қора «Кадиллак»лар нақ қимматбаҳо ресторанлар-
нинг савлатдор ва кеккайган метрлотелларидан ту-
ришарди. Тўладан келган, гирди шохдан ясалган
қора кўзойнакли, устига қора жунли материалдан
тикилган смокинг кийган элчи пастки залнинг юқори
залга олиб чиқадиган зинаси олдида меҳмонларни
кутиб оларди. У тинимсиз жилмайганича таъзим ба-
жо қилар, кетма-кет келишаётган меҳмонларнинг
қўлларини қисарди. Меҳмонлар орасида Москвада
элчихоналари ёки ваколатхоналари бўлган деярли
барча мамлакатларнинг вакиллари бор эди. Элчи
ўзи яхши таниган одамлар билан мулоимгина ҳазил-
мутойиба қилиб қўяркан, чамаси сунъий бўлган оп-
поқ тишлари ясама жилмайганида ярақлаб кетса
ҳам қопқора кўзлари ғамгин кўринарди. Унинг ёнида
пастроқ бўйли, жиккаккина, жуда ёшгина, бамисоли
қўғирчоқдай, қаттиқ сочлари орқасига силлиқ тарал-
ган рафиқаси турарди. Унинг ингичка ва узун бўй-

нида бриллиант зебигардон кўринар, нозик билаклариди эса билакузуклар жингилларди. Узун оппоқ кўйлаги этаги тагидан ялтироқ туфлисининг ингичка тумшуғи чиқиб турарди, у меҳмонларга ушоққина кафтини чўзаркан гарчи ясама табассум қилса ҳам жуда ўхшатганидан буни дилдан чиқараяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

Тепадаги шифти ганч безакли баҳайбат ва деразали баланд ҳамда парда тутилган залда меҳмонлар тўдаси гувилларди. Гарчи вентиляторлар бор кучи билан ишлаётганига қарамай зал дим эди. Кўпчилиги кўкраги анча-мунча очиқ кўйлак кийишган хонимлар ўзларини рўмолчалари билан елпишарди. Бу димликдан айниқса бир неча кекса, бўйдор, семиз, тепакаллари қизил, мундирларида орден ва медалларининг белгилари қаторасига тизилган генераллар айниқса қийналишарди. Улар салқин шабада келаятган очиқ деразалар олдида суҳбатлашишарди.

Оппоқ смокинг ва қўлқоп кийган официантлар патнис кўтарганларича уёқ-буёққа ўтиб, виски ва жин, маъданли сув ва мева шарбатлари улашишарди.

Ён томондаги кичикроқ залда юз эллик меҳмонга мўлжаллаб узун стол тузаб қўйилганди. Катта-кичик биллур қадаҳлар ярақлар, мева уюмлари кўзга ташланар, ликобларда лосос балиги бинафша рангда товланар, балиқ тухумларида сув томчилари титрарди...

Бу мамлакат бадавлат, бутун жаҳонга нефть берар, қабул маросими ҳам дабдабали ўтиши кутиларди...

... Павел Рудник — «Волга» машинасининг шофёри зерикканидан газетани кўздан кечирарди. Соати-га қаради, етти ярим бўлибди. «Хўжайин» ҳали-вери чиқмаса керак. Павел Рудник бошлиғини, ГДРнинг Москвадаги элчихонаси вакили Рихард Штрассерни ўзича шундай дерди. Камида бир-бир ярим соатдан кейин кўринади. Рудник чиройли шарикли ручкасини олиб, кроссвордни ечишга тушди. «Мебель гарнитури буюми» — юқоридан пастга. Еттита ҳарф. «Сервант», — топди Рудник. У Латин Америкасидаги давлатни ҳам, Чайковский операсини ҳам тезда топди-ю, бироқ «лойхўраклар тўдасидаги парранда»га келган-

да тўхтаб қолди. У газетани бир чеккага қўйди-да, нима қилсамикин, деб бош қотира бошлади.

— ГДР элчихонаси вакилининг машинаси,— динамикдан ҳирқироқ овоз эшитилди. Рудник ўзини чақиришаётганини тезда англаёлмади. Наҳотки, «хўжайин» уйига отланган бўлса? Қабул маросими энди бошланди-ку... Рудник машинани юргизиб, хилма-хил машиналар орасидан зўрға чиқди-да, «Волга»ни элчихона биносининг дарвозахонасига кўндаланг қилди.

Элчихонанинг кўча эшиги олдида бақалоқдан келган, терга пишиб, оғзини очганича нафас олаётган Штрассер турарди. Унинг ёнида тим кўк костюм кийган йигитнинг эса бир қўли лунжида эди.

— Пауль,— деди Штрассер,— манави йигитни аптекага олиб бор. Ўртоғимиз сафдан чиқиб қолди...

— Эшитаман,— Рудник тетик жавоб қилди.

Штрассер илгари офицер бўлганди, шунинг учун ҳам Рудник ўзимни ҳарбийча тутсам унга хуш келаман, деб ўйларди. У машинанинг эшигини очганди, йигит лунжидан қўлини олмай орқа ўриндиққа чўкди.

— Машинани қачон тўғри қилай?— сўради Рудник.

— Бу ерда бир-бир ярим соатча бўламан.

Маслаҳатчи йигитга қўл силкиб, элчихона эшигига кириб, кўринмай кетди. Рудник эса машинанинг акселераторини босди.

— Демак, сизни аптекага?— деб сўради у йигитдан тор кўчадаги тиқилинч жойдан чиқиб олганларидан кейин.

— Ҳим...— йигит миянглаб қўйди.

«Оббо, олифта-е,— кўнглидан ўтказди Рудник,— ҳали гўра бўлса ҳам тиши оғрияпти... Нимжон».

— Анальгин ичишни маслаҳат бераман,— деди Рудник.— Оғриқни таққа босади. Ўзимнинг бошимдан ўтган.— Рудник машинани Арбат майдонида усталик билан буриб, Эски Арбатга чиқди.— Бир минутга, ҳозир олиб келаман,— деб қўйди у аптека олдида машинани тўхтатиб, ундан чиқаркан.

Рудник уч минутдан кейин анальгинли иккита пакетчани кўтариб қайтди.

— Мана, марҳамат, дорининг зўри. Дарҳол иккитасини ичиб юборишни маслаҳат бераман,

Йигит пакетчаларни олиб, шофёрга миннатдорчилик билдирдида, ёнидан пул чиқарди.

— Қўйсанг-чи!— Рудник кўнмади.— Арзимаган нарсас. Энди қаёққа юрамиз?

— Ленинские гориға,— жавоб қилди йигит бир оз жимликдан кейин.

— На чора, Ленинские гориға борсак ҳам бўлаверади...

Комсомол кўчасида автомобиллар оқими қалин эди. Бироқ дипломатик номерли «Волга» резерв зонадан кетарди. Улар ўн беш минутдан кейин Ленинские горининг яшил хиёбонларига етишди. Бу ерда ҳаво мусаффо, салқин эди. Рудник машинани панжарали кузатиш майдончасидан берида, йўл чеккасида тўхтатди.

— Шу атрофда кичкина черков бор,— деди йигит машинадан чиқаркан.— Мени бошлаб боролмайсизми?

Рудник гарчи йўлда йигит дори ичганини пайқаманган бўлса ҳам унинг тиш огриғи чамаси босилганди, чунки энди афти бужмаймас ва лунжини ҳам ушламай қўйганди. Рудникнинг шунда кўнглидан ҳавотирли нимадир ўтгандай бўлди. У машинадаги ўзи олиб келган йигитга синчиклаб тикилди. Сарғиш сочи таралган, кулранг кўзлари кичикроқ, даҳани эса қўшалоқ. Наҳотки ўша бўлса?

Рудник йигит билан бирга жар ёқасида қапишиб турган кичкина черковга тушди. Қандайдир диний байрам арафаси бўлганидан ибодатхона эшиги олдидаги айвонда бир неча кампир нима қилишларини билмай ўтиришар, очиқ эшикдан хониш эшитиларди. Рудник йигит билан черковга кирди. Қора либосдаги беш-олти кампир меҳроб олдида таъзим бажо айлашарди. Ичкарига кириб келишганларга биров қайрилиб ҳам қарамади.

— Қаердан чиннигул сотиб олса бўлади, билмайсизми?— деб сўради йигит рўбарўсидан кўзини узмай.

Рудник қотиб қолди. У кейинги кунларда ана шу саволни кутарди. Мана энди гангиб қолди. Кафтлари ҳам бирдан терлаб кетганди.

— Танишлардан топса бўлади,— деди у аранг эшитиларли қилиб. У икки ҳафта олдин Новодевичье

қабристондаги яширин жойдан олган хатни эслаганди.

— Павел Рудникмисиз?

— Ҳа.

— Мени Ганс дейишади... Ганс Кушниц...— Йигит боягидай рўбарўсига тикиларди. Унинг башараси қилт этмасди.— Сизга Кларкдан салом. У сиздан хурсанд.

Рудник қўли қалт-қалт қилганича чўнтагидан «Ява» пачкасини чиқарди.

— Нима қилаяпсиз!— Кушниц унга жаҳл билан шивирлади.— Черковдалигимизни унутдингизми? Ўзингизни қўлга олинг...

— Э-ҳа... айбдорман,— Рудник пачкани шошапиша яширди.

Рухонийнинг гапи бўлинди. Уртага чўккан жимликни хор овози бузди. Черков гумбазлари остида кўпчиликнинг мунгли овози суза бошлади. Аёлларнинг авжи қаёққадир, юқорига ўрлаб кетарди. Эркакларнинг йўғон овозлари тирикчиликдан зерикарли ва айни пайтда тантанавор равишда полиётгандай туюларди. Буларнинг барини Рудник гўё бир лаҳза тушида кўраётгандек бўлди. Кушниц, авлиёларнинг суратлари, юракларни алғов-далғов қилувчи хор. Одамни гангитувчи қаёқдаги нарсалар.

— Русларнинг ракетага қарши янги қурол устида ишлаётганлари ҳақидаги информациянгиз Лондонда жуда юқори баҳоланди,— Кушниц овозини пастлатиб давом этди.— Тўлови ҳам баланд бўлди. Сизнинг Цюрихдаги счётингизга йигирма беш минг доллар ўтказилди.

— Мендан раҳмат айтиб қўйинг.— Рудник аста-секин ўзига кела бошлади. Йигирма беш минг! Ўзи айтганини беришибди. Бунда бўшанглик қилдим чоғи, кўпроқ сўрасам бўларкан, деб қўйди Рудник нчида.

— Кларк бу қимматли информацияни қўлга қандай туюларди. Буларнинг барини Рудник гўё бир Рудникнинг лаблари кулимсирагандай буришди.

— Жуда жўнгина. Иккита олим қабул маросимидан кейин менинг машинам олдида зўр бериб тортишишди. Мен машинада ўзимни ухлаганга солиб ётгандим, улар борлигимни пайқашмади ҳам. Совет Иттифоқига яқин орада биров етолмайди... Ҳозирда

ракетага қарши янги мудофаа қуроли устида иш олиб борилаяпти, дейишди... Мен бўлсам, бу тортишувни аппаратимга ёзиб олдим.

Қизиқ... Гап шундаки, инглизлар руслар ракета қурулининг қандайдир бир тури устида иш олиб боришаётганини анчадан бери фаҳмлаб юришарди. Бу ҳақда улар бошқа манбалардан ҳам информациялар олишганди. Энди бу ҳақда кўпроқ нарсани билиб олиш керак бўлади. Сизнинг актив иштирокингизда махсус тадбирлар ўтказилади. Операция бажарилгандан кейин Ғарбга ўтказишади...

Ғарбга! Бу эса Рудникнинг азалий орзуси эди. Ғарб! Ушанда қўрқувлар ҳам йўқолади, доимий қалтисликларга ҳам чек қўйилади. Рудникнинг қўллари беихтиёр титради. Ғарбда ишлаб қўйган пулларини сарф қилаверади-да... Улар ҳам анча-мунча бўлиб қолгандир...

— Сиз иложи борича ракетага қарши ана шу қурол сирига тезроқ яқинлашишингиз керак,— деб гапида давом этди Кушниц.— Бу борада бирор фикрингиз борми?

— У-бу... озроқ бор. Тўғри, мен асосий ишни бажардим — иш олиб борилаётган институт адресини билиб олдим.

— Хўш... Бу катта гап.

— Ҳозирги асосий нарса — ана шу институтдан бизга ёрдам беришга кўнадиган одамларни топиш...

— Гапингизга қўшиламан,— Кушниц бош ирғади.— Менимча, икки йўналишда иш олиб бориш керак. Биринчиси — фирма бошлиғига йўл топиш. Иккинчиси — унинг фирмасидан керакли одамлар излаш. Дарвоқе, ишнинг ана шу иккала қисми ҳам бирига ўзаро боғлиқ.— Кушниц деворлардаги тасвирларга қараб жим қолди.— Демак, шундай. Аввало, сиз институтга тез-тез бориб туришингиз керак. Бинонинг ўзига яқин борманг. Дарвоқе, бунақанги оддий нарсаларни сиз билишингиз керак. Сизнинг ҳозирдаги вазифангиз институт ходимларидан бирортаси билан яқинлашиш. Институтдан бирортасининг уйига ёки меҳмонга элтиб қўйишдан бошланг. Йўлда гаплашиб кетасизлар. Эҳтимол, ўша одамга бирорта камёб буюм топиб беришни ваъда қиларсиз. Сизга ўргатадиган жойи ҳам йўқ эди. Бу ернинг шароитини мендан яхши биласиз.

— Бунда биринчи йили яшаётганим йўқ,— ғўлди-ради Рудник.

— Иш ҳақида сира ҳам оғиз очманг. Аввало янги танишни биз яхшилаб текшириб олишимиз керак. Менинг рухсатимсиз бирорта ҳам қалтис иш қилмайсиз.— Кушниц жим қолди, сўнгра Рудникка кўз қирини ташлади-да, овозини пастлатиб сўради:— Сизга пул керак бўлар албатта... қанча керак?

— Совет пулида беш минг...

— Машинада оласиз... Алоқа ҳақида... Ўзингизча мен билан алоқа қилишга уринманг. Керак бўлса ўзим қидириб топаман. Энди кетдик...

Полонски Москвага келиб, махфий топшириқни бажаришга киришганига бир ой бўлганди. Берлинда у ҳақиқий Кушницнинг иши масаласида анча-мунча қийналди. Масалан, Полонски Кушницнинг буюмлари қаердалигини кўпинча эсидан чиқариб қўярди. Гоҳо эса бобоси унга синчиклаброқ тикилаётгандай бўларди.

Полонски Берлинда ҳам, айниқса бу ерда, Москвада ҳам доим ваҳимада юрарди. Назарида, Берлиндаги бобоси набираси алмашиб қолганини сезганга ва бирорта тегишли одамнинг гапига юриб, сир бой бермаётганга ўхшарди. У ҳар дақиқада сири очилишини кутарди. У билет олиб, бобоси билан хайрлашиб, Берлин — Москва поездига ўтирди. Негадир у чегарада ҳужжат текшириш пайтида қўлга тушаман, деб ўйларди. Нега деганда у совет чегарачиларининг маҳорати ҳақида анча-мунча ҳисоботлар ўқиганидан чегара яқинлашгани сари дашҳатга тушарди.

Бироқ, чегарада ҳам ҳаммаси силлиққина кўчди. Москвага етиб келганидан кейин ҳам ҳеч нима бўлмади. Полонски — Кушниц «Националь» меҳмонхонасининг янги биносига жойлашди, жуда зарур бўлган пайтлардагина номеридан ташқарига чиқди. Назарида, гўё кўчада ҳақиқий Кушницнинг таниш-билишларидан бирортасига дуч келиб, шубҳа уйғотиб қўядиганга ўхшарди.

Полонски — Кушниц Москвага келган дастлабки кунларида гўё галати, нореал дунёда яшаётгандай туюларди. Москва унга олисдаги бегона, ўзига душман шаҳар бўлиб, бу ерда бирорта ҳам таниши йўқ эди. Буни қарангки, Полонски ҳозирги ишига қанча

тайёргарлик кўришига қарамай, бу шаҳарга ногаҳон келиб қолган одамнинг кўйига тушганди.

Полонски — Кушниц Узаро Ёрдам Кенгашига ишга жойлашиши ҳам силлиққина ўтганидан кейин сал ўзига келди. «Бундан чиқди, бировнинг ўрнига келганимни чиндан ҳам ҳеч ким сезмаяпти»,— деб қўйди у ичида.

Шунга қарамай, Полонскининг кўнгли барибир нотинч эди. Чунки у яна битта муҳим ва қалтис ишни бажариши — Рудник билан алоқа боғлаш иш лозим эди.

Ким билади, дейсиз, эҳтимол бу Рудник аллақачон қамоққа олингандир. Полонски пистирмага дуч келса нима бўлади? Балки агент ҳамкорлик қилишдан бўйин товлар? Полонскининг хавотири сира ҳам тарқалиб кетмасди. Бунинг устига бирор хато қилиб қўймасин-да, деб Рудникдан ҳам хавфсирарди!

Орадан кўп ўтмай, Полонскини Кутузов кўчасидаги талайгина ажнабийлар истиқомат қилишадиган каттакон уйга кўчиришди. Полонски шу ерда агенти Штрассерни ишдан олиб келганида биринчи марта кўрди. Агент қўшни подъездда турар экан. Қўшницнинг кўнгли анча жойига тушди. Энди у билан холи учрашишга яхшигина баҳона топиш керак бўлади.

Бугун қабул маросимида ана шу баҳона топилганди.

Қабул маросимидан кўча чироқлари ёқилган пайтда ўша «Волга»да қайтишди.

— Ҳўш, тишингиз қалай, йигит?— Штрассер кучли акцент билан гапирарди.

— О, сиздан миннатдорман. Ҳаммаси жойида. Анальгин — ажойиб дори экан. Менга уни ичишни Пауль маслаҳат берди.

— О, Пауль, руслар айтганидай, каллали йигит. Ҳаммалари кулишди. Рудник ҳам бундан эриб кетиб тиржайди.

Штрассер соддадил, бақалоқ бўлиб, илгари Роммель корпусидаги танк ротасида офицер эди. Африкадан зиқнафас касалига йўлиқиб ва гитлеризмга нафрати ортиб қайтди. Госпиталдан чиққанидан кейин уни Шарқий фронтга юборишди. Минск бўсағасида Штрассер асир тушиб, фашистларга қарши ҳаркатнинг актив иштирокчисига айланди, урушдан

кейин эса Германия Социалистик Бирлашган партиясининг аъзоси бўлди.

Штрассер Москвада етти йилдан бери турарди. У ўзининг эгизак қизчалари ҳақида жон-жон деб гапирарди. У театр ҳақида ҳам суҳбатлашишни хуш кўрар, бирорта ҳам премьерани ўтказмасди. Унинг Москва театрларида дўстлари ва танишлари кўп эди

— О, мен МХАТда бўлишни кўпдан бери орзу қилардим,— деди Кушниц ўзини ГДР элчихонасидаги қабул маросимида Штрассер билан таништирганларида.

— Бунга амалга ошириш қийин эмас. Мен жума кунга театрга бораман. Мабодо бўш бўлсангиз...

Кушниц бўш эди. Кейинги оқшомлари у театр ҳақидаги бир неча монографияларни ўқиб чиқди. Жума кунга Штрассер икковлари театрга борганларида зеркиб қолишмади, гаплашишга гап топишди. Шу тариқа икковлари дўст бўлиб қолишди. Штрассер Кушницни уйига бажонидил таклиф қиларди. Улар чой ичиб, театрдан гаплашишарди. Тўғрироғи, Штрассер гапирар, Ганс эса тингларди. У вақти келиб, Штрассер хонадонининг бамисоли бир аъзосига айланиб қолишига ва Рудник билан ўғринча эмас, бемалол учрашаваришига умид боғларди. Шошилинич ҳолларда бундай учрашувлар унга жуда ҳам зарур бўларди-да.

* * *

Ганс Кушниц бутун бир планни ишлаб чиқди. Бу планда ҳамма нарса муфассал, ҳаттоки майда-чуйда нарсаларигача ҳам кўзда тутилганди. Рудник танишган оқшомларидаю кейинги кунларда нималар дейиши, бунда у қанақа кийиниши, ресторанда нима буюриши ва шунга ўхшаган нарсалар ҳам четда қолмаганди. Рудник кўрсатма моддаларини эсларкан, бор нш аёл киши билан танишишу бунга шунча нарсаларнинг ҳожати бор эканми, деб кулимсираб қўйдди. Гўё Рудник бунақа ишларни биринчи марта қилаётгандай ақл ўргатади-я! Бунга ўргатмаса ҳам ўзининг ақли етади. Бироқ, уларда шунақа қилинса керак-да. Рудник Кушниц билан ади-бади айтишиб ўтирмади. Мабодо унга шуниси маъқул бўлса бош устига, деб қўяверди ичида.

Рудник ҳар куни кечки пайт соат олтиларда пастки қисми мрамардан ишланган ва деразаларига парда тутилган кулранг бино томонга машинасини буларди. Соат олтидан ошганда бинонинг қорайтирилган эман ёғочидан ясалган эшиклари очилиб, серқатнов, сершовқин оқим ташқарига чиқарди. Бу одам ва машиналар оқими аргувонлар орасидаги асфальт хиёбондан ўтар, сўнгра ирмоқ ва жилғаларга бўлиниб, гўё тош тўғонга урилгандай троллейбус тўхтайдиган жойда қайнарди.

Рудник машинасини институт рўпарасида эмас, ундан бир квартал наридаги кўча чеккасига қўйдида, калитни қўлида ўйнаганича троллейбус тўхтайдиган жойга қараб юрди. У одамларга қараб борарди. Бу борада Кушниц икковлари бир тўхтамга келишганди, яъни Рудник танишадиган аёл унча ёш бўлмаслиги, бироқ сўққабош, иложи борица кўркемроқ кўриниши лозим эди.

— Сиз унга, машина ўзимники, дейишингиз керак,— кўрсатма берганди Кушниц.— Ёши ўтинқираган аёллар одатда салобатли эркекларни ёқтиришади.

— У бирдан сиримни очса-чи? Машина масаласида?

— Сиримни очади, деганингиз нимаси? Алдаш санъати — ҳунаримизнинг зеру забари. Сирни очармиш-а!— Кушниц пишқириб қўйди.— Сизга, сирингизни очманг, деб пул тўлашяпти-да...

Бу Рудникнинг нафсониятига тегди. У суҳбатдошига ранжиган ҳолда кўз ташлади. Нариги тарафдан келган бу олифта гўдаиши билан Рудникнинг жигига тегаётганди. Шундай бўлса ҳам Рудник тишини тишига қўйди. У ҳаётда бир нарсага — ўзидан баланд ва кучли одамларга итоат қилишга ўрганганди.

Рудник ўзининг мўлжалидаги аёлни танлагунича институт биносига кўп марта яқин келди. Бу аёл қирқларга яқинлашган, бўйи пастроқ, мойчечак гулли кўйлак, оёғига оқ босоножка кийган, гўё сартарошхонадан ҳозиргина чиққандай сочи яхшилаб турмакланганди. «Фақат ёлғиз аёлларгина бунақа ёшда ўзларига жуда зеб бериб юришади»,— деб қўйди ичида Рудник. Аёл кўчадаги Рудник назардан ўтказган аёллар сингари ташвишли кўринмасди.

Аёл троллейбусга чиқарди-ю, ўша заҳоти ўқиётган китобини очарди. Рудник ҳам бу аёлнинг бир хонали квартирасига келиб, ўзига жўнгина тамадди тайёрлашини (кечаси кефир ичиб ётса ҳам керак) ва телевизор қаршисига ўтиришини кўз олдига келтирарди. Балки, телефонда соатлаб гап сотар. Эҳтимол эри ҳам бўлгандир, яна бир марта турмушга чиқишни истар-у, бироқ тинчгина ўтиб келаётган кунлари маромини бузишни истамасди.

Аёл эса ўша оқшом шошиларди. Кўзлари такси излаб олазарак бўларди. Рудник машинасига ташланди-да, иложи борица тез унга яқинлашиб, йўл чеккасида тўхтатди.

— Қаёққа борасиз?— деб сўради у аёлдан ўзини бепарво кўрсатишга ҳаракат қилиб.

— Тушинога. Ҳаққингизни бераман,— деди аёл шофёр олисга боришга кўпмайди, деб қўрққанидан шоша-пиша.

— Бун қаранг-а,— Рудник кулимсиради,— йўлимиз бир экан. У орқа ўриндиқнинг эшигини очди.

Рудник машинани чаптастлик билан ҳайдарди. Йўлда бу аёл дугонасининг уйига ҳовли тўйига кетаётгани, ўзи эса марказда туришлиги маълум бўлди. Дугонам бунчалик олис районда турмаса нима қилар экан-а, деб қўйди у.

У машинадан тушаётганида Рудник учрашайлик, деган гапни қилувди аёл хижолат бўлиб, бундан кескин бош тортди. Рудник бундан гангиб қолмади. Ўзича Мойчечак деб номлаган бу аёлни йўлга солиши лозим эди.

Рудник энди ҳар куни кечқурун институтга яқин келар, одамлар оқимидан ўзига таниш сиймони изларди. Мойчечак эса ҳар сафар уни кўрганида ажабланар ва хижолат чекаётгандек бўларди. Бироқ, «Волга»га бажонидил ўтирарди. Рудник уни уйига элтиб қўярди. У аёлдан гап сўраб ўтирмади, ёлғизлигини, эри бўлганлигини, ажрашиб кетишганидан бери кўп йиллар ўтганлигини, боласи йўқлигини гапириб берди. Номини ошкор қилинмайдиган бир институтда бош лаборант бўлиб ишларкан.

— Ишимнию уйимни биламан. Бор тирикчилигим шу. Аҳён-аҳёнда қариндошларим ва дугоналаримникига меҳмонга бораман. Уёқ-буёқдан валақлашиб, кўнгил ёзаман, сал чалгигандай бўламан.

— Шунақа аёл ҳам ёлғиз турарканми? Ишонмайман. Эркакларнинг кўзлари қаёқда ўзи?

— Фақат мен томонга қарашмайди, холос,— аёл бу гапдан эриб кетди шекилли кулиб юборди.

Рудник уни ресторанга таклиф қилди. У таклифни бажонидил қабул қилди.

Рудник «Прага» ресторанида ўзини қўли очиқ ошиқдай тутди. Дастурхонни қора балиқ икриси, коньяк ва шампанское безаб турарди. Рудник сёт бўйича анча-мунча пул тўлаганлиги аёлда кучли таассурот қолдирди.

— Сиз эса исрофгар экансиз,— деб қўйди аёл ҳазилга олиб. Рудник бундан аёл оладиган озгина ойлигини тийинигача тежаб сарфлашини сезиб олди.

Шу оқшом ширакайф Лида ўзини кулгидан тиёлмай роса гап сотди. Унинг гулгун чеҳраси бениҳоя кўркем эди. Рудник ҳам уни биринчи марта аёл ўрнида кўрди.

«У чиндан ҳам дуруст экан». Рудник бу аёл билан алоқада бўлажagini ўйларкан, терисига сигмай кетди. У аёлни қўлга олажaгига шак-шубҳа қилмасди.

Рудник чиндан ҳам ўша кечада аёлнинг уйида ётиб қолди.

Бешинчи боб

ХУФЯ ЖОЙ

Рублевнинг қариндошлари ва танишлари унинг бўйдоқ юрганидан таажжубда эдилар. «Бу қанақаси бўлди энди?»— дейишарди улар ҳайратга тушиб. Сергей эса уларга ҳазиллашиб: «Шу ишга сира ҳам қўлим тегмади-да»,— деб жавоб қиларди. Чиндан ҳам шундай эди. Сергей аввалига пединститутда ўқиди, ажнабий тилларни ўрганишга берилди, бу эса бор вақтини оларди. Кейин эса бошқармада ишлади, янги квартира билан овора бўлди. Сергей эсини танибдики, унга вақт деган нарсa етишмасди. У аёлларга ҳам жиддий муносабатда бўларди, енгил-елпи муомалани ёқтирмас, бу, унинг назарида, вақтни беҳуда ўтказиш эди.

Сергейнинг тўртта опа-сингили бўлиб, иккитаси турмушга чиқишгач, иккитаси эса ота-онаси билан туришарди. Сергей қариндошлари билан одатда байрамларда кўришарди. Байрам кунлари битта дастур-

хон атрофида ўтириш оилавий анъана бўлиб қолган, бунга оила бошлиғи — шаҳарлараро юк ташиш агентлигининг шофёри бўлган ота қаттиқ амал қиларди. Ота-онанинг торроқ квартирасида байрамларда думалоқ стол атрофида одатда ўн беш-ўн етти киши, яъни Рублевларнинг уч авлоди вакиллари тикилиб ўтиришарди. Сергей бундай оилавий ўтиришларни хуш кўрарди. Бунақа ўтиришлар шовқинли, бетартиб бўлса ҳам хушчақчақ ўтарди. Опа-сингиллар Сергейнинг бошини иккита қилиб қўйишни ўзларининг бурчлари деб билганларидан, дугоналарини олиб келиб унга кўрсатишарди. Бироқ, уларнинг ҳаракатлари кўпинча беҳуда кетарди. Опа-сингилларининг дугоналари билан Сергейнинг танишуви узоққа бормасди. «Сенга Таня (Валя ёки Света) ёқмадимми?» — ҳайрон бўлишарди опа-сингиллари. Сергей эса кулар ва бундан буён мени бўлажак куёв ролидан озод қилинглар, деб ёлворарди. Келгуси оилавий ўтиришда эса бу яна бошидан қайтариларди. Дастурхон атрофида яна опа-сингиллардан бирортасининг дугонаси кўриниб қоларди-да, Сергейдан гап сўрашни қўймасди. Сергей ўтиришдан кейин уни уйига кузатиб қўярди.

Таня ҳам, Валя ҳам, Света ҳам, яхшигина қиз эди. Сергей опа-сингилларига шундай дерди. Бироқ, калта чарм куртка ва бошига мотоциклчиларнинг оқ дубулғасини кийган қиз кўп йиллардан бери сира кўз ўнгидан кетмаслигини шу чоққача ҳеч кимга айтмаганди. Бу қиз юк машинасига урилиб ҳалок бўлганди. Бу жуда хунук, алам қиладиган иш бўлганди. Сергей Николаевич бундан анчагача ўзига келолмаганди. Мотоциклчиларнинг дубулғаси қаерда бўлмасин кўзига кўринаверарди.

Сергей то Катя билан учрашмагунича ўзига муносиб бирорта аёл билан танишмаганди.

Рублевнинг отаси оилавий ўтиришларни ҳаётининг энг яхши онлари санарди. Чунки у ойлаб кўрмайдиган болалари йиғилишиб келишар, иккита невараси эса тиззасидан тушишмасди. «Мана, онаси, — дерди у хотинига мамнун жилмайиб, — икковимиз қанақа коллективни тарбиялаганимизни кўриб қўйгин. Стол теварагида сиқилишиб ўтиришимизни қара». У ўзи чаласавод бўлса ҳам болаларига олий маълумот берганидан жуда ғурурланарди. Айниқса,

яккаю-ягона ўғли бўлган Сергей билан фахрланар, гарчи у нима билан шуғулланишини аниқ билмаса ҳам унинг касбига ҳурмат билан қарарди.

Ота камгап ва босиқ одам бўлишига қарамай, бир неча қадаҳдан кейин сўзамол бўлар ва ҳаттоки жиндай мақтанишга ҳам тушарди. У газеталардан илиб олган «уруғ-аймоқчилик» деган сўзни жуда хуш кўрар ва ўтиришдаги суҳбатда ўшани тилга олишни ёқтирарди.

Ота дастурхон атрофида ҳиргойи бўлмаган ўтиришни ўтириш қаторига қўшмасди. Ўзи хонандаликдан йироқ бўлса ҳам хонишга жуда ҳам суяги йўқ эди. Бу борадаги бисоти ҳам унча бой эмасди. Бисотида бор-йўғи иккитагина ашуласи бор эди. Булар ҳам бир-бирига сира ўхшамайдиган «Биз ҳаммамиз халқ орасидан чиққанмиз» деган ашула ва «Тонг қизариб, сувлар алвонланди» деган сентименталь романс эди.

Сергей шунақа пайтларда бутун оиланинг унсиз илтижосига кўнган ҳолда мададга келарди. Сергейнинг ёқимли ўртача овози бўлганидан отаси жим қолар ва ўғлига гал бериб, ижрочиликдан тингловчига айланиб, оила аъзоларини жуда хушнуд этарди.

Оиладагилар ҳар йили йигирманчи июлда отанинг туғилган кунини нишонлашарди. Бу сафарги ўтиришда винонинг учинчи шишаси очилиб, ота «концерт программаси»ни бажаришга киришганида бирдан эшик қўнғироғи чалиниб қолди. Бунини эшитиб чиққан опаси бир сониядан кейин стол тузалган хонага кириб:

— Серёжа, сени сўрашяпти... Ишингдан келишибди,— деди.

Ҳамма Сергейга хавотирли — синовчан нигоҳ ташлади, Сергей эшикка ошиқди. Эшик олдида Максимов турарди.

— Узр, Сергей Николаевич,— ғўлдиради у.— Эски дўстимиз Малла сизга салом айтди. У яна Новодевичье қабристонида пайдо бўлди. Бунини сизга етказишни сўрашди.

— Маккензими?

— Ўшанинг ўзи?

— Қойил!— хитоб қилди Сергей.— Демак, дош беролмабди-да! У ерда нима иши борлигини аниқлашга муваффақ бўлдингларми?

— Ҳозирча буткул эмас. Маклаковнинг дахмаси олдида уймалашди. Ушанда хуфя жой борга ўхшайди!

— Хуфя жой?— Сергей Максимовнинг яноқлари чиққан юзига синчиклаб тикилди.

— Ҳа, хуфя жой. Қаерда эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. Яқин бориш қалтис эди. Бироқ, ўртоғимизнинг назарида, Маккензи ўша ердан бирор нарса олган ёки унга қўйган...

— Раҳмат, дўстим. Бу яхши янгилик. Сергей Максимовнинг дағал қўлини қизгин қисди.— Мени кутиб тур. Машина шу ердами?

— Пастда.

— Мен ҳозир, зумда!— Сергей шундан кейин кийинишга тушди.

Уйдагилар Сергей зудлик билан кетиши кераклигини билиб, бўшашиб қолишди. Ота айниқса хуноб бўлди. Нега деганда туғилган кунига шунча тайёргарлик кўрганида буёғи бунақа бўлиб турганини қаранг энди.

— Ҳечқиси йўқ,— тасалли берди Сергей,— бир-бир ярим соатдан кейин қайтиб келаман. Икковимиз ҳали хиргойи ҳам қиламиз.

Новодевичье қабристонига кетишаётганларида Максимов бу сафар Малла қабристонда Ғарбий Германиядан келишган туристлар тўдасида пайдо бўлганидан уни сал кейинроқ таниб олишганини гапириб берди. Туристлар қабристонда айланиб юришганида Маккензи лип этиб, тўдадан ажраб, даҳмага йўналибди.

— У ерда уч минут уймалашди,— гапида давом этди Максимов.— Панжара ва бутанинг қалинлигидан уни деярли кўриб бўлмади.

— У одамимизни пайқаб қолмадимми?— сўради Сергей.

— Менимча, йўқ. Одамимиз қўлда гулдаста билан айланиб юрганди. У ёлғиз юрмасликка ва ўт-кинчиларга яқинроқ бўлишга интилди.

— Даҳмага бошқа ҳеч ким яқинлашмадимми?

— Йўқ. Бошқа бировни кўрмадик.

Машина қабристон дарвозаси олдида тўхтади. Қабристон ичкарасида одам кўп эди. Асфальт йўлкаларда саёҳатчилар юришарди. Максимовлар гранит тошлар ва бюстлар оралаб катта-катта қадам таш-

лаб кетди. Кейин улар баланд ғиштин деворларига дарвозадан қабристоннинг кўҳна қисмига ўтишди. Бу ерда таниқли ёзувчилар, олимлар, жамоат арбобларининг номлари кўзга ташланарди. Максимов Рублевни усти тишсимон баланд монастыр девори бўйлаб қабристоннинг сирень ва арғувонлар қалин ўсган бурчига бошлади.

— Мана шу ерда, Сергей Николаевич.

Рублев таниш дахмани кўрди. Фариштанинг мраммар либоси қатлари тўлқинсифат ҳолда осилиб турарди. Ана шу мунгли гавдада чинакам қайғу, илтижо ва муқаррарликни итоатгўйлик ўзининг мужасамини топганидан Рублев бир дам ундан кўзини узолмай қолди.

— Жаноблар ўзларини абадийлаштиришга пулни аямабдилар,— деб қўйди Рублев.

— Ҳа, ёдгорликни боплаган,— Максимов унинг гапига қўшилди.— Сиз билан бизга бунақасини қўйишмайди.

— Биз бронзадан ясалган бунақа зил-замбил нарсалардан юз бурамиз... Дарвоқе, йўқ. Биз ҳозир ана шу зил-замбил нарсани роса синчиклаб кўздан кечирамиз. Сизлар яширин жойни қидиришга уриниб кўрмадингларми?

— Йўқ, десак ҳам бўлади,— жавоб қилди Максимов.— Фақат шунчаки кўз югуртирдим, холос, бироқ, таъбир жоиз бўлса биринчи уринишда чўққини эгаллаш мумкин бўлмади.

Шундай бўлса ҳам Рублев билан Максимов ҳозир атрофда одамлар кўп бўлган пайтда ёдгорликни кўздан кечириш мумкин эмас, деган фикрга келишди. Жозеф Маккензи алоқада бўлган одам қабристондаги кишилар орасида бўлса ҳам ажаб эмас-да.

— Қабристон соат еттида ёпилади,— деди уларга қабристон ходими.— Шунда бу ерда жон зоти бўлмайди.

Соат олти ярим эди. Рублев билан Максимов қабристонни айланиб юришаркан, сабрлари чидамай соатларига қарашарди. Хиёбонлар ҳувиллаб қолиши биланоқ улар ишга киришишди. Сергей ёдгорликни секторларга бўлиб чиқди. Олдинига панжарани яхшилаб кўздан кечиришди, сўнгра қуйи плиталар, улар орасидаги ёриқлар, ниҳоят даҳмадаги ботиқлик ва фариштанинг фигурасига ўтишди. Сергей, айниқса,

фаришта либосининг қатларини диққат билан кўздан кечирди. У фариштанинг қаноти тагидаги кавакка қўлини тикқанди, хурсандлигидан сал бўлмаса бақриб юбораёзди. Чунки қўли ўроғлик қоғозга текканди.

— Топдим!— деди Максимов мамнун ҳолда шивирлаб.— Хуфя жойини топдим.

— У ерда бирор нима борми?— Максимов ҳам негадир шивирлаб сўради.

— Бор. Хат. Мана у.— Сергей сарғайиб кетган тўрт буклоғлик қоғозни авайлаб, иккала бармоғи билан тортиб олди.

Эрталабдан бери ёмғир ёғарди. Афтидан, ёмғир томчилари ичкарига тушганди, нега деганда хат ҳўл, мовийранг сатрлар ёйилиб кетганди. Бироқ нималар ёзилганини ҳарқалай ўқиса бўларди. Рублев билан Максимов хат устига эгилишди.

«Отче наш иже еси на небесах!— ўқишди улар.— Номинг мунаввар бўлғай, илойим ўзинг ёр бўлғил, Нони насибамизни бутун қилғил. Ёмон нарсалардан, шайтондан ўзинг асрағил. Омин».

— Нима бу, дуоми?— Максимов довдираганича ўйлади.

— Дуо бўлса керак.— Сергей саводсизларча ёзилган қоғозни қўлида айлантирди.— Қоғоз эски эмас, сарғайган, бироқ унчалик эмас. Чамаси, бу ерга яқинда тикиб қўйилган.

— Шифр бўлса керак-а? Нима дейсиз, Сергей Николаевич?

— Эҳтимол. Нимаики бўлганда ҳам Маккензи эҳтиёткор одам. Мабодо уни қўлидан шаппа ушлаганингизда ҳам тиқилинч қилолмайсиз. Чунки қоғоздаги нарса беозор дуо-да.

— Сергей Николаевич, балки, бу ҳаммаси эмасдир?— сўради Максимов.— Изланишни давом эттирсакмикан? Сабр билан меҳнат қилиш керак бўлади.

— Нима бўпти, уриниб кўрайлик-чи,— рози бўлди Сергей. У хатни фаришта гавдаси маҳкамлаб қўйилган постамент билан ботиқ жойнинг ён тарафдаги плита орасига суқди.— Қуриб турсин,— у Максимовга шундай деди-да, яна ёдгорликни кўздан кечиришга тушди.

Улар яна нақ ярим соат қидиришда давом этишди. Қуёш дарахтларнинг орқасига беркинганидан

қуюқ япроқлар орасидан ёруғи қия тушарди. Қабристон кечки пайтнинг кўкиш рангига кирди. Рублев билан Максимов ёдгорликнинг ҳар бир сантиметрини кўздан кечиришса ҳам бари бир ҳеч нима топишолмади.

Кетиш керак эди. Сергей хатга кўз югуртирди, бироқ қурисин деб қўйилган хат жойида кўринмасди. У ботиқ жойни ва постамент ёнидаги ўтларни диққат билан кўздан кечирса ҳам хат ҳеч ерда кўринмасди.

— Буниси қанақа бўлди!— хитоб қилди у.— Қандайдир жумбоғ-а!

— Хат ёриққа тушиб кетган бўлса керак,— таҳмин қилди Максимов.— Бошқа йўқоладиган жойи йўқ.

Сергей ёриққа қаради. Унинг қоронғи жойида хатнинг бир учи салгина кўриниб турарди.

— Худди ўшандай!— хитоб қилди Сергей.— Ёриққа тушиб кетибди. Шамол теккандан бўлса керак. Нима қиламиз энди?

Максимов таъмирлаш ишлари олиб борилаётган қўшни участкага югуриб, бир бўлак ингичка сим топиб келди-да, ундан илмоқ ясади. Бироқ бу илмоқ билан хатни чиқариб бўлмади.

— Менга қара,— деди Рублев плитани кўздан кечираркан.— Бу тўртта винт билан маҳкамланган. Уста чақириб, плитани кўчиришга тўғри келади. Учовлашиб уни кўтариб олсак керак. Бошқа чорани кўрмайпман.

Максимов қабристон идорасига устани чақиргани кетди. Сергей сигарета тутатиб, яқинроқдаги скамейкага чўкди. Бу хат нима бўлдийкин? У билан Жозеф Маккензининг савдогар даҳмаси олдида пайдо бўлганлиги ўртасида қанақа боғланиш бўлиши мумкин? Балки, хатни бошқа бир одам қўйгандир? Дуо тектини диққат билан текшириш ана шу саволларга жавоб беради. Дуо тексти — шифр бўлса ҳам ажаб эмас. Сатрлар орасига кўзга кўринмас сиёҳ билан хат битилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳарқалай яширин жойни илгаригидай кузатиш, хатни эса экспертизадан кейин дарҳол ўрнига қўйишга тўғри келади.

Максимов соқоли ўсган, кичкинагина фанер чемоданча кўтариб олган чолни бошлаб келди. Чол шошилмай мўъжазгина трубкасига тамаки жойла-

ди, сўнгра шундай бамайлихотирлик билан винтларни кўздан кечириб, отвертка билан кичкина лўмни олди. Рублев устадан ичкилик ҳиди гупиллаб келаётганини сезди. Чол гўё Рублев билан Максимов ёнида йўқдай индамай ишларди.

Чол учта винтни анча тез чиқариб олди, бироқ тўртинчисини тортиб олишни сира ҳам уддалай олмасди.

— Ота, сизда малакадан қалай?— Максимов дош беролмади.— Разрядингиз борми? Қандайдир битта винтни чиқара олмаяпсиз!

— Эскиларнинг иши-да!— деди уста ниҳоят.— Илгари ҳамма ишни виждонан қилишарди. Мустаҳкам қилганларидан мана чиқариб бўлмаяпти.

Чол ўзича нималарнидир гўлдираб ва сўкиниб, чорак соатдан бери винт билан олишарди. Рублевнинг охири тоқаги тугаб, устага яқинлашди.

— Лаънати оёқ тираб олди, жон бориचा тортсам ҳам чиқмаяпти.

Сергей учта винтни индамай кўздан кечирди, сўнгра уларни чол олишаётганига солиштирди. Винтнинг фақат ярми чиқиб турарди.

— Менга қаранг,— деди у мўйсафидга,— манави винт бошқача металдан ясалган-ку. Мана кўринг— учтаси мисдан, манави тўртинчиси эса анча ялтироқ металдан қилинган. Қандайдир қотишмадан...

— Гапингиз тўғри!— мўйсафид винтни кўздан кечираркан, Сергейнинг гапига қўшилди.— Аниқ. Бу винт янгироқ экан.

— Қани, менга отверткангизни бериб турунгни,— сўради Сергей.

Рублев аввалига винтни охиригача бураб туширди, сўнгра шошилмай чиқара бошлади. У винтни ҳар ярим бураганида ўзига тортарди. Винт олтинчи айланишида тешигидан чиқди. У калта ва ичи қавак экан. У, очиғи, винт эмас, усти бурамали гильза эди. Жўнгина ва унча оригинал эмасди. Разведка практикасида яхшигина маълум бўлган нарса.

Сергей унинг ичига қаради. Унда ингичка қилиб бураб қўйилган қоғоз кўринарди.

— Манави, чинакамига хуфя жой!— Сергейнинг кўзлари чарақлаб кетди.— Анави, фариштанинг қаноти тагидаги ёлғондаками... одамни чалғитгани.

Рублев винт қавагидан ўралган қоғозни авайлаб

чиқариб олдида, эҳтиёткорлик билан ёзди. Унда рақамлар устунлари кўзга ташланарди.

Рублев чолга ўтирилди:

— Гап шундай, ота, ўн минут айланиб келасиз энди.

Чол нималарнидир гўлдиранганича нари кетди.

— Чинакам хат бу ерда экан,— шивирлади Рублев.— Шифровкачимизга ҳам иш кўпайди.— У қоғозни Максимовга узатди.— Қизиқ, бу хат кимга аталганикин?

Максимов шифровка билан танишди-да, уни Рублевга қайтарди.— Бу хуфя жойдан кўзимни узмайман энди.

Улар плитани кўчириб, дуо битилган қоғозни олишди-да, фариштанинг қаноти тагига қўйишди. Рублев шундан кейин шифровкани кўчириб олиб, яна винт қавагига жойлади. Плитани эса жойига ўрнатишди.

— Энди энг муҳими,— деди Рублев,— хат оладиган одамни кўздан қочирмаслик.

— Бундан ташвиш тортманг, Сергей Николаевич — кўздан қочирмайман.

Кўп ўтмай чол пайдо бўлди. У бу ерда нималар бўлаётганини сира ҳам тушунолмас, йигитларга саволчан қараб қўярди, холос.

Контрразведкачилар кетмоқчи бўлганларида чолнинг юзи аянчли тус олди.

— Суякларим зирқираяпти,— деди у.— Ёмғир ёғса керак.

— Ҳамма дард ичиш қиёмига етмаганидан,— ҳазиллашди Максимов.

— Тўғри, ўғлим. Сендан яхши врач чиқаркан. Ҳозиргилар сенга тенг келолмайди.

— Бўпти, бобо. Касалингиз маълум ўзи. Мана сизга уч сўм, бориб тузалиб олинг.

Олтинчи боб

ГАНСНИНГ ВАЗИФАСИ

Рудник энди Матвеева билан деярли ҳар кун ичрашарди. Гоҳо у ишлайдиган жойига келарди-да, одатича институтдан бир квартал берида кутиб турарди. Унинг бу одати Лидия Павловнани қизиқти-

риб қолди. Унга қолса Рудник машинасида тўғри институтнинг олдига келиши, никеллари ва орқа томонни кўрсатувчи кўзгулари ялтираб турган қора «Волга»нинг очилган эшигидан лип этиб кириб ўриндиққа ўтириб олса-да, бунини хизматдошлари кўриб туришса.

Бир куни Лидия Павловна машинага ўтираркан, машқи пастроқ кўринди.

— Бирор нарса бўлдимиз?— деб сўради Рудник.

Лидия Павловна елкаларини учириб, алам қилгандай лабларини ямлади. У фақат уйга келишганида Рудник, нега кайфияти бузуқлигини ҳадеб суриштираверганидан кейин, биттагина савол берганди, бари равшан бўлди қолди:

— Сен нимага тўғри институтга бормайсан? Муносабатларимизни бошқалар сезмасин дейсан-да!

Рудник хандон ташлаб кулди-да, унинг елкасидан қучди.

— Қўйсанг-чи! Наҳотки шунақа деб ўйласанг!— Рудникнинг ростакамига жаҳли чиқди.

— Бўлмаса нима гап бор?

Рудник кўзларини қисганича унга юқоридан қаради.

— Эсингда бўлса, янги танишган пайтларимизда сенга бу «Волга» ўзимники, дегандим. Бу машина эса идораники... Шунинг учун эҳтиёткор бўлишга тўғри келади...

— Нега мени алдадинг?— Лидия Павловнанинг овози ёзғиришдан кўра хайрхоҳроқ эди.— Наҳотки машинанг бор-йўқлиги мен учун муҳимроқ, деган хаёлга борган бўлсанг?

Рудник ирғиб туриб, хонада уёқдан-буёққа юрди.

— Сенга айтсам, бўлади-ку, ўзи... Мақтангим, довдиратиб қўйгим келди-да.

— Худди гўдакка ўхшайсан-а...— Унинг гуноҳкорона турганига Лидия Павловнанинг раҳми келиб, ўрнидан турди-да, пинжига кириб, сочларини силади. Рудник ўртада ғубор қолмаганини тушунди. Лидия Павловна туғилган куни Рудник унга французча туфли, сумкача ва пардоз буюмлари совға қилганидан кейин бу нарса бутунлай унут бўлди кетди. (Бояги нарсаларнинг барини унга Ганс Кушниц берганди). Бу нарсаларни олган Лидия Павловнанинг қувончи чексиз эди.

— Ё худойим! Эсингни ебсан! Буларнинг барини қайдан топдинг?

— Қўявер. Сенга ёқадими?

— Яна сўрайсан-а!— Лидия Павловна унинг бўйнига осилиб, ҳаммаёғидан ўпиб ташлади.

Лидия Павловна бамисоли гўдакдай ўзида йўқ шод эди. Туфлини дарҳол оёғига кийди-да, сумкачани олволиб мамнун жилмайганича ҳайкалқолип жонлонлардай йўрғалаб ўтди.

Унинг хурсандчилиги Рудникка ҳам ўтгандай бўлди. Шунинг учун ҳам у бирдан одам учун зарурий бўлган қувончларни — уйни, оилани жуда ҳам қўмсаб қолди. Бундаги энг муҳим нарса одамнинг руҳий хотиржамлиги эди-да. Рудникнинг қисмати эса бўлакча бўлганидан ўзини сира ҳам хотиржам сезолмасди. Кушниц келгандан кейин эса янада баттар бўлди. Рудник ҳаммавақт ўтмишини ўйламай бемалол, маза қилиб юрганларга ҳавас қиларди. У эса эшик қўнғироғи ҳар жиринглаганда, автоколонна бошлиғи ёки кадрлар бўлимига чақиришганида бир чўчиб тушарди. Нега бунақа кунга қолди ўзи? Одам ўлимга кўниколмайди, дейишади. Қўрқувга ҳам кўниколмас экан. Рудник Лидия Павловнага кўникиб қолган, чунки у тинчгина, хотиржам яшашга ўргатаётганди-да. Шунинг учун ҳам ўша оқшомда Рудникнинг ҳаёлига, бу ишларнинг барини йиғиштириб, «хўжайинлар»ни ҳам сўкиб ҳайдасаммикин, деган нарса келди. Бироқ, бу фикрдан қўрқиб кетиб, уни ҳаёлидан қувишга интилди. Хўжайинлари бунга йўл қўймасликларини биларди-да. Улар сирини очишади, тутиб беришади, керак бўлса, ўлдириб юборишади.

Рудник шунинг учун ҳам итоатгўйлик билан Ганс Кушницнинг топшириғини бажарар, яъни Лидия Павловнадан институт, бошлиғи, бирга ишлайдиган одамлари ҳақида билганларини қоқиб-суқиб оларди. Нариги тарафдан келган бу мишиқи менинг нима-ларга қодирлигимни унчалар менсимаётганини қаранг, деб ғижинарди Рудник. Гарчи у тайёрланган схемага эмас, балки ўзининг сезгисига кўпроқ ишонса ҳам Лидия Павловна билан бўладиган суҳбатни олдиндан икковлари яхшилаб пишитиб олишарди. Шундай бўлса ҳам, бир куни Лидия Павловна билан ўринда гаплашиб ётганларида у сергак тортди,

— Бизнинг бошлиғимиз сени нега ташвишга солади? Унинг сенга нима кераги бор?

— Сенга айтсам,— Рудник ўзини иложи борица бепарво кўрсатиб жавоб қилди,— мени доимо катта одамлар қизиқтиради. Ўзим ҳам катта амалга интилардим, бироқ бор-йўғи шофёр бўлиб қолдим.

— Энди шунга сиқилаяпсанми?

— Очиғини айтадиган бўлсам — ҳа.

— Сен шуҳратпараст экансан-да.

— Гап бунда эмас. Нимага улар бунга етишди-ю, мен етишолмаганимни билиб олмоқчиман, холос. Бунда мен фақат бошлиғингни эмас, ҳаётда муваффақиятга эришган ҳамма одамларни кўзда тутаман.

Лидия Павловна чекди-да, паға-паға тутунлар шифтга чўзилаётганига тикилиб, ўйга ботди. Рудник эса, гапимга ишонди шекилли, деб суюнди.

— Чамаси, ўша одамлар бошиданоқ кўнгиллари нима исташини билишган бўлса керак. Бироқ, бахтли бўлиш учун бирорта мансабни эгаллаш шартми? Мисол учун, мана бизнинг Бошлиқ. Унинг ҳамма нарсаси бордай... Одамларнинг айтишларича, кватираси катта экан.

— У қаерда туради?

— Институтнинг ёнида, қаердадир туради, дейишади... Ҳа... идоранинг машинаси ҳам бор, ойлиги ҳам зўр, ҳурмат, эътибор жойида, кимсан фалон институтнинг директори!

— Ҳа, буни тасаввур қиламан,— деб қўйди Рудник.

— Онласи нотинч дейишади.

— Нима бўпти?

— Қизи нобоп одамга теккан, дейишади.

— Ҳозирги пайтда буни нотинчлик, деб бўларканми? Энди қизлар бир неча бор турмуш қуришяпти.

— Асти қўявер... Айтишларича, қизи ақлли, чиройли, эри эса бетамиз, саёқ, бироқ тўғриси айтганда келишган йигит эмиш. Қизи унинг келишганлигига учган бўлса керак-да... Келишган йигитга қизнинг бошини айлантериш иш бўптими...

— Ўзинг уни кўрганмисан?

— Фақат бир марта. Нимагадир институтга ўзининг қора «мерседес»ида келувди. Ўшанда менга

битта танишим: «Анави бошлиғимизнинг куёви бўлади», деганди.

— Бунақа машинани қаердан олган?— Рудник шунчаки сўраса ҳам ичида бугунги оқшом беҳуда кетмаганидан хурсанд эди.

— Унисини билмайман.

— Ҳа... Бошлиғининг куёвидай расволарнинг омади келади. У ҳам битта-яримта йўғоннинг бола-сидир-да...

— Сен ҳасадгўй экансан... Ўзингнинг ҳам омадинг келган-ку, деди Лидия Павловна нозланиб.— Сенинг мендай ёринг бор... Ё бу гапга қўшилмайсанми?

Рудник уни бағрига босаркан, ичида Кушниц билан тезроқ учрашиш кераклигини ўйларди.

* * *

Рудникнинг кўп кутишига тўғри келмади. Ана шу суҳбатдан кейин икки кун ўтгач, Рудникнинг квартирасида телефон жиринглади. Кимдир Мария Степановнани чақириб беришни сўради. Рудник ғижиниб, бу ерда унақа одам турмайди, деб жавоб қилди. Телефон яна уч марта жиринглади: Ганс Кушниц билан охирги учрашувларида шунга келишишганди. Ганс Кушниц Рудникни Катта Харитоньевск кўчасидаги хиёбонга таклиф қилганди. Рудник кеч соат тўққизда ўша ерда бўлиши керак эди.

Рудник ҳаммасидан ҳам ана шу учрашувлардан қўрқарди. У Кушниц яна нималар билан шуғулланишини билмасди-да. Кўзга тушиб, кетидан «дум» бошлаб келса ҳам ажабмас-да. Ушанда ўзи ҳам бировнинг хатоси, бемаънилиги ёки эҳтиётсизлигидан қулоғини ушлаб кетаверади. Шунинг учун ҳам Рудник учрашувга чиққанида эҳтиёткорликнинг бутун чораларини кўрарди: бир транспортдан иккинчисига ўтар, иморатларнинг подъездларида ўзини панага олиб, кўчани кузатар, кўчадан кетаётганида шартта орқасига бурилиб, юриб қоларди-да, ўткинчиларнинг башараларига қараб-қараб қўярди. У кетида «дум» йўқлигига тамомила ишонч ҳосил қилганидан кейингина ҳаммаси жойида, деб келишилган жойга борарди.

Рудник Ганс Кушницни хиёбонда кўраркан, аж-

набийга ўхшамаслик учун одмигина кийиниб олибди, шими, кўйлаги, сандалетини ҳам ўзимизнинг магазинлардан харид қилган, деб қўйди ичида. Уни кўрган одам москвалик оддий йигитлардан бири, сигарета чекиб, «оқшом»ги газетани ўқиб ўтирибди, дерди-да.

Рудник унинг ёнига чўкди, ёш жувон ўрнидан туриб, олдидаги коляскани итариб, анча нарига кетганидан кейингина Кушниц билан гаплаша бошлади.

У Матвеевадан билиб олган нарсаларини қисқача қилиб тушунтирди. Кушниц газетани нарига қўйиб, сигарета тортди (Рудник унинг сигаретаси ҳам ўзимизнинг «Столичные» деган сигарета эканлигини пайқади), бир дақиқа жим қолди. У эшитганларини маъқулламади ҳам, ёзғирмади ҳам. Кейин дарҳол ишга киришди.

— Демак, шундай. Яхшилаб эслаб олинг. Эртагаёқ институт томонга борасиз. Бошлиқнинг уйини топасиз. «Мерседес» — бу таниш белгиси. Ўша йигит билан танишиб оласиз. Бунга баҳона топасиз.

— Бу қийин эмас, — пўнғиллади Рудник. — Масалан, машинасига эҳтиёт қисмлар керак бўлади.

— Ҳа-ҳа. Яхши фикр. Мен сизларда эҳтиёт қисмлар топиш қийин, деб эшитувдим. Унга сизга керагини топиб бераман, денг. Мен топиб бераман. Умуман у билан иноқлашиб олинг. Яхшилаб пайпасланг. Бизга керак бўлиб қолиши мумкин.

Рудник ўзини хиёбоннинг олис бурчида жавлон уришайётган болаларни томоша қилаётганга солди.

— Сиз Бошлиқнинг квартираси қўриқланиши мумкинлигини унутаяпсиз. У ерда пайдо бўлиш — тегишли одамларнинг назарига тушиш демакдир...

— Квартиранинг яқинроғида кўринманг. Машинани бирорта гавжумроқ жойда қолдиринг...

— Шундай ҳам қилдик. «Мерседес»нинг эгасидан конкрет нимани билиб оламан?

— Қайнатасининг фамилиясини... У бизга керакли одамми ё бошқами — аниқлаш керак... Керакли одам бўлса, одатлари, заиф томонларини билиш керак. Биринчи галда заиф томонларини аниқлаш керак бўлади... Одамларимиздан битта-яримтаси у билан алоқа боғласа бўладими — шунини аниқлаш лозим.

— Жин урсин, — шивирлади Рудник, — сиз бошим-

ни сиртмоққа тикаяпсиз-ку... Сиз шароитимизни билмайсиз. Совет контрразведкаси Бошлиқни қўриқлаш бўйича чоралар кўрмаган, деб ўйлаяпсизми?..

— Эҳтимол. Сизни Бошлиқ билан алоқа боғланг, деб биров сўраётгани ҳам йўқ. Сиз унинг кўёви билан яқин бўлиб олишингиз керак. Сиз шундай қилингки, унинг ўзи сиздан ёрдам сўрасин. Керак бўлса уни пулга сотиб олинг.

Рудникнинг қовоғи осилди. Унга бу махсус топшириқ ёқмаётганди. Шунда негадир Лида, туғилган кунидаги беҳад хурсандлиги, унинг: «Сенинг мендек ёринг бор-ку»,— деган гапи эсига тушди. Эҳ, қани энди ҳозир ёнида ўтирган манави чучмал газандани уриб-сўкиб ҳайдаса! Бу бало бошига қайдан келди ўзи!

Кушниц у иккиланаётганини пайқаб, мулойим, ҳатто самимият билан деди:

— Хавотирланаверманг! Мен ҳам таваккал қилаяпман. Сиздан кам эмас. Менинг эса дипломатик нодахлдорлигим йўқ. Сиздан анча ёшман ҳам. Ҳали уйга қайтаман, деган хоҳишим ҳам йўқ эмас.

— Сизнинг уйингиз борми?

Кушниц елка қисди:

— Пули бор одам — ҳар ерда азиз меҳмон.

Рудник бошқача бир вазиятда бу ҳикматга қўшилган ҳам бўларди. Ҳозир эса ичида: «Уйинг, оиланг бўлганида бу исқирт ишга араллашиб ўтирармидинг», дерди.

— Таваккалчилик қилманг,— гапида давом этди Кушниц.— Сизни ҳеч ким бунга мажбур қилаётгани йўқ. Эҳтиёткорлик билан, оқилона иш тутинг...

— Бўпти, бўпти,— вағиллади Рудник,— тасалли бераверманг. Риёзат қанақалигини ўзим биламан.

— Риёзат?— қайта сўради Кушниц.— Бу нима дегани, қанақа ибора ўзи?

— Кулфат, кўнгилсизлик, дегани...

Ичида эса: «Қўлга тушгин, ўшанда бунинг қанақалигини биласан»,— деб қўйди.

Айтмоқчи, Рудникнинг ўзи ҳам бу иборанинг аниқ маъносини билмасди. Шунинг учун пайти келганда бир луғатга қараб олишни кўнглига тугиб қўйди.

Икковлари бир ҳафтадан кейин учрашишга келишишди-да, бир-бирларидан кўнгиллари тўлмаган ҳолда ажралишди.

ҚОРА «МЕРСЕДЕС»

Рублев жуда хурсанд ҳолда кўзини очаркан, бунинг сабаби нимадалигини дарҳол тушуниб етақолмади. Шундан кейин жингалак сарғиш сочлар, йирик кулранг кўзлар, тез-тез шивирлаш ва кенг тасмали жинси шимни эслади... «Эҳ-а, Катя! Шодлигининг боиси шу-да!» Шунда беихтиёр жилмайди.

Рублев шу чоққача ҳаётдан бунчалар завқ олмаганди. Тўғрироғи, болалигида қишлоқдаги бувисининг уйида турганидан бери бунақа кўйга тушмаганди. Сергей ўша пайтлардан ёзги июль кунларини эслаб қолганди. Ўшанда соат тўққизда уйқудан оғир тортиб турди-да, қоронғи даҳлиздан қушлар чуғурлашиб турган боққа чиқарди. Ҳали қизимаган июль қуёши олмаларнинг намхуш япроқлари оша мўраларди. Ё ажойиб ёз субҳидамиданми, ё бувисининг меҳрибончилигини сезиб турганиданми ё узундан-узоқ ёз кунининг сеҳриданми — ҳарҳолда, ўшанда жуда ҳам мазза қилганди-да.

Сергей ҳозир ҳам нақ ўшандагидай ҳузур қилаётганди. У тезда душга тушиб, шоша-пиша соқолини олди, қаҳва тайёрлаб, апил-тапил нонушта қилди-да, кўчага чиқаркан, ўзини ниҳоятда тетик сезар ва те-варагидагилар кўзига жуда ҳам гўзал кўринарди. Максимов унинг чеҳраси ёришиб тургани ва димоғи чоғлигини зумда фаҳмлади. У кўзларини муғамбиро-на қисганича:

— Наздимда, Катя билан тил топишганга ўхшайсан?— деб қўйди.

— Шу ҳам гап бўлдим!— Рублев беозоргина ранжиган бўлди. Тўғри, у ҳозирда Гоша билан қувончини баҳам кўргиси келар, бироқ унинг тап тортмаслигидан чўчигани учун жим турарди. Чунки Катя билан ораларида жуда қувончли, эзгу ва сирли нарсалар рўй берганди-да.

— Бўлди-бўлди, уним чиқмайди,— Максимов ўзининг беодоблигидан ранжигандай бўлди-да, дўстона равишда қўшиб қўйди:— Яхши қиз! Фақат омади келмай турипти-да. Айтгандай, яхши одамларнинг омади келмайди ўзи...

Ўша кун эрта билан бошқарманинг эшиги олди-

да Сергей Николаевични идоранинг машинаси кутиб турарди. Чорак соатдан кейин у «Смеляковнинг фирмасы»га жўнаши керак эди. Сергей бошлиқ билан икковлари биринчи марта юксак самарали ракета ёнилғиси — «зет» суюқлигини олишга муваффақ бўлинган илмий-тадқиқот институтини шундай дейишарди.

— Сизнинг таклифларингиз тасдиқланди,— Петраков хўмрайганича гапирди.— Кўнглимнинг бир жойи эса бу таклифларингизга учмай турибди. Ўзининг шубҳаларимни «генерал»га (улар бошқарма бошлиғининг ўринбосари генерал Загладовни шундай дейишарди) айтдим, бироқ у мени қувватламади.— Петраков «Ява» пачкасидан сигарета олиб, фильтрини узиб ташлади-да, безакли мундштугига жойлади. Бошлиқнинг бу иши Рублевни доимо тааж-жубга соларди. Бунақа қиларкан, фильтрли сигаретани нега олади, деб ўйларди у.

— Нимагалигини билсам бўладими? Планимда қаери шубҳали кўринди?

— Сизга айтсам, Сергей Николаевич,— операция планингиз, менимча, жуда беозор, нозикроқ.

— Чунки энг йирик олимга ишимиз тушаяпти-да. Унинг мамлакатимиз олдида улкан хизматлари бор. Энг муҳими, биз уни сира ҳам нафсониятига тегмаслигимиз керак, мен ана шунга интилаяпман. Бўлмаса у, мени текширишаяпти, деган хаёлга бориб қолиши мумкин... Биз эса гумонсираб, уни ҳақорат қилишга сира ҳам ҳақли эмасмиз.

— Ҳа, бари шундай. Бироқ, барибир эсингиздан чиқарманг: қаердадир, ёнгинамизда душманларимиз ҳам ғивирлашаяпти. Бизнинг вазифамиз — уларни иложи борица тезроқ аниқлаш. Сизнинг операция планингиз эса шошилмай пайпаслаб кўришга мўлжалланган...

— Биз иложи борица ҳаракат қиламиз...

— Маъқул. Сиздан ғайрат билан ишлашингизни илтимос қиламан. Вақт бизнинг ишимизда фавқулодда муҳим омил. Асосий нарсани унутманг: душман ўлжани тишлаганича ўрмалаб, жуфтакни уриб қолмасин.

Очиғини айтганда, Рублевнинг плани унчалик мураккаб эмасди. Душман Смеляков фирмасы билан қизиқаётган экан, демак, у эртами-кечми худди шу

зонада ўзини кўрсатади. Бутун мўлжал шунда эди. «Менинг вазифам,— деб ёзганди Рублев,— зонани, айниқса, душман ҳаракат қилиши мумкин бўлган йўналишда квадратма-квадрат текширишдан иборатдир».

Ярим соатдан кейин Рублевнинг «Волга»си катта деразаларига парда тутилган баланд иморат олдида тўхтади. Бино олдида кенг чиройли гулпушта бўлиб, унда ранг-баранг гуллар бор эди. Қатор кетган арғувонлар ва тераклар бир текисда ўрилган майсаларга жимжимадор кўланка ташларди.

Институт навбатчиси бўлган кекса старшина Рублевнинг гувоҳномасини бир суратига, бир ўзига қараб узоқ кўздан кечирди. Гувоҳномадаги сурат беш йил бурун олинганди. Сергей Николаевич унда анча ёш йигит кўринарди. Афтидан, старшина ана шу нарсадан ҳайрон бўлаётганди.

Рублев иккинчи қаватга кўтарилди-да, ҳувиллаган салқин коридордан (деразаларга парда тутилганди) бориб: «Махсус бўлим» деган ёзувли эшикни итарди. Стол ёнидан қалин трикодан тикилган тим кўк костюмли киши ўрнидан кўзғолди. «Шундай иссиқда ҳам жун костюмда-я. Одам ҳам ўзини шунақа қийнайдами!»— кўнглидан ўтказди Рублев.

— Басов... Митрофан Иванович,— кабинет эгаси ўзини танитди. Унинг овози бўғиқроқ, ичига ботган чакаклари, кўз косаларининг чеккалари қорамтир кўринарди. Басов ўзини қуруқроқ, жуда расмий тутарди. Чамаси, аллақандай бир бола унинг ишини текширгани келганидан кўнгли олингандек эди. Сергей Николаевич махсус бўлим бошлиғининг ҳолатини сезганидан иложи борича мулоҳим қилиб:

— Менга сизнинг ёрдамингиз керак,— деди.

— Нима гап ўзи?— Басов ҳушёр тортди.

— Гап шундаки, душман разведкаси қандайдир йўл билан «зет» суюқлиги устида иш олиб борилаётганидан хабар топишга муваффақ бўлган.

Басов тошдай қотди ҳисоби. У Рублевга мижджа қоқмай тикиларди.

— Ҳуш...— деди у ниҳоят унини аранг чиқариб.— Бироқ бу қандай қилиб юз бериши мумкин?

— Мана шуни сизнинг ёрдамингизда аниқламоқчиман.

— Биз эса эҳтиёткорликнинг барча чораларини кўрганмиз...

— Шак-шубҳа йўқ.

— Ақлим бовар қилмаяпти!— хитоб қилди махсус бўлим бошлиғи.

— Ҳозирча даҳшатли ҳеч нима бўлгани йўқ,— Рублев уни тинчитди.— Фаҳмимча, энг асосий нарса — суюқликнинг формуласи душманга маълум эмас. Ҳозирча у тадқиқотлар олиб борилаётганини билади, холос.

— Мен нимада ёрдам беришим мумкин?

— «Зет» суюқлиги устида ишлаётганларнинг рўйхатини берсангиз.

— Унинг устида анча катта группа иш олиб борган. Камида элликта одам. Жумладан Германия Демократик Республикасидан келган учта олим ҳам.

— Қанча бўлса ҳам...

— Бу рўйхатни тайёрлаб бераман.

— Айтинг-чи, сизга, айтайлик, махфий ишга рухсат этилганлар ёки уларнинг қариндошлари, танишларининг ўзларини ғалати тутаетганлари ҳақида сигналлар тушмадими?

— Сиз ажнабийлар билан одамларнинг ишдан ташқари учрашганларини кўзда тутаяпсизми?

— Ҳа, бу ҳам қизиқарли.

Махсус бўлим бошлиғи, менда бунақа информация йўқ, деб жавоб қилди.

— Тўғри, бизни хавотирга солаётган битта одам бор, албатта. Гап шундаки, у Смеляковнинг қариндоши. Тўғрироғи, куёви...

— Ҳўш, нима қипти?

— Сизга айтсам, унинг чет эл маркали машинаси бор. Эскироқ «мерседес». Яқинда менга милициядан хабар қилишди. У ажнабийлардан нарса сотиб оларкан. Хуллас, олиб-сотар.

— Смеляковнинг ўзи бунга биладими?

— Ҳа, хабардор. Чора кўришга ваъда берди. Бироқ ҳозир аҳвол қанақалигини билмайман.

— Бу куёвнинг фамилияси нима?

— Кухонцев Вадим Леонидович. Қандайдир илмий-тадқиқот институтида ишлайди...

— Қаерда туради?

— Кейинги пайтларгача қайнотасининг уйида турарди. Ҳозир эса билмайман. Одамларнинг айтиш-

ларича, Смеляковнинг қизи билан муросаси нодуруст экан. Чамаси, ажралишса керак.

Рублев махсус бўлим бошлиғи «зет» суюқлиғи устида иш олиб борган ходимларнинг рўйхатини тайёрлаб бергунича кутиб, Смеляковнинг уй адресини ёзиб олди. Смеляков институт яқинида, янги уйлардан бирида истиқомат қиларди. Рублев бу районга қарайдиган милиция бўлимини телефонда аниқлаб, унинг бошлиғи билан боғланди-да, жойида бўлиб туришини илтимос қилди. Сўнгра Басовга миннатдорчилик билдириб, институтни тарк этди.

Рублевнинг шофёри у яқин келаётганини кўраркан, ўқиётган «Комсомолка»сини буклаб, машинани ўт олдирди. Сергей Николаевич милиция бўлимининг адресини айтди. Москвада ҳаво бениҳоя иссиқ, июлнинг ўртача ҳароратидан беш градус баланд эди. Қвас сотилаётган бочка олдида одамлар қатор тизилишиб навбатда туришарди. Кечқурунлари шаҳардан ташқарига жўнаётган электричка ва автобуслар лиқлиқ бўларди. Ҳамма табиат қучоғига, ўрмонга, сув бўйига борсам, дерди. Асфальт азбаройи қизиганидан оёқ тагида бамисоли ошган хамирдай ҳовур чиқарарди.

Милиция бўлимида салқин бўлиб, тамаки тутуни, сувоқ ва сиёҳ ҳиди димоққа уриларди. Бошининг орқа томонида ва чаккаларида бир тутам жингалак сочи қолган, кекса подполковник бўлган милиция бўлимининг бошлиғи Рублевни жуда хурсанд кутиб олди-да, ўша заҳотининг ўзида ишининг оғирлигидан нолишга тушди. Район, тўғри, тинч, зиёли одамлар туришади, бироқ, ёш-яланглар... Улар ташвиш орттиришгани орттиришган. Кухонцевми? Йўқ, бу одам ҳақида у ҳеч нима эшитмаган. Ҳамма эсда турармиди, дейсиз...

Подполковник қўнғироқ кнопкасини босганди бўсағада лейтенант кўринди.

— Светлая кўчасига бизда ким хизмат кўрсатади?

— Капитан Карабанов...— пича жимликдан кейин жавоб қилди лейтенант.

— Уни топинг. Тезда менинг ҳузуримга келсин.

Орадан ўн беш минут ўтгандан кейин бошлиқ кабинетига кўринишидан ҳорғин, юзини ажин босган кекса капитан кириб келди. У дастрўмоли билан ўзини анча ва қаттиқ елпиб, тепакалини босган мар-

жон-маржон терларни артди. Ҳа, Кухонцев деган биттасини билади. Нега ҳам билмасин? Унинг участкаси-да. Худога шукрки, участкасида мана беш йилдан бери ишляпти. Кухонцев бўйи узун, келишган йигит, унинг «мерседеси» ҳам бор.

— Бир марта машинани маст ҳолда бошқарганида ушланган,— гапида давом этди участка вакили.— Инспекторга қўрслик қилган ва бунинг устига, ишинг чатоқ бўлади, деб дўқ урган. Инспектор эса менинг ошнам, армияда бирга бўлганмиз. У мендан бу Кухонцев кимлигини суриштиришни илтимос қилди. Биз у билан шу тариқа танишиб олдик.

— Унинг олиб-сотарчилиги сизга қандай маълум бўлди?

— Петровкадан хабар қилишди. Уни меҳмонхона олдида жамоат тартибини бузгани учун бир неча марта ушлашган. У валютачилик қилса керак, деган гумонлар ҳам бор.

— Хўш-хўш...

— Яқинда яна битта сигнал тушди. У ўзининг битта танишига чет эл маркали машинанинг олдинги ойнасини, яна майда-чуйда нарсаларни сотган. Менга хабар беришди-да... Шундай муътабар одамнинг қариндоши бўлса-ю, олиб-сотарчилик билан шуғулланса. Ҳа, мен шунақа куёвим бўлишини хоҳламасдим... Шубҳали нусха. Ойига бир юз йигирма сўм олади-ю, айш-ишратдан бўшамайди. Меҳнатсиз даромадга яшаётгани очиқ кўриниб турибди...

— Сизлар қандай чора кўрдинглар?— қизиқди Рублев.

— Қанақа чора бўларди!— участка вакили норози бўлгандай тўнғиллади.— Унга иш очиб ўтирмадик, албатта. Қайнотасига ҳурмат туфайли. Шундай одамни руҳий азобга солиш ноқулай-да.

— Ҳа-ҳа, эсимга тушди!— бўлим бошлиғи питирчилаб қолди.— Тўғри-да... Тўғри-да! Ўзингиздан ўтар гап йўқ,— тушунтирди у Рублевга,— йирик олим... Унга шунчаки айтиб қўйишга қарор қилдик.

— Қанақа ажнабийлар билан у учрашиб туради?— деди Рублев участка вакилига.

— Аниқламаганмиз. Шунинг учун айтолмайман.— Капитан гуноҳқорона илжайди-да, яна тепакалини артишга тушди...— Дарвоқе, шошманг-чи... Участка вакили ўйга ботди.— Яқинда битта нусха

унинг олдига келди. Тўғри, «Волга»да. Бироқ унда чет эл журналлари ётарди. Қарасам, машинани кўчада қолдириб, Смеляковнинг уйига пиёда борди. Ўша атрофда уймалашиб юрувди, кўп ўтмай Кухонцев унинг олдига чиқди. Мен, машинада уй олдига келишга қўрқсанг ниманидир яшираяпсан, биродар, дедим ичимда!

— Кимлигини аниқламадингизми? Балки машинанинг номери эсингизда қолгандир?

— Йўқ, номери эсимда қолмаган. Аниқлашга сабаб йўқ эди-да. У қондани бузмади, бироқ кўриниши қанақалигини айтиб бера оламан. Баланд бўйли, қирғийбурун.

— Ажнабийми?

— Йўқ, кўринишидан ўзимизнинг одам бўлса керак. Басавлат, элликларга борган, балки ёшроқдир. Чаккасида холи бор. Юзи чўзинчоқ, қошлари қалин, қуюқ.

— Қизиқ. Демак, Смеляковнинг уйига машинада яқин бормади...

— Ҳа, ўзини панага олди...

— «Панага олди»,— Рублев ичида такрорлади. Бу сўзлар замирида нима яширин экан? Жиноятчиларнинг изига олиб чиқадиган калаванинг учими? Ё бўлмаса бу кекса хизматчи бўлган участка вакилининг профессионал гумонсирашими?

Рублевнинг суҳбатдан кўнгли тўлмади. Бўлим бошлигининг ҳам, участка вакилининг ҳам тилининг учида, Кухонцев билан давлат хавфсизлиги органларидаги одамлар нимага қизиқишмаяпти, деган савол турганлигини сезган ҳолда ўрнидан қўзғалди. Кухонцев нима ҳунар кўрсатганикин? Икковлари ҳам буни сўрашга ботинишолмади, ноқулайликка йўйишди.

Сергей Николаевич капитандан Кухонцевнинг уйи олдида яна ўша «Волга» пайдо бўлса, ўзига хабар беришни илтимос қилди. Хайр-хўш қиларкан, ўзининг телефон номерини қолдирди.

* * *

Петраков иш кунининг охирида кабинетида кичкинагина кенгаш ўтказди, унда Максимов билан Рублев бошланган операциянинг натижалари бора-сида ахборот беришди. Новодевичье қабристонини кузатишга бошчилик қилаётган Гоша кечқурун сав-

догар Маклаков дахмаси олдида номаълум гражданин пайдо бўлиб, анча ивирсиб юрганини, аммо унинг кимлигини билиш мумкин бўлмаганлигини айтди.

— Мен унинг изидан бордим,— деди Максимов гуноҳкорона сўниқ овозда,— бироқ оломонда йўқотиб қўйдим.

— Уни қандай қилиб кўздан қочирдинг?— Петраков чиндан ажабланди.

— Ўзим ҳам тушунолмаيمان. Қабристон дарвозасидан чиқдию, бамисоли ерга кириб кетди ҳисоби.

— Изидан тушишганини пайқаган бўлса керак-да?

— Менимча, пайқамаган. У эҳтиёткорликдан гоёиб бўлган чамаси.

Петраков бошини ёзғиргандай чайқади.

— Унинг кўриниши қанақа? Айтиб бера оласанми?

— Бўлмасам-чи. Баланд бўйли, қирғийбурун, сал букчайган, чаккасида холи бор.

— Ажаб...— ғўлдиради Рублев,— Холи бор, деясанми?

— Ҳа,— тасдиқлади Максимов.— Холи яхши эсимда қолган. Нима гап ўзи?

— Гап шундаки,— Рублев ўтирганларга кўзини қисганича қараб чиқди,— Кухонцевнинг олдига келган шофёр ҳам баланд бўйли, қирғийбурун ва энг муҳими — чаккасида холи бор.

Ҳаммалари бир лаҳза бир-бирларига жимгина тикилиб қолишди.

— Балки, бу шунчаки ўхшашлик бўлса-чи?— деб қўйди ниҳоят Максимов.

— Эҳтимол, ўхшашлик эмасдир.— Петраков эътироз билдирди.— Ҳарҳолда, биз ўша қирғийбурун кимлигини тез орада аниқлашимиз керак. Бунда бизга участка вакилингиз кўмак бериши ҳам мумкин,— Петраков Сергей Николаевичга мурожаат қилди.

— Бироқ, унинг яна Смеляков уйи олдида пайдо бўлишига кафолат қайда? Ҳа, Анатолий Васильевич, бунда бизга Кухонцев ёрдам бериши мумкин. У ўша Қирғийбурун кимлигию қаерда ишлашини билса керак.

— Кухонцев айтмаслиги ҳам мумкин,— эътироз билдирди Максимов.

— У айтмаса бўлмайди. Бизга у ортиқча ташвиш орттирмайди, дейман. Фаҳмимча, Кухонцев айш-ишратда кун кечиради, демак пулга зориқиб туради. Айтайлик, менда чет эл маркали машина бор, ундан бирорта детални топиб беришни илтимос қиламан...

— Йўқ,— Петраков эътироз билдирди,— бу вариант кетмайди. У сизга деталь топиб беради, бироқ Қирғийбурун билан таништиришига кафолат қайда? Бундан ташқари бу ишда ифвогарликка ўхшаш нимадир бор. Бундай қараганда Кухонцевнинг ажнабийлар орасида танишлари кўп. Шунинг учун ҳам Қирғийбуруннинг унга эҳтиёт қисмлар топиб бериши шарт эмас. Эҳтимол, улар валюта ёки чет эл латтапутталари масаласида тил топишгандир. Менда бошқа таклиф бор. Сиз милицияда ундан шикоят бор, деяпсизми?

— Тўппа-тўғри,— тасдиқлади Рублев.

— Милиция ўша шикоятни текширишга киришсин. Менимча, Кухонцевнинг ўзи ҳаммасини айтиб берса керак. Бунақа одамлар одатда сўзамол бўлишади. Ишни судга ошириш шарт эмас, албатта, энг муҳими — Қирғийбуруннинг фамилиясини ундан билиб оламиз. Дарвоқе, Сергей Николаевич, у билан ўзингиз гаплашинг. Милиция бошлиғи билан эса ҳаммасини ўзим келишаман.

* * *

Улар соат олтидан ошганда метронинг «Фрунзе» станцияси олдида учрашишди. Катя энсиз белбоғли юпқа гулдор кўйлакда эди. Сергей Николаевич уни бу кўйлакда иккинчи марта кўрар, нега деганда Катя доим жинси ва эркаклар кўйлагига юрарди-да. Катя ҳозирда ниҳоятда кўркем ва латофатли эди. У Сергей синчиклаб тикилаётганидан ер сузди.

— Нима, ёқмаяптими?

— Аксинча. Иложи бўлса кўйлакда юравер.

Икковлари кулишди.

— Шундай бўлақолсин. Фақат сен учун.

— Жинсини яхши кўрасанми?

— Йўғ-е. Шунчаки унда юриш қулайроқ-да. Қинишига ҳам кўп вақт кетмайди.

— Ишнинг кўзини биладиган аёлсан-да!

— Йўқ. Тўғрироғи, дангасаман. Бироқ ўзимни меҳнатсевар қилиб тарбиялайман. Бугун қаёққа борамиз?— Сергей то жавоб қилгунича Катянинг ўзи таклиф қилди:— Бирор ёққа бориб овқат қилайлик!

— Квртирам жонингга тегдими?— сўради Сергей.

— Қўйсанг-чи!— Катя унинг пинжига тиқилди.— Сен билан одамларга кўринмоқчиман, холос. Мен шуҳратпарастман. Одамларнинг менга жиндай ҳаваслари келишини истайман.

Сергей кулди.

— Ҳавас қилишадиган жойи йўқ.

— Сен ҳеч нимани тушунмайсан. Мен қизлар сенга кўзларини сузишаётганларини пайқаб қолдим.

— Афсуски, бунини мен пайқамасман-да. Бўпти, яхши, унда шаҳардан ташқарига чиқамиз. Масалан, Архангельскоега, қалай?

Катя бош ирғади.

Улар бир неча минутдан кейин таксида ўтиришар ва бир-бирларига маъноли, фақат ўзларигагина маълум бўлган нигоҳлар ташлашарди. Бу нигоҳлар маъноларга лиммо-лим эди. Рублев шу чоққача ўзини ҳозиргидай куч-ғайратга тўлган, енгил ва теварак-атрофидагиларга меҳрибон ҳолда сезмаганди. У доимо дабдабали гаплардан чўчир ва босиқликни эркакнинг фазилати, деб биларди. Ҳаттоки, холи қолган пайтларида ҳам ичида «бахт» сўзини айтишга ботинолмас, амалда эса у бахтиёр эди. Мабодо эртага бирорта сабаб билан Катя ёнида бўлмай қолса борми, бутун олам унга бор жилосини йўқотар эди.

«Архангельское» ресторани салқин ва унчалар гавжум эмасди. Залда ўтиришган эркаклар Катяга узоқроқ тикилиб қолишарди. Бироқ, бунини қарангки, уларнинг бунақа тикилишлари Рублевни гижинтирмасди. Катя уларга эса қиё ҳам боқмаётганини кўриб турарди. Икковлари алоҳида столча ёнига ўтириб, Катя ўзига бахтиёр, чақноқ кўзларини қаратганида Сергей жуда бардам ва хотиржам тортди. Ёши ўтинқираган ва семизгина официантка аёл эса Сергейга жуда зўр мулозамат билан ва ҳаттоки бажонидил хизмат қилаётгандай туюларди.

Бунини қарангки, Сергей Николаевич Катяга кўнгли борлигидан деярли гапирмасди. Катя бунини сўрамасди ҳам. У Сергей кўнглироқ қилди дегунча квартира-

сига чопар, эрта билан эса оёғи тортмайроқ кетарди. Сергей унинг ёришган чехраси, ҳар бир илтимоси ёки таклифига доимо тайёр турганидан руҳий кўтаринкилик таъсирида эканлигини кўриб турарди. Бир марта Сергей ундан ота-онасини сўраб қолди. Катя ўшанда бепарво ҳолда «ойиси уйда ўтириши»ни, «дадаси эса олимлигини, адреси «дала қутиси» дейиладиган жойда ишлашини айтганди.

Рублев ҳозир ресторанда ўтиришаркан, кўнглимдагини унга айтишим керак, деган қарорга келди. Бироқ гапни нимадан бошлайди? Официантка аёл уларга жўжа қовурдоқ билан «Ркацители»ли виноси олиб келганида Катянинг ўзи Сергейнинг мушкулени осон қилди.

— Гоҳо кечасилари уйғониб кетаман-да, бирдан бу учрашувларимиз тугаб қолса-я, дейман. Ўшанда даҳшатга тушаман.

— Албатта, бироқ инсоний муносабатлар нозик нарсда-да. Бирдан бир-биримизнинг жонимизга тегиб қолсак-чи?..— Катя ногаҳон шундай деб юборди. Чамаси унинг ўзи бундан қўрқиб кетганди.

Сергей Николаевич шоша-пиша томоғини ҳўллади-да, шивирлаб гапирди:

— Йўқ, Катя, йўқ... Сенга айтсам, мабодо қарши бўлмасанг... менга теккин.— Сергей шундай деди-ю, бирдан бунинг қанчалар жиддийлигини сезиб қолди. У Катянинг бениҳоя гўзал чехрасидан сира кўзини узмасди.

Катя салфеткани ғижимлаб, жим қолди.

— Бунинг жиддий айтаяпсанми?— деярли шивирлаб сўради Катя.

— Тўла-тўқис!

Катя қўлларини кўкрагида чалиштирганича столдан четланди.

— Орадаги ишлардан кейин... ҳалол одам сифатида уйланишим керак, деяпсанми?

— Катя, нималар деяпсан!

— Мен омади гапни айтаяпман, Серёжа. Ажойиб йигитсан, мен ҳам сен билан бахтиёрман... Турмуш қуриш эса — бутунлай бошқа нарсда...

— Ҳа, бироқ...

— Менга нисбатан кўнглимда нима борлигини бирор марта ҳам айтмадинг-ку.

— Бу ҳақда гапиришга нўноқлигимдан бўлса керак. Бироқ, буни ўзинг сезмаянсанми?

— Ҳа, меҳрибонсан, яхшисан... Бироқ, наҳотки шунинг ўзи етарли бўлса?

— Катя, сен менга кераксан! Сенсиз туролмайман.

Катянинг киприклари титраб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. У шоша-пиша ўгирилди-да, сумкачасини шиқирлатиб очиб, рўмолчасини олди.

Рублев унинг қўлига оҳистагина тегди.

— Сенга нима бўлди?

Катя гўдакчасига бурнини тортиб, гуноҳкорона жилмайди.— Ҳечқиси йўқ... Жуда ҳам бахтлиман-да, ўзи... Сендан бунақа гапни эшитаман, деб сира ҳам ўйламовдим...

Рублев унинг қўлини олди-да, стол узра эгилиб, лабларига босди.

Улар ресторандан бахтиёр, шавқ-завққа тўлган ҳолда қайтишди. Йўл бўйи бир-бирларига гап беришмади, режалар қуришди. Катя эри билан ажралиши биланоқ турмуш қуришадиган бўлишди. Катя, буни эртасигаёқ онамга айтаман, деди.

— Бундан у анча хафа бўлса керак?— сўради Сергей.

Катя ух тортди.

— Эҳтимол. Ойим жуда эски одатларга ёпишиб олган-да. Танишларимиздан битта-яримта ажралишаётганини эшитса борми, даҳшатга тушади. У никоҳ — абадий нарса, мабодо бунда адашган бўлсанг ҳам умрингнинг охиригача тинч ва чидам билан ўтаверишинг лозим, деб ҳисоблайди.

— У нимададир ҳақ.

— Ҳа, бироқ сабр-тоқатинг тоқ бўлиб кетса-чи? Мабодо яшаётган одамнинг билан сени ҳеч нима, ҳа ҳеч нима боғлаб турмаса-чи? Бирга туришининг нима кераги бор? Бу кимга керак? Мен тушунаман, болачақа дегандай... Уларни деб...

Сергей ундан турмушнинг бузилишига сабаб нима, деб сўрамоқчи бўлди-ю, бироқ буни ноқулай бўлади, деб ҳисоблади.

— Даданг-чи? Бу нарсага у қанақа қараркин?

— Сенга айтсам,— Катя бир чеккага қаради,— дадам менга ўғай... Ўғай ота. Ўзимнинг отам синовчи-учувчи бўлган.

— Кечир...— ғўлдиради Сергей.

— Ҳечқиси йўқ... У мен икки яшарлигимда ҳалок бўлган. Мен уни суратидан биламан. Ҳозирги дадам эса... Мен унинг ўғайлигини сира ҳам сезмаганман. Икковимиз дўстмиз...

— Унга мен ҳақимда индамадингми...

— Ҳозирча йўқ. Бироқ айтаман.

— У даҳшатга тушмайдими?

— Йўқ, сен унга ёқишингга ишонаман. Сенинг табиатингда мустаҳкам ирода, чинакам нимадир бор. Кейин сен дадам айтганидек, «ишбилармон одамсан». Унга бунақалар хуш келади...

— Менга қара... эринг-чи... нимага...

Сергей биринчи марта ва беихтиёр «эринг» деган сўзни айтди. Одатда икковлари ҳам уни тилга олишмасди. Гарчи Катянинг эри бамисоли арвоҳдай ораларида турса ҳам унга боқишмас, бахтимизга кўзи тегеди, деб чўчишарди.

— Дадам уни нега ёмон кўриб қолган?— Катя чуқур нафас олди.— Вадим — дангаса...— Умуман олганда писмиқ одам...

— Вадимми?— Сергей қайта сўради.

— Ҳа, нима қилди?— Катя ёнбошлаб, унинг кўзларига тикилди.

— Ҳечқиси йўқ... шунчаки ўзим...

Улар жим қолишди...

— Икковимиз келишиб олсак,— деди Катя ниҳоят,— у ҳақда бошқа сира ҳам гаплашмаймиз.

Сергей бош ирғади.

— Менга қара, отангнинг фамилияси нима?— сўради Сергей анча жимликдан кейин.

Катя дарҳол жавоб бермади.

— Умуман олганда,— деди у ниҳоят,— мен ҳеч қачон айтмайман... Унинг иши махфий. Бунини сен тушунишинг керак. Бироқ, сени барибир у билан ташишингга тўғри келади... Смеляков... Роман Алексеевич Смеляков. Сенга бу ном бирор нарсани эслатмаяптими?

Рублев ҳам сигаретага қўл чўзди. Катя зажигалка ёндириб унга тутди. Сергей шунда Катя ўзига синчиклаб тикилаётганини сезд.

— Эшитганга ўхшайман,— ғўлдиради Сергей тутун бурқситаркан.— Бироқ, қаерда эшитганим эсимда йўқ.

Бу Сергейнинг тилидан чиқаётган биринчи ёлгон эди. У ҳозирда, охирги ёлгон гапим ҳам шу бўлади, деб ишонарди.

* * *

Рублев Максимовнинг уйига бош суқиб, бор гапни тўкиб солди. У эса Сергейга таажжуб билан боқди.

— Хуш, нима қипти? Нимага куйиб-пишаяпсан? Арзимас нарсадан масала чиқараяпсан? Сенга айтсам, қария, Катя ажойиб аёл! Бунақа аёл қиё боқса ким ҳам жон-жон демайди!

— Бироқ, у кимлигини сен билармидинг?

— Улай агар. Сен мени довдиратиб қўйдинг!

— Хотининг-чи? Нега у айтмади?

— Улай агар, у ҳам билмаган. Ниманинг ташвишини қилаяпсан ўзи? Нима, ундан кўнглинг тўлмаяптими?

— Қўйсанг-чи! Бироқ аҳволимни тушунгин-да. Мен ҳозирда хизматдаги вазифамга шахсий ишларимни аралаштираётган бўлиб чиқаяпман. Негадир ноқулай бўлаяпти! Ўзимга ҳам, Катянинг олдида ҳам.

Максимов пешонасини бужмайтириб, сочларини тўзгитди.

— Ҳе, бун идорамиздагилар тўғри тушунишади. Бошлиғимиз билан гаплаш. Бун жўрттага қилмагансан-ку. Катя бўлса... у албатта отасига алоқадор иш билан шуғулланганини билиши шартми?

— Шарт эмас, албатта,— Рублев лабларини ямлаб гапирди.— Бироқ, ҳарқалай... Мен унга жиддий кўнгил қўйганман, ахир... Бутун бир умрга... Ёлгон билан, гап яшириш билан турмушни бошлаш... У бирдан билиб қолса-чи? Нима хаёлга боради?

Гоша елка қисди.

— Билмайман. Бироқ у оқила аёл. Ишнинг ўзига хос томонини тушунади. Ишнмизга алоқадор нарсаларнинг ҳаммасини ҳам тилга олиб бўлмайди-ку.

Рублев креслода ўтирганича Гоша хонада юрганини тамоша қиларди. Тўғрироғи, бошқа ёққа қарарди.

— Тилга олиб бўлмайди, албатта. Бироқ биз нима билан шуғулланаяпмиз? Ҳақиқат излаяпмиз.

Яширинган ва шунинг учун ҳам хатарли бўлган ёмонликка қарши курашаяпмиз.

— Хўп, буниси аниқ...— Гоша елкасини қисди.

— Йўқ, аниқ эмас. Сен билан биз юксак ҳақиқатни ҳимоя қилишга даъват этилган эканмиз, барча нарсада ва охиригача ҳаққоний бўлмоғимиз керак. Мен ҳозир Катяга ёлғон гапиришим керакми? Йўқ, бундай қилолмайман.

— Бунга унинг нима алоқаси бор?— Максимовнинг афти буришди.

— Нега алоқаси бўлмас экан? У менинг... бўлғуси хотиним, энг яқин одамим.

— Жуда жойида!— Гоша бақариб юбораёзди.— Қувонавер! Яна нима дейсан?

— Унинг кўзига тўғри боқсам, дейман. Мен эсам унга ёлғон гапирдим.

— Иш манфаатини кўзлаб ёлғон гапиргансан! Улкан давлат ишини кўзлаб!

— Тушунаман... Шундай қилиш керак. Бироқ ҳозирча унга ҳақиқатни айтолмас эканман, у билан учрашишим қийин бўлади.

Максимов елкасини қисди.

— Сенинг ўрнингда бўлсам, масалага жўнроқ қарардим.

— Кечир, мен жўнроқ қараёлмайман.

* * *

Рублев Кухонцев билан учрашишдан олдин у ҳақда Петровкадан баъзи бир нарсаларни суриштирди. Бўлим ходими Кухонцев ҳақида бирорта конкрет маълумот беролмади. Ҳа, Кухонцев меҳмонхоналарда жамоат тартибини бузганлиги учун ушланган. Икки марта суҳбатга чақирилган. Олиб-сотарчиликни йиғиштиришга сўз берган. Бунда фақат қайнотасига хабар бермасликларини илтимос қилган. Кейинги ярим йил ичида Кухонцев меҳмонхоналарда кўринмаган. Латта-путталарни олиб-сотишни йиғиштирган бўлса ҳам ажаб эмас. Бироқ, воситачилар орқали иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин.

Валюта масаласидами? Ҳа, бир марта «Националь»даги валюта магазинидан долларга магнитофон сотиб олган. Долларни дўстларим беришди, деб тушунтирган. Бу нарса биринчи марта бўлгани учун

иш очилмаган. Бунга ўхшаш бошқа маълумотлар тушганича йўқ

«Мабодо Кухонцев товламачи бўлса, унда жуда эпчили экан,— дерди Рублев,— катта иш қилганда қўлга тушмайди. Бироқ, шунчаки ҳаваскор ҳам бўлиши мумкин».

Шундай бўлса ҳам энг асосий нарсани аниқлаш керак. Кухонцев ажнабийлар билан ўзи учрашарми-кан ёки ажнабийлардан баъзи бирлари у билан учрашиш пайида бўлишармикин? Ундан кейин холи бор Қирғийбурун ким бўлди ўзи?

Рублев Кухонцевни ГАИ бўлимига чақиртирди. Бунга Кухонцев икки кун олдин қора «мерседес»ида кўча ҳаракати қондасини бузганлиги, Кутузов кўчаси яқинидаги жойда қизил чироқда ўтиб кетганлиги сабаб бўлди.

Рублев Кухонцевни негадир мажмағил, пастак бўйли, кўримсиз одам бўлса керак, деб ўйларди. Бироқ, Рублевга кинолардаги қаҳрамон-ошиқ кўндаланг бўлди. У барваста, йирик гавдали, кўриниши силлиқ, кўзлари кўм-кўк, лабидан сеҳрли кулги аримайдиган йигит эди. Йигитдаги бу жиҳатлар унинг ўзига, жозибаси кучига ишонишидан ва аёлларга ёқишга ўрганиб қолганидан далолат берарди. Чамаси, у чаккибосар, хотинбоз, яхши овқатниё ширин уйқуни, айш-ишратда яшашни хуш кўрадиган одам эди. Унинг юпқа, товланиб турувчи кўкимтир материалдан тикилган пиджаги ҳам, жигарранг шими ҳам, ёқаларининг учида тугмачалари бўлган кўйлаги ҳам ўзига қуйиб қўйгандай эди. Йўл-йўли қиялаб ўтган галстуги эса жуда ҳафсала билан бойланганди. Кухонцев ҳаво иссиқлигига қарамай, гўё ҳозиргина ваннадан чиққандай бардам кўринарди. Рублев қанчалар тикилмасин унинг ваҳима ёки қўрқувга тушаётганини сира ҳам сезмади. Шунинг учун ҳам Рублев бу одам мўътабар, ҳамма ҳурмат қиладиган қайнотасига ишонганидан ҳеч кимни назар-писанд қилмайди, деб ўйлади. У энг мушкул аҳволдан ҳам қутулиб кетаолишига, яқинлари ёрдам беришларига ишонади.

Кухонцевдаги бир оз ўзини безовта қилолмаслигига бўлган ишонч Рублевнинг ғашини келтирарди. Дарвоқе, унинг тепса-тебранмаслиги ҳам, ўзини бу дунёнинг ташвишларини билмайдигандай, бошини турмушнинг ҳар қанақа икир-чикирлари билан қотир-

майдиган одамдай тутиши ҳам бирдай жигига тегарди.

Рублев ўзини қўлга олди-да, дўстона ва табиий тутган ҳолда Кухонцевга бир неча расмий савол берди. Қайси институтни тугатганлиги, қаерда ишлаётгани, машинани қайси пайтдан бери ҳайдаётгани ва ҳоказоларни сўради. Булар Рублевга гарчи маълум бўлса ҳам шундай қилди. Чунки бир кун олдин барини суриштириб билиб олганди.

Кухонцев илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлар, ойига бир юз йигирма сўм оларди. «Мерседес» илгари қайнотасига қарашли бўлиб, Вадим Кухонцевга тўёна сифатида ўтган экан.

Кухонцев саволларга айби борлигини сезадиган, бироқ бунга бағри кенглик билан қарайдиган ва бошқалар ҳам шундай қарайди, деб ўйлайдиган одамдай жавоб берарди. «Буларнинг бари арзимаган нарсалар,— дерди гўё унинг кўзлари.— Ана шу арзимас нарсаларни деб, шунча ташвишу гап-сўзларнинг нима кераги бор? Қаранг, мен қандай келишган, жозибадор одамман, наҳотки жиндай шўхлигимни ҳам кечириш мумкин бўлмаса?»

Рублев суҳбатдоши одатан эмас, балки атайлаб ўзини очиқ йигит қилиб кўрсатаётганини фаҳмлаб турарди. Нега деганда ГАИ инспектори унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйганидан ҳозирда гапни кўпайтирмай қайтиб беришларига ишонарди.

— Сиз қондани биринчи марта бузаётганингиз йўқ,— деди Рублев.— Сизни машина рулида кайфингиз жуда чоғ ҳолда ҳам кўришган...

Кухонцев, на чора, шунақа гуноҳ иш ҳам бўлган, дегандай елкасини қисди.

— Бу тасодифан бўлган,— у илжайганича тушунтирди,— меҳмонда бўлувдим, дўстларим қўйишмади.

Рублев суҳбатдошига кўз ташларкан, жим қолди.

— Сизда тасодифан деган нарса кўпроқ, Вадим Леонидович. Тасодифан ҳолда кайф билан рулни бошқардингиз, тасодифан ҳолда бир неча марта кўча ҳаракати қондасини буздингиз, тасодифан ҳолда латта-путталар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо-сотиқ қилдингиз. Булар кўпайиб кетмадимикин?

Кухонцев охиргисини кутмаганди. Шунинг учун ҳам лаб-лунжини зумда йингиштириб олди.

— Айтмоқчи,— гапида давом этди Рублев,— буларнинг барини қаердан оласиз? Масалан, бизда чет эл маркали машиналарига деталлар сотилмайди.

— Бунақа дағалликнинг нима ҳожати бор?— Кухонцев яна илжайди.— «Савдо-сотиқ қиласиз», дейсиз. Ўзимга кераги бўлмаганидан кейин дуруст одамларга бера қолдим-да.

— Бера қолдим, дейсизми? Бироқ текингамасда-а?

— Буниси эсимда йўқ... Дўстларим унча-мунча пул берган бўлишлари ҳам мумкин. Текинга олишни ўзларига эп кўрмаганларидан шундай қилишган.

— Эҳтимол...— Рублев ўзини бунга ишонган қилиб кўрсатди.— Сиз ҳарқалай машинанинг ўша олдинги ойнасини қаердан топдингиз?

Кухонцев ясама кулди:

— Сиз очигини айтганда, мени ноқулай аҳволга солаяпсиз. Дўстларим мени хурсанд қилиш учун баъзи бир эҳтиёт қисмларини топиб беришганди. Мен энди уларни сотишим керакми? Менга жуда ноқулай... Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг.

— Ўзингизни менинг ўрнимга қўйинг,— Рублев пича жимликдан кейин эътироз билдирди.— Гап шундаки, кейинги пайтларда Москвада чет эл маркали бир печа машинани ўғирлаш ҳоллари содир бўлди. Ўша машиналарнинг тегишли қисмларини олиб, ўрмонга ташлаб кетишган. Бу билан кимлар шугулланаяпти? Улар сизнинг ўша олижаноб дўстларингиз эмасмикин?

— Буниси мустасно!— Кухонцев сакраб кетди.— Менинг унақа дўстларим йўқ. Ҳаммалари дуруст, салобатли одамлар.

— Майли, шундоқ ҳам дейлик. Бироқ, ўша дўстларингиз эҳтиёт қисмларни қаердан олишлари мумкин? Магазиндан олишмайди-ку, хўп деяверинг...

Кухонцев лабларини тишлади.

— Йўқ... йўқ... буниси мустасно...

— Мен ҳам бундай имкониятни истисно қилаётганим йўқ. Шунинг учун ҳам дўстларингизнинг исм-шарифларини айтишингизга тўғри келади.

— Эсимда йўқ-да,— Кухонцев елка қисди.

— Эслашингизга тўғри келади, Вадим Леонидович!

«Мерседес» соҳибининг пешонасига тер томчила-

ри қалқди. Иш жуда чаппасидан кетаётганди-да. Кухонцев панд-насиҳат эшитишни, жарима солинишни, кўча ҳаракати қондасини қайта имтиҳон топширасиз, дейилишини кутганди. Бу мавзуда суҳбат бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У қайнонаси, хотини билан бўлган кўнгилсиз суҳбатларни эслади. Жуда қўлга тушди-да! Бунинг кети нима бўлишини ким билади дейсиз! Ғамхўр боғбон олмаларини аёздан авайлаб асрагандай, Кухонцев ҳам яхши кайфиятига ғубор қўндирмай юрарди. Бироқ, шу кунларда ҳамма тил бириктиргандай нуқул унинг жонига тегишарди. Ё ҳозир Павел ҳақида у-буларни гапириб берса уни тинч қўйишармикин?

Кухонцев қанчалар бепарво бўлмасин ҳозирда бу ишни қилмаслиги кераклигини тушуниб турарди. Уша Павел эҳтиёт қисмларни ғайри қонуний йўл билан топган бўлса-чи? Унда ўзини ҳам қўшиб жавобгарликка тортишади...

— Ҳўш, қандай, эсладингизми?

Кухонцев яна жилмайди:

— Улай агар, эсимда йўқ...

— Яхши. Унда гувоҳномангизни кўролмайсиз, деб қўрқаман... Бизда сизни машина ҳайдаш ҳуқуқидан икки йилга маҳрум қилиш учун асослар бор.

Кухонцев Рублевга истеҳзоли тикилганича қолди.

— Сиз эса, афтидан, бераҳм одам экансиз. Сиз одамларга ёмонликни раво кўрадиганлар жумласидан экансиз...

— Мен ҳақимда гаплашмайлик. Яхшиси сиз ҳақингизда гаплашамиз. Ўз хулқингиз билан қайнотангизнинг шаънига доғ тушираётганингиз сира хаёлингизга келмадими? Агарда билишни истасангиз, биз фақат сизнинг эмас, унинг ташвишини тортаяпмиз.

— Буни ўзимиз ҳал қиламиз.

— Ҳал қиламиз, дейсизми? Менимча, қайнотангизнинг бунга вақти жуда ҳам йўқ. Ўзингиз эса нима билан бандсиз?

— Менми?— ажабланди Кухонцев.— Ишляпман. Батартиб хизматчидай ҳар куни эрта билан ишга бораман. Роппа-роса соат тўққизда.

— Ишга фақат борасиз! Шу холос... Негадир ўртоқларингиздан бирортаси ҳам меҳнатдаги жасоратларингиздан ҳеч нима эшитмаган.

Кухонцев ўрнидан туриб, камарини тўғрилади.

— Менга қаранг, ўртоқ... Жуда ҳам катта кет-
маяпсизми, ишқилиб? Инглизлар айтганларидай:
„Mind your business“¹

— I'm afraid that this business is not only yours it con-
cerns your Father—in Law, too.

— O!— Кухонцевнинг йирик кўзлари бақрайди.—
Сиз ҳатто инглизча ҳам гапирасизми? Оксфордни
битирмаганмисиз ишқилиб?

— Сизнинг ўрнингизда бўлсам, ўзимни хушчақ-
чақ кўрсатмасдим.

Кухонцев Рублевдан кўзини узмай ўтирди-да, бир
пачка сигарета олди.

— Чексам бўладими?

— Бўлади.

Кухонцев чиройли зажигалкасини ёндириб, тутун
бурқситди.

— Сиз нимани истайсиз? Дўстларимни сотишим-
ними?

— Бунақа демаслигингиз ҳам мумкин. Буни мен,
жиноятчиларни топишга кўмаклашиш, деган бўлар-
дим.

— Улар сизнинг нуқтаи назарингиздан жиноятчи,
менинг нуқтаи назаримдан эса юкимизни енгиллаш-
тираётган азиз дўстларим. Шунинг учун ҳам эъти-
розим йўқ, қидираверинг, бироқ менсиз.

— Унда «мерседес» дам олиб туришига тўғри ке-
лади.

Мерседес соҳибни елка қисиб, ўрнидан қўзғалди.

— To hop to see you again² Гувоҳномамни
қайтиб олишимга шубҳам йўқ.

— I don't think so⁴

— Яхши, кўрамиз. Бироқ ўзингизга ортиқча баҳо
берманг.

Рублев унинг пўписасини эшитмаганга олди.

* * *

Кухонцев ГАИдагилар гувоҳномамни қайтиб бе-
ришади, деб ўйлаганди. Мабодо ўз ихтиёрлари билан
беришмаса битта-яримта даста узун танишларининг

¹ Бировнинг ишига бурнингни тикма.

² Бу фақат сизга эмас, қайнотангизга ҳам тааллуқли, деб
кўрқаман.

³ Сиз билан яна учрашсам керак, деган умиддаман.

⁴ Менимча, йўқ.

аралашуви билан қайтаришади. Кухонцевнинг ўзи бу масалада қайнотасига оғиз очишга ботинолмайди, албатта. У қайнотасининг уйида бўлиб туришадиган ошна-оғайниларга кўпроқ умид боғларди. «Сен-дақа амалдорчадан ўргилдим-у! Қўнғироқ қилиш-са, гувоҳномамни ўзинг қўш-қўллаб келтириб берасан».

Рублев ўша куннинг ўзидаёқ ГАИнинг Москва шаҳар бошқармасига қўнғироқ қилиб, ходимлар билан обрўли илтимосчилар аралашсалар ҳам «мерседес» эгасига ҳайдовчилик гувоҳнонасини сира ҳам қайтармасликлари ва янгисини ёзиб бермасликлари хусусида келишиб олганидан Кухонцев беҳабар эди.

Кухонцев уринишлари беҳуда кетганидан кейин ўзи ГАИга келиб, ўша «Волга» ҳайдовчисининг фамилиясини айтиб беришига Рублев шубҳа қилмасди. Сергей Николаевичнинг тахминича, ўша одам Кухонцевга эҳтиёт қисмларни келтириб берганди.

Рублев дипломатик машина Смеляковнинг уйи олдида бежиз пайдо бўлмаганига, бу ерда гап фақат чет эл маркали машинага деталлар устидагина эмаслигига амин эди. Машинага эҳтиёт қисмлар Смеляков оиласи билан алоқа ўрнатишга бир баҳона сифатида хизмат қилаётгани табиий бир ҳол эди. Петраковнинг хонасида ўтган навбатдаги йиғилишда Рублев ана шу тахминни айтди. Петраков бунга қўшилди, бироқ текширишни бошқача йўналишларда ўтказишга фармойиш берди. Милициядан, институтнинг махсус қисмидан Рублевга «зет» суюқлиги устидаги ишга даҳлдор бўлган ходимлар ҳақида маълумотлар кела бошлади, бироқ бу маълумотларнинг ёпишиб оладиган бирорта жойи йўқ эди. Ходимлар хизматдан ташқари пайтларда ажнабийлар билан алоқада бўлишмаган, улар атрофида шубҳали шахслар уймалашишмасди.

Рублевнинг хаёлидан чаккасида ҳоли бўлган қирғийбурунни тилга олган кекса участка вакили айтганлари сира ҳам нари кетмасди. Бу қирғийбурун ҳатто тушига ҳам кирди. У ким бўлди? Нима иш қилади? Нимага қабристондаги Маклаков даҳмаси олдида пайдо бўлди? Тасодифан ўша ерга бориб қолдими? Ё Малла билан ораларида бирор алоқа борми?

Малла англизнинг касби борасида Рублевнинг шак-шубҳаси йўқ эди. Нега деганда Малла кейинги пайтларда жуда ҳам ғивирлаб қолганди. Мабодо ана шу «дипломат» Қирғийбурун билан учрашса, унда Қирғийбуруннинг Смеляков уйи олдида кўринганини сира ҳам тасодифий ҳол деб бўлмайди. «Зет» суюқлиги устидаги иш борасидаги информация ана шу занжир орқали душман разведкасига етиб бормаганмикин?

Ўша Қирғийбурун ким бўлдийкин?

Павел Рудник жума куни ишдан қайтаркан почта қутисида конверт кўрди. Конвертда хат жўнатган кишининг адреси йўқ эди. Унда квартира ҳақининг счёти кўринарди. У одатдаги бланк бўлиб, тегишли квартира ҳақининг суммаси кўрсатилганди. Бу нарса бегона кишининг қўлига тушиб қолса борми, унга эътибор бериб ҳам ўтирмасди. Рудникка эса бланк кўп нарсаларни билдирарди. Рақамлар фақат суммани эмас, балки Ганс Кушниц билан учрашиладиган кун ва жойни ҳам билдирарди. Дастлабки икки рақам ой билан кунни, кейинги иккитаси вақтни, бланк номери эса учрашиладиган жойни англатарди.

Ҳа, Кушниц уни учрашишга чақираётганди.

Улар 27 июлда соат 18 да Ленинград шоссесининг Айланма йўл билан кесишадиган ўн еттинчи километрида учрашишлари керак эди.

Рудник белгиланган куни такси олиб, шаҳардан ташқарига жўнади.

Иссиқнинг ҳали дами қирқилмаган, эски, ўриндиқлари тирналган «Волга» дим бўлиб, ундан бензин ҳиди анқирди. Ленинград шоссесига машиналар тикилиб кетганди, нега деганда ҳамма ишдан кейин чорбоғларга шошиларди. Рудник дам-бадам соатига қарар, чунки кеч қолишдан қўрқар, бу эса жосуслар низомида қатъиян таъқиқланарди. У беш минути кам олтида ўн еттинчи километрга етди. Кушницни у олисданоқ пайқади. У автобус тўхташ жойида турарди. Ўша жойга икки юз метр қолганда Рудник шофёрдан тўхташни сўради. Машинани жўнатиб юборганидан кейин одати бўйича зимдан теваарак-атрофига кўз ташлаганича олдинга кета бошлади. Бирорта шубҳали нарсани пайқамаганидан кейин Кушницга яқин борди. У сарғиш шимда ва енги

калта йўл-йўл кўйлакда бўлиб, елкасига кўк рангдаги авиация сумкаси ташлаб олганди. Ёш, бақувват Кушницнинг юзи ва бўйни офтобдан сал қорайганди.

— Пиёда юрақолайлик.— Кушниц Рудникни салимий илжайганича қаршилади.

Рудник шунда биринчи марта бу келишган йигитни бунчалар шубҳали ҳунар билан шуғулланишга нима мажбур қилганикин, деб ўйлади. Нега деганда бу йигит олим, бизнесмен, инженер ёки ҳатто артист ҳам бўла олиши мумкин эди-да. Наҳотки, бу ишда калласи кетиши мумкинлигини тушунмаса? Эҳ, ўзининг ёшида бўлганида борми, шундай ҳусн билан ҳозирги ишидан дурустроқ ҳунар топиб олган бўларди.

Рудник шеригининг кўринишидан бирор ташвишли нарсга сезмади. Бу эса уни анча тинчитди.

Икковлари автострададан пастга тушиб, Химки шаҳрига олиб борадиган энсиз йўлдан икки юз метрча юришди, сўнгра чанг сўқмоқдан одимлашди. Ниҳоят канал соҳилига чиқишди. Кушниц дадил одимлар, афтидан бу ерда илгари ҳам бўлганди.

— Шу ерда жиндай ўтириб оламиз,— деди Кушниц ёнғоқ бутаси тагига чўқаркан.— Биз ишдан кейин чўмилгани ва табиат оғушида тамадди қилгани келган оддий совет кишиларимиз.

Кушниц сумкасидан целлофан пакет олиб, ўт устига яхшилаб ёзди, кейин тўрт шиша «Будвар» деган чех пивоси ва олтита бутерброд олди. Қаламтарош билан битта шишани илдам очиб, Рудникка узатди.

— Олинг. Негадир кўринишингизда тетиклик сезилмаяпти.

— Чарчадим, холос...

— Ё бирор нима бўлдимиз?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ.

— Унда пастдаги анави одамларга ўхшаб ҳаёт завқини сураверинг. Уларга қараб, пропагандангиз, совет кишии туғилган кунидан бошлаб оптимист бўлади, деганига ишонасиз.

«Бунинг юрагига аския қилиш ҳам сиғади-я»,— деб қўйди ичида Рудник пастдаги пляжда волейбол ўйнаётганларга ва сувда жавлон уришаётган одамларга қараркан.

— Қани, қандай янги гапингиз бор, айтаверинг...

Рудник Кухонцев билан танишгани, унга «мерсе-

дес»нинг олдинги ойнасини, карбюратор, бир неча зажигалка ва бир жуфт жинси берганини айтди.

— Мен асосий ишни бажардим — қайнотасининг фамилиясини аниқладим. Смеляков Роман Алексеевич, қандайдир фанлар доктори. Ёши қирқ саккизда, хотини ва қизи бор.

— Қойил! Одатлари, эрмаги, заиф томони?..

— Вадимнинг гапига қараганда, Смеляков — чинакам фидойи. Овга ҳам, балиқ тутишга ҳам бормайди. Ҳеч нимани коллекция қилмайди. Уни фан қизиқтиради холос. Пулга зор эмас, албатта.

Кушниц кулимсиради.

— Наҳотки, шунақа одамлар бўлса... Сира ишонгинг келмайди...

— Вадим: «Бошлиқ битта костюмни икки йил кияди»,— дейди.

— Сиз эса пулга зор эмас, деяпсиз.

— Гап бунда эмас. Хотини унга бир неча костюм олган, у эса киймас экан. Эскисига ўрганганман дермиш ва бошқасини хоҳламасмиш.

— Ғалати нусха!

— Чиндан ҳам ғалати! Масалан, ишга идоранинг машинасида эмас, велосипедда бораркан. Бу сиҳатни яхшилайти, дермиш...

— Қизиқ!

— Масалан, у ишга тренировка кийимида ҳам кириб келавераркан. Буни башарият ихтиро қилган жуда қулай ва бопта кийим, деркан.

— Ҳа...— деб қўйди Кушниц.— Фан фидойиси, камбағал. Мен бунақа камбағалларга ишонмайман. Сизга айтсам, Павел, бу менга бир воқеани эслатади. Гангстерлар группаси судьяни қўлга олмоқчи бўлибди. Шу мақсадда унга агентларини юборишибди. Агент тез орада қайтиб келибди-да, судья пулга сотилмаслигини, пора олмаслигини айтибди. «Олмайди, деганинг нимаси!— тўда бошлиғининг аччиғи чиқибди.— Ҳўш, ўн мингги олмас, юз мингги олмас. Миллионни эса олади-ку!»

Рудник кулиб юборди, суҳбатдоши эса гапида давом этди:

— Пулга сотилмайдиганлар йўқ, Павел! Ҳар бир одамнинг ўзига яраша, руслар айтганидек... заиф жойи бўлади! Ўша ерини мўлжалга олиш керак!

— Билншимча,— Рудник жимликдан кейин

гап бошлади,— бу одамнинг битта заиф томони бор — шуҳратпарастлик! Профессионал шуҳратпарастлик!

— Ана кўрдингизми!— питирчилади Кушниц.— Мен сизга айтдим-ку! Ҳар бир одамнинг заиф томони бўлади, бўлмаса сиз билан қандай қилиб иш олиб борардик, Павел! Шуҳратпарастлик — бу бирор нарса дегани. Раҳмат, сиз яхши ишладингиз, Павел!

Икковлари жим қолишди. Рудник шеригини зимдан кузатарди. У шишадан пиво тортар ва пляжга тикиларди. Рудник биринчи марта шериги бунчалар ошкора гапирганини эшитганди. Рудник ўйин қоида-сига кўра, шерикдан шахсий ишлар, ишга ноалоқадор нарсаларни майда-чуйдасигача суриштириш маъни этилишини биларди. Шунга қарамай, ҳозирда ундаги синчковлик устун келди.

— Ганс, нокамтарин саволим учун кечирасиз. Сизни бу ҳунарни қилишингизга нима мажбур этди? Истасангиз жавоб бермаслигингиз ҳам мумкин.

— Сизнинг-чи?— Кушниц кўзини қўшниси томонга қаратди.

— Меними?— Рудник кулди.— Мен бир марта қармоққа илинган балиқчаман. Ўшандан бери қармоқни кимдир тортади, мен бўлсам лойқа сувда тиним билмайман... Тоза сувга сира ҳам қалқиб чиқмасам керак, дейман.

— Биз ҳаммамиз қармоқдаги балиқлармиз...— Кушниц шиша айлантирди.— Менинг ота-онам муҳожир, гражданликдан маҳрум кишилар эдилар. Биз кўчирилган шахсларга аталган баракларда турардик. Бу ширин ҳаёт эмас, ишонаверинг. Ўқиёлмадим. Келажакда мени нима кутарди? Конвейердаги оғир меҳнат. Арзимаган ҳақ. Қашшоқлик, бир умр қашшоқлик! Билсанг, Павел, тумшуғингизнинг тагида идроксиз ва бемаъни ҳашаматни кўриб турганингиздан кейин камбағалликка сира ҳам тоқат қилолмай қоласиз. Бир куни менга катта пул эвазига яхшигина ишни таклиф этишди. Мен анча-мунча пул ишлаб олишим ва қайтганимдан кейин одамдай яшашим мумкин эди...

— Бироқ бу пул таваккалчилик учун-да...

— Ҳа, таваккалчилик... Сизларда эса: «Таваккал қилмаган одам ҳеч нимада ютолмайди»,— деган гап бор-ку.

«Ҳали ғўр экансан,— дерди Рудник ичида.— Ўғлим бўлганида борми, жосусликни касб дейиш мумкин бўлса, унга бунақа касбни тиламаган бўлардим. Пичоқ суягингга бориб тақалганидан кейин бу ишни қилгансан».

Рудникнинг хаёлларини музиканинг вакиллаши бузиб юборди. Муюлишдан қўққисдан пайдо бўлган оппоқ пароход тумшуғи билан қия тўлқинни тилиб келарди. Бу пароходнинг бутун кўринишида, шошилмай сузишида байрамга хос нимадир, тантанаворлик бор эди. Унинг панжаралари олдида туришганлар иляждагиларга қўлларини силкишарди. Рудник шунда бирдан ўзини ана шу ғўзал пароходдагилар орасида кўргиси келди. Ёнида хушчақчақ, беташвиш Лида бўлса, теварак-атрофида музика янграб турса, икковлари хушчақчақ ва беташвиш одамлар тўдасида танца қилишарди.

Рудник ана шу манзарани кўз олдида аён келтирганидан Кушницийнинг овозини эшитаркан, беихтиёр афти бужмайди.

— Биз ишдан чалғидик. Сиз нима дейсиз, ўша... Кухонцевнинг бизга фойдаси тегармикни?

— Билмадим. У менга билганини айтди. Менимча, у билан бундан буён алоқада бўлишдан наф йўқ. У айниқса ичган пайтида сергап бўлади, умуман олганда... ишончсиз одам.

— Унда у билан алоқа-палоқани йиғиштиринг. Бироқ бунга яхши баҳона топинг. Дарвоқе, у сиз қаерда туришингизни биладими?

— Йўқ.

— Қойил. Энди танишган аёлингиз тўғрисида. Уни ҳамкорликка тортса бўладими?

— Арзимаёйди,— Рудник шоша-пиша жавоб қилди.— Фаҳмимча, унинг маҳфий материалларга дахли йўқ. У бор-йўғи — катта лаборант.

— Унда ўша орқали бизга фойдаси тегадиган ва таъсири кучлироқ одам билан танишишга урининг. Сарф-ҳаражатни бемалол қилаверинг. Пул, камёб буюмлар... Қўлга олинмайдиган одамлар йўқлиги эсингиздан чиқмасин. Мабодо ўн мингни олишмаса, юз мингни олишади.

Рудник гарчи ичида бунга ишонмай турган бўлса ҳам уриниб кўришга ваъда берди. «Тоғиб берган маълумотларим ҳам етарли. Бошимни сиртмоққа

тиқиб нима қиламан! Буларга нима қилсанг ҳам барибир кам. Шундан кейин яна ва яна талаб қилишаверади, охири эса қўлга тушасан». Алоқа қилишининг янги усули ҳақида келишиб тарқалишаркан. Рудник шуларни ўйлаганича таъби хира ҳолда Ленинград шоссеси томон кетарди.

Кушниц эртасига Маккензига қўлга киритган маълумотларини етказди. У Смеляковга батафсил характеристика берганида шундай деб ҳам кетганди:

«Смеляковнинг биз билан кўнгилли равишда ҳамкорлик қилиши мушкул. Бунга мажбурий равишда кўндириш мумкин. Бирорта дуруст сабаб топган ҳолда уни Буюк Британияга таклиф қилиб, у билан яхшилаб шуғулланишни тавсия этаман».

Максимов, савдогар Маклаков даҳмасига кузатувчи қўйилганини Маккензи пайқамади, деб ўйлаганида адашганди.

Маккензи одатда маълумотни хуфя жойга қўйганидан кейин қабристондан тезда кетмай даҳма атрофида пича айланиб юарди. У оломонга қўшилиб, нариги хиёбонларда юаркан, даҳмага битта-яримта яқинлашмасмикин, деб қараб-қараб қўярди.

У бу сафар ҳам шундай қилди. Бироқ учинчи ёки тўртинчи бор даҳма ёнидан ўтаркан, гулдаста тутган похол шляпали кишига эътибор берди. Уша одам панжарани очиб даҳмани синчиклаб, узоқ кўздан кечирди. Бу эса Маккензига шубҳали кўринди.

Маккензи шундан кейин нариги хиёбонга ўтди-да, похол шляпали кишини кузата бошлади. У даҳма олдида пича турди, кейин уёқ-буёғига аланглаб хиёбонда юрди, скамейкада ўтираркан, дам-бадам даҳмага қараб-қараб қўярди. Шундан кейин яна даҳмага яқин келиб, гулини қўйди-да, уёқ-буёққа қарай-қарай кетди. Энди Маккензида хуфя жой кузатувда эканига шак-шубҳа қолмаганди.

Ҳаяжонда қолган Маккензи элчихонага қайтди. Эртасига яширин жойга Ганс келиб, хатни олиши керак эди. Энди нимаики қилиб бўлса ҳам уни бу хатардан огоҳ этиш лозим эди. Кўрсатмада гарчиникковларининг учрашувлари қатъиян маън эгилса ҳам, Маккензи барибир тезда Кушницни кўриб, уни хуфя жойга боришдан тўхтатиб қолишга жазм этди.

Маккензи «мерседес»га ўтирди-да, Узаро Ёрдан

Кенгаши биносига йўл олди. Кечқурун соат олтида Кушницнинг иш куни тугарди. Маккензи машинасини соҳилнинг Ўзаро Ёрдам Кенгашининг кўча эшиги яхши кўринадиган жойига қўйди.

Москва осмонини баҳайбат қорамтир булутлар босган. Ленинские горининг нарёғида ёмғир қиялаб ураётгани кўзга ташланарди. Дарё томондан салқин шабада келарди. Маккензи Кушницнинг ориқ гавдасини кўрганида соат олтидан чорак ўтганди. Кушниц кўча эшикдан чиққанидан кейин Арбат кўпригига кўтарилди-да, Кутузов проспекти томон кета бошлади. У икки юз метр юрганидан кейин Маккензи машинани юргизиб, кўприкдан ошди-да, тез одимлаб бораётган Кушницни орқада қолдирди.

Маккензи машинани йўл чеккасига қўйди-да, гўё филдиракни кўздан кечира бошлади. Кушниц Маккензини таниса ҳам бир лаҳза бўлсин қадамини секинлатмади. У тўппа-тўғрисига қараганича йўлида кетаверди.

— Хуфя жойга борманг, хатарли,— Маккензи секингина шундай дейишга улгурди.— Хатарли...

Кушницнинг кулранг кўзлари бир лаҳза қисилди, бироқ у ҳеч нима демай ўтиб кетаверди...

Маккензи машинасининг кейинги филдирагини пошнаси билан яна бир марта тепиб кўрди-да, рулга ўтириб, элчихонага жўнади.

Саккизинчи боб

УНИНГ ИСМИ ПАВЕЛ

Смеляков квартирасининг остонасидан ҳатлаб, ичкарига кирди-ю, хотинининг ташвишли юзига боқиб, кўнгилсиз бирорта иш бўлганлигини фаҳмлади. Бироқ, бундай ҳоллар илгари ҳам бўлгани учун хотинидан сўраб-суриштириб ўтиришдан иш чиқмаслигини биларди. Ҳозир сўраса борми, хотини ҳаммаси жойида, ҳеч нима бўлгани йўқ, сенга шундай кўрингандир, деб ишонтиришга тушарди. Пича фурсат ўтгач эса ўзи ҳаммасини айтиб беради. Смеляков шунинг учун ҳам ўзини ҳечнимани пайқамаганга солди-да, хотинини ўпиб, ваннахонага кириб кетди. Ўзоқ чўмилди, кейин енгил тортиб, нам, сарғиш соч-

ларини яхшилаб тараб, енгил тренировка кийимида (пижамани тан олмасди) ошхонага кирди. Стол устида эса кечки овқат унга мунтазир эди.

— Катя уйдаими?— сўради у хотинидан.

— Йўқ. Қайгадир кетди.

— Вадимчи?

Хотини елка қисди, шунда унинг қошлари чимирилди. Смеляков ўзига бир рюмка коньяк қуйиб, завқ билан ичди-да, аччиқ-чучукни тушира бошлади. У овқатланаркан, хотинига қараб-қараб қўяр, хотини эса унга ҳар кунгидай, идорада ишлар қалай, Сидельниковда, Левашовда нима янгиликлар бор, қаерда тушлик қилдинг, деб сўрарди. Хотини ўзини жонсарақ кўрсатишга уринаётган бўлса ҳам, Смеляков у жиддий гаплашмоқ учун пайт пойлаётганини кўриб турарди. Надежда Ивановна қирқдан ошган. У жуда яхши сақланганди, бироқ жуда зўр одамнинг рафиқаси сифатида доимо, ҳаттоки уйда ҳам ўзини бениҳоя масъулиятли тутганидан бу нарса ёш бўлишига қарамай уни кексароқ кўрсатарди. Муомилада ташқи томонларга катта эътибор берар ва одамларга ҳам худди шу нуқтаи назардан қарарди. У шунчалар машҳур одам бўлмиш эрининг хонадониди гўзаллик, нафислик услуби ҳукм суриши керак, деб ҳисобларди. Худди шунинг учун ҳам Катянинг Вадимга турмушга чиқишини бутун вужуди билан қўллаб-қувватлаганди. Унинг назарида Вадимда маданият, ўзни тутиш, «яхши тарбия» («Ҳозир бунга аҳамият беришмайди,— дейишни хуш кўрарди Надежда Ивановна,— қанчадан-қанча кўнгилсизликларнинг бари ўшандан») каби нарсалар мана-ман деб турарди. Эри эса буларнинг барини бир чақага олмас, шунинг учун ҳам Надежда Ивановна унинг қарашларини чуқур янглишиш деб ҳисоблар, бироқ кечиран, чунки эрининг кўп жиҳатларини кечириш мумкин, зеро у жуда катта ишлар билан банд, дерди. Надежда Ивановна куёвининг гўзал қилиқлари замирида қўпол худбинлик, барча нарсаларга ички лоқайдлик яширинлигини, фақат ўзини ўйлашини кўрганидан кейин жуда изтироб чекди. «Ё худойим, энди нима бўлади!— хитоб қилди у.— Қандай қилиб бунда адашдим!» Надежда Ивановнанинг ота-онаси умрининг охиригача бир-бирларига ҳурмат ва садоқатни сақлашганидан бошқача муносабатни тасаввур ҳам

қилолмасди. «Катянинг ҳоли нима кечади энди!» Ажралиш Надежда Ивановнанинг назарида ҳаётнинг бутунлай барбод бўлиши, шармандалик, ажралишганларнинг фақат ҳаётдангина эмас, балки теварак-атрофдагиларнинг ҳам ҳаётларидан аста-секин йўқола бошлашининг ибтидоси эди. Ҳа, худди шундай. Баъзи бировлар: «Надежда Ивановна, Катянинг ташвишини қилаверманг, куйинаверманг»,— дейишарди. Надежда Ивановна бўлса бу сўзлардан баттар ваҳимага тушарди. Уни фақатгина қизининг тақдиригина эмас, балки чин инсон ҳақидаги тасаввури ҳам батамом барбод бўлганлиги безовта қиларди. Унга яна қизининг бу нарсадан ўзига нисбатан камроқ ташвишланаётгани ҳам тинчлик бермасди. Надежда Ивановна ҳозирги ёшларнинг никоҳга енгил-елпи муносабатда бўлаётганларидан ҳам изтиробга тушар, ҳам қўрқарди.

Уйдаги ишларни ҳаммаси жуда яхши кетар, бироқ ҳозир Надежда Ивановнанинг асабига тегаётган қандайдир кескинлик сезилиб турарди. Бугун у эри билан гаплашиб олишга қатъий жазм этганди. Эри тамаддидан кейин ўзининг кабинетига кириб кетди. Кабинетнинг бир деворини китоблар, альбомлар, эсдалик совғалари, совринлар қўйилган стеллаж банд этганди. Рўбарўдаги деворда эса дастхатли суратлар ёпиштирилганди. Улар орасида таниқли олимлар, жамоат арбоблари, йирик хўжалик ходимлари, синовчи-учувчилар, фазогирларнинг суратлари бор эди. Бунда тарихий вазифаларни адо этган улкан сиймоларнинг суратлари жам бўлганди.

Роман Алексеевич ўзининг иш столи ёнига ўтирди. Надежда Ивановна столга хорижда ва мамлакатимизда чиққан янги илмий журналлар ахборотномаларини қўйиб қўйганди. Смеляков хотинининг кўринишиданоқ у гаплашишга тайёрлигини, бироқ нимадан бошлашни билолмай имиллаётганини пайқади.

— Хўш, Катя қалай?— Смеляков хотинини мушкул аҳволдан қутқариш учун сўради.— Вадим билан алоқаси қалай?

Надежда Ивановна уҳ тортди.

— Вадим... Мен кейинги пайтларда уни деярли кўрмайман... У ғалати одам...

— Нимага ғалати?— сўради Смеляков гарчи хо-

тини нимани кўзда тутаетганини билса ҳам. Қизининг нобоп одамга турмушга чиққани унга сир эмасди.

— Сенга айтсам, Рома, анчадан бери сен билан гаплашмоқчийдим. Бироқ тинчингни бузмай, дердим.

Смеляков журнал варақлашга тушди, кейин эса нари суриб, хотинига синовчан тикилди қолди.

— Менга ёрдамнинг керак, Рома,— деди Надежда Ивановна ваҳимага тушиб.

Смеляков сукут қилди.

— Бугун бир нарсани билиб, юрагим узилиб кетишига сал қолди. Сенга айтсам, Вадимни милицияга чақиришибди.

— Нима? Буниси яна нимаси?— Смеляков бутунлай жиддийлашди.

— Аниғини билмайман. Машинага боғлиқ нимадир бўлса керак.

— Буни қаердан билдинг?

— Вадим билан бирга ишлайдиган ўртоқлари айтишди.

— Улар сенга нима дейишди ўзи?

— Уни чақиришибди... Гувоҳномасини олиб қўйишибди. Машинани ичиб ҳайдаган экан...

— Жуда тўғри қилишибди-да. Буни биринчи марта қилмаган бўлса керак?

— Гап бунда эмас!— хотини аччигланиб, унинг гапини бўлди.— Бу ерда олиб-сотарчилик билан боғлиқ бир иш бор. Вадим бировга бир нима сотганми ёки ғайриқонуний равишда бир нима олганми, шунақа... Қандайдир кўнгилсиз бир иш...

Смеляков қошини чимирганча миқ этмасди.

— Сен бу нусхадан нима кутувдинг ўзи?

— Фақат шуни кутмовдим.

— Нимага энди? У уйимизга қандай келиб қолганини сира ҳам тушунолмаёйман. Катянинг кўзи қаёқда эди? Чиройли, келишган бўлгани учунми? Ўзини тутишлари... Хўш, бундан нима чиқди?

— Рома, қизишма. Менга у дурустгина йигит бўлиб кўринувди.

— Кўринувди... Бу жиддий баҳона...

— Илтимос, кесатма. Яхшиси, нима қилиш кераклигини айт.

Роман Алексеевич креслодан туриб, дераза олди-га борди. Хотини унинг орқасидан синовчан тикилиб турарди.

— Катя-чи? У нима қилишни биладими? У билан гаплашдингми?

— Ҳа, эрини унча ҳурмат қилмаслигини ҳам тушуниб олдим.

— Жуда соз! Унинг ўзи ҳал қилаверсин!

— У билан ўзинг гаплашсанг бўлармиди...

— Нима, у кичкина болами? Қайси ишнинг кети нима бўлишини тушунмайдиган даражада бефаҳми?

— Йўқ, Рома. У чиндан ҳам тажрибасиз.

— Йўғ-е. У йигирма учга борди. Институтни битирган. Шунча ёшга борган қизимга оддий нарсаларни ўргатишга уяламан.

Надежда Ивановна ўрнидан турди-да, бармоқларини чалиштирганича кабинетда асабийлашган кўйи уёқдан-буёққа юра бошлади:

— Рома, кескин гапираётганим учун мени кечир. Сен олимсан, ёш замонавий оила ҳақида эса ғўр фикр юритаёпсан.

Смеляков гоҳо кечки овқат олдидан бир рюмкадан ортиқ ичмасди, ҳозир эса хотинининг гапидан қизишиб, ошхонага борди-да, яна қуйиб ичди.

— Рома,— хотин индамай ўтирган эрига яна юзланди,— мен ҳаммасини тушунаман. Сен принципи одамсан. Бироқ ҳаётда, оилада гоҳо келишувчиликка бориш керак. У бизнинг қизимиз-ку, ахир... Эри билан ажралишаяпти-я! Бунинг нимаси яхши! Қаёққа қарасанг— ажралиш, ажралиш, ажралиш...

— Ҳозирги аҳволда ажралиш— ёмон вариант эмас,— жавоб қилди Смеляков.

— Ёмон эмас, дейсанми?— Надежда Ивановна эрига қаради.— Йўғ-е. Ажралиш— доимо фожиа. У одамнинг вужудини ҳувиллатиб қўяди. Ҳаётни мақсадсиз қилади.

— Эҳтимол, шундайдир. Бироқ нимани истайсан? Эркакка ўхшамаган эркак бўлган онлани мен ўз қўлим билан мустаҳкамлайманми? У одам эмас! Текинхўр!

— Нимага бунақа дейсан, Рома! У ҳарқалай инженер! Ишляпти!

— Ишляптимиш! Бўлмағур гап! Ўзини нимадир қилаётгандай кўрсатади. У ишдан гапирганини сира ҳам эшитмаганман. Қўлида битта ҳам китоб кўрма-

ганман. Ошна-оғайнилару ресторанларни билади, холос! У Катяни ҳам ичишга ўргатди.

— Қўй-е, буниси энди... ошириб юбораяпсан!

— Сира ҳам! У ҳар куни ичади. Ҳар куни ресторан, меҳмонлар... Нимага у ҳаёт айш-ишратдан иборат, деб ўйлайди?

— У ёш, келишган йигит-да...

— Шунинг учун ҳам унинг ёшидаги одамлар дурустроқ нимадир яратишади.

— Бироқ, Рома, бу нарса ҳаммамизнинг шаънизмизга тегади-да. Чунки ўша повестка...

— Ҳўш, нима бўпти?— Смеляков хотинига шартта ўғирилди.— Нима повестка? Вадим кичкина болами? Қилмишига ўзи жавоб берсин. Менинг шаънимга фақат ўзимнинг хулқим, хатоларим доғ солиши мумкин.

— Катя эса сенинг қизинг-ку...— хотини кўзини пирпиратди.— Сен унга жавобгарсан.

— Мумкин. Бироқ маълум ёшгача. Эр-хотин икковларининг ёшлари етган. Қинғир-қийшиқ ишларини менинг номимдан фойдаланиб тўғрилаб кетамиз, деган хаёлга боришмасин.

— Рома, нималар деяпсан? Менимча, ишинг барча ҳис-туйғуларингни қуруқшатиб юборибди.

Смеляков кулимсиради.

— Сен доим драматик санъатни хуш кўрардинг ўзи.

— Сен болаларга таъсирингни ўтказишинг керак.— Хотини унга яқин келиб ёнидаги стулга чўкди.— Сенинг ўзингга яраша характеринг бор. Одамларга таъсир қила оласан. Мисол учун, қўл остингдагиларга.

Смеляков оғир хўрсинди.

— Эҳтимол,— деди у жимликдан кейин.— Бироқ, мен уларга айтганимни зўрлаб қилдирмайман. Энг катта хато — айтгани зўрлаб қилдириш. Одам, агар одам саналгудай бўлса, ўзини ўзи бошқара олиши даркор. Айтмоқчи, институтда мен бирорта одамни ҳам мажбур этмайман. Ҳар бир одам ўз қобилиятини намойиш қилишига имкон бераман. Эҳтимол, шунинг учун ҳам баъзибир муваффақиятларни қўлга киритгандирмиз.

— Рома, сен чалғиб кетаяпсан! Институтнинг бу

ерда нима кераги бор? Гап қизинг ҳақида кетаяпти.

Смеляков журнал устига эгилди.

— Нима демоқчисан?— сўради у охири бошини кўтариб.

— Катя билан ҳам, Вадим билан ҳам гаплаш. Буларнинг бари жуда ҳам кўнгилсиз, албатта.

Смеляковнинг қовоғи осилди. У қизи билан гаплашишга қарши эмас, бироқ Вадим билан-чи? Вадимнинг мамнун қиёфаси, келишган махлуққа ўхшаган йирик, бақувват гавдаси кўз олдига келаркан, беихтиёр равишда нафрати қўзиди. Ўша қуруқ гавда, ишратпараст билан гаплашадими? Йўқ! Бунга тоб-тоқати ҳам йўқ, фойдаси ҳам. Смеляков гарчи қизини аёл сифатидаги аҳволини тушунса ҳам танлаган одамни ёқтирмагани. Ташқи ҳусн одамни чалғитади. Бироқ, Смеляков қизи ўша одамнинг ички олами қанақалигини ўз вақтида пайқамаганини тушуномасди.

— Унинг гувоҳномасини олиб қўйишибди,— гапида давом этди хотини.

— Жуда тўғри қилишибди. Аллақачон олиш керак эди. Маст ҳолда рулга ўтириш — бу қанақа мода бўлди?

Хотини уҳ тортди.

— Бошқа бунақа қилмасликка сўз берди менга.

— Сен ҳам ишона қолдингми?

— Рома, бироқ у қизимизнинг эри-ку. Унга ёрдам берсак бўларди. Машинасиз барибир ноқулай бўлади — ишга боришга қийналади.

— Ҳечқиси йўқ, жамоат транспортида қатнайверади.

— Бироқ, балки...

— Ҳечқанақа «бироқ-мироқ» кетмайди... Менинг танишларимга мурожаат қила кўрма. Қизим билан эса ўзим гаплашаман...

* * *

Душанба кун Рублев иш кабинетига остона ҳатлаб кириши биланоқ унга Петраков қўнғироқ қилди.

— Сергей Николаевич, ёнимга кириш.

Петраков оқ оралаган сочини тўзғитганича кабинетда ҳаяжонланган ҳолда уёқдан-буёққа юарди.

— Мана, ўқинг,— у кириб келган Рублевга битта

қоғоз узатди.— Рублев машинкада ёзилган текстга кўз югуртириб чиқди.

«Бутун эътиборингизни ихтиро муаллифининг фамилиясини аниқлаш ва у билан алоқа ўрнатиш мумкинлигига қаратишингизни сўраймиз».

Бу савдогар Маклаков даҳмасидаги хуфя жойдан топилган шифровкали хатнинг мазмунини эди.

— Бунга нима дейсиз?— сўради Петраков Сергей Николаевич хат текстини қайтиб бераётганида.

— Фикрим шуки, Анатолий Васильевич, душман разведкаси ракетага қарши янги қурол билан қизиқиши шак-шубҳасиз. Бу жуда табиий нарса: сиз билан биз душман томондан шунақа ҳаракат бўлишини кутгандик-да. Бироқ, бунақа ҳаракатлар қайси тарафдан ўзини кўрсатишини билмовдик.

— Ҳозирча бизда фақат битта илмоқ — Қирғий-бурун бор. Қим у? Уни фақат Вадим билади. Сергей Николаевич у билан қаттиқроқ шуғулланинг.

Рублев чайналиб қолди.

— Бу ерда битта нозик томон бор. Балки бу билан бошқа бирорта одам шуғулланар?

— Нима гап? Айтавер...— Петраков Рублевга қизиқсиниб қаради.— Бир нима бўлдим?

— Деярли гаройиб воқеа. Сизга айтсам...— Сергей Николаевич сўзларни аранг танларди.— Мен бир қиз билан танишувдим. Сизга буни қандай айтсам бўларкин?.. Умуман олганда, менинг бу масалада ниятларим жиддий.

— Жуда соз-да! Чиройлими?— Петраков Сергей очик-ойдин гапираётганидан жуда ийиб кетганди.

— Менга ундан яхшиси йўқ, ўзингиз тушунасиз...

— Начора, жуда ҳам хурсандман! Гувоҳликка оласанми?

— Жоним билан. Бироқ, сизга айтсам, бу ерда бир нарса бор... У Смеляковнинг қизи. Буни жуда тасодифан ҳолда билиб қолдим...

— Ўҳў!— хитоб қилди полковник.— Бу қандай бўлди ўзи?

Рублев бошидан охиригача барини айтиб беришга мажбур бўлди. Петраков қаламнинг учини столга тираб, диққат билан тингларди...

— Ҳа, мушкул ҳол!— деб юборди у.

— Тушунсангиз, Анатолий Васильевич, менинг ихтиёримсиз хизматдаги ишимга шахсий нарса ара-

лашиб қолди. Балки мени операциядан четлатарсиз?

— Йўқ, бу қанақа гап? Бу кимга керак! Давом эттираверинг. Сиз отасининг фирмаси билан шуғулланаётганингизни иложи борича ўша қиз билмасин, албатта... Уйда у валдираб қўйиши мумкин, бунинг эса кераги йўқ. Бизнинг Смеляковни безовта қилишга ҳаққимиз йўқ.

— Унга ёлғон гапириш менга оғирлик қилади.

— Гапирманг ҳам.

— Мен унга эрини танишлигимни беҳос айтиб қўйдим. Тўғрироғи, ўзи сезиб олди.

— Э-ҳа!.. У нима, эри билан ажралишаяптими?

— Бу ҳал бўлган масала. Бўлмаса мен у билан танишмасдим.

— Бироқ, сени деб ажралишаётган бўлмаса керак?

— Йўқ. Улар анчадан бери ўзаро келишмай юришаркан, очигини айтганда, бир-бирларига кўпдан бўён бегона бўлиб қолишган.

— Мен уни тушунаман... Кухонцевни билишимча, бунақа эрли бўлиш — катта бахт эмас. Болалари нима бўлади? Улардан борми?

Рублев бу саволни кутганди. Петраковдай бутун ва пишиқ-пухга одам ходими бунақа ишга аралашиб қолганини билганида қийин аҳволга тушишини кўз олдига келтирарди.

— Йўқ,— жавоб қилди Рублев.

— Унда берироқ экан. Ўзи жиддий аёлми?

— Бунисига ишонаман.

— Эҳтиёт бўл, Серёжа.— Петраков биринчи марта унинг номини айтди,— хато қилма... Умуман, бахт тилайман. Унга келганда эса... Дарвоқе, унинг исми нима?

— Катя.

— Гап шундай... шундай қилинки, Катя ҳозирча ҳеч нимани сезмасин.

— Ҳозирча у билан учрашмасликка қарор қилдим.

— Сира ҳам бундай қилма. Сен ўзингни гўё ҳеч нима билмагандай тутушинг керак.

— Яхши, урилиб кўраман...

Вадим ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олишига шубҳа қилмасди. Бунда у кўпроқ қайнонасига умид боғларди. У қайнонаси юмшоққўнгил ва илти-

мосга бефарқ қарамайдиган аёллигини биларди. Вадим қайнонасига фақат туғилган кунлари, ўшанда ҳам оралатиб гул совға қилса ҳам, бир неча марта унга гул олиб келганди. У ниҳоят гаплашиш учун етарли замин ҳозирланганини билганидан кейин унга милицияда бўлган гапни айтиб берди. Қайнонаси ёрдамлашишга ваъда берди. Бироқ, Вадим Надежда Ивановнадан «Рома дада»нинг (Вадим қайнатасини орқаворотдан шундай улуғларди) кескин раддиясини эшитганидан кейин таслим бўлиш кераклигини тушунди. Тўғри, Павелни ноқулай аҳволда қолдираётгани кўнгилсиз, албатта. Бироқ, начора! Пировардида булар билан милиция қизиқиб қолганига ўзи айбдор эмас-ку. Павел ўзини ўзи қутқарсин-да.

Бир куни иш охирироғида Сергей Николаевичга милициядан қўнғироқ қилиб, Вадим келиб-кетганини айтишди.

— У сизни қидирди. Сизга қандайдир муҳим ишим бор, деяпти,— деди бўлим бошлиғи.— Биз унга эртага эрта билан бўлишингизни айтдик.

— Яхши. Эртага сизларга кириб ўтаман. Ёрдамларингиз учун катта раҳмат.

Вадим эртаси куни милиция бўлимида ҳар маҳалгидай башанг, очилиб-сочилиб турган ҳолда пайдо бўлди. У гўё ҳеч нима бўлмагандай ўзини дадил тутарди.

— Сизга ўша одамнинг номини айтсам, гувоҳномамни чиндан ҳам қайтариб берасизми?— сўради у илжайиб.

— Мен гувоҳномангизга буйруқ беролмайман, бироқ кўмаклашаман,— ваъдасини тасдиқлади Рублев.

— Маъқул. Мен унинг фамилиясини билмайман. Исми — Павел.

— Аммо бу кифоя эмас.

— Ҳа, тушунаман. У қандайдир бир дипломатни олиб юрса керак.

Вадим бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Хўш... новчадан келган, қирғийбурун.

— У билан қандай танишгандингиз?

— Машинамнинг карбюратори ҳунар кўрсатаётувди. Гаражда уймалашаётгандим. У машинада келиб, ёрдам бера олишини айтди. Янги карбюратор топиб берди. Кейин унга телефонимни бердим. Шундай қилиб танишувдик.

— Сизда унинг телефони борми?

— Йўқ. Телефонини қолдирмади.

Рублев алдаяптими ё тўғриси айтаяптими, деб Вадимга синчковлик билан тикилди.

— Бизга унинг адреси ёки телефони керак. Унда ҳамма масалаларни тезроқ ҳал қиламиз.

Кухонцев бир лаҳза ўйлаб қолди.

— Менга қаранг, бошингизга урасизми уни? Сотса бир жуфт нарсасотди-да, наҳотки, шу ҳам жиноят бўлса?

— Айтинг-чи, Кухонцев, ўша танишингиз қайнатангиз билан қизиқдимми?

— Э... гап бу ёқда денг? Жосус бир қават пастда туради. Ҳаммаларингиз бу ишда эсларингиздан огиб-сизлар. Теварак-атрофдан фақат, буниси мумкинмас, бу мумкин эмас, деган гапларни эшитасан. Нимага энди? Чунки менинг қайнатам машҳур олим! У машҳур бўлса бўлаверсин, қандайдир махфий ишини қилаверсин, бироқ бунга менинг нима алоқам бор? Мен ўзимни тўрт девор ичига қамаб, тиз чўкиб, эрталабдан кечгача гениал қайнатамнинг дуосида бўлишим керакми?

— Менимча, сиз ёлғизликдан қийналмаган бўлсангиз керак?— Рублев кулиб қўяркан, ичида, Катя бу билан қандай турганикин, деб қўйди. Шунда бир лаҳзагина Катя кўзига хунук кўриниб кетди. Рублев унинг жингалак-жингалак сарғиш сочларини, ухлаганда боладай оғзини салгина очиб ётишини ўйларкан, жаҳли тарқади. «Қолаверса ўн саккиз ёшида ҳар ким ҳам адашади-да».

Вадим Рублевнинг охириги луқмасини жавобсиз қолдирди. Бунга у елкасини аранг сезиларли қилиб қисиб қўяқолди.

— Ҳарқалай... Қирғийбурун қайнатангиз билан қизиқдимми ё йўқми?

— Эсимда йўқ. Нималарнидир сўраган бўлса бордир.

— Сизни бу сергаклантирмадимми?

— Мени нега сергаклантириши керак экан? Қайнатамга қизиқадиганлар оз дейсизми?

— Хўш, унинг Қирғийбурунга нима кераги бор?

— Билмайман. У қайнатамни қабул маросимларида бир неча марта кўрганини айтди... Қандайдир ихтиронинг муаллифи эканлигини эшитганман, ўша

туфайли биз ракета қурилишида америкаликларни қувиб ўтаяпмиз, деди.

«Булар нима бўлдийкин? Балки Қирғийбурун шунчаки қизиқаётгандир? Бироқ у нимага Кухонцев билан танишиб олишга интилаяпти? Нимага унинг тагин фалон сўмга тушадиган хизматини қилаяпти?» Мана шу саволларнинг бари Рублевни беихтиёр хавотирга соларди.

— Мен ўша... Қирғийбурун билан танишган бўлардим,— деди Рублев.

— Жин урсин, бунга қандай қилса бўларкин? Шошманг-чи,— Вадим типирчилаб қолди.— Бир кун ресторандан қайтаётганимизда у Киров кўчаси ёнидаги кичкина кўчага ташлаб ўтишни илтимос қилувди.

— Сиз у тушиб қолган жойдаги уйни кўрсата оласизми?

— Кўрсатсам керак,— гўлдиради Вадим.

— Унда ҳозироқ ўша ерга кетдик.

* * *

Бундан бир неча кун олдин Рудник билан Лидия Павловна аразлашиб қолишган, бунга эса Рудникнинг ўртадаги танишликни бошқаларга билдирмасликка уриниши сабабчи бўлганди. Лидия Павловна эса бунга тушунолмаб ҳайрон эди. У Рудникнинг бу ишидан яна хафа бўлди, мен билан бошқаларга кўринишдан ор қиларкан-да, деган хаёлга борди. Ортадаги гап эса Лидия Павловнанинг дугонаси уни меҳмонга айтган кун кечқурун бўлганди. «Сенга айтсам,— деб жавоб қилганди Лидия Павловна дугонасига ошкора гурур билан,— энди мен ёлғиз эмасман». «Жуда соз! Табриклайман! Унда дўстинг билан бирга келгин»,— деганди Лидиянинг дугонаси.

Матвеева Павелнинг меҳмондорчиликка боришини жуда-жуда истарди. У ҳар қандай аёл сингари танлаган одами бошқаларга ҳам хуш келишини хоҳларди. У дугонасининг эри Павел билан хонада бамайлихотир гаплашиб ўтиришларини, иккала аёл эса ошхонада фурсатдан фойдаланиб, валақлашиб олишларини кўз олдига келтирарди. Лидия Павловна дугонасини янгиликлар билан таништиришга ошиқарди.

Павел меҳмондорчиликка бориш борасидаги так-

лифни юмшоққина, бироқ анчагина кескин ҳолда рад этди. Лидия Павловна алаמידан йиғлаб юборди.

— Наҳотки, мени олиб боришдан уялсанг?

— Наҳотки, шунақа хаёлга борсанг!— Павелнинг аччиғи келди.

— Унда нимага ҳечқаёққа бормаймиз? Нимага мени шу чоққача дўстларинг билан таништирмайсан? Ё дўстларинг йўқми?

Павелнинг ошна-оғайнилари борми? Павел, тўғриси, бу ҳақда сира ҳам ўйлаб кўрмаганди. Бунақа арзимас нарсага аҳамият ҳам бермаганди. Ишда гоҳо битта-яримта билан яқинлашарди. Бироқ, бу ҳам кўпга бормасди. Ўша одам билан кафедра бир-икки марта ичарди, ишдан гаплашишарди, шу билан ҳаммаси тугарди. Аёллар билан жиндай гаплашиб юрган пайтлари ҳам бўлди. Бироқ, Павелнинг аёллар билан танишлиғи кўпга бормас, мабодо таниш аёли ҳадеб хиралик қилаверса, ундан тезроқ қутулиш пайига тушарди.

Павел ўзининг жамики жиддий, аҳамиятли режаларини кейинга қолдирарди. Тўғри, у ўша «кейинги» ҳаётини унчалар равшан тасаввур этолмасди. Бунда фақат анча-мунча пулу озодлик кўзига аёнроқ кўринарди, холос. Доимий қўрқувдан озод бўлиш эса унинг учун асосий нарса эди.

Лидия Павловна унга бирдан чинакамига яқин бўлиб қолган биринчи аёл эди. Павел унинг ёнида ўзини руҳан енгил сезар, бу нарса эса унга шу чоққача насиб бўлмаганди. Гоҳо эса Лидиядан айрилиш менга даҳшат бўлади, деган хаёлга ҳам борарди.

Лидия Павловна унга ёқаман, деб ўлиб-тириларди. Павел, фалон овқатни ёқтираман, деб оғиз очгудай бўлса эртасигаёқ ўша таом дастурхонда ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Бир куни Павел Лидияга ўзининг уйига қараб қўйишни топширди. Лидия унинг ички кийимларини ювиб, қўйлақларини кирхонага элтди.

Павел танишганларидан сўнг бир ой ўтгач, Лидия Павловнаникида тура бошлади ҳисоби. Икковлари Павелнинг уйида туришлари ҳам мумкин эди, бироқ Лидия Павловнага шу вариант маъқул келди («Квартирамга ўрганиб қолганман, ишимга ҳам

яқинроқ»). Павел унга биринчи марта пул берганида эса ҳижолат тортиди.

— Эрим эмассан-ку, ойлигингни берсанг.

— Мени эрим, деб билавер.

Лидия унинг бўйнига осилди. Павел эса, жуда ошириб юбордим, шекилли, деб ўйлади. Кушниц бу ишни маъқулламаган бўларди, албатта. Э, Кушницни жин урсин! Павелнинг пировардида тирикчилик қилишга ҳаққи борми ё йўқми?

Лидия Павловна бахтиёрлигини танишларига кўз-кўз қилишни жуда истаб қолмаганида борми, ҳаммаси жойида эди. Бироқ, Павел унга, ҳозирча янги таниш-билиш орттиришнинг ҳожати йўқ, қаерда ишлайсиз, ким бўлиб, деган суриштиришлар бошланиб кетади, деб тушунтиролмасди. Ўзи эса ҳаммадан ҳам иши ниҳоясига етмагунича одамлар икковларини биргаликда кўришларини хоҳламасди.

Павел унга доим:

— Мен бахтимизни кўз-кўз қилишни хоҳламайман. Битта-яримта жиришни бузмасин, деб қўрқаман,— дерди.

Бу гап дабдабалироқ чиқса ҳам Лидия Павловнага нақ седуксен дорисидек таъсир қилар, оқибатда унинг кўнгли жойига тушар ва яна Павелни ялаб-юлқишга тушарди.

Павел бир кунни уни жуда ҳаяжонланган ҳолда кўрди. Дастурхондаги кечки овқат бамисоли байрамдагидай кўзга ташланарди. Салат, майизли гўшт (Лидия пазанда эди) ва ўтган сафар очилган коньяк-ли шиша бор эди. Лидиянинг ўзи ҳам одатдаги халатда эмас, ясан-тусан кийинган, қулоқларида ҳатто зираги ҳам кўринарди. У одатдагидан кўпроқ ичди, бундан кўзлари ялтираб, ўзи, олдинги эри ҳақида кўп гапирди. Унинг айтишича, эри ўлардай рашкчи экан. Ишдан ўн минут кечикса ҳам ғалва қилавераркан.

— У кўп жойда ишлади, доим бойиб кетишни орзу қиларди,— Лидия Павловна шоша-пиша гапирарди,— бироқ кейинги борган жойида ҳам омади келмади. Норильска яқин бўлган қаердадир оёгини совуққа олдирди.

— Кейин нима бўлди, нега ажрашиб кетдинглар?

— Унинг характери оғир эди. Мен кўп йил чидадим, кейин эса бўлмади.

Павелнинг ўтмишдаги бу нарсалар учун ғаш келса бўларди, бироқ, бунга қарангки, у кўнглида қизиқсинишдан бўлак нарсани сезмади. Эҳтимол, Лидиянинг мойиллиги кўнглини тинчитиб қўйгандир.

Гап шундан кейин уларнинг ўзлари ҳақида кетганди, Лидия Павловна бирдан сўраб қолди:

— Икковимиз буёғига нима қиламиз?

— Билмайман,— деди у.— Мен сендан айрилмасам, дейман.

— Мен ҳам,— деди Лидия Павловна энтикиб.— Бунинг устига яна... бунақа аҳвол... Хўш, қисқаси... икки ойлик бўлаяпти...— Ўша заҳотининг ўзида Павелга оғиз очирмай қўшиб қўйди:— Сен эса ташвишланаверма! Тўғриласа бўлади...

Лидия Павловна креслода оёқларини йиғиб, қаёққадир тикилганича ўтирарди.

— Нимага энди,— Павел вужудида меҳр тўлқини кўтарилаётганини сезаркан, энтикиб жавоб қилди,— нимага ташвишланар эканман? Бу бизнинг... сенинг ва менинг ишимиз...— Павел унга яқинлашиб, елкасидан бесўнақай қучганди у бошини кўкрагига қўйиб, йиғлади.

— Бўлди, кераги йўқ... кераги йўқ... Бунга ўйлаб кўрамиз.

— Жуда бола кўргим келаяпти,— Лидия Павловна четланаркан, қалтираб кетди.— Бироқ, ихтиёр сенда.

...Лидия Павловна кейин, ўзини босиб олганидан кейин Рудникка қўрқитиб юбормайин, деб ҳомиладорлигидан гап очмаганини бўйнига олди.

— Мени ташлаб кетмайсан-а? Шундайми?— Лидия Павловна Рудникни қистибасга олди.

— Қўйсанг-чи!

— Болани хоҳлайсанми?

— Негадир ўйлаб кўрмовдим. Мабодо сенга...

— Йўқ-йўқ. Мен хоҳлайман, сен ҳам хоҳлашингни истайман...

— Бу сира кутилмаганда...

— Бунга хурсандмасмисан?

— Хурсандман, хурсандман...— уни тинчитишга уринарди Рудник. Очиғини айтганда эса у ҳозирда бу гапни эшитганидан жуда довдираб, эсини йўқотишга келиб қолганди.

Лидия Павловна бахтиёр ҳолда уйқуга кетди,

Рудник эса тонг отгунча уёқдан-буёққа ағанаб чиқди. «Ё худойим,— дерди у,— агарда орзу-умидлари қанчалар лиқиллаб турганини билса борми!» Шундан кейин у жувоннинг тонг отар қоронғилигида аранг кўзга ташланиб турган чеҳрасига тикиларкан, зўр бериб, қандай қилсам, Лидия алданмасикин, деб ўйларди. Рудник шу йиллар ичида, балки умри бино бўлиб, оддийгина инсоний бахт қанақа бўлишлигини бошидан кечираётганди. У бахт ҳаётдаги асосий нарса эканлигини ва бунинг учун яшаса арзирлигини биринчи марта тушунди.

Рудник Лидани уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик билан ўрнидан туриб, ошхонага чиқди-да, чекди. Тонг тез отар, дераза ортида машиналар шовқин-сурон ва тақир-туқур қилиб, тез-тез ўтиша бошлаганди. Қоровул аёлнинг супураётган овози ҳам кела бошлади.

Ёнида ухлаётган аёлнинг вужудидаги ҳомила сингари Рудникнинг режаси ҳам шакллана бошлади.

* * *

Кухонцев Қирғийбурун Киров кўчаси яқинидаги кичкина кўчада тушиб қолган жойни кўрсатаркан, ўзини тутолмай кесатди:

— Шу чоққача детектив ролини ўйнамагандим. Ашаддий жосусни қўлга туширишда ўзини кўрсатганларни мукофотлаганда мени ҳам унутмассизлар, дейман?

— Сиз қанақа ролларни ўйнашга ўргангансиз?— сўради Рублев.

— Мен фақат ўзимни ўйнайман, холос.

— Бу роль кўнглингизга ёқадими?

— Жуда.— Кухонцев суҳбатдошига бошдан-оёқ кўз ташлади.— Сизнинг ролингиздан ҳам кўпроқ. Мен, ҳар қалай, одамларга ёмонлик қилмайман.

— О! Сиз яна инсонпарвар ҳам экансиз-да! Чунончи, эътироф этилмаган Кампанелла! Чамаси, сизнинг башариятга бўлган меҳру муҳаббатингиз ўз шахсиятингиздан сира ҳам нарига ўтмайди шекилли? Майли. Мана, сизнинг гувоҳномангиз. Инсонпарварлик масаласида эса ким билади дейсиз, тўғри келиб қолса мусобақа қилармиз.

— Тилингиз қаерда қайралгани менга энди аён бўлди.

— Йўқ, сиз ўйлаётган томонда қайралмаган. Французча ҳам, немисча ҳам, бошқа тилларда ҳам гаплашишимиз мумкин. Сиз вақтни беҳуда сарфлаганингизда мен ундан фойдаланганман.

— Бизнинг милициямиз ҳам... ёки қаердан бўлсангиз ҳам... маданий жиҳатдан ўсаётганидан хурсандман.— Кухонцев шундай деди-да, бурилиб, нари кета бошлади.

Рублев унинг кетидан қараб қоларкан, хаёлида ҳам Кухонцевни ўйларди. Бу одамда гурур кўплигидан манманлик даъво қиладиган ҳар қандай одам сингари ҳали кўп қийналади. Бу ҳали даъво холос! «Қатяни ҳам ана шу нарса чалғитган бўлса керак»,— хаёлидан ўтди Рублевнинг.

Рублев кичкина кўчадан шошилмай ўтди. Бу кўчанинг иккала томонида ўнтадан уй бўлиб, у иккита ёндаги ва иккита яқинроқдаги кўчани бирлаштириб турарди. Бу ер кекса арғувонларнинг кўланкасидан салқин эди. Бунақа кичкина кўчаларда одатда ясама гул қадалган похол шляпали ва қора ипли кўлқопдаги мукиллаган кампирлар, алоҳида тушган, олди томони устунли иморатлар, ёши тин бинолар гул. Уйларнинг эшиклари олдида эса мушуклар мудрашаётган бўлади.

«Кухонцев рост гапирди, дейдиган бўлсак,— мулоҳаза юртарди Рублев. Қирғийбурун чиндан ҳам шу ерда тушган бўлса бундан шундай фикрлар келиб чиқади: 1) Қирғийбурун шу уйлардан бирида туради; 2) Қирғийбурун яқинларидан бирининг уйига келган, ўн бир яримда одам камроқ таниш бўлган кишинининг уйига келмайди (Кухонцев ошпасини худди шу вақтда шу ерда тушириб кетганини айтганди); 3) бу кўчада Қирғийбуруннинг агентларидан бири яшайди. Рублев, дарвоқе, кейинги тахминдан воз кечди. Нега деганда Қирғийбурун учрашувга кетидан гувоҳ судраб бормасди-да. Пима учун бундай қилолмасди? Чунки, у эҳтиёткор одам эди. Вадимга ўзининг адресини ҳам, телефонини ҳам қолдирмаганди-да.

— Мабодо у бирор нимадан чўчиётган бўлса,— дерди ўзига ўзи Рублев,— уйидан анча нарида тушиб қолиши мумкин эди. Шундай қилиши ҳам мумкинми? Асло! Эҳтиёткор одам экан, нега бировнинг машинасидан фойдаланади? Таксида етиб олса бў-

ларди. Афтидан, такси қидириб ўтишга вақтини кет-кизишни истамаган, нега деганда шошилган. Шошилган! Мабодо, ана шу тахмин тўғри бўлса, у ўзига керакли уйнинг олдида тушиб қолган».

Петраков ҳам шу фикрга қўшилди. Эртаси кун иса Рублев билан Максимовдан ташқари Игорь Тарков ҳам қўшилган группа ўша кичкина кўчага етиб келди. Улар участка вакили, фаррошлар, шу ерда истиқомат қиладиган баъзи бировлар билан гаплашиб кўришди, бироқ улардан бирортаси ҳам Қирғийбурунни учратмаган экан.

— Назаримда,— деб қўйди Игорь Тарков,— биз пичан ғарамидан игна излаётганга ўхшаймиз.

— Пичан ғарами унчалар катта эмас,— эътироз билдирди Рублев.— Уни бир қучоқ пичан деса тўғрироқ бўлади... Ишга бошқа ёқдан ёндошамиз. Ҳамма уй дафтарларини кўздан кечириб, яширин объектларда ишлайдиганларнинг фамилияларини ёзиб оламиз.

Кечга яқин группа тураржой бошқармасининг бўш хонасига тўпланганида шу кўчадагилар орасидан ҳаммаси бўлиб етти киши мудофаа саноатиди ишлаши аён бўлди. Булардан учтаси дарҳол четга чиқди, чунки улар ишлайдиган заводга душманнинг қизиқиши қийин эди. Рублевнинг диққатини бир институт тортди. Маълум бўлишича у ракетасозлик билан боғлиқ бўлган масалалар билан шуғулланар экан. Уй дафтарининг «иш жойи» деган бўлимининг институт номи кўрсатилган жойининг қаршисида «Матвеева Лидия Павловна. 6-уй, 14 квартира» ёзувлари кўзга ташланарди.

Учовлари тураржой бошқармасидан чақчақлашганларича чиқишди. Кеч кириб қолганидан кўчани нимқоронғилик босган, фақат юқори қаватларнинг деразаларидагина ботаётган қуёшнинг олтинранг шуълалари ўйнардди.

Улар олтинчи уйнинг олдида тўхташди. Бу эски гиштин уй эди. У, афтидан яқинда яхшилаб ремонт қилинганди, нега деганда деворларининг бўёғи кетмаган, деразаларининг шакли янгича, дераза эшиклари йўқ эди.

— Қаранглар, Қирғийбурун анави ерда — бу уйдан эллик метр нарида тушган.

— Бироқ, бу тасодифдир балки?— деди Тар-

ков.— Бу ерда бирорта ошнаси туради деб тасаввур қилинг!

— Ҳаммаси бўлиши мумкин,— Рублев уларнинг гапига қўшилди.— Бунини биз аниқлаймиз. Аввало, Новодевичьеда саланглаб юрган Қирғийбурун билан Кухонцев биладиган Қирғийбурун битта одамлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Мабодо битта одам бўлса, нега у Смеляков билан у ёки бу даражада боғланган одамларнинг олдида уймалашади?

Уша куннинг ўзида олтинчи уйни кузатишга киришилди. Эртаси кунини эса оператив ходимнинг камераси баланд бўйли, қирғийбурун кишини сурабга олди. У ҳавотирда уёқ-буёғига аланглаганича олтинчи уйга кирганди. Максимов расмга қараб:

— Ухшайди. Ҳа, менимча, ўшанинг ўзи...— деди.

Кухонцев эса иккиланиб ҳам ўтирмади:

— Уша!

— Яхшилаб қаранг — адашмаяпсизми?— Рублев ундан қайтариб сўради.

— Йўғ-е. Хато бўлиши мумкин эмас.— У Рублевга қизиқсиниб қаради.— Уни қандай қилиб топдинглар?

— Бу энди фирмамизнинг сирини!

— Эҳ-а! Нокамтарин саволим учун узр. Сизларда ҳаммаси сир-ку.

— Ҳўш, сизда сир бўлмаса айтинг-чи, у сизга бошқа кўнгироқ қилмадимиз?

— Йўқ.

— Сизни ҳеч бир нарсадан огоҳлантирмасак ҳам бўлар дейман?

— Қўйсангиз-чи! Билсангиз, менинг кўнгилсизликларга сира ҳам тобим йўқ.

— Биз ҳам худди шунга умид қиляпмиз.

Орадан кўп ўтмай Рублевнинг Қирғийбурунни кузатишга ажратилган ходимлари унинг иш жойини ҳам аниқлашди. У дипломатик корпуснинг гаражларидан бири эди.

— Энди,— деди Петраков,— асосий нарсани — Қирғийбурун нималарга қизиқиши ва кимлар учун ўлиб-тирилаётганини аниқлаш лозим.

* * *

Гоша Максимовнинг фиғони фалакда эди:

— Ҳе, ярамас, шошмай тур, қўлимга тушасан ҳали!

Гоша Максимов бу сўзларни ҳозиргина таъқибга чап бериб кетган Рудникка қарата айтаётган эди. Ҳозирда Тарков билан икковлари идоранинг ма-шпнасида нима қилишларини билмай ўтиришарди.

Рудник жуда эҳтиёткорлик қилаётганидан икков-лари Мижоз муҳим учрашувга кетаётганини зумда фаҳмлашди. У олдиниға таксида кетди, кейин мет-ронинг «Маданият парки» станциясига шўнғиб кет-ди, «Фрунзе» станциясидан чиққанидан кейин трол-лейбусга миниб, «Синтетика» магазинининг олдида тушди. Уни худди мана шу ерда кўздан йўқотишган-ди. Бундаги асосий сабаб икковлари ҳам Мижоз бизни сезиб қолмасин, деб чўчиганларида эди.

Максимов рация орқали Рублев билан боғланар-кан, хунук гап бўлади, деб кутганди. Рублев эса бу мағлубиятга бир нима деб ўтирмади.

— Ҳечқаёққа кетмайди. Бошқармага қайтинглар.

Рудник эса бу пайтда Ленинские горидаги уни-верситет қаршисидаги парк хиёбонларидан бирида Қушниц билан суҳбатлашарди.

— Менга қаранг, Ганс, менимча, вазифамни ба-жардим. Дўстлар сифатида хайрлашадиган вақти-миз келди.

— Сиз шундай деб ҳисоблайсизми?— Ганс суҳ-батдоши юпқа лабларини тишлаётганига қаради.— У ердагилар, яъни юқоридагилар кайфиятингизни ту-шунишмаса керак, деб қўрқаман. Операция энди бошланаяпти, деса бўлади.

— Мен бўлсам сизлар сўраган нарсаларнинг ҳам-масини бажардим... Олимнинг фамилиясини аниқ-ладим. Институтнинг адресини ҳам... Мукофотни ҳа-лол оқладим...

— Мен илтимосингизни етказаман. Сизни шундай хулосага келишга нима мажбур қилди?

— Асабларим дош беролмаяпти... Элликка яқин-лашиб қолдим-да.

— Асабларим, дейсизми?... Буниси ёмон. Бемаъ-нилик қилмасангиз керак, дейман?

— Мабодо мени жонимдан тўйдирмасангизлар.

— О... Бу энди таҳдиддай туюлаяпти-ку!

— Мен ҳеч кимга таҳдид қилишни истамай-ман. Тинч қўйишларингиз илтимос қилаяпман, холос.

— Қайтараман, мен илтимосингизни етказаман. Бу эса мартабангизга таъсир қилиши мумкин!

— Мартаба қуриб кетсин!
— Сиз, билишимча, Фарбга кетмоқчийдингиз, шеклилли?

— Мендаги вазият ўзгариб қолди.

— Нима бўлди?

Рудник дарҳол жавоб қилмади. Сигарета олиб, қўлида эзғилади. Кушниц унга зижигалка тутди.

— Мен бир аёл билан танишдим, ундан айрилмоқчи эмасман. Бунинг устига болали бўламиз...

— Оҳ, бу аёллар!— Кушниц хўрсинди.— Улар қанчадан-қанча зўр одамларни хароб қилишди!

— Кулсангиз бўлади. Бироқ бу мен учун керак. Оламдаги ҳамма нарсадан ҳам зарур.

Икковлари бир дақиқа сукут қилишди. Рудник ютоқиб чекарди. Унинг кўриниши тунд эди.

— Сиз, Павел,— Кушниц ниҳоят тилга кирди,— ўйин қондасини бузаяпсиз. Бир марта бизнинг аравамизга қўшилган одам уни умрбод тортаверади.

— Мен тортиб бўлдим! Чарчадим!

— Эс-хушли бўлинг. Сиздан кўп нарса талаб қилинмайди. Яна бир-икки ойдан кейин ҳаммаси тугайди. Кемада исён кўтаришга ҳожат бормикни?

— Йўқ. Мен ўйиндан чиқаман.

— Ихтиёрингиз. Қўзингизга қаранг. Фақат бемаънилик қилманг. Бунинг кети ёмон бўлиши мумкин...

— Фақат мен учун эмас.

Уларнинг кўзлари тўқнашди. Кушниц самимий кулганича суҳбатдошининг яғрини уриб-уриб қўйди.

— Яхшиси, мен ҳаммасини тўғрилашга ҳаракат қиламан. Алоқа борасида келишиб оламиз...

...Рудник Матвеевнинг квартирасига толиққан, кўнгли ҳувиллаган бир ҳолатда қайтди. У Кушницнинг мамнун башарасини, ён бериброқ гапиришини ўйларкан, тутоқиб кетарди. «Мишиқи! Наҳотки, бу гўдак чангалимда турганини фаҳмламаса. Мабодо мен уни тутиб берсам борми, КГБ менинг баъзи бир гуноҳларимдан ўтади!»

Улар менга, сиригини очамиз, дейишади, албатта. Ўтмишимни эслатишади. Начора, мен ҳам ўша қуролни қўлимга оламан. Кўрамиз, ўшанда ким кимни енгаркин!

Ҳа, ҳали кўп нарса бой берилмаган. Ҳали чора бор. Бироқ Рудник ундан жуда мушкул аҳволда қолгандагина фойдаланади!

КЛАРК УЙИНГА ҚУШИЛДИ

Кларк Москвага келганига бир ярим ой бўлганди. Илгари унинг совет пойтахтида бўлишига тўғри келмаганди. Шунинг учун ҳам Кларк дастлабки кунларни шаҳар билан танишувга бағишлади. У машинада ва пиёда барча қизиқарли тарихий жойларни айланиб чиқди. Қадимги бинолар ва ойна билан бетон панелли ҳозирги замон архитектураси бири-бирига уйғун бўлган шаҳар унга маъқул тушди.

Кларк нимаики қилиб бўлмасин рус тилини ўрганишга аҳд этганидан элчихонадаги рус ходимлар орасида ўзига ўқитувчи ёллади. Россия тарихи, санъат ва архитектура тарихига оид китоблар сотиб олди. Кларк янги ишга ўтганини хизмат мартабасидаги муҳим қадам, ўттиз йиллик фаолиятининг чўққиси деб санар, шунинг учун ҳам Москвада мустаҳкам ва узоқни кўзлаган ҳолда ўрнашиб олаётганди.

Москвага келганига икки кун бўлгандан кейин Маккензи билан учрашди. Биринчи суҳбатни улар махсус «қоронғи» хонада ўтказишди. Бу хона иш тугагандан кейин муҳрланар ва унга бегоналар киритилмасди. Маккензи Кларкка «Қақнус» операцияси қандай бораётгани борасида батафсил ахборот берди.

Маккензи миянғлаётган бу бақалоқни ич-ичидан рноя қилиб ўтирарди. Ажаб, дерди у ўзича, операцияга раҳбарлик қилсин, деб бу нусхани юборишибди-да, бу ёқда Россияда у нимани тушунади? Мана ўзи бу ерда етти йилдан бери туради ва ўшанда ҳам бу мамлакатнинг мутахассисиман, дейишга ботинолмайди. Бироқ Маккензи битта нарсани — Совет Россиясининг агрессивлиги, унинг Фарбга ҳарбий таҳдид солаётгани ҳақидаги сиёсатдонлар тўқийётган валақлашлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билиб олган эди. Маккензи ўзининг шахсий таассуротлари асосида ана шу хулосага келганди. Бу фикрга ҳам дарҳол кела қолмади. Дастлабки пайтларда нотўғри тушунчада бўлганлиги бунга халал берди. Кейин эса унда мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконияти туғилди. Маккензи Сибирь ва Ўрта Осиёда, Серпухово ва Дубнада бўлди. Мамлакат кишилари улғувор тинч қурилиш ишлари билан банд эдилар.

Уларга урушнинг нима кераги бор? Тинчлик — биринчи навбатда ана шу нарса керак. Чиндан ҳам улар мамлакатнинг шаҳар ва далалари узра тинчлик қўши нур сочмоғи учун ҳамма ишларни амалга оширишарди.

Жозеф Маккензи эса ичидаги бу фикрларини бировга айтмасди, албатта. У ўзига топширилган ишларни итоатгўйлик билан бажарар ва бу мамлакатда бўлиш муддати тугаб, гуллар ва майсаларни қайчилаб юриш учун Лондонга яқинроқ жойдаги орастатина ва шинамгина коттеджига қайтишни сабрсизлик билан кутарди.

Кларк Маккензининг дидига ўтиришмади. У кўп чекар, виски тортар ва назарида, унда юмор ҳисси, деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Маккензи эса юмор ҳиссини ҳақиқий жентльменнинг биринчи фазилати деб биларди.

— Ганс қалай?— деб сўради Кларк салом-алик қилиб, виски тайёрлаб бўлгандан кейин.— Киришиб кетдимиз?

— Ҳа, уни яхши кутиб олишди. Рус контрразведкасининг қўлига тушишига сал қолди.

Кларк чақчайиб қолди.

— Ҳазиллашаяпсизми?

— Сира ҳам. Хуфя жойнинг сири очилди.

Маккензи шундан кейин савдогар Маклаковнинг даҳмаси ёнида «дум»ни пайқаганини ва бу ҳақда Кушницни огоҳлантиришга улгурганини айтиб берди.

Кларк таги қалин қиррали стакандан виски ҳўплаб анчагача жим қолди.

— Хуфя жойни бошқа қиламиз,— деди у ниҳоят.— Бунга икки-уч кун керак. Мен ишончли жой топишим керак.

Кларк жуда ҳаяжонда бўлса ҳам Маккензи билан бамайлихотир гаплашишга ҳаракат қиларди.

— Кушниц Смеяков ҳақида янги гап айтаяптими?

— Ҳозирча умумий маълумотлар, холос. Смеяков билан дурустроқ яқинлашиб олиш учун бир оз вақт керак.

Маккензи шошилмай чека бошлади.

— Смеяков ҳақида менга маълум бўлган нарсалардан, бу одамни фақат битта нарса — фан қизиқтирар экан, деган хулоса келиб чиқади. Пулга қизиқ-

мас экан. Бунга унинг зор жойи ҳам йўқ. Илмий шон-шуҳрат — унинг орзу-тилагии. Фидойи одам. Фан фидойиси. Унинг заиф жойи ана шунда. Бошқа жиҳатлардан мустаҳкам. Тўғри, унинг куёви бор, ҳали жуда ёш йигит. Смеляков қизининг эри. У ишимизга жуда бопта материал. Бироқ яқинда менга милиция органлари у билан қизиқаётгани маълум бўлди.

— Унда у билан алоқага киришмай туринг,— маслаҳат берди Кларк.

— Биз шундай қарорга келувдик...

— Демак,— Кларк ўйчан ҳолда қўлида стаканни айлантди,— сиз Смеляковни фақат илмий шон-шуҳрат қизиқтиради, деяписиз, шундайми? Мабодо адашмасам, у стратегик ракеталар учун қаттиқ ёнилғи масаласи устида иш олиб бораяпти-а?

— Ҳа, худди шундай.

— Қойил. Сизга айтсам, қадрли Жозеф, менда битта дуруст фикр бор. Шон-шуҳрат Смеляковнинг энг нозик жойи экан, биз худди шунга найзамизни санчсак бўлмайдими? Мана, кулоқ солинг...

Кларк ишга жуда ҳам шўнғиб кетди. У агентлари учун алоқа системасини ўзи ишлаб чиқишга киришди. Бироқ ҳамма ишлар зўр кетаяпти, деб юрган пайтида Кушницдан, «Қақнус» операциясида асосий роль ўйнаётган агент бўйин товлаётгани борасида ташвишли хабар келди. Кларк бу мамлакатда муносиб ходимлар топиш умуман қийинлигини, мазкур операция учун эса инчунун мушкуллигини биларди. Рудник четга чиқса иш секинларди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди.

Кларк эса ҳаммасидан ҳам бу агент айбига иқдор бўлиб, контрразведка органларига югуриб қолишидан қўрқарди. Бу фикр хаёлига келганидан Кларкнинг яғрини музлаб кетгандай бўлди. Рудник айбига иқдор бўлиб борса борми, Кларк расво бўлади-да. Москвадан чақириб олишади. Матбуотда жанжал кўтарилади. Йўқ, Кларк бунга йўл қўймайди. «Қақнус» операцияси унинг хизмат мартабасини яна бир поғона кўтариши лозим. Кларк ғариб, биров танимайдиган омадсиз киши сифатида пенсияга чиқиб кетмоқчи эмасди. «Номаълум солдатлар,— дейишни хуш кўрарди у,— фақат қабрдагина яхши бўлишади».

Кларк Кушницдан хабар келганидан кейин кабинетига қамалиб олиб, вужудини ларзага солган ва-

знятни яхшилаб ақл чиғириғидан ўтказишга аҳд қилди. Виски қуйиб ичди-да, ўрнидан туриб, хонада уёқдан-буёққа юра бошлади. Кларк ҳозир қулаётган самолётдаги одамнинг аҳволига тушган эди. У ҳалокат сари кетаётганини, даҳшат ичра қулаб бораётганини билар, бироқ бирор нарсани ўзгартиришга ожиз эди.

Кларк зўр бериб ўзини қўлга олишга уринарди. Ха, фалокат юз беришга йўл қўйиш мумкин эмас. Оддий бухгалтернинг ўғли бўлган Кларк ўттиз йилдан бери амал зинасидан юқорига ўрмалайди, йиқилган пайтлари бўлди, яна тепага тирмашди, одамларни бир-бирига ишқади, алдади, ишни юришганларга ҳасадгўйлик қилди, тиним билмай ишлади. Наҳотки дунё тақдирини ҳал қилувчилар сафига кириш бора-сидаги уринишлари энди барбод бўлса?!

* * *

СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими август ўрталарида ваколатхоналари Москвада бўлган дипломатлар учун Ясная Полянага сафар уюштирди. Бунга боришга асосан яқиндан бери Москвада истиқомат қилаётган ва рус маданияти ҳақидаги тушунчаларини бойитишда ҳар бир фурсатдан фойдаланаётган дипломатлар истак билдиришди. Қўп дипломатлар бола-чақаларини бирга олишди, кўнлар эса ўзлари йўлга чиқишди, нега деганда экскурсия уларга бошқа элчихоналардаги ҳамкасабалари билан танишиб, алоқаларини янада яхшилаб олишларига имкон берарди. Баъзилар эса бу сафар кўнгилхушлик қилишга имкон бергани учун ҳам розилик беришганди.

Сафар йиғирма бешинчи августга белгиланганди. Бундан сал олдин экскурсия қатнашчиларининг рўйхати тарқатилганди. Кларк уни кўздан кечираркан, Штрассернинг фамилиясига эътиборини қаратди. Бундан чиқди, Павел Рудник у билан бирга бўлади, чунки дипломатлар ўзларининг машиналарида боришлари керак эди-да. Кларк агент билан учрашувга қулай фурсат келди, деб ўйлади. У бўлажак ана шу учрашув ҳақида бош қотира бошлади. Павел Рудникка нима дейиши керак? У билан қандай холи қолса бўлади? Ишончли эканлигини қандай текшириши зарур? Кларкнинг назарида Рудник билан уч-

рашса борми уни йўлга сола оладигандай, қўнавер-маса катта пул билан қўлга оладигандай туюларди. У пулнинг барча маънавий дардларни даволашдаги зўр восита эканлигига ишонарди.

Қларк йигирма бешинчи августда эрталаб иккита ходим билан элчихонадан узунчоқ «илимут»да чиқди. Кушини унга:

«Рудник Д 8—73 номерли қора «Волга»да кетади»,— деб хабар қилганди.

Эрталабдан бери ёмгир ёғар, бўзранг осмондаги югурук қора булутлар иморатларининг томларига тегаётгандай бўларди. Машиналар ва Александр боғининг дарахтларини қингир-қийшиқ акслантираётган асфальт эски кумушдай хира ялтирарди. Афтидан, ёмгирда дипломатлар бирга кетишни истаганларидан майдонга хилма-хил маркадаги ўттизга яқин машина йнгилганди. Манежга яқинроқ жойда бир группа дипломатлар, матбуот бўлими ходимлари ва журналистлар нималар ҳақидадир чақчақлашпшарди. Қларк америкалик иккита таниш журналист билан саломлашди-да, гўё оёғининг чигилини ёзаётгандай майдонга чиқиб, керакли номерли машинани қидирди. Машинани тезда топди. Машинанинг орқа ўришда кўркамгина ёш жувои иккита қизча билан ўтирар, олдиндаги терлаган ойнадан эса қирғий-бурун ва кичик оғизли яхшигина таниш башара кўзга ташланарди. Қларкнинг шунча умидлари ва ваҳималари ҳозирда тақалиб турган одам — Павел Рудник шу экан-да.

Машинага баланд бўйли семиз одам яқин келди. «Штрассер»— фаҳмлади Қларк. У ўзининг машинасига етиб келмасиданоқ машиналар карвони занжирдай тизилган ҳолда Манежни айланиб ўтиб, Тошкўприк томон йўналди.

Қларк маслаҳатчи Штрассернинг «Волга»си ёнидан ўтишини кутиб турди-да, унинг изига тушиб олди.

Орадан кўп ўтмай, улар кўпдан-кўп машиналарнинг шиддатли оқимига тушиб олишди. Қларк дамбада девор панеллари пирамидалар янглиғ турган вазмин, тутун бурқснтаётган юк машиналарини қувиб ўтарди. Ҳаммасёқда минорали кранларнинг қоралари кўринар, қурилишларни ўраб турган деворлар орқада қоларди. «Руслар чиндан ҳам кўп қурилиш-

лар қилишяпти»,— деб қўйди Кларк ичиди. У ана шу районда биринчи марта бўлаётганидан ҳозирда кўз олдига намоён бўлаётган Москванинг индустриал манзарасини қизиқиш билан томоша қиларди. У кўпинча ўзи кўн марта бўлган Америка Қўшма Штатлари билан Россияни бир-бирига тез-тез қиёслаб тураркан, муштараклик топиб ҳайратга тушарди. Бу ерда ҳам америкадагидек одамлар характерида ҳам, табиатида ҳам ўша кўлам, кенглик, миқёс бор эди.

Улар бир соатдан кейин шаҳар ташқарисидаги кенг кўчага чиқиб олишди. Кларк Штрассернинг қора «Волга»сини сира ҳам кўздан қочирмасди. У аста-секин нима қилиш кераклигини дилида нишита бошлади. Энди қулай фурсат келишини кутish керак эди.

— Ингитлар,— деди у орқасига ўгирилиб валақлашиб келишяётган ходимларга,— маҳкамроқ ўтиринглар. Ҳар қанақа кутилмаган нарсалар бўлиши мумкин.

— Нима гап ўзи, хўжайин?— сўради Кларкнинг ёрдамчиси Питер Брук. Кларк уни таржимон сифатида ўзи билан бирга олганди. Брук тўрт йилдан бери Москвада турар ва русчада бемалол гаплашарди.

— Нима гап дейсанми? Маҳкамроқ ўтир, бўлмаса бурнингга жавр бўлади.

Ходимлар таажжубда бир-бирларига қараб қўйишса ҳам оёқларини олдинги ўриндиқнинг суяنجигига тираб олишди. Кларк ёрдамчисининг силлиққина, нимпуштиранг яноқларини кўраркан, ҳаваси келиб, эҳ, қани эди ёшим ўттизда бўлса, деб қўйди! Ҳаммасини ўшанда қайтатдан бошларди. Парламент аъзоси, министр, корпорация президенти ёки жилла бўлмаганда элчилик вазифасини эгалларди.

Кларкнинг ёши ўткирагани билинаётганди. У айниқса котибаси билан холи қолган пайтларда бу нарса яққол сезиларди. Унинг кўнглидаги истаги илгаригидай бўлса ҳам мадор деган нарсадан маҳрум эди.

«Плимут» район марказидан учиб борарди. Олдинда, икки юз метр нарида мўъжазгина черкови бўлган кенг майдон кўринарди. Кларк майдонда кабутарлар тўдаси юрганини пайқади. Кларк акселаторни босганда «плимут»нинг уч юз от кучли мотори

вағиллади. «Плимут» «Волга»ни осон қувиб ўтаркан, ундаги йўловчилар кўзларини узмай тикилишарди. Кларк бир неча лаҳза машинани олдинда, «Волга»дан беш метрча нарида ҳайдаб борди.

Кабутарлар тўдаси нақ «плимут»нинг радиатори олдидаи учди. Кларк педални нақ охиригача босди. Ўша лаҳзанинг ўзида ғийқиллаш ва темирнинг темирга урилгани эшитилди. Машина ойнаси чил-чил бўлиб, асфальтга тушди.

«Жин урсин-е!»— Брук шундай дея лат еган пешонасини ишқаларди. Бошқа ходимнинг кўзи чақчайиб кетганди. Кларк машинадан ирғиб тушди. Унинг кўриниши чинакам қўрқиб кетганлигини ифодаларди. «Волга»нинг радиатори қапишиб кетган, «плимут»нинг бампери билан юкхонаси ҳам анча-мунча зарарланганди.

— Кечиринг, худо ҳаққи, кечиринг! Кабутарлар... тушунасизми, кабутарлар!— Кларк Штрассернинг машинасига зумда яқинлаб ўлдиради. Машинадан бола йиғиси эшитиларди. Штрассер яноғидаги лат еган жойга дастрўмолини босганича хотинига машинадан тушишга қарашарди. Кларк ёрдамлашгани одимлади. Қизчалар қўрқиб кетишган, бироқ зарар кўришмаганди. Штрассернинг хотини қизчаларини бағрига босиб, хавотирда уларни кўздан ўтказди-да, сарғиш сочларидан силаркан: «Гретхен, оғримаяпти-ми? Қаеринг оғрияпти? Луиза, ҳеч еринг лат емади-ми?»— дерди. Улар жавоб ўрнига бараварига увиллашарди. Чамаси, Рудник охириги лаҳзада тормоз беришга улгурган, бу эса зарбнинг кучини қирққанди.

— Ҳе, сизни жин урсин!— Штрассер ниҳоят ўзига келиб, шовқин солди.— Сиз, нима, машинани биринчи марта ҳайдаяпсизми?!

— Кабутарлар! Мен уларни босиб олмай дедим-да,— ўзини оқлади Кларк.

— Э,— Штрассер қутуриб кетди,— кабутарни босишдан қўрқиб, болаларимни мажақлашингизга сал қолди-ку.

— Узр сўрайман...

— Шофёр ҳам шунақа бўладими! Машина ҳайдашни билмаса-я!

— Ўзингни бос, жоним, ҳаммаси жойидага ўхшайди,— Штрассернинг хотини гапга аралашди.

Бу ерда яна иккита — Бельгия ва Франция элчихоналарининг машиналари тўхтади. Кларк билан Штрассернинг бола-чақасини шу ерлик одамлар ўраб олишди. Штрассер аста-секин ўзини қўлга олди. Кларк шу фурсатдан фойдаланиб ўзини танитди. Маслаҳатчи ҳам ўзини таништиришига тўғри келди.

Белгияликлар ва французлар жиддий бирор нарса бўлмагани ва ёрдамларига ҳожат йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин жўнаб кетишди. Шу ерлик одамлар тўдаси ҳам сийраклаша бошлади. Қизчалар ҳам овунишиб, меҳрибон оналари йўлга олган бутербродни ейишга тушишди. Штрассер билан Кларк энди ўзларини босиб олганларидан бемалол фикр олишишарди. Штрассер ҳатто яқинда сачраб кетгани учун инглиздан узр сўради.

— Қўйсангиз-чи, қўйсангиз-чи! Мен аҳволингизни тушунаман. Болалар — бу ҳаммаси. Мени яна бир марта кечиришингизни сўрайман, жаноб маслаҳатчи...

Иккала машина кўздан кечирилганда «плимут» йўлда давом этишга тўла яроқли эканлиги маълум бўлди. «Волга»нинг радиатори тагида каттагина кўлмак ҳосил бўлган, чунки унинг суви оқиб кетганди.

— Авария машинасини чақиришга тўғри келади,— деди Рудник маслаҳатчининг бу аянчли аҳволга эътиборини биринчи бўлиб қаратаркан.

— Менинг машинам сизнинг хизматингизда, жаноб маслаҳатчи! Питер, сен рулга ўтиришингга тўғри келади...

Питер бош ирғади.

Штрассер кўнмади. Кларк эса ганида қаттиқ тураверди:

— Жаноб маслаҳатчи, мабодо сиз болаларингиз билан кўчада қолсангиз мен ўзимни ноқулай сезаман. Илтимос, менинг машинамга ўтиринглар.

— Ўзингиз қандай кетасиз?— сўради Штрассер.

— Хавотир олманг. Ҳозир элчихонамизнинг яна битта машинаси келиши керак...

Пировардида Штрассер кўнишга мажбур бўлди. У «плимут»га ўтди. У билан бирга Кларкнинг ходимлари ҳам кетишди.

Машина муюлишда гойиб бўлиши биланоқ Руд-

ник автобазасига қўнғироқ қилгани район ижроия комитетига йўл олувди, Кларк уни тўхтатди.

— Кечирасиз, мен сиз билан гаплашмоқчиман...— деди у рус тилида сўзларни бузиб-ёриб.

— Мен биланми?— Рудникнинг қошлари синовчан чимирилди.— Ҳа-ҳа...

Рудник ҳамсухбатига синовчан тикилиб қолди.

— Менда ишингиз борми?

— О, ҳа. Жуда жиддий иш...

— Ҳим...— Рудник нотаниш кишига ташвишли қараб қўйди. Унинг сўзларида буйруқнамо нимадир бўлганидан Рудник сергак тортишга мажбур бўлганди.— Эшитаман...

— Мен Кларкман...

Рудник гарчи сиртига юқтирмай ўзини бепарво кўрсатишга уринса ҳам, ичида нимадир қалтираб кетгандай бўлди.

— Тушунаман, сиз менга ишонмаслигингиз мумкин, бироқ мен Кларкнинг ўзиман.

Рудник ахири ўзини қўлга олди:

— Бу менга ҳеч нимани билдирмаяпти...

— Бу ерда қаерда лола сотиб олса бўлади?

— Сизга топиб беришим мумкин...— Рудник шошилмай паролга жавоб айтди.

— Менга қаранг, Рудник... Сиз бизга бебаҳо хизмат қилдингиз. Сиз жуда муҳим... операциялар ўтказдингиз.

Рудникнинг бир оғиз сўз айтишга тили келмасди. Кларк, ўша исми шивирлаб айтиладиган афсонавий Кларк, олис ва қўл етмас бўлган Кларк ҳозирда олдида турарди. Рудник бу одамни қуруқ, повча, юпқалаб, совуқ кўзлари тешиб юборгудай боқадиган, деб ўйларди. Энди бўлса рўбарўсида сарғиш плашч кийган, кўринишдан беозор бўлган одам турарди. Ўзи эса умр бўйи бу одамнинг номини эшитганда қалтирашга тушарди!

— Менга қараманг!— деди Кларк кескин.— Иш қилинг.

Кларк ана шу учрашувга кўп хаёллардан кейин келганди. У агентни кузатишлари мумкинлигини биларди. Бироқ Рудникни актив фаолиятга қайтариш фикри анча кучли эди. Бунинг устига учрашув шундай уюштирилдики, уни ғирт тасодифият деб ўйлаш мумкин эди.

Рудник шоша-пиша салгина эзилган капотни очди-да, жажиганиени тўғрилашга тушди. Кларк эса зериккан кўйи кўчага қарарди.

— Сиз ташаккурга лойиқсиз. Биз сиздан миннатдор бўла оламиз. Машина салонида пакет бор. Ичида эса ўн минг сўм...

— Раҳмат... фақат...

— Нимаси «фақат»?..

— Сизга нлтимосимни айтишдими?

— Ҳа. Мен ҳайрон бўлдим: сиз ақлли одамдай кўрингандингиз! Бемаънилик қилиш керак эмас,— Кларк оталардай меҳрибон товушда қўшимча қилди.

— Мендаги вазият ўзгариб қолди...

— Аёлми?

— Ҳа, аёл. Энди фақат бир нарсани, мени тинч қўйишларингизни хоҳлайман.

— Мен тушунаман, сизнинг, нимаиди... асабларингиз чарчаган. Дам олишингиз керак.

Рудникни Кларкнинг насиҳатомуз гапираётгани, гапига қулоқ солишни истамаётгани фижинтирарди. Рудникка бениҳоя аҳамиятли туюлган нарса улар учун ҳеч нимага арзимасди-да. Рудник бу нусхани сўкиб ташламоқчи бўлса ҳам даҳшатли исмидан қўрқиши ҳозирда уни қимирлатмай қўйганди.

— Мен қўлимдан келганини қилдим...— ғўлдиради Рудник.

— Ҳа, сиз бизга кераксиз. Эҳтимол, бир-икки ойдан кейин вазифангиз ҳам тугар. Сизни Фарбга ўтказиб юбориш йўлини ҳам топамиз. Хоҳлаган мамлакат... Швеция... Германия, мешинг ватаним—хоҳлаган томонингизга! Сизнинг коттеджингиз, машинангиз ва энг муҳими—эркингиз ва хавфсизлигингиз бўлади. Дугонангиз сиз билан бирга кетади... Бахтли бўласизлар...

Дугона? Кларк айтаётган бахтли бўлиш варианты Лидага тўғри келишлигига Рудникнинг кўзи етмасди. Очигини айтганда, Рудник вазият мажбур қилмаса борми, Лидага сирини сира ҳам очмаган бўларди. Лида бор ҳақиқатни билганидан кейин қанчалар даҳшатга тушишини Рудник кўз олдига келтирди. Йўқ-йўқ, Рудник унга бунн ўлса ҳам айтмайди. Бунда таваккалчилик кетмайди, оралари бузилиб қолади.

— Яхшилаб ўйлаб кўринг,— маслаҳат берди Кларк.

— Мен нима қилишим керак?— Рудник бўғиқ овозда сўради.

— Гансга манави пленкани бериб қўясиз.— У агентнинг қўлига қоғозга ўралган кассетани суқди. Рудник уни индамай чўнтагига солиб қўйди.

Кларкнинг бу пленкадан умиди катта эди. У кичкинагина фотоаппаратга мўлжалланган одатдаги микропленка бўлмай, фақат ўзигагина маълум бўлган сири бор эди. Махсус ўта сезгир эритма билан ишлаганидан бу плёнка очилганида куйиб кетарди.

Кларк шундай фикр қилганди. Мабодо Рудник бошқа одамга алмаштириб қўйилган агент бўлса, у кассетани олиши билан хўжайинларининг ёнига чопади. Хўжайинлари эса кассетани очишга уринишади. Кларкнинг шубҳалари асоссиз бўлса, пленка эсон-омон ҳолда олдинги хуфя жойга тушади. Маккензи эса уни у ердан олиб, ўзига олиб келади.

— Менинг кейинги кўрсатмаларимни Кушниц етказди. Бироқ ишонинг — жиддий ҳеч нима йўқ. Ҳеч қанақа хавфли иш бўлмайди... Бизнинг миннатдорчилигимиздан шубҳаланмасангиз бўлади...

Рудник моторни кавлаштираркан, ичиди яниб қўярди: «Йўқ, жаноб Кларк, мени энди нағмангизга ўйната олмайсиз. Сизни бошлаб кетаман».

Рудник бир дақиқадан кейин бошини кўтарганида чорпахилдан келган, ўзига ишонган Кларк сарғиш плашчининг барларини шамолда ҳилпиратганича кўчада одимларди. Рудник капотни ёпиб, тер босган юзини артди. Ҳозиргина бўлиб ўтган нарсалар ақл бовар қилмайдигандай туюларди. «Кларк,— ғўлди-рарди у,— наҳотки бу чиндан ҳам Кларк бўлса?» Бироқ олдинги ўриндиқдаги бир даста пул билан кичкинагина кассета буларнинг бари туш эмас, балки ўнги эканлигини тасдиқлаб турарди.

Ун минутдан кейин Кларк инглиз элчихонасининг машинасига тушиб кетди. Кларк то Ясная Полянага боргунича агенти билан бўлган суҳбатни ўйлаб кетди. Рудник унга ёқмаганди... «Ўзини тезда йўқотиб қўяди, юрагини олдирган... Бироқ кўрамиз, кўрамиз, хулоса чиқаришга шошилмаймиз...»

Ҳозирча Кларкка битта нарса аниқ-равшан эди: бугундан бошлаб бу агентга эҳтиёт бўлиш керак, маълумотларини танқидий кўздан кечирмоқ даркор.

Энг муҳими, Рудникнинг хайрихоҳлигини текшириш учун вақт керак бўлади.

Кларк «додж»нинг иссиққина, шинам салониди ўзини хотиржам сезд. Учрашув умуман яхши ўтди. Кларк битта-яримта кузатганини мутлақо сезмади ҳам. Ўзи ўйлаганидай катта пул агентни хаёлига келган чалғишлардан қайтаради. Жилла бўлмаганда бир оз вақтгача шундай бўлади. «Кейин эса кўрамиз, жаноб Рудник, қанақа нусхалигингни кўрамиз»,— дерди Кларк ичида ўқдай учиб бораётган «додж»-нинг ойнасидан ташқарига зериккан ҳолда қараб бораркан.

* * *

Кларк эса ўзини беҳуда тинчитаётганди. Эндиликда Рудник доимий равишда кузатилаётганидан кўчадаги воқеа ҳам назардан четда қолмаганди. Рудник билан бошлиғи учрашувидан кейин орадан бир соат ўтгач, бундан Рублев огоҳ бўлди. Дипломатларни кузатиб бораётганлар орасида Максимов ҳам бор эди. Унинг вазифаси Рудникни кўздан қочирмаслик эди. Кларкнинг машинаси Германия Демократик Республикаси элчихонаси маслаҳатчисининг машинаси билан тўқнашганида Максимов карвоннинг охиридаги «Волга»да келаётганди. У Кларк билан Штрассер гижиллашишаётганини, Рудник машинанинг синган чирогини кўздан кечираётганини ойнадан кўрганди. «Буниси нима бўлди энди?»,— деб ўйларди ичида Максимов.

Максимов яқинроқдаги уй олдида машинадан чиқди-да, чеккадаги уйнинг олдидаги дов-дарахтлар орасини кузатув пункти қилиб олди. Бу ердан Москва йўли яхши кўринарди. Максимов Мижоз билан қандайдир ажнабий (унинг исмини кейин аниқлади) эзилган машинанинг олдида уймалашишаётганини кўрди.

Уша куни оператив группа аъзолари Петраков кабинетиди қизгин фикр олишишди. Ҳаммалари Рудникни хуфя жойда кўришгани, унинг Кухонцев билан танишиб олишга урингани ва бирга турган аёли Смеляков фирмасининг ходими эканлиги ўртасида мантиқий алоқа бор, деган хулосага келишди.

— Биз ажойиб нусхага дуч келганимиз аниқ,— деди Петраков.— Энди Кларк билан бўлган учрашувга келсак. Бу тасодифийми?

— Менимча, йўқ,— эътироз билдирди Максимов.— Очигини айтганда, Қларкнинг пачақланган машина ёнида қолишига ҳеч қанақа ҳожат йўқ эди...

Рублев бу тахмин эҳтимолдан холи эмаслигига қўшилди, бироқ Қларк занжирнинг ҳалқаларидан бири дейишга ҳали эртaroқ, деган гапни айтди у.

— Менимча, барча шубҳаларимизни фақат Рудник тарқатиши мумкин. У билан гаплашиш фурсати етмадимикин?— таклиф қилди Игорь Тарков.

— У бизга зумда ҳаммасини тўкиб солади, деясизми?— кулимсиради Рублев.

— Биз унинг озодликда бемалол ўйнаб юришига ҳам йўл қўя олмаймиз-да,— Тарков гапимни маъқуланг, дегандай Петраковга қаради. Петраков эса ўйчан ҳолда жавоб беришга сира шошилмай столни бармоқлари билан чалиб ўтирарди.— Бу душман нималар қилмайди дейсиз!

— Рубарўмизда душман турганлигини биз ҳали исботлашимиз керак,— Рублев бўш келмади.— Ундан кейин Рудникнинг кимлар билан алоқа қилишини, хўжайинларини аниқлашимиз лозим. Уни қамасак алоқадор одамларини ҳуркитиб юборамиз.

— Яхшироқ гаплашсак, барини айтиб беради.

Рублев елка қисди.

— Уни фактлар билан мот қилиш керак, фактлар эса бизда йўқ.

— Сизга фактлар донмо камлик қилади,— Игорь Тарковнинг қовоғи тушди.

— Тинчланишлар,— Петраков гапга аралашди.— Яна бир марта қараб чиқайлик. Бизга душман янги ракета ёнилғиси билан қизиқаётгани маълум. Бўлмаса у Смеляковнинг фирмасига бу қадар қизиқмасди. Қолаверса бунақа ёнилғи бизда мавжудлиги душманга маълум. Унга бундан ким хабар бериши мумкин? Бизнингча, Рудник. Гарчи фирма атрофида бошқа шубҳали кимсаларни топмаган бўлсак ҳам. Бироқ биз учта нарсани аниқлашимиз лозим. Биринчиси: Рудникка янги ёнилғи борасидаги маълумотларни ким берган? Иккинчиси: унга бу қандай қилиб маълум бўлган? Учинчиси: бу ерда, Москвада унинг фаолиятини ким бошқаради? Ниҳоят: биз қандай оператив чораларни қўллашимиз мумкин?— Петраков оператив группа аъзоларига кўз ташлади.

Ҳаммалари бир неча лаҳза жим қолишди.

— Аввало,— Рублев гап бошлади,— биз Рудник кимлигини аниқлашимиз керак. Биз унинг ўтмишини иложи борича кўпроқ билишимиз зарур. Менимча, у Рудникнинг шахсиятини очиб беради.

— Гапингизга қўшиламан, Сергей Николаевич,— овозини чиқарди Петраков.— Бу иш билан ўзингиз шуғулланинг. Менга ҳаракатларингизнинг конкрет планини беринг. Яна битта гап. Унинг ўртоқлари билан яқинроқ танишсангиз яхши бўларди. Ўша... Матвеева билан ҳам. Ғайратни бўшаштирманг.

Петраковнинг кабинетидан ҳаммалари бирданига чиқишди. Максимов коридорда Рублевга яқин келди.

— Махфий заводнинг ходимаси билан бўлган воқеа учун Игорь ҳали ҳам сендан хафа. Мен уни шунчалар майдакаш, деб сира ҳам ўйламовдим.

Рублев елкасини қисди:

— Бу унинг иши.

Ўнинчи боб

УЙДА ВА ИШДА

Автобаза кадрлар бўлимининг бошлиғи Рублевнинг гапини диққат билан тинглаб, қўнғироқ тугмасини босди. Унинг котибаси — ингичка бурнига кўзойнак таққан кекса аёл кирди.

— Полина Григорьевна,— бўлим бошлиғи котибага мурожаат қилди,— Рудник, Павел Аркадьевич Рудникнинг шахсий ишини... Ҳа, тезроқ олиб келсангиз.

Бўлим бошлиғи Рудникка батафсил характеристика берди, яна нимадир демоқчи бўлганида котиба кириб, бошлиғига кўк папка узатди.

— Мана... танишишингизни илтимос қиламан.— Кадрлар бўлимининг бошлиғи папкани Рублевга узатди.

Ўнг чеккасида кичкина сурат бўлган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси. Рудник ундаги суратда жуда ёш — ўттиз бешдан ошмаган кўринарди. Бошида тепакални ҳам, бурун катакларидан оғзига қараб кетган чизиклар ҳам йўқ.

Туғилган жойи — Одесса. Партиясиз. Судланмаган, сайлов органларига ҳам сайланмаган... Хорижда қариндошлари йўқ. Уруш қатнашчиси. Ҳукумат мукофотлари — учта медаль. Бўйдоқ. Болалари йўқ.

Рублев унинг уй адресини ёзиб олди.

«Бу стандарт анкетанинг параграфлари кўп бўлса ҳам,— деди ичида Рублев блокнотини чўнтагига соларкан, амалда инсон ҳақида жуда кам маълумот беради-я».

У анкетани яна бир марта кўздан кечирди. Ундаги сатрлар қаламга ўрганмаган қўл билан нуноқларча ёзилган. Анкетадаги маълумотлар Рудник собиқ фронтчилигини, бир неча медаллари борлигини, Совет Армиясига кўнгилли равишда кирганини, Кенигсберг, Берлин учун олиб борилган жангларда қатнашганлигини, ярадор бўлганлигини ва кичик лейтенант унвонида армиядан қайтганлигини кўрсатарди. Урушдан кейин Барнаулда турли вазифаларда ишлаган. 1950 йилда Москвага кўчиб келган.

Бу маълумотлардан бирортаси ҳам асосли шубҳа учун сабабчи бўлолмасди. Анкетада ҳаммаси тушунарли ва изоҳли эди. Душман босиб олган йиллар демаса. Бироқ, ҳарбий тақдирлар ғалати бўлади. У ёки бу сабаб билан немислар ишғол қилган ерларда қолиб кетган одамлар оз дейсизми? Ҳақиқатнинг тагига етиб олиш учун ҳали кўп нарсаларни ўрганишга тўғри келади.

Рудникнинг шахсий иши бу саволларга жавоб беролмасди, албатта. Унинг меҳнат дафтарчаси эса Рудник урушдан кейин Барнаулдаги Қурилиш бошқармасида ҳайдовчи, сўнгра Москвадаги таксомотор паркида таксист, Моссовет автобазасида шофёр бўлиб ишлаганидан гувоҳлик беради. Ҳозирда эса у Ташқи Ишлар министрлигининг дипломатик корпус бошқармасида шофёр бўлиб ишларди...

— Ажойиб ходим,— Рублев кулимсираб қўйди.— Мукофотлар, ташаккурлар.

— У бизда яхши ҳисобда.— Кадрлар бўлимининг бошлиғи Рублевнинг гапидаги кинояни фаҳмламади.— Ҳарқалай, ҳозирча ҳеч қанақа сигнал тушмади, шундай бўлса ҳам уни ўрганиш чорасини кўра-миз.

— Мен сиздан бошқа нарсани сўрамоқчийдим,— деди Рублев.— Ҳеч қанақа чора кўрманг. Уртадаги гапни унутинг.

— Раҳмат, Сергей Николаевич. Балки, бирор ни-мада нафим тегар?

— Ҳеч ниманинг ҳожати йўқ.

— Шундай бўлса ҳам телефонингизни қолдирсангиз. Зарурат чиқиб қолса қўнгироқ қиламан.— Кадрлар бўлимининг бошлиғи ён чўнтагидан шарикли авторучкасини чиқарди.

— Ўртоқларимиз бу ерга кириб ўтишлари ҳам мумкин,— Рублев ўрнидан турди.

— Бемалол, бемалол, доимо хурсандман.— Кадрлар бўлимининг бошлиғи Рублевни эшиккача кузатиб бораркан, жилмаяётганидан металл тишлари ялтирарди.

Ўша кунисёқ Сергей Николаевичнинг илтимосига кўра, Максимов Рудник турадиган уйда бўлди.

— Бирор нарса билан хурсанд қилолмайман, Сергей Николаевич,— ахборотни бошлади Максимов.— Участка вакили билан суҳбатлашдим. У Рудникни билади, қўни-қўшнилар шикоятни бўйича квартирасида бўлган. Бир кун Рудник уйда йўқлигида ваннадаги қувур ёрилиб, пастдаги квартирани сув босган экан.

— Участка вакили нима деди?

— Рудник ювошгина яшайди, деди. Қўни-қўшнилари билан алоқаси дуруст экан. Уни сира ҳам маст ҳолда кўришмабди. Дўстлари ва танишлари уйига кам киришаркан.

— Умуман айтганда, намунали гражданин. Пулини омонат кассада сақлайди ва электр, сув ва бошқа коммунал хизмат ҳақларини вақтида тўлаб туради.

— Буёғи шунақа чиқаяпти. Тўғри, баъзибир деталларни билишга муваффақ бўлдик. Кейинги пайтларда Рудник бу адресда деярли турмайди. Ўйнашининг уйига кўчиб ўтган бўлса керак.

— Ўйнаши,— Рублевнинг афти бужмайди.— Қандай ёқимсиз сўз! Бундан милиция протоколи ҳамда ҳамсоялар ош пишириладиган жойдаги ғийбатчиларнинг иси келади. Ўттизинчи йиллардаги участка вакилларининг бисотидан олдинги бу сўзни?

— Яна қанақа номлашни билмайман ҳам... Маъшуқаси бўлақолсин.— Бепарволик билан рози бўлди Максимов.— Майли.

— Лидия Павловна,— деди Рублев,— Рудникни ўша одам билади. Ҳар қандай кадрлар бўлимининг бошлиғидан дурустроқ билса керак.

— Худди шундай ўзи,— қувватлади Максимов,—

фақат у билан очиқчасига гаплашиш ишкалроқ-да. Балки, уни яхши кўрар.

— Майли, бирор нарса қилармиз.— Рублев соати-га қаради.— Олти ярим бўлиб қолибди. Ярим соат-дан кейин футбол матчи бошланади. Сен футбол кўришни хоҳламайсанми?

Максимов бошини чайқади.

— Хотинимга вақтлироқ келаман, девдим. Тўнғич ўғлимнинг дарсларини ҳам текширишим керак. Кеча икки олиб келди, хумпар.— Максимов жилмайди.— Тўғри, расмдан. Рангли қаламлари уйда қолиб кетибди. Ўзи эса каллали бола. Алгебра билан физикадан нуқул беш олади.

Тўлароқдан келган, кўриниши олижаноб Гоша ўрнидан қўзғалди.

— Керак бўлиб қолсам, қўнғироқ қил.

— Менимча, керак бўлмасанг керак. Дамингни олавер. Уйингдагиларга мендан салом айт.

* * *

Лидия Павловна Матвеева ўрта бўйли, хушрўйгина жувон экан. Шундай бўлса ҳам ёши ўтиб бораётгани билинади, бундан кичик-кичик кулранг кўзлари атрофидаги сал сезиладиган ажинлар дарак бериб турарди.

Рублев анкетадаги маълумотлардан Матвеева ўттиз еттидалигини биларди. Мабодо ана шу ўзини сездириб турган ажинлари бўлмаса борми, уни ёшроқ, деса ҳам бўлар, қомати эса қизлигида қандай бўлса шундай эди-да. Ўзига ёпишиб турган кулранг — мовий рангдаги костюми, ялтироқ туфлиси жувонни жозибадор кўрсатмаса ҳам, ҳарҳолда башанг, ясан-тусан кўрсатиб турарди.

Рублев негадир уни бошқача — бақалоқ, пўк, барвақт путурдан кетган одам сифатида тасаввур қилганди.

У Матвеева билан институтнинг кадрлар бўлимида учрашди. Суҳбатга баҳона ҳам ўз-ўзидан топила қолди: институт раҳбарлари уни лаборантлар группасига бошлиқ қилиб тайинлашмоқчи экан. Бу группа эса институтда яқинда ишлаб чиқилган янги эриши қийин бўлган металлни синаш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланарди.

Лидия Павловна ҳар қандай саволларга жавоб

беришга тайёрман, дегандай бош ирғади-да, чамаси, гап узоққа чўзилишини фаҳмлаб, бир пачка «Кент» сигаретасини олди. «Америка сигаретаси,— деб қўйди ичида Рублев.— Рудникдан олган бўлса керак». Шундан кейин зажигалкасини ёндирди.

Рублев ундан иши ҳақида гапириб беришни сўради.

— Ишим ваҳимали эмас, албатта,— жавоб қилди у. Овози чекадиган аксари аёлларнинг овозлари сингари ҳирқираброқ чиқарди.— Энг муҳими — ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш. Энди эса қийинроқ бўлади, группадагиларнинг кўпи ёшлар, билимлари етишмайди.

— Сиз тажрибали ходимсиз-ку! Бу ерда қанчадан бери ишляяпсиз?

— Ўн беш йилдан бери.

— Анчагина экан.

— Бу ерга келганимда қизча эдим. Институтга кираман девдим — бўлмади.— Шунда унинг кўзлари ўтганларни эслашдан салгина мунгли кўринди.— Кучим етмади-да...

— Кечирасиз,— деди Рублев пича жимликдан кейин.— Анкетангизга қараганда, сиз турмушга чиқмагансиз. Шахсий ҳаётингизда бирор ўзгариш бўлмаганми?

— Йўқ...— Лидия Павловна кейин қўшиб қўйди:— Ҳа, ҳаммаси илгаригидай.

— Ҳўш...— Рублев анкетали папкани ёпди.— Мен хира бўлишни истамасдим... Бироқ ўзингиз тушунасиз, институтимизнинг характери шунақа-да.

— Узр сўрамасангиз ҳам бўлади. Ҳаммасини тушунаман.

— Сизнинг яқин одамингиз бўлса керак?

Лидия Павловна бошини қуйи солиб, шоша-пиша сигарета тортди.

— Бор, албатта.

— Унинг кимлигини айтиб беролмайсизми? Мен унинг нима иш қилишини кўзда тутаяпман.

Лидия Павловна сал олдинга эгилди-да, Рублевнинг столидаги шиша кулдонда сигаретасини эзгилади.

— У шофёр. Қандайдир дипломатни олиб юради. Сизга унинг фамилияси керакми?

— Ҳа. Агар эътироз қилмасангиз.

— Рудник. Павел Аркадьевич Рудник.

— У билан тез-тез учрашиб турасизми?

Лидия Павловна бармоқларига тикилганича жим қолди. Узун тирноқларидаги пуштиранг бўёқ ярақ-ярақ қиларди.

— Сизга бу гап хуш келмаяптими?

— Йўқ, йўқ... Иш юзасидан керак бўлса...— Матвеева никотиндан сарғайган тишларини кўрсатганича ночор жилмайди. Афтидап, у кўп чекарди.

Рублев бу аёлни тушунишга, Рудник билан учрашганига қадар қандай яшаганини билиб олишга ҳаракат қиларди. Одмигина квартира. Кенг тахта каравот, торшер. Ёлғизлик. Боласи йўқ, бундан кейин бўлмаса ҳам керак. Ёлғизлик байрам кунлари айниқса билинади. Эркаклар билан тасодифий учрашувлар. Умид бир пайдо бўладию яна сўнади.

Шунда десангиз, Рудник пайдо бўлади. У ҳали аёлларга жуда ёқадиган ёшда. Кўркем, келишган. Ўзига қараб юради. Лидия Павловна унга мойил бўлиб қолган бўлса, бунинг ажабланарли ери йўқ. Қизиқ, у Рудникнинг амалда кимлигини билармикин? Билмаса керак. Рудник сирини ҳеч кимга ишонмайди. Бунақа одамлар сирларини севадиган аёлларига ҳам айтишмайди. Бу ҳунарларининг қонуни.

— Яна бир бор узр. У сизга оғиз солмадими?

— Солувди,— деди у зўрға.

— Сиз йўқ дедингизми?

— Йўқ. Ҳозирча бир қарорга келмадим.— У хўрсинди.— Мен қиз боламасман-ку. Энди адашиб бўлмайди. Уни тўғридашга ҳам вақт бўлмайди. Энг машаққатли ёлғизлик — иккита одамнинг ёлғизлиги менга яхши маълум-да.

Лидия Павловна очиқ-ошкор гапираётганидан хижолат бўлди шекилли, ер сузди. Сўнгра сумкачасини шиқиллатиб очиб, эзгиланган «Кент» пачкасини олди-да, ютоқиб чекди.

Рублев унинг ярасини янгилаганини сезди. Матвеевага бу ҳақда гапириш оғир эди. «Нима қилиш керак?— дерди ичида Рублев.— Рудникни ҳеч ким бу аёлдай яхши билмайди». Қани энди Рублев бу аёлга ишонса-ю, у билан очиқчасига гаплашса!

— У сизни севишига кўзингиз етмайдими?

— Ким билади дейсиз! У ниятларим жиддий деб ишонтиришга ҳаракат қилаяпти.— Лидия Павловна

Рублевга қаради.— Дарвоқе, буларни сизга нимага айтаяпман? Бунинг сизга нима кераги бор?

— Иш юзасидан керак, Лидия Павловна. Фақат иш учун. Ишонинг — бу бекорчи қизқсиниш эмас.

— Мен сизни биринчи марта кўраяпман...

— Нотаниш одамлар билан очикча гаплашиш енгилроқ бўлади.

— Эҳтимол...— Лидия Павловна қўнишиб, елкаларини қимирлатди.

— Сиз Рудникнинг нимасидан хавотир олаяпсиз ўзи?— сўради Рублев пича жимликдан кейин.

Лидия Павловна лабларини асабий тишлади

— Нима десам экан... Менимча, унга мен керак эмасман... Мендан нимадир керак. Нималигини тушунолмаيمان. У умуман ғалати одам. Писмиқ.— Лидия Павловна ютоқиб чекди-да, гапида давом этди:— Яқинда мен бошқа ишга, бўлак институтга ўтмоқчи бўлувдим. У ерда менга кўпроқ маош ваъда қилишса ҳам йўлдан қайтаришга тушди.

— Сизнинг қаерда ишлашингиз унга барибир эмасми?

— Барибирмаслиги маълум бўлди.

— Бу жуда ғалати нарсаси-ку!

— У жуда ғалати — ичимдагини топ дейдиган одам. Аёлларга мана шунақа ғалати эркаклар ёқади.

— У эса сизга, чунончи, институтдаги янгиликлардан, ишингиз ҳақида гапириб беришингизни сўрамадимми? Ишингизга қизиқмадимми?

Матвеева Рублевга қўрқа-писа қаради.

— Сиз уни...

— Мен шунчаки тагига етмоқчиман.

— Ҳа, сўрашга сўради, бироқ... Йўқ, йўқ, бунақамас. Бунақа бўлиши мумкин эмас.— Матвеевнинг сигаретали қўли титрарди.

— Мен бир нима деяётганим йўқ.

— Яна ким билади дейсиз,— Матвеева бир оз жимликдан кейин гап бошлади.— Унинг ҳаётида мураккаб, ноаниқ, чалкаш нарсалар кўп. Масалан, бир марта менга отамдан мерос қолган, бироқ уни ололмаيمان, девди. Нимага, деб сўрадим. Индамади. Кейин унга тиқилинч қилаверганимдан кейин: «Отам ўғай, уришиб қолганмиз, йиллаб гаплашмаганмиз, унинг пулини ишлатишни истамаيمان»,— деб жавоб қилди. Қандайдир бўлмағур гап!

Рублев блокнотига ниманидир ёзиб қўйди.

— Унинг отаси қаерда турарди? Қайси шаҳарда?

— Менимча, Одессада.

— Дўстлари борми?

— Йўқ. Ишда танишлари бор.

— Ҳа, буларнинг бари ғалати.

— У шунақанги ғамхўр, меҳрибон, қўяверасиз, оёқ-қўлимни боғлаб олган. Ушанақа пайтларда мен ўзимни йўқотиб қўяман. Назаримда, унга адолатсизлик қилаётганга ўхшайман. Менга гапиргани гапирган...— Лидия Павловна хўрсиниб қўйди.— Уэр, ортиқ даражада очиқлик қилиб юбордим, шекилли.

— Йўқ-йўқ, Лидия Павловна, буларнинг бари жуда қизиқ.

— Сизга нима кераги бор ўзи? Ундан бирор нимада шубҳаланаёйсизми? Очиқ айтаверинг.

— Бу ҳақда сиз билан бошқа сафар гаплашамиз. Ҳозир эса Рудникнинг қайси қилиғи сизга ғалати кўринганини эсласангиз.

Лидия Павловна қаёққадир чеккага қараб ўйга ботди.

— Яқинда у ким биландир телефонда гаплашди. Негадир немисча гаплашди. Унинг немисча билиши хаёлимда ҳам йўқ эди. Трубкадан ҳам немисча овоз келди. Мен ошхонадан даҳлизга чиқдим, аёл киши билан гаплашаяпти, деб ўйлабман-да. Бироқ, телефондаги овоз эркакча эди. Ундан ким билан гаплашганини сўрасам, элчихонадан қўнғироқ қилишди, тезда боришим керак экан, деди.

— Кейин-чи?

— Бироқ элчихонага бормади.

— Буни қаёқдан билдингиз?

— Қўчага бирга чиқдик. Хайрлашдик. Қўнғлимга ғулғула тушганидан қаёққа боришини текширмоқчи бўлдим. Одатда элчихонага йигирма бешинчи троллейбусда кетарди. Бу сафар эса автобусга тушиб, тескари томонга кетди.

Матвеева жим қолди. Рублев унинг сумкачасидан ғижим рўмолчасини олиб, юзини артаётганини кузатарди.

— Сиз билан очиқчасига гаплашдим,— деди у бирдан паст овозда.— Энди менга ҳам шундай жавоб қилишингизни истайман. Ундан қандай шубҳангиз бор? Ким у?

— Биз ҳам худди ана шунинг аниқлашга уринаямизда.

— Тушунинг, мен буни жуда ҳам оқинчим керак. Гап шундаки, биз бола кўрадиганмиз... Кейин мен... мен барибир уни яхши кўраман...

Бола! Рублев ана шу аёлнинг тақдири ҳақида, Рублевнинг кимлигини билганидан сўнг бошидан кечадиган парсалар борасида ҳам ўйларди. У дурустгина кўринган бу аёлга ачинарди.

— Сизни тушунаман,— деди Рублев унга.

— Биз ҳаммаси бўлиб икки ойгина турдик. Шундай бўлса ҳам уни ҳаёлимдан чиқариб ташлашим осон эмас.

— Кейинги учрашувимизда сиз билан очикчасига гаплашишга ваъда бераман, Лидия Павловна, ҳозир эса катта илтимос. У билан учрашганингизда нимадандир ҳаяжонда эканлигингизни сездирманг. Ўзингизни илгаригидай тутинг.

— Бу менга қийин бўлади.

— Биладан.

— У жуда ҳам сезгир, бадгумон одам.

— Бу суҳбатимизни эсингиздан чиқаринг. Бўлмаса ишга зарар бериб қўйишингиз мумкин.

— Ҳаракат, қиламан. Унга сизлар қизиқаётганингиздан кейин бунга асос борлигини тушунаман.

— Ҳа, борлиги, эҳтимол.

Матвеева юзини бирдан беркитиб олди. Унинг лаблари қимирлаб, елкалари титрарди.

— Лидия Павловна, худо ҳаққи!

Матвеева қўлларини юзидан олмай ўрнидан турди-да, дераза томонга кетди. Рублев стаканга сув қуйиб, унга яқинлашди.

— Ё худойим! Наҳот шуларнинг бари... менинг бошимга тушса.— У бўғиқ, пастроқ ҳўнгради.

— Ўзингизни босинг, Лидия Павловна!

Матвеева эса қалт-қалт қиларди. У ўзига сал келганида Рублев унга озгина сувни зўрлаб ичирди. Рублев унга тасалли бергиси келар, бироқ керакли сўзни тополмасди. Лидия Павловна ниҳоят кўзгусини олиб, уёқ-буёғига қаради-да, креслога ўтириб, сигарета чекди.

— У нима қилди ўзи?— Матвеева қалтираганича деди.

— Биз ҳозирча текшираяпмиз, Лидия Павловна. Аниқ-равшан бўлганида айтаман.

У кўзларини юмиб, бошини чайқади.

— Қандай даҳшат!

— Ўзингизни босинг. Мабодо у билан учрашиб қолсангиз ва кўзингизга нимадир шубҳали кўринса, менга хабар қилинг. Мана менинг идорамдаги телефоним.— Рублев телефони ва фамилияси ёзилган тўрт бурчакли қоғоз берди.— Номерни ёдлаб олинг, қоғозни эса йиртиб ташланг. Ўзингизни қўлга олинг. Бизга ёрдамнингиз зарур. Бизга ёрдам беришга рози-мисиз?

Матвеевнинг овози заиф, толиққан эди:

— Ҳаракат қиламан... Қўлимдан келганини қиламан.

Ун биринчи боб

ЧОРА ИЗЛАБ

Кларк агентга берилган кассетали плёнка биров қўл теккизмаган ҳолда ўзига қайтиб келганидан юраги қоқ ёрилаёзди. Уни яхшилаб текширишган экспертлар ҳам «очиқ кўрилмаган», деган хулосага келишди.

Рудник бу билан ўзининг хайрхоҳ эканлигини намоён қилгандай эди.

Шундай бўлса ҳам Кларк хотиржам эмасди. Агенти-нинг кайфияти унга хуш келмасди. Шахсий эътиқодларига таяниб, ўз мамлакатларига қарши иш олиб борадиган агентлар энг яхши агентлар эканликларини Кларк тажрибасидан биларди. Рудникда эса эътиқод деган нарсанинг ўзи йўқ эди. У буйруқларни фақат қўрққанидангина бажарарди. Албатта, ғаразли мақсади ҳам бор. Кларкнинг фикрича, зўр агент фидойи, ҳушёр, идрокли, режимга қарши онгли равишда аёвсиз кураш олиб бормоғи лозим эди.

Бунақа агентни қаердан олади? Унақаси Кларкда йўқ эди. «Агентга тўланадиган пул фидойиликнинг ўрнини босадиган энг яхши нарса,— дерди Кларк ўзича.— Чунки инсоний очкўзлик — энг кучли эҳтирослардан биридир».

Рудникнинг хизматидаи воз кечилса, жуда оқилона иш бўларди-да. Бироқ Кларкка Смеляков керак

эди. Рудник эса ҳозирги вазиятда Кушниц билан Смеляковни бир-бирига боғлаб туриши мумкин бўлган ягона восита эди.

Маккензи бу планга сира ҳам қўшилмади. У Кларкнинг планда воқеликнинг реал шарт-шароитларидан бехабарликни жуда осонгина пайқаб олганди.

— Ганс бунн эплади, деб фараз қилайлик,— дерди у яна гапини асослаб.— Шундай манзарани кўз олдимизга келтирайлик: у социалистик мамлакатнинг вакили сифатида Смеляков билан бемалол гаплаша олади. Гансда жозиба деган нарсa кўплигига ишонманам: у рус олимни сеҳрлай олади. Уёғи нима бўлади?

— Смеляковнинг заиф томонларини синаб кўради.

— Ҳарқалай, сиз бунн қандай тасаввур қиласиз?

— Смеляков — шухратпараст.

— Фараз қилайлик. Кейин-чи?

— Ганс унинг заифлигидан фойдаланиши мумкин. Масалан, Кушниц ўзини хайрхоҳ коммунист қилиб кўрсатади. У тушунарли сабабларга кўра ўз номларидан ҳаракат қилишолмаётган инглиз олимларини билади. Ўша олимлар Кушницдан мўътабар совет олимга асарларини топширишни илтимос қилишган. Ўша асарлар эса фақат илмийгина эмас, балки ҳарбий-стратегик аҳамиятга ҳам эгаллиги табиийдир, албатта. Ҳорижлик олимлар Смеляковга илмий асарларидан тинчлик манфаатлари йўлида фойдаланишга изн беришган. Мабодо Смеляков Гансга ишонмай ўша инглиз олимлари билан ўзи учрашмоқчи бўлса биз бунн тўғрилаймиз.

— Сиз Смеляковни телба санаяпсизми?

Кларк ёрдамчисига таассуфнамо нигоҳ ташлади. Ё худойим, дерди у ичида, одам деганда тасаввур бўлмагандан кейин шунақа аҳволга тушаркан-да! Манави малла сўлақмон тагин разведкачиман, деб юрибди-я. «Мана шунақа одамлар,— деб қўйди Кларк ўзича изтироб билан,— ақллар сиёсати курашини белгилашади».

Кларк сасини чиқарди:

— Сиз Смеляковни фаришта деяпсизми? Ҳар жиҳатдан мукамал эканми? Нуқсон-пуқсондан ҳоли одамми?

— Йўқ, албатта,— Маккензи толиққан кўйи жа-

воб қилди.— Бироқ менга ишонинг. Боб, сиз бу ернинг шароитини билмайсиз. Шахснинг камчилиги мавҳум нарса эмас. Бу конкрет нарса бўлиб, яхши муҳитда ривожланади ёки нобуд бўлади.

— Менга қаранг, Джо, Россияда неча йилдан бери турасиз?

— Саккиз йилдан бери.

— Шунча йилдан бери турсангиз ҳам сизга нафи бўлмабди. Айниқса, сизнинг профессионал разведкачи эканлигингизни ҳисобга олганда шундай. Биз солдатлармиз. Джо, шунинг учун ҳам фалсафий категорияларга амал қилган ҳолда яшаёлмаймиз. Биз буйруқларни бажаришга даъват этилганмиз.

— Буйруқлар ҳам ақл билан бажарилиши керак, Боб.

— Сиз бирор нарсани таклиф қилмоқчимисиз?

— Конкрет айтадиган нарсам йўқ. Мен воқеалар ўз йўли билан кетишига қўйиб берган бўлардим. Нафсиламрини айтганда, бизга ўша ёнилғи жуда ҳам зарурми? Биз тинчлик принципларини тилдан қўймаймиз, шекилли.

— Демократияни ҳимоя қилиш ҳам бизнинг зимамизда-да,— деди Кларк баландпарвоз қилиб.

— Э, демагогия билан шуғулланишни қўйсангиз-чи. Сиз билан биз майдонда эмасмиз-ку. Сиз сержант, мен эса армияга янги олинган одам эмасман. У-бу нарсаларни бошимдан кечирганман.

Бу суҳбат Кларкнинг кабинетида кечарди. Маккензи чарм креслода ялпайиб ўтирганича бошлиғига эринчоқлик билан боқарди.

— Менимча, чарчабсан, Джо,— Кларк суҳбатдошининг елкасига дўстона уриб қўйди.

Маккензи креслода қимирлаб қўйди:

— Мен эллик учга бордим. Бу ёшга борганда жонни ҳам ўйлаш керак. Ё бўлмаса, набираларни аравачаларда айлантириб юришни. Менда эса набиралар йўқ. Болалар ҳам. Сен хотиним автомобиль ҳалокатида нобуд бўлганини билсанг керак. Бу ўн етти йил олдин бўлганди, ўшандан бери мен уйланишни ўйламадим. Мен демократиямизни ҳимоя қилганимни биласан. Жон-жаҳдим билан тиришдим. Бунда қанчалар ҳаракат қилганимни кўз олдинга ҳам келтиролмайсан.

— Джо, ватан унутмайди,— оғиз очди Кларк.

Маккензи эса ҳиринглаб юборди:

— Ҳожати йўқ. Кларк. Ватан унутади. Мабодо, бирорта медалчани тутқизгани Уайтхолда эсга олишса ҳам ўша медалчанинг менга кераги йўқ.

— Ҳозир ҳиссиётга берилаяпсан, Джо. Яхшиси ншимизга қайтайлик.

Кларк иш столи ёнига ўтирди-да, вискининг қолганини ичиб, қоғозга ғалати чизиқлар чиза бошлади.

* * *

Соат бешдан чорак ўтганди. Шунга қарамай кеч кирганга ўхшар, чунки қора-кўкимтир осмон жуда пастлаган кўринарди.

Лидия Павловна Павел Рудникнинг уйига етганида ёмғир тинган, кун ботар томондаги осмон ёришганди. Лидия Павловна ўзини хотиржам сезар, бу элениумдан отиб олганидан бўлса керак.

У қўнғироқ тугмасини босмасиданоқ жигарранг дерматин қопланган эшик очилди. Павел унинг пиллапоя майдончасидаги қадам товушларини эшитган бўлса керак-да. Павел уни кираверишда ўпиб, плашчини ечишга қарашди.

— Ивиб кетдингми?— Павел пиджаксиз, ёқаси очиқ мовий кўйлакда бўлиб, оёғида уйда кийиладиган туфли бор эди.

— Деярли ивимадим. Овқат едингми?— Лидия Павловна ўзини бемалол тутишга уринди.

— Йўқ. Тез орада ресторанга борамиз-ку.

— Э-ҳа, эсимдан чиқибди.

— Балки, ҳозирча кофе ичармиз. Дийдирамадингми, ишқилиб?

Павелнинг кўриниши одатда кескин, тунд эди. Бироқ, у Лидани кўриши биланоқ кўзлари нурлар, оғиз ва пешонасидаги қатлари билинмай кетарди. Бу эса бир вақтлари Лидага ёқарди. Ушандай пайтларда у ўзини ана шу тунд одамга ҳукмини ўтказаетганини сезарди.

Лида ошхонага ўтиб, тезда кофе ҳозирлади. Хаёлида эса, ишқилиб сезиб қолмасин-да, деган ўй ҳукмрон эди. У ҳозирда одамга икки ёқлама ўйин қилиш ниҳоятда машаққатли вазифа эканлигини аён сезиб турарди. Бунини жигарранг твид костюмдаги йигитга айтиб қўйиши лозим.

Павел журнал столчаси ёнидаги креслода ўтирар-

ди. У қўлини кўксида чалиштирганича индамай Лиданинг кичкинагина гулдор сопол чашкаларни қўйишини, печенье қутисини очишини, «турка»дан кофе қўйишини кузатарди.

— Билсанг, Лида, сенга саволим бор,— Павел чашкачани столга қўйди.— Сенга тўла ишонч билан қарашимни биласан-а.

Лида қўрқа-писа унга қараса ҳам Павелнинг кўзини қисганича тикилишига дош берди.

— Эсингда бўлса мен сени рашк қилиб, сира ҳам қийнамаганман. Бугун эса назаримда эркаклар даврасида бўлганга ўхшайсан.

— Нимага бунақа деяпсан?

Павел Лиданинг назарида ясамароқ қилиб хохолади.

— Сездим! Хўш, гапим тўғрими? Фақат очигини айтавер...

— Бўлдим, албатта. Буни эса қаёқдан сезақолдинг?

У чурқ этмас, фақат кўзлари кулар, Лиданинг вужуди эса музлаб кетганди. «Наҳотки, бирор нарсада сир бой берган бўлсам? Ё идорамда унинг одами бўлиб, мени кадрлар бўлимига чақиришганини унга етказганмикин?»

— Айт, ким билан бўлдинг?

— Жавоб бераман. Бироқ олдин нега шубҳа қилаётганингни билмоқчиман?

Павел жилмайди:

— Бу жуда осон. Сендай гўзал аёл атрофида доим эркаклар уймалашишади. Шунинг учун ҳам улардан бирортаси сени бир кунмас бир кун ўғирлаб кстади, деб қўрқаман-да.

— Сени рашкчи, деб сира ҳам ўйламовдим. Ҳарҳолда буни илгари сезмовдим.— Лида Павел гапининг ҳаммасини айтмаётганини фаҳмлаганди. Гап фақат рашкдагина эмас. Бироқ нимада?— Бугун бизда мажлис бўлди. Унда асосан эркаклар бўлишди, албатта. Шунақанги чекишдики, бошим ҳали ҳам ёриланман, деяпти.

Икковлари кофеларини ичишди, Лида столдаги идишларни йиғиштириб жўмракли чиғаноққа элтди. Унинг бутун вужуди ҳозирда титрарди. «Йўқ-йўқ,— дерди у ичида,— бу ерга бошқа келолмайман. Буниси охиргиси».

— Сенга нима олиб келганимни кўргин!— Павел хонадан туриб қичқирди.— Унинг қўлида бир блок «Мальборо» сигаретаси бор эди.

— Раҳмат. Сен мени совғалар билан эркалатиб қўйдинг.— Лида унинг ёноғидан ўпди.

— Ҳўш, энди отлан. Сен билан анчада бери ресторанда бўлмовдик. Охирги марта— туғилган кунингда бўлувдик. Бугун эса роса маишат қилгим келаяпти.

— Таъбинг хирами?— деди Лида ҳазиллашгандай гапиришга уриниб.

— Шунчаки ичким келаяпти-да. Сен-чи?

— Қойил. Менга доим муомилага юришинг ёқарди. Сен билан бўлсам доим маза қиламан.

Лида идишларни ювиб, фартугини ечиб, яна хонада пайдо бўлганида Павел тайёр эди. Тим кўк, оловланиб турадиган дакрон костюм уни ёшартириб юборганди. Уни фақат тепакали ва бурун катакларидан оғзига қараб кетган қатларигина қаримсиқ кўрсатарди.

— Сен қабул маросимидаги дипломатдай зўрсан.

— Начора?! Сендай аёл билан унча-мунча кийимда кўриниб бўлмайди-да. Бунинг устига ресторанда.— Павел оқ шоҳи дастурмолини кўкрак чўнтагига ҳафсала билан жойлаштирди. Билсанг, икковимиз жуда зерикарли ҳаёт кечираётганга ўхшаймиз. Бир куни танишларимизни чақириб, бир ўтирсак, нима дейсан? Ё шанба билан якшанба кунлари Сочига уриб қолсак. Нима бизнинг бошқалардан кам жойимиз борми, маишат қилолмаймизми?

— Кимларни чақирмоқчисан? Дўстларинг кўплигини сезмаган эканман.

— Бўлмағур гап. Текинга ичадиганлар топилади! Бироқ, очигини айтганда, мен Сочига боришни маъқулроқ кўрардим. Розимисан?

Лида бош ирғади. «Ё худойим, эртага нима бўлишини билмайди-я».

Павел, афтидан, Лиданинг кўнглидан нимадир кечганини пайқаганди.

— Сени нимадир қийнаяптими?

— Йўқ,— Лида аранг жилмайди.— Сал чарчадим, холос. Мен мажлисларда доим толиқаман.

— Ҳечқиси йўқ. Ресторанда дам оламиз.

Осмон мусаффо тортиб, кун ботарда паст томондан ботаётган қуёш нури чўғлантираётган кўкимтир булутлар тизмаси кўзга ташланарди. Қуёшнинг ўзи эса ниҳоятда баҳайбат туюлар ва сарғимтир-қизғиш ранглар оғушида эди. Димоққа зах, бензин ва айниган мевалар ҳиди уриларди. Кўчаларда одам кўп, ғала-ғовур ва шовқин-сурон кучли эди. Бироқ, Лиданинг вужудини алам бамисоли зирапчадай зирқиратиб турарди.

Такси уларни Калинин кўчасига элтиб қўйди. Рудник шофёрга бир сўм берди-да, қайтимини тийинигача санаб олди. Лида баъзибир одамларда бўладиган зиқналик ва майдакашликни сира ҳам ёқтирмасди. Энди эса Павелнинг бу ишини кўраркан, ногаҳон у мутлақо зиқналик ва майдакашлик қилмаётганини ўйлади. Чунки Павел Лида масаласида сира ҳам пулнинг бетига қарамасди-да. Ҳа, шундай. У Лиданинг уйига келганда арзимас бўлса ҳам бесовға келмасди. Гоҳо битта шоколад билан келса ҳам Лиданинг кўнглини олсам, дерди. «Одамларга пулдорлигини кўрсатишдан чўчийди,— деб ўйлади ичида Лида.— Шунинг учун ҳам шофёрлар, официантлар, буфетчилар билан ҳисоб-китоб қилганида тийинигача санаб олади».

Лидия Павловна энди, кадрлар бўлимидаги суҳбатдан кейин Павелга бошқача кўз билан қараётганини сезиб қолди.

Ресторандаги каттакон залнинг ярми бўш эди. Икковлари бурчакдаги столча ёнидан жой олишди. Лидия Павловна шериги ҳаяжонланаётганини ва ўртада жиддий гап кетажагини фаҳмлади.

Рудник бир шиша «Гуржани», ўзига юз грамм коньяк, помидордан қилинган салат, қўзиқоринли гўшт ва кофе буюрди. Лиданинг Павел нимадан гап бошларкан, деб боши қотарди. Гапи ўзини кадрлар бўлимига чақиришганига даҳлдор бўлармикин? Эҳтимол, бу гапдан унинг хабари бордир? Ногаҳон қадрдон бўлиб қолган бу одамида қандай жумбоқ яширинган ўзи? «Ё, худойим!— деди у ичида ўзига таниш қиёфага тикиларкан.— Жуда омадсизман-а! Биттасини яхши кўрдим дегунимча яна ўшанақа аҳвол».

Лидия Павловна кейин, бир неча қадаҳ вино ичганидан кейин Павел ўзига меҳру илтифот билан қараётганини кўриб, сал бўшашди, ёзилди ва яқиндаги

қўрқиб-нетиб юрганлари одатдаги бадгумонликдай туюлди. У устларига мовий смокинг ва оқ шим кийган чолғучилар эстрадада кўринганларини, зал жонланаётганини, кўп одамлар, чамаси, танца тушишни зориқиб кутишаётганларини қизиқиш билан кузатарди. Оркестр бир неча дақиқа саломлашиш маршига ўхшаган тантанавор қандайдир куйни ижро этди. Шундан кейин ўртага сочи ўсиқ ва шкиперларга ўхшатиб соқол қўйган ашулачи йигит чиқди. Олқишлар янгради, соқолли йигит ҳар маҳалгидай таъзим қилди.

«Яна сенинг қўлинг менинг қўлимда...»— ашула бошлади йигит. Лида ҳам беихтиёр равишда ана шу куй таъсирига берилди, нега деганда у кўнглига жуда ҳам ёқарди.

— Менга қара, Лида,— Павелнинг овози Лидани ўйчанликдан қутқарди,— янгилик бор.

Лиданинг ичида бирдан нимадир узилиб кетди ҳисоби. Павел ундаги қўрқувни пайқаб, қўшиб қўйди:— Йўқ, ташвиш қилаверма. Яхши янгилик. Яхши ишни таклиф қилишаяпти. Эртагача ўйлаб кўришга ваъда бердим. Ҳаммаси сенга боғлиқ. Мен билан бирга кетасанми?

— Қаерга яна?

— Одессага.

Лида унга ажабланиб қаради.

— Нима бўпти? Ажойиб шаҳар ва иш ҳам ёмон эмас — автоколоннанинг мудирлиги. Бу сенга машина ҳайдаш эмас. Менинг ёшимда бошлиқликка ўтиш пайти ҳам етди.

Лида виносини ҳўплаб қўйиб, жим қолди. «Балки, бу чиндан ҳам чорадир? Жўнаб кетиб, ҳаётни янги-дан бошлаш. Бола кўриш, овқат қилиш, магазинларни айланиш ва умуман айтганда одамлардай ҳаёт кечириш. Бироқ, кадрлар бўлимидаги йигит, йўқ-йўқ, бу туш эмас, у Павел ҳақида ўзидан ҳам кўпроқ билади. Нима?» Мана шу саволларнинг бари Лидия Павловнани тинимсиз қийнади.

— Шошилма. Сен дарҳол Одесса, дейсан, менинг квартирам, ишим нима бўлади?

— Нима бўпти?— Павел Лида бундан бош тортмаганини кўриб қувониб кетди.— Сенинг ҳам, менинг ҳам квартирамни, Денгиз бўйи хиёбонининг бирор жойидаги уч хонали каттагина квартирага алмаштира-

миз. Денгиз, порт, каштанларни бир ўйлагин-а. Сен ҳеч Одессада бўлганмисан ўзи?

— Йўқ.

— Менга ишонавер, у шаҳар эмас, афсонанинг ўзгинаси.— Кейин овозини пасайтириб, қўшимча қилди.— Сенга айтсам, болаларга денгиз ҳавоси жуда ҳам фойдали. Хўш? Шунини ҳал қилайлик.

— Начора,— деди у,— мен розиман. Очиғини айтганда, Москвасиз яшашни тасаввур қилмасам ҳам розиман.

— Москва нима бўпти? Бир унга кунимиз қоптимми? Биз, энг муҳими, қаерда бирга бўлсак, ўша ер яхши.— Павел титроқ овозда шундай дея унинг қўлидан ўпди.

Павел обидийда қилди. Лида бунини сира ҳам кутмаганидан сал бўлмаса ўзи ҳам ҳўнграб юбораёзди.

Кейин икковлари қайтиб келишадиганларида Рудник уни қўлтиқлаб олди. Шунда Рудник кўнглидаги режасини яна бир марта хаёлидан ўтказди. Жўнаб кетиш, яшириниш, фамилиясини ўзгартириш (у пул билан янги паспорт олишига ишонарди), сингиб кетиш, кўзга ташланмаслик, хуллас, «хўжайин»ларнинг ҳукмидан чиқиб кетиш учун барини қилиш керак. Шунда улар қидиришдек қалтис ишга қўл урмаслар. Рудник шунда эл қатори кунини кўраверади. Бир кунмас, бир кун, қариганида бошидан кечирганларини Лидага айтиб берса ҳам ажаб эмас.

Ун иккинчи боб

ВАСИЯТНОМА

Рублев ичида сал иккиланган бўлса ҳам, Лидия Павловнани ниятларидан қисман воқиф қилди. Олдинига у бундай қилмоқчи эмасди. Кейин бу аёлни кўриб ва айниқса гаплашганидан кейин Рублев, яхшиси ундан бор гапни яширмаслик, уни ёрдамчига айлантириш керак, деган қарорга келди.

— У Мижозни огоҳлантириб қўймаслигига сизга нима асос бўлди?— деб сўради Петраков Рублевнинг институт кадрлар бўлимидаги суҳбат борасидаги ҳисоботини тинглаб.

— Бу одамга ишонса бўлади, деган қатъий ишонч, холос.

Петраков ишонқирамай пинғиллади:

— Ишончингизни янглиш, деб фараз қилиб кўрсангиз-чи?

— Эҳтимол. Ундай бўлса яна битта сабаб бор. Бу аёл бизга панд берса ўзига зарар қилади. У Миждога ёрдам беролмаслигини, ўзи эса обрўсизланишини жуда яхши билади.

— Шундай-ку-я,— Петраков хўрсиниб қўйди.— Бироқ, ҳамма бало барча аёллар ҳам мантиқан иш қилавермасликларида. Айниқса, бировни жонларидан ҳам яхши кўриб қолганларида.

Рублевнинг назарида бошлиқнинг бу сўзларида унинг аёллар билан муомаласидаги унча ёқимли бўлмаган эсдаликлар гўё ўзини кўрсатгандай туюлиб кетди.

— Менга,— деди Рублев,— уларнинг муносабатлари бир-бирларини ўлгудай яхши кўрган одамларнинг муносабатларидай туюлмади. Бу кўпроқ ўзаро мойилликка, бир-бирига кўникиб қолишликка ўхшайди. Ҳарҳолда аёл мойил кўринади. Рудникда эса фарз бор. Рудник бу аёл махфий институтда ишлашини билганидан кейингина унга айланиша бошлаганини сизга эслатиб қўймоқчиман, Анатолий Васильевич. Рудник элликка яқинлаб қолган, бунақа ёшда эса одам совиброқ қолади — ҳар кимга ҳам мойил бўлавермайди.

Петраковнинг тунд юзи сал ёришгандай бўлди.

— Психолог! Достоевский бўлиб кет-е!— хитоб қилди у.— Эҳтиётроқ бўлиб иш тутавер, бўлмаса психологик изланишларинг нотўғри йўлга бошлаб кетади. Афсуски, одамнинг руҳияти бениҳоя мураккаб нарса, у ҳар маҳал ҳам маълум қонуниятларга амал қилавермайди.

— Бу, албатта тўғри, Анатолий Васильевич.— Рублев бир лаҳза ўйга ботди-да, гапида давом этди.— Матвеевнинг бизга ёрдами жуда ҳам тегишига ишонаверинг. Биз Рудникнинг ҳар бир қадамидан огоҳ бўлиб турамиз.

Петраков стол ёнидан туриб, кабинетни айланиб чиқди. Унинг одимлари катта ва енгил эди. Шунинг учун ҳам унинг пойафзали гўё ерга тегмаётгандай туюларди.

— Ёрдами тегиши борасида тортишишнинг ҳожати йўқ,— деди у ниҳоят овозини чиқариб,— бироқ

бунда Мижозни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шунча йилдан бери сир бой бермай келган экан, демак, у аҳмоқ эмас ва психология масаласида сендан қолишмайди. Матвеева эса аёл, бунинг устига унча ёш ҳам эмас. Унинг асаблари ҳам ишдан чиқиб қолган бўлса керак.

— Йўқ, менимча, у ҳушёр ва бамаъни одам,— эътироз билдирди Рублев.

— Сенга шундай кўринган...— деб қўйди Петраков ишонқирамай.— Мижоз унинг нимадандир ташвишдалигини сезса борми зумда ҳушёр тортади қўйди.

— Бундай ҳолатни ҳам кўзда тутганман: Матвеевада менинг телефоним бор. Рудникда бирор ғалати ва шубҳали нарса сезгудай бўлса қўнғироқ қилишини келишиб олганмиз.

Петраков креслога чўкди-да, юзини ҳорғин ҳолда силаб қўйди.

— Яхши. Мени ишонтирдинг. Ҳаракат қилавер. Энди энг муҳими — васиятнома. У васиятнома ҳақида нима деганини қайтаргин.

— Бир куни Мижоз унга, отамдан мерос қолган, бироқ олишимнинг иложи йўқ. Чунки отам, очиги, ўзимнинг отам эмас, ўгай, у билан тириклигида гаплашмасдим, энди унинг пулини олишни истамайман, деган.

Петраков ўзининг ходимига бепарво тикиларди.

— Қизиқ... Нимага? Мен унинг меросни нимага ололмаслигини айтмоқчиман. Сизнинг фикрингиз?

— Ҳозирча билмайман. Балки мерос деган нарсанинг ўзи умуман йўқдир.

— Шунақа вариант бўлиши ҳам мумкин.

— Ҳа. Мен бир пайтнинг ўзида икки хил ҳаёт кечирадиган одамлар одатда ўзлари ҳақида кўп нарсаларни тўқишларини пайқаганман. Бирор нарса тўқишга одатланиш уларнинг қўшимча хислати бўлиб қолади.

— Бу яна психология соҳасидан. Фактларга таяниш учун эса Бош нотарнал бошқармаси орқали эгаларига топширилмаган барча васиятномаларни текшириб чиқиш керак. Сергей Николаевич, сен бу иш билан шуғуллан, бир кун, нари борса икки кундан кейин менга натижасини айтасан.

Петраков қоғозли папкани у томон сурганди, Рублев бундан гап тамом, деган маънони уқди. У ўрнидан туриб, хайр-хуш қилмоқчи бўлганди, Петраков гапириб қолди:

— Гап бундай, Сергей Николаевич. Эҳтимол, Миждоз мутлақо биз билгандан бутунлай бошқа одамдир. Унинг ўзингиз айтгандай «силлиққина» таржимаи ҳоли ҳам ғирт уйдирмадир. Ҳақиқий таржимаи ҳоли борасида эса биз ҳеч нимани билмаймиз. Бу жин ургур, бирдан ва тўсатдан душман бўлиб қолмаган-ку! Ҳозирча буни мутлақо тўғри дея олмайман-у, бироқ васиятнома чиндан ҳам бор бўлса у Павел Рудник амалда ким эканлигини билиб олишимизга кўмаклашади. У Рудникми ё бошқа одамми — шундан аниқлаймиз.

— Сиз бошқа фамилияда юрибди, деб ўйлайсизми?

— Билмайман. Балки шундайдир. Энг муҳими — уни кўздан қочирманг. Мабодо бизнинг тахминларимиз тўғри чиқса борми, тажрибали душман билан иш кўраётганимизни унута кўрманг. Ахборотингизни кутаман, Сергей Николаевич.

Петраков ўрнидан туриб, Рублевга вазмин, бақувват қўлини чўзди.

Рублев бошлиғи кабинетидан чиқаркан, Петраков гарчи ҳаракатларимни маъқулласа ҳам барибир кўнгли тўлмади, деган ҳаёлда эди. Энг муҳими, Рублевнинг ўзи ҳам бошлиғининг хавотирларида жон борлигини сезиб турарди. Чамаси, ўзи Лидия Павловнага ҳарқалай бекорга ишонган кўринади. Лидия Павловна бунчалар мураккаб вазиятда гапи билан ҳам, ҳаракатлари билан ҳам сир бой бермаслигига Рублевнинг бутунлай кўзи етмасди. Рублев яна бир марта Матвеева билан учрашиб, ўзининг дастлабки таассуротини текшириб кўришни истарди. Наҳотки, Рублев бу аёл масаласида адашган бўлса?

Рублев шошилиш кераклигини тушунарди. Рудникнинг кимлигини қанчалар тезроқ аниқлашса, Лидия Павловнанинг хато қилиб, ишларини чигаллаштириш хавфи шунча тез камаяди. Бироқ, Рудникни қамоққа олишга ордер ҳақида гап бўлишидан олдин унинг кимлар билан боғланганини аниқлаш зарур эди. Бунда Рублевнинг Миждозни кузатиш билан банд бўлган Максимовдан ва Матвеевнинг кўмаги-

дан умиди катта эди. Ундан кейин, Рудник амалда ким ўзи, деган саволга ҳам тезда жавоб топмаса бўлмасди. Унинг расмий таржимаи ҳоли ҳақиқийсига тўғри келармикин?

— Гап шундай,— деди у чақиртирганидан кейин кабинетида пайдо бўлган Максимовга,— тезда Бош нотариал бошқармаси билан боғланиб, уларда талаб қилиб олинмаган васиятнома бор-йўқлигини аниқла, мабодо бўлса, улар қайси фамилияларда эканлигини бил. Бундай васиятномаларнинг рўйхатини ва улар тегишли бўлган одамларнинг асосий маълумотларини ёзиб ол. Тушундингми?

— Унчалик эмас, Сергей Николаевич. Бу Рудникка тегишлими?

— Тўппа-тўғри. Биздаги маълумотларга кўра, у мерос олиши керак, бироқ бунга негадир хоҳламаган. Ҳамма ишингни йиғиштириб қўйиб, шуни иложи борида тезроқ бажар. Ҳамма маълумотлар эртага эрталаб — соат ўнда қўлимда бўлиши керак.

Топшириқ муддати жуда қисқа бўлганидан Максимовнинг мулойим юзига норозилик ифодаси қалқди. Бироқ, пўнғиллаб ўтирмади-да, «эшитаман», дея кабинетдан чиқишга шошилди.

Рублев ўзи қолганидан кейин яна бир марта қўлидаги Рудникка даҳлдор материалларни таҳлил қилишга уринди. Бундаги энг жиддий далил — унинг Новодевичье қабристонига яширин жойда пайдо бўлгани эди. Смеляков оиласидагилар билан танишиб олишга урингани ҳам. Яна нима? Уни Симферополь кўчасидаги автомобиль аварияси пайтида Кларк билан бирга кўришган. Булар унча кам эмас. Бироқ энг асосий нарсаси — Рудник кимнинг вазифасини бажараётгани номаълум эди. У кимга хизмат қилади? Унга пулни ким тўлайди? У янги ёнилғининг ўзи билангина қизиқаяптими?

Унинг савдогар Маклаков даҳмаси олдида кўринганини тасодифга ҳам йўйайлик. Кларк билан учрашуви-чи? Тўғри, Кларк Москвага яқиндагина келган ва ҳали ножониз фаолият билан шуғулланаётганига асос берганича йўқ.

Шундай бўлса ҳам Рублев кейинги кунлардаги фактлар бир-бирига алоқадор эканлигини негадир сезиб турарди. Бироқ, бу ҳозирча гумон бўлиб, уни тасдиқлаш зарур эди.

Рублевнинг хаёлларини телефон қўнғироғи бўлиб юборди.

— Сергей Николаевич,— селектордан котибанинг овози эшитилди,— сизни Матвеева сўраяпти. Улайми?

— Ҳа, албатта.— У трубкани кўтарди.

— Салом. Лидия Павловнаман.— Лидия Павловна чамаси ҳаяжонда бўлганидан овози бўлинди.— Мен сиз билан гаплашмоқчийдим...

— Қўнғироқ қилганингиздан жуда хурсандман. Кела оласизми?

— Қаерга? Идорангизгами?

— Ҳа-ҳа. Сизга рухсатнома буюриб қўяман. Мен билан гаплашмоқчисиз-ку, шундайми?

Бунга жавобан трубкадан арабг эшитиладиган даражада «ҳа» деган овоз келди.

— Жуда жойида. Келинг. Сизни кутаман.— Рублев бошқарманинг адреси, подъезд, хонанинг номерини айтиб, трубкани қўйди.

Рублев шунда ўзини енгил сезди, у ҳақ эди-да. Лидия Павловнанинг ўзи қўнғироқ қилди. Шунинг учун ҳам Рублев бу аёлнинг айтадиган гапи борлигига деярли шубҳа қилмасди. Информациалар зарра-ма-зарра йиғилиб, Рудникнинг портрети — усталик билан ниқобланиб олган соғқиннинг разил портрети тайёр бўлади. Рублев ана шундай тоифадаги одамларни ўлгудай ёмон кўрарди.

— Сен ўз ишингга ҳиссиётингни аралаштирмагин,— дерди Петраков Рублев қизишиб кетган пайтларда.— Ҳиссиётлар объектив баҳолашга ҳалал беради. Ҳушёрлик билан тўғрилиқ — ўзни хатолардан сақлашнинг энг тўғри воситасидир.

Рублев эса Миждозга шунчаки қараб туролмасди-да. Миждоз унинг диққатини банд этаётган объектгана эмас, шахсий душмани эди. Шунинг учун ҳам кечасилари тушига кириб, бадандаги оғриқ берадиган ўсимтадай ўзини доим эслатиб турарди. Ҳаёлидан сира ҳам нари кетмасди. «Бу Павел Рудник ким ўзи?»— Рублев ана шу саволни кўп марта берарди.

Рухсатномалар бюросидаги навбатчи Матвеева пастдалиги ва унга рухсатнома ёзилганидан хабар берди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгандан кейин Лидия Павловна кабинетда пайдо бўлди. Унинг ранги кетиб, синиқиб қолганди. Бу сафар у Рублевга бирин-

чи марта кўрганига қарагандан кексароқ кўринди. У аввалгидай дид билан яхши кийинганди. Лидия Павловна стол ёнидаги креслога чўки-да, ўша заҳоти сигаретасини олиб, Рублев ёндириб узатган зажигалкадан тутатди. Асабий ҳолда сигаретани бир неча марта қаттиқ-қаттиқ тортди. Унинг бармоқлари тит-тарди.

— Ташвишланманг, Лидия Павловна,— деди Рублев иложи борича мулойим қилиб.— Ишонинг, сизни тушунишадиган ва керак бўлса ёрдам беришадиган одамларнинг ҳузурига келгансиз.

— Ҳаракат қиламан,— деди Лидия Павловна салкам шивирлаб.— Ташвишланмасликнинг эса иложи йўққа ўхшайди.

— Бирор нима бўлдими?

— Ҳа... Тўғрироғи, йўқ. Айтарлик ҳеч нима. Менга ҳақ туюлганингизни ҳисобга олмаганда. Бунда унга нисбатан гапирганингизни кўзда тутаяпман, албатта.— Лидия Павловна ҳаяжонини босишга уриниб, бир лаҳза жим қолди.— Назаримда, мен айтган ролингизга сира ҳам тўғри келмайман. Уни эплолмайман.

— Сизга ҳеч қанақа роль ажратганимиз йўқ. Тушунинг, гап давлат хавфсизлиги тўғрисида бораяпти. Ўзингизни қўлга олинг ва Рудник ўзини қандай тутганидан гапиринг.

Лидия Павловна, қаерда бўлдинг, деб Рудник ро-са суриштирганини гапириб берди. Наҳотки, ўзига қизиқиб қолганларини сезган бўлса, деб аъзойи баданим музлаб кетди, деди. Бамисоли итдай сезгир-да, ўзи. Тўғри, кейин ўзини жуда рашк қилаётган одамдай кўрсатди, бироқ Лидия Павловна бунга ишонмади. Чунки гап рашкда эмас, Рудник бир нима бўлганини сезганди-да.

— Қандай қилиб сездийкин?— ҳайрон бўлди Рублев.

— Билмайман. Мен, мабодо идорамда унинг ода-ми бўлса-я, деган хаёлга бордим. Бироқ, бу бемаъни-лик, албатта.

— Сиз жуда ҳаяжонланган бўлсангиз керак-да?

— Эҳтимол. Ҳарқалай, у ниманидир сезаяпти. Кечқурун ресторандан қайтиб келаётганимизда у бир неча кунга кетаман, деб қолди. Назаримда, у умуман нимадандир безовта. Гарчи сира сир бой

бермасликка ҳаракат қилса ҳам ҳатто эзилган кўри-
нади.— Кейин жим қолиб, қўшимча қилди:— Ҳа, энг
муҳими. Мен Рудник негадир Смеляковга жуда қи-
зиққанини эсладим.

— У ҳақда нимани билишни истаганди?

— Ҳаммасини, деярли ҳаммасини.

— Масалан.

— Масалан, қаерда туради, одатлари қанақа,
ҳамма-ҳаммасини.

— Сиз ҳам гапириб берувдингизми?

— Ҳа. Мен шунчаки қизиқаётган бўлса керак,
деб ўйловдим. Энди эса булар бежиз эмаслигини ту-
шундим. Смеляковнинг унга нима кераги бор?

— Чиндан ҳам нимага?— Рублев ўйлаб қолди.—
Буни биз аниқлаймиз. Яна нимага қизиқувди?

Матвеева бармоқлари қалтираганича сигаретани
ўчирди. Рублев энди тўғри йўлда эканлигини тушун-
ганди. Энди у яхшилаб ниқобланиб олган душман
жосусига рўбарў бўлганди. Бўлмаса оддий шофёр
бўлган Рудник махфий иш қилаётган олим ҳақида
материал йиғадими?

— Билсангиз,— Лидия Павловна яна гап бош-
лади,— мени Одессага кўчиб кетишга таклиф қилди,
уни ўша ерга ишга чақиришаётган экан.

— Сиз рози бўлдингизми?

Лидия Павловна хўрсиниб қўйди:

— Бошқа нима ҳам қила олардим?

— Сиз тўғри қилгансиз,— Рублев шундай деди-ю,
ичида ўйлади: «Жуда ҳам қуруқ, жўнгина гапни айт-
дим-а. Бу аёл ҳозирда тасаллига жуда ҳам зор бўл-
са».— Лидия Павловна, сизга огирлигини биламан.
У билан учраша олмасангиз учрашманг. Бироқ, дуч
келсангиз, ўзингизни ҳар маҳалгидай тутаверинг. Бир
нима бўлса — қўнғироқ қилинг...

Матвеева бошини қуйи солиб ўтирарди. У ниҳоят
Рублевга қаради. Унинг кўзларида ёш кўринарди.

— Айтинг-чи Сергей Николаевич, сиз ундан ба-
рибир шубҳаланаяпсизми?

— Сиз сезмаяпсизми?

— Мен ҳаммасини билмоқчиман.

— Вақти келиб биласиз. Ҳозирча эса айтолмай-
ман, сизга бариини айтишга ҳаққим ҳам йўқ. Қўпини
ҳали ўзим ҳам билмайман. Бироқ, битта нарса аниқ:
Павел Рудник — шубҳали ва хатарли одам.

Лидия Павловна креслодан аранг қўзғалди.

— Ё, худойим, қандай шармандалик! Нима қилдим энди? Нима қилдим?

Рублев Матвеевани кузатиб қўйди-да, ўша заҳоти Рудник ишлайдиган автобазага қўнғироқ қилди. Унга таниш бўлган кадрлар бўлимининг бошлиғи Рудникни бошқа бирорта ишга ўтаётганидан мутлақо беҳабарлигини айтди. Рублев энди яна бирорта ишкалга қўл ураётганига шак-шубҳа қилмасди. Мижоз ниятини амалга оширгунича шошилмаса бўлмасди.

Эрталаб Рублевнинг кабинетида Максимов пайдо бўлди. У хурсандлигидан ўзини аранг босганича хонага шошилиб кирди. Саломлашиб, креслога ўтирди-да, папкадаги қоғозларга узоқ тикилиб қолди.

— Нима топиб келдинг, гапир?— шоширди уни Рублев.

— Ҳозир, Сергей Николаевич, ҳозир. Сабр қилинг. Афсус қилмайсиз. Мижозни қамоққа олишга бемалол ордер ёзаверсангиз бўлади.

— Ордердан тушдинг-ку!

— Ҳа, ордер. Буни сизга аниқ қилиб айтаяпман. Мижозингиз қанақалигини билдим.

— Гап нимада экан ўзи?

— Гап шундаки, Рудник мутлақо Рудник эмас. Унинг ҳақиқий фамилияси Обухович. Павел Аркадьевич Обухович.

— Буни қандай қилиб билдинг?

— Жуда оддий. Васиятнома туфайли.

— Бир бошдан гапир.

Бир бошдан гапирганда шундай эди. Кеча Максимов Бош нотариал бошқармага кирганида талаб қилиб олинмаган васиятномалар рўйхатида Обухович деган фамилияга дуч келган. Одессалик сартарош ўзининг ўғли Павел Аркадьевич Обуховичга хусусий уйини ва бир минг икки юз сўм пулини васият қилган экан. Максимов бунга васиятномадаги исм билан отасининг исми Рудникнинг исми билан отасининг исмига тўғри келгани учун эътибор берибди. Туғилган йили ҳам, туғилган жойи ҳам мос келибди.

— Бу тасодифият бўлиши ҳам мумкин эди,— деди Максимов,— бироқ мен бунда васиятнома чиндан ҳам Рудникка тегишли деган тахминни ўйлаган ҳолда иш тутдим. Мен учун энг муҳими, Рудник фами-

лиясини ўзгартирганми, ўзгартирган бўлса қачонлигини аниқлаш эди.

— Энг муҳими — нима учун?— Рублев Максимовнинг гапини бўлди.— Уни фамилиясини ўзгартиришга нима мажбур қилган?

— Мен мана шу саволга жавоб изладим,— гапида давом этди Максимов.— Ҳозирча район ҳарбий комиссарлигидан Рудник армияга бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилда, яъни йигирма уч ёшида чақирилганини аниқлашга муваффақ бўлдим.

— Қизиқ. Уни нега илгарироқ чақиришмадн экан? Балки брони бўлгандир...

— Йўқ.— Максимов жимликдан кейин шошилмай қўшимча қилди:— Рудник душман босиб олган территорияда — Белоруссияда бўлган. Армияга эса Ригада чақирилган...

— Душман босиб олган территорияда дейсанми?— Рублев Максимовга ҳайратда қараб қолди.— Анкеталарида эса буни кўрсатмаган-ку.

— Тўппа-тўғри. Мен эса буни тасодифан отасининг анкета маълумотларидан билиб олдим. Отаси уруш бошланишидан олдин Могилевга кўчиб келиб, у ерда қирқ еттинчи йилгача турган экан.

— Павел Рудник эса бу пайтда бошқа шаҳарда яшаши мумкин-ку?

— Йўқ. Ҳужжатлар орасида мен тураржойдан берилган справкани кўрдим, унда Обухович Аркадий Ефимович ўғли Обухович П. А. ва хотини билан бирга фалон адресда туришлиги аниқ-таниқ айтилган.

Икковлари бир неча лаҳза жим қолишди. Иш жуда ҳам бошқача тус олаётганди. Рудникнинг ўтмиши ишловдан кейинги кўринмас сиёҳдаги сатрлардай ўзини кўрсатаётганди. Гарчи бу сатрлар кўзга аён ташланаётган бўлса-да, янгидан-янги саволларни келтириб чиқараётганди.

— Энди биз,— деди Рублев,— Обухович П. А. билан Рудник Павел Аркадьевич иккови бир одамлигини исботлашимиз керак.

— Бундай эканига менинг шубҳам йўқ. Бунинг устига бир соатдан кейин бизда бунинг ҳужжатли тасдиғи бўлади.

— Қандай қилиб?

Максимов мамнун жилмайиб қўйди.

— Ҳужжатлар орасида кичик Обуховичнинг ота-

сига ёзган хатини топдим. Уни график экспертиза қилиш буюрилган. Экспертиза дастхатлар ўхшашлигини тасдиқласа, унда...

— Унда Рудник босиб олинган территорияда нима қилганлигини ва фамилиясини нимага ўзгартирганини аниқлашгина қоладими?

— Афтидан, унинг бунга жиддий сабаблари бўлган.

— Шак-шубҳам йўқ. Айтгандай, бунда бизга Могилев область бошқармаси ёрдам бериши мумкин. Сенга унинг архивларини титкилашга тўғри келади. Экспертиза натижалари маълум бўлиши биланоқ менга хабар бер. Мен Могилев билан боғланаман.

Рублев жуда суюниб кетиб, ўзини бениҳоя енгил сезарди. Кўп ойлاردан бери давом этаётган машаққатли иш охирига етиб қолганди. Рублев ана шу кунлари номаълум сонлари кўп бўлган улкан масалани ечиш билан банд бўлганди-да. Катя ҳам ана шу вақтда ҳар бир соатигача маълум вазифа билан банд бўлган ҳаётига аста-секин кириб келганди. Рублев бир кун сира дош беролмай унинг ишига қўнғироқ қилиб, бир олам таънаю тазарруқлар эшитсам керак, деб ўйлади. Бироқ, Катя ҳеч нимани сўраб-суриштириб ўтирмади, қўнғироқ қилганидан хурсанд бўлди, холос.

— Сени тезда кўрмоқчиман. Бўлмаса яна йўқолиб қоласан, деб қўрқаман.

Икковлари кечқурун Рублевнинг квартирасида учрашадиган бўлишди. Ўшангача қолган соатлар жуда ҳам секинлик билан ўтарди. Рублев бошқармадан умрида биринчи марта соат олтида кетган бўлса ҳам ажаб эмасди. Уйда ўзи кечки овқат тайёрлади, дастурхон ёзиб, шам ёқди. Даҳлиздан қўнғироқ овози эшитилганида гарчи ҳар дақиқада буни кутаётганига қарамай ногаҳоний бир нарса бўлгандай чўчиб тушди. У Катя келишини интизор бўлиб кутарди-да.

Катя ҳозиргина сартарошхонада бўлганидан ва буни Сергей хурсанд бўлсин, деб қилганидан Рублев мамнун бўлиб, боши осмонга етаёзди.

— Квартиранинг номерини аранг эслаб олдим,— деди Катя плашчини ечиб олаётган Сергейга.

Сергей ўзини талмовсираганга солиб, Катянинг қўлидан тортганича ичкарига бошлади.

— Туғилган кунингмасми, ишқилиб? Дастурхонинг байрамона...

— Албатта, байрам-да.

— Қанақа ўзи?— сўради Катя нозланиб.

Сергей жавоб бериш ўрнига уни бағрига тортди. Катя эса унинг кўкрагига қўлини тираб олди.

— Менга қара, сен жуда ўзбилармонга ўхшайсан. Мени Пенелопа деб ўйлаяпсанми?

— Элладанинг ўнта яхши фарзанди сенга оғиз солишаяптими?

— Афсуски, биттаси, у ҳам бўлса сирли равишда ҳафталаб йўқолиб кетади.

— Айбдорман, менинг Пенелопам, сенинг Одессейинг энди бундай қилмайди.

Катя унинг бўйнига осилди...

Кейин, тамадди қилгани ўтирганларида Катя иқроп бўлди:

— Сени йўқотиб қўйишдан ўлгудай қўрқаман. Сен қўнғироқ қилмаганингда бошқача хаёлга боришимга сал қолди. Муносабатларимиз яхши кетаяпти-я, тўғрими?

— Катя, муносабатларимиз доимо яхши бўлади.

— Мен бўлсам сени ҳар кун кўриб туришим керак. Бир-икки кун учрашмай қолсак борми, назаримда ҳаммаси барбод бўладигандай туюлаверади.

Сергей ундан кўзини узолмасди. Катя суҳбатга киришиб кетганидан ҳозирда ичдан нурланаётгандай туюлар ва шу дақиқада Сергейга бағоят яқин эди. Сергейнинг назарида эса икковлари бир-бирларини эсларини таниганларидан бери билишадиганга ўхшар ва ҳозирда бўлаётган нарсалар ҳам бир вақтлар бошидан кечгандай туюларди.

— Билсанг, мен ҳаммасини ойимга гапириб бердим.

— Кейин-чи?

— Бўлари бўлди. Ойим ажралишимдан менга қараганда кўпроқ куйиб-пишаяпти. Менимча эса, у сени кўриши биланоқ тинчийди қолади.

— Мени унга ёқади, деб ўйлаяпсанми?

— Шак-шубҳам йўқ. Наҳотки, сен ёқмайдиган одамлар ҳам бўлса? Сени дадам билан таништириб қўйишимни истайсанми?

— Йўқ,— деди Сергей жимликдан кейин.— Бу масалада жиндай сабр қилайлик.

— Мен бўлсам сизларни тезроқ таништираман, дейман. Умуман сени уйимиздагиларга тезроқ кўрсатмоқчиман.

— Эринг қалай?

— Бунинг нима аҳамияти бор...

— Ҳарқалай тирик одам-да...

— Унга ажралишамиз, деганимда, жуда хафа бўлди, албатта. Нега деганда унга уйимизда маза эди-да. Айтгани айтгану лекин бирорта иш қилмасди. Кечир,— қўшимча қилди у пича жимликдан кейин,— назаримда, уни биладиганга ўхшайсан. Ростми?

— Йўқ-йўқ,— деди Сергей уни ишонтириб.— Мени шунақа фамилияли танишим бор, холос.

— Мен бўлсам шундай хаёлга борибман...

Сергей ҳозир ёлгон гапирганига ич-ичидан ғижинарди, бироқ Катяни идорасининг ишларига аралаштиришга ҳаққи йўқ эди. Нега деганда, касбининг қонунлари шуни тақозо қиларди.

— Нимани ўйлаб қолдинг?— Катя Сергейнинг кайфиятидаги ўзгаришни сезгирлик билан пайқагани учун хавотирга тушди.

Сергей жавоб қилмади. У индамай Катяни бағрига босаркан, бутун вужуди меҳру муҳаббатга тўлиқлигидан кўзларига ҳеч нима кўринмасди.

Ун учинчи боб

ХУСУСИЙ КЛИНИКА

Москвада ана шу воқеалар содир бўлаётган кунларда ҳақиқий Ганс Кушниц Франкфурт-Майндаги хусусий клиникалардан биридаги ашаддий жинниларга мўлжалланган бир кишилик палатада ҳибсда ётарди. Очиғини айтганда, бу касалхона палатаси турма камерасидан жуда кам фарқ қиларди. Унинг деразасига панжара ўрнатилган, эшигида одам мўралайдиган тешиги бор эди. Ичкаридаги жиҳозлар ҳам бир хилда — оддийгина стол, стул, кулранг адёл ташлаб қўйилган каравот бор эди, холос. Бу палатада умуман ҳамма нарса кулранг деса тўғрироқ бўларди. Девор кулрангга бўялган, анчадан бери оқланмаган шифт ҳам кулранг туюларди. Ҳатто жовондаги китоблар ҳам кулранг муқоваларда эди.

Чамаси, бу ерни жиҳозлаган одам ярқироқ ранглар бу ерда турадиганларнинг руҳиятига ёмон таъсир кўрсатади, деб қўрққан кўринарди.

Ганс сўроқлар тугагандан кейин разведканинг хизмат квартирасидан чиқиб кетарман, деб ўйлаганди. Кларк қорасини кўрсатмасди. Унинг ўрнига бир куни эрталаб Ганснинг номерига иккита бўйдор йигит кириб, бугундан бошлаб озодлигини айтишди. Бунинг учун кичкина расмиятчиликни бажариш, яъни картотчка тўлатиб, қатор саволларга жавоб бериш лозим экан.

— Бошлиғимизнинг олдига боришга тўғри келади,— деди йигитлардан бири.— Бу ердан узоқ эмас.

Ганс «плимут»нинг орқа ўриндигига, иккита йигитнинг ўртасига ўтқазишди. Ганс «плимут» бетон йўлдан қанча юганини айтиб беролмасди. Унинг назарида анча юрганларидан кейин қандайдир шаҳар ташқарисига етишди. Машина боғлар қўйнидаги ва баланд гиштин девор ичидаги ораста иморатлар олдида тўхтади.

Иморатлардан бирининг қўйи залида уларни бақувват сўлақмон қарши олди. Ганс унинг билагини ва бармоқларини сарғиш жуи босганини, мовий кўйлагининг қўлтиғи тердан ҳўл бўлиб кетганини пайқади. Сўлақмон улар билан бош ирғаб сўрашди-да, зинадан иккинчи қаватга кўтарила бошлади.

Ганс ундан кейинда одимларкан, хоҳласа-хоҳламаса, сўлақмоннинг тирсиллаган орқасини кўриб боришга мажбур эди.

Улар иккинчи қаватга кўтарилишди. Қоронғи, нохуш коридорлардан карболка билан қандайдир дориларнинг ҳиди келарди. Касалхонамикин? Бироқ, бу ерда касалхона нима қилади? Нима, Ганс касалми? У орқада унсиз келишаётган кузатувчиларидан буни сўрашга ботинолмади. «Майли, у ерда маълум бўлар»,— деб қўйди ичида. Бироқ кўнгли ёмон бир нарсани сезгандай эти жимирлашиб кетди.

Сўлақмон қўққисдан эшиклардан бирини очди-да, Гансга:

— Марҳамат,— деди.

Ганс остона ҳатлаб кирганидан кейин кетидан эшик шартта ёпилганини ва калити буралганини эшитди. Ганс шунда ҳаммасини бирдан фаҳмлади. Бу навбатдаги қопқон эди. Уни яна аҳмоқ қилишди!

Ганс бақирганича эшикка ташланиб, уни мушти билан ура бошлади:

— Очинг! Очларинг, жин ургурлар!

Ганс шунда муштлири юмшоқ бир нарсага тегаётганини сизди. Эшикни кўздан кечиришкан, у ичкарисидан қалин пахта солиб, устидан клеёнка қопланганини кўрди. Бу нарсадан Ганснинг яна ғазаби кўзиди. У эшикни оёғи билан тепди, полни дўпиллатди, бақириб-чақирди, деворни муштлади. Ойнани синдириб, деразадан ўзини пастга ташлашга ҳам уринди. Бироқ, деразага панжара тутилган бўлиб, ойнани синдиришга мушти етмасди.

Ганс чамаси ярим соат қутурди, бироқ унинг ҳаммаёқни дўпиллатишию бақириб-чақиритишлари беҳуда кетди, биров келиб хабар олмади. Ниҳоят, тинкаси қуриб, полга қулади. Бир оз вақтгача ҳушидан кетибми ё оёқ-қўли ишламай қолибми, ётди. Бу қутуриш азбаройи тинка-мадорини қуришиб қўйганидан бармоқларини қимирлатишга ҳам ҳоли келмасди. Ҳатто ўйлашга ҳам қурби етмасди.

Куннинг иккинчи ярмида эшикда калит айланди. Кўзойнакли, оқ халат кийган, ғирт кал, паст бўйли киши кириб келди. Ёнида, афтидан, тиббий ҳамшира бўлса керак, ўттизлардаги хушрўйгина жувон бор эди.

Ганс ўрнидан зўрға туриб, стулга ўтирди. Унинг ҳар бир мушаги, ҳар бир ҳужайраси зирқирарди. Гўё ўлгудай дўппосланган одамнинг аҳволида эди.

Ичкарига кириб келишганлар сўрашишди. Қал киши Ганснинг тунд кўринишини сезиб:

— Жаҳлингиз чиқаётганини кўриб турибман, йигит. Шундай экан, демак ҳақ эмассиз,— деди-да, хурсанд ҳолда хахолади.

— Мен қаердаман ўзи?

— Бу нима деганингиз?— ажабланди кал.— Клиникадасиз. Сизга айтишмовмиди?

— Менга ҳеч ким ҳеч нима демади. Жиноятчини камерага киритишгандай мени ҳам бу кавакка тиқиб кетишди.

Қал чиндан ҳам изтироб чекаётганга ўхшарди.

— Ай-ай-ай! Жуда чакки бўлибди-да! Эшитаяпсанми, Юлия? Мижозларимизга яхши муомила қилинглар, деб бу хумпарларга минг марта айтдим. Барибир фойдаси йўқ! Нима қиламиз, Юлия?

— Билмадим, доктор.— Юлиянинг йирик қора кўзлари ер сузди.— Бу ерда сиз хўжайинсиз, чорасини ҳам ўзингиз кўринг.— Юлиянинг бурни ингичка, сал узунчоқроқ бўлиб, қора сочларини турмаклаб қўйганди. У немисдан ҳам кўпроқ французга ўхшаб кетарди.

— Йигит,— доктор гапни тантанавор қилиб бошлади,— эътирозингизни жуда жиддий ҳолда ўрганамиз, деб сизни ишонтираман.

— Бу мени қизиқтирмайди,— Ганс унинг гапини бўлди.— Мени нима асосида клиникага жойлаштиришганини билмоқчиман. Унутмасам, буни илтимос қилмовдим.

— Илтимос қилмовдим, дейсизми? Менга сизни бетоб дейишди-ку. Даволанишни ҳам истамайсизми? Шунақами, Юлия?

Юлия елка қисди.

— Мен буни ҳеч қачон илтимос қилмаганман. Лақиллатишни тўхтатинг, доктор. Бу жонимга тегди. Мени бу ердан тезда чиқариб юборишларини истайман.

— Эҳ, йигит! Қани энди хоҳлаган ишларимни қила олсам!

— Бачканаликни йиғиштиринг! Мени бу ердан чиқаринг!— Ганс стулдан туриб эшикка йўналди. Бироқ у қулф эди.— Мени ҳозир бу ердан чиқариб юбормасанглар сизларни судга бераман. Газеталарга мурожаат қиламан... Ганс пакана кални муштлашга ҳам тайёр эди.

Доктор чуқур хўрсинди.

— Қизишманг, йигит. Сизга ҳаяжонлангнш ярамайди. Асабларингиз...

— Менинг асабларим жойида.

— Буни биз яхшироқ биламиз, йигит.

— Ким бўласиз ўзи? Менинг соғлиғим билан нима ишингиз бор?— Ганснинг тоб-тоқати туғади.

— Мен доктор Розенблаттман.— Қал бошини сал эгиб қўйди.— Бу эса ассистентим Юлия Кан.

Ганс харс-харс қилганича докторга ва унинг ассистентига қараб-қараб қўйди. У яна ўзининг ожизлигини сизди. Бу одам чиндан ҳам доктор бўлса Ганс-ни махфий квартирада қўриқлаб турган учарлар би-

лан тили бирлиги аён эди. Бу ерда нима десангиз ҳам барибир нафи бўлмайди. Улар ўзларини ҳеч нимадан хабари йўқ овсар одамлардай кўрсатишаверади, зарурат туғилганда эса куч ишлатишади. «Йўқ, Ганс,— деди у ўзига ўзи,— қаноатга зўр бериб, кутасан. Бирор нарсани ўйлаб топасан. Уларни алдайсан. Қутулиб кетишингнинг йўли шу».

— Мени қайси касалдан тузатмоқчисиз?— деб сўради Ганс доктор ва унинг ассистентидан кўзини сира узмай.

Розенблатт қўлларини халатининг чўнтагига солганича хонада айланди.

— Ҳозирча аниқ диагнозни айтиш қийин. Бироқ, асабларингиз жуда ишдан чиққани аниқ-равшан. Сизга осойишталик, яхши уйқи, очиқ ҳавода сайр этиш зарур.

Ганс «сайр» сўзини эшитганида қочишни ўйлади. Ҳа, ҳозир ювош тортиш, буларнинг этини сал ўлдириш керак. Қези келганида эса қочиб қолади. Иложи борица тезроқ қочмаса бўлмайди.

— Ҳозир эса, йигит, белингизгача ечининг...

Юлия стол ёнига ўтириб, ёзишга ҳозирланди. Розенблатт мўъжазгина чемадонидан стетоскоп, қон босимини ўлчайдиган аппарат, болғача олди.

Гансни кўздан кечириш йигирма минут давом этди чамаси. Доктор бу пайтда ассистентига лотинча гаплар айтиб турар, у эса олдидаги қоғозга ёзиб борарди. Ниҳоят Ганснинг ўзи қолди. Бироқ бу кўпга бормади. Орадан кўп ўтмай, эшикдаги дарича очилиб, патнисда овқат олиб келишди.

Ганс душга тушганидан кейин ўзини бардамроқ сездди. У ўзини қўлга олиб, вужудга келган вазиятни яхшилаб ўйлаб олишга жазм этди. Ўқиган китобларидаги қаҳрамонларнинг турли йўллар билан турмалардан қочганларини эслади. Бошқалар турмалардан қочишни уддалаганларидан кейин ўзи ҳам бу ердан қочади-да. У хаёлига келган ана шу фикрдан тетиклашди.

Ганс патнисда сув қўшилган вискили стакан борлигини кўрди. Йўқ, бу сафар вискини ичмайди. Унга бирорта расво нарса қўшилган бўлиши ҳам мумкин. Хуфя квартирадаги учарлар шундай қилишарди-да. Ганс виски ичганидан кейин иродаси бўшашиб, сергап бўлиб қоларди. Энди эса эҳтиёткор бўлади. Шун-

дан кейин у вискини қўл ювиладиган чиғаноққа тўкди.

Кечқурун соат бешда Гансни сайр қилишга олиб чиқишди. У олдиниға санитардан кейинда ярим қоронғи коридорлардан юрди, кейин ярим подвал жойлардан ўтди. Ниҳоят, икки томонидан уч метрли баланд гиштин девор билан ўралган, икки томонида эса икки қаватли иморатнинг девори бўлган торгина ҳовлиға чиқишди. Ҳовлининг иккала чеккасида қоровулар туришарди. Улар Ганснинг ҳар бир одимини сергаклик билан кузатишаётганини сезиб олиш қийин эмасди. Ганс гиштин девор бўйлаб, олдинга ва орқага бориб келаркан: «Ё додлаб, одамларни ёрдамга чақирсаммикин?— деб ўйларди ичида.— Йўқ, фойдаси йўқ». Битта-яримта ёрдам беришга келмасиданоқ қоровулар ушлаб олишади. Буёққа ким ҳам ёрдамга келарди, дейсиз! Бу руҳий касалликлар клиникаси бўлса керак. Бу ерда сабаб-мабаб кетмайди. Қонун мени ҳимоя қилолмайди. Ҳаммаси пакананинг кўлида. Ганс даҳшатга тушди, чунки у чорасиз аҳволда қолганини эндиғина сезганди.

Қочишга улгурди, деб фараз ҳам қилайлик. Клиникадан ташқарига чиқиб олса ҳоли нима кечади? Ёнида ҳужжатлари йўқ-ку. Визасининг муддати ҳам тугаган. Доктор Розенблатт полицияга айтса бас— уни ушлаб олиб, яна клиникага қайтаришади. Мабо-до полицияда бошидан ўтганларни гапириб берса врачларнинг ҳақлигини тасдиқлайдиган довдирашга йўйишади. Ҳа, унинг битта чораси бор: бир амаллаб ГДР территориясига етиб олиши керак, фақат ўша ердағина хавф-хатардан холи бўла олади. Фақат ўша ердағина қонун мухофазасида бўлади ва матбуот орқали махфий квартирадаги бандитларни фош эта олади.

Ганс вақтининг кўпини китоб ўқиб ўтказар ёки жойида ётиб, қочиш режасини тузарди. Чамаси, у ўзига юз марта, нимага ва кимга зарур бўлиб қолдим, деган саволни берганди. Ёки, тўғрироғи, кимга халақит берди? Очигини айтганда, Ганс менга ёмон муомалада бўлишди, деб шикоят ҳам қилолмасди. Чунки уни яхши боқишар, парвариш қилишар, даволашарди. Унга фақат битта нарса — озодлик рад этилганди. Нимага энди? Гап нимада ўзи?

Юлия Қан унинг палатасига тез-тез келиб турар-

ди. Гоҳо доктор Розенблатт билан бирга келар, гоҳо якка ўзи пайдо бўларди. У дори-дармонлар олиб келар ва Гансни: «Қандай ухладингиз?», «Синопетилин қандай таъсир қилаяпти?», «Бош оғриғи қийнамаяптими?» деган саволларга жавоб беришга мажбур қиларди. Ганс аввалига жиддий жавоб қилди. Кейин бу саволлар жонига тегиб, ҳазил-ҳузил қила бош-

— Менга қаранг,— деди Ганснинг тоб-тоқати тугаб,— наҳотки, шупақа бўлмағур нарсалар билан шуғулланишни ёқтирсангиз? Сиз мени чиндан ҳам бетоб санаяпсизми?

— Доктор Розенблатт шундай ҳисоблайди.—
Юлия шоша-пиша кўзини олиб қочди.

— Сиз-чи?

— Мен психиатр эмасман.

— Мен касалга ўхшайманми?

— Билмайман.

Ганс унга ёзғиргандай қаради:

— Биласиз. Сиз жуда яхши биласиз, Юлия. Бироқ қўрқасиз.

— Бу гапларнинг нима кераги бор?— Юлия йирик қора кўзларини унга қаратди-ю, дарҳол ер сузди. Буни қарангки, Юлия шу ёшида ҳам жуда уятчан эди. Эҳтимол, у Ганснинг тўғри сўзлигидан истиҳола қилгандир. Ганс эса уялмасди. Улар Гансни шу кўйга солишди, бунақа пайтда назокату такаллуф деган нарсаларга ўрин қолмайди. Ганс ҳамма нарсани ёки деярли ҳамма нарсани қилиши мумкин. У ана шуларни ўйларкан, гўё ҳузур қилаётгандай бўларди.

— Менга қаранг, Юлия. Сиз билан бир ойдап бери танишмиз. Мен ўзимни Юлий Цезарь ёки Наполеон деганимни бирор марта ҳам эшитдингизми? Ёки ўзимни тутишимда галатиноқ бир нарса сездингизми?

Ганс бунақа саволларни илгари ҳам берган, бироқ ўшанда Юлия қоидадагидек индамай кетганди. У қоғозини тезда тўлғазарди-ю, кетаётганида заифона жилмайиб қўярди холос. Бу сафар эса чидаб туролмади:

— Бу ерга нимага келиб қолдингиз ўзи?

— Буни ўзим ҳам билмайман. Фақат тахмин қилишим мумкин. Ҳарҳолда гап менинг касалимда эмас, мен соппа-соғман.

— Кўп касаллар шундай дейишади.

— Улар касаллар-да. Мен эсам касалга ўхшайманми?

— Йўқ, Ганс. Унда нима бўлди ўзи? Нимага бу ерга келиб қолдингиз?

Юлия Ганснинг номини биринчи марта тилга олганди. Ганс ҳам шунда вужудда илиқ бир умид пайдо бўлганини сизди. Шундай кўринишдаги аёлда яхшилик ва раҳм-шафқат бўлмаса унда бунақа нарсаларни қайдан излаш керак?

Ганс ҳаммасидан ҳам Юлия кетиб қолади, деб қўрқарди. Шунинг учун ҳам шоша-пиша гапирарди. Москва ва университет, яхши кўрган қизи ва Ғарбий Берлиндаги холаси, дўстлари ва Кларк, сўроқлар ва нимадир қўшилган виски, уйқусиз тунлари ва ғамташвишларини тўкиб солди.

Юлия буларнинг бариини диққат билан тинглади. Сўнгра анчагача жим қолди.

— Ганс булар ақлга сиғмайди,— деди у ниҳоят.— Бунақа нарса сира ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ганс ҳаяжондан Юлиaning ёноқлари қизариб кетганини пайқадди.

— Бўлиши мумкинлигини ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

— Бироқ ўша одамлар кимлар? Уларга нимага керак бўлиб қолибсиз?

— Билмайман. Фақат тахмин қилишим мумкин. Мен разведкага керак бўлганман. Қандай мақсадлар учун керак бўлганим эса менга қоронғи. Бу эса уларнинг иши.

Юлия қўлини чангаллаганича бош бармогининг букиладиган жойини тишларди.

— Ақл бовар қилмайди. Сира бовар қилмайди,— деб шивирлади у.

Ганс унинг қўлтигидан олмоқчи бўлувди, Юлия туриб қолди.

— Мен кетишим керак, Доктор Розенблатт йўқлаб қолиши мумкин.

Докторнинг ўзи эса ҳафтада камида бир марта кўринарди. У Ганснинг номига кўрардию тезроқ қочиб қолишнинг пайдан бўларди. Ганс у билан деярли гаплашмасди. Чунки Розенблаттнинг разведкадан олиб турган маблагни Ганс учун энг ишончли асос бўла оларди-да.

Ганс учун ишонса бўладиган ёлғиз Юлия қолган.

ди. Унинг шу аёлдан бошқа ташқи олам билан боғлаб турадиган одами йўқ эди. Тўғри, ҳафтада бир марта соч-соқоли ўсган бир нусха палатани супуриб-сидиргани ва чойшаб-пойшабларни алмаштиргани келиб турарди. Унинг тунд кўриниши ва одамовилиги бировни ўзига яқинлаштирмасди ҳам.

Ганс Юлияга хуш келиб қолганига, бу аёл ишидан айрилиб қолишдан қўрқаётгани бўлмаса ёрдам қилишга тайёрлигига ҳам шак-шубҳа қилмасди.

— Юлия, сиздан бошқа менга ёрдам қиладиган одам йўқ,— деди Ганс яна бир тўқнаш келганларида.

— Менинг касал онам бор. Уни ким боқади? Аввало мендан шубҳа қилишади.

Ганс бир дақиқа ўйга чўмди.

— Менга қаранг, Юлия,— деди у ниҳоят.— Ғарбий Берлинда менинг холам туради. Онангизга қараб туришни холамдан илтимос қиламан.

— Яхши, Ганс, ўйлаб кўраман.

Юлия палатада хушбўй атирлар исини қолдирганича чиқиб кетди. Жилла бўлмаганда Гансга шундай туюлганди ўзи.

Юлия бир неча кундан кейин қочниш борасида ўзи гап очди.

— Менинг мактабдош битта ўртоғим бор. Рассом. Унга сени айтувдим ёрдам қилишга ваъда берди. Унинг эски «мерседеси» бор. Сени қариндошлариникига элтиб қўяди.

— Юлия!— деб юборди Ганс.

— Шошилма,— Юлия қўлини қимирлатиб уни тўхтатди.— Энди энг асосий нарса — бу ердан қандай қилиб чиқиб олиш... Изоляторга кириладиган эшик кечқурун соат ўнда ёпилади. Қалити навбатчида бўлади...

Ганс Юлиянинг ташвишли чимирилган қошлари ва ҳаяжондан кенгайган катта кўзларига тинимсиз тикиларди. Ҳозирда унинг чеҳраси Гансга бениҳоя гўзал кўринарди.

— Шундай режани таклиф қиламан. Сен бу ердан чиқиб, ҳовлига олиб чиқадиган зинадан пастга тушасан. Пастда иккита эшик бор: биридан ҳовлига чиқилади, иккинчисидан эса пастга, қозонхонага тушилади. Сен қозонхонага тушасан, у ерда гоҳо гўлаҳ навбатчилик қилади. Эҳтиёт бўл — унга тўқнаш келиб қолма. Кейин эса... Қозонхонанинг олис бурчида очи-

ладиган қопқоқ ва темир нов бор, ундан қозонхонага кўмир туширилади. Қопқоқ, очиғи, ташқарисидан беркитиб қўйилган. Бироқ, жума куни кечқурун ишдан кетишдан олдин уни очиб қўяман. Кечаси ўн бир яримда сен қопқоқдан чиқасан. Ёштини деворга яқинлашсанг арқонни кўрасан... Кўчада сени машина кутиб туради.

— Хўп, бу ердан эса қандай қилиб чиқиб оламан? Палатадан?— Ганс ҳаяжонланганидан наст овозда сўради.

Юлия кулимсиради:

— Бу жуда ҳам ўнғай. Сенга калитнинг бошқасини бераман. Уни икки кундан кейин оласан.

— Юлия! Сен менинг халоскоримсан! Мен сени қандай қилиб...

— Шошилма... Ҳеч нима дема. Мен иримчиман.

Ганс эҳтиёткорлик билан Юлиaning ингичка, узун қўлининг кафтига эҳтиёткорлик билан, деярли ҳузур билан лабларини текизди.

Ун тўртинчи боб

ЖУНАТМА

Кларк адашмаганди, нега деганда Смеляковнинг ҳаётидаги асосий нарса унинг ўз ишига ниҳоятда фидойилик билан берилганлиги эди. Лабораторияда ишлаш Смеляков учун дам олиш ҳам, кўнгилхушлик ҳам эди. Ўсимлик ҳаво ва нурсиз яшаёлмаганидай у ҳам ишсиз туролмасди. «У одам эмас, ғайрат манбаи, атом бомбаси»,— дейишарди у ҳақда ҳамкасабалари. Чиндан ҳам Роман Алексеевич Смеляковнинг ишчанлиги барчани ҳайратга солгани солганди. У бир кунда бошқа одамнинг бир ҳафталик ишини бажарарди. «Бир кунда ўн олти соат ишлаёлмайдиган одам,— дейишни хуш кўрарди Смеляков,— дунёга келишга муносиб эмас». Смеляковнинг ўзи эса кўпроқ ишлай оларди. У институтни бошқаришдан ташқари лекциялар ҳам ўқир, бир неча илмий журналларнинг таҳрир ҳайъатларига, ҳукумат комиссияларига аъзо эди. Энг муҳими — илмий фаолият билан қаттиқ шуғулланарди. У ўттиз ёшида фан доктори бўлганди.

Смеляков ҳозирда таниқли одам. Айниқса, унинг

лабораториясида олинган бирикма ракетага қарши қудратли мудофаа қуролида фойдаланилгандан кейин обрўси янада ошиб кетди. Ракета ёнилғиси технологиясида шу чоққача ишлаб чиқаришда тежамли ва ниҳоятда енгил бўлган бунақа ёнилғи шу чоққача номаълум эди-да. Бу ёнилғини мутахассислар «Смеляков бирикмаси» дейишар, у махфий стратегик материал саналарди. Шу вайдан ҳам олимнинг кашфиётини бу соҳада иш олиб боришаётган олимларнинг тор доирасигина биларди. Смеляковнинг фамилияси ҳам сир сақланарди. Рудник эса Матвеевнинг ёрдамида олим хусусида узук-юлуқ маълумотлар тўплаб, уларни Ганс Кушницга еткизганди.

Хорижий разведка Смеляков ва унинг иши билан қизиқаётгани олимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди, албатта. Кларкнинг оддий иш папкасида ўзига дахлдор анча-мунча материаллар тўпланганлиги ҳам хаёлида йўқ эди. Ана шу папкада Смеляковнинг сурати ҳам бор, унда Смеляков Москвада айланиб юргани, машинага тушаётгани, уйининг подъездидан чиқиб келаётгани акс эттирилганди. Хактери, одатлари батафсил тасвирланган қоғоз ҳам ана шу папкада эди. Ҳаттоки Смеляковнинг қанақа навли сигарета чекишидек арзимаган нарса ҳам эътибордан четда қолмаганди.

Ана шу маълумотларнинг бир қисмини Рудник Матвеевани гапга солиб аниқлаган, бошқа қисми аввалига Маккензи, сўнгра Кушниц томонидан заррама-зарра тўпланганди. Улар Смеляков квартирасининг рўбарўсига ўта таъсирчан аппаратура ўрнатишга муваффақ бўлишган, ўша аппаратура биров гапирганда дераза ойналарининг зирллашига қараб, бабини ёзиб оларди.

Мабодо битта-яримта буни Смеляковга айтса борми, у ўша одамдан роса кулган бўларди. Махфий сирларни сақлашни таъминлашнинг эҳтиёт чораларини у «жосусликда гумонсираш» деб атар ва бундан ғижиниб юарди. У гарчи, бундай чоралар зарурлигини тушунса ҳам шундай дерди, албатта.

Смеляков лабораториясида ишлайдиган ёшларга фикр-мулоҳазаларини баён қилишни хуш кўрарди. Унинг фикр-мулоҳазалари лабораторияда кескин, жиддий ва ўзига хос тус оларди.

— Ноизчил фикрлашга ўрганиш инсоннинг асосий

бебахтлиги бўлган тафаккурдаги сусткашликни енгил-демакдир.— Смеляков шу гапни доим айтиб турарди.— Бир хилда фикрловчи одам сира ҳам олим бўлолмайди.

Смеляков ўзи дарс берадиган йирик олий ўқув юртидаги студент ёшлар орасида айниқса йирик сиймо саналарди. Олимлар орасида эса энергетик инверсия тахминин назариясининг ашаддий тарафдори сифатида маълум эди.

— Мана шу ишга одам ўзини бағишлаши лозим!— дейишни ёқтирарди Смеляков.

Кўплар бу тахминга қизиқишни тентаклик санашар, бошқалар эса Смеляковнинг дадиллиги ва шаддодлигига қойил бўлишарди.

Смеляков ўша оқшом уйига пнёда қайтарди. Олдинда мажлислар ҳам, кенгашлар ҳам, бирор жойга боришлар ҳам йўқ эди. Бугунги оқшом Смеляковнинг ихтиёрида бўлганидан ҳаёт мазмуни ҳақидаги ўйларга берилиши мумкин эди. У сайрни ҳазиллашиб шундай атарди. Смеляков институтга яқинроқ жойда турар, пнёда юрса, йнгирма минутга қолмай етарди. У ана шунақа кечки сайрларни хуш кўрар ва худди айланиб юрган пайтларида ҳаёлига муваффақиятли фикрлар келажагига ишончи комил эди. Смеляков ўта мустаҳкам қотишманинг формуласи ҳам сайр қилиб юрганида келганини эслади.

Уйда хотини иш столида хорижий муҳрли пакет борлигини айтди. Бу қалин пакет бўлиб, каноп билан белидан ҳам, узунасига ҳам бойланганди. Пакет чап ёғининг бурчида инглиз қироличасининг тасвири туширилган маркалар кўринарди. Тагидаги адрес эса у Лондондан келганини билдирарди.

Смеляков ҳарқанча тиришса ҳам Лондонда танишлари борлигини эслолмади. Танишлари Берлинда, Парижда, Прагада, Будапештда бор эди. Лондонда эса... У ким бўлиши мумкин?

Смеляков пакетнинг канопини қирқиб, сўргичли муҳрини бузди. Ичида инглиз тилидаги илмий журналлар, газеталардан қирқиб олинган мақолалар ва ротаторда босилган қалин рисоалар бор эди. Ана шу материалларнинг устида майда ҳарфли машинкада ёзилган мактуб кўринарди.

«Муҳтарам сэр!— Смеляков шу сўзларни ўқиркан, кулимсиради. Бунақа атамаларга ўрганмагани-

дан ғалати аҳволда қолганди.— Бу ишимни ғайриоддийликка йўйишингиз мумкин, чунки Сизга бутунлай нотаниш одам мурожаат қилаяпти. Мен ҳамкасабангиз сифатида бу хатни ёзишга маънавий ҳуқуқим бор, деб ўйлайман. Ган шундаки, мен кўп йиллардан бери рус вақтли матбуоти материаллари бўйича Сизнинг олим сифатидаги фаолиятингиз, асарларингиз, хусусан, энергетик инверсия бобидаги илмий ишларингизни кузатиб келаман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга ўзининг қойил бўлганим ва эҳтиромимни изҳор этмоқчиман. Ғояларингизнинг дадиллиги ва янгиллиги илмий изланишларга илҳомлантирмаслигининг иложи йўқдир.

Мабодо Сиз мактубимга жавоб қилишга вақт топиб, ўзингиз ва ҳозирги пайтда нималар билан шуғулланаётганингиз борасида бир-икки оғиз сўз айтсангиз, миннатдор бўлур эдим. Менинг исми-шарфим Пэт Бувье. Ёшим йигирма еттида. Лондондаги технология институтини тамомлаганман ва ҳозирда пойтахт яқинидаги металлургия бўйича тадқиқотлар институти лабораториясида ишлайман.

Ушбу мактуб билан лабораториямизнинг баъзи-бир материалларини юбораяпман. Улар Сизни қизиқтирар, деган умиддаман.

*Сизга самимият билан
Пэт Бувье».*

Смеяков мактубни шошилмай буклади. Ажаб! Наҳотки, унинг ишлари билан битта-яримта чиндан ҳам қизиқаётган бўлса? Яна қаерда денг — Лондонда! Эҳтимол, бу лақиллатиш, ошна-оғайниларнинг ҳазил-хузилидир? Смеяков конвертдаги муҳрни яна бир бор кўздан кечирди. Ҳа, ҳаммаси тўғри. Пакет Лондондан жўнатишган. Қўшма Қироллик. Смеяков Британия оролларида ҳам мухлислар орттираман, деб сира ҳам ўйламаганди! Бунинг устига аёлни! Ажаб! Аёл — металлург — олим! Еш, эндигина йигирма еттига кирибди. Унга албатта жавоб ёзиш керак. Смеяков столидаги календарга: «Лондонга хат ёзиш керак»,— деб қайд этди-да, креслосига чўкиб, юборилган материалларни варақлай бошлади.

Улар орасида лабораториянинг ротаторда кўпайтирилган йиллик ҳисоботлари, тажрибаларнинг баё-

ни: журналлардан қирқиб олинган мақолалар бор эди. Смеляков мутолаага берилиб кетди. У хотини ичкарига кириб, столга чой қўйганини ҳам сезмади. У, чамаси, бир ярим соат ўқиди. Сўнги саҳифани ёпганидан кейин эса ҳафсаласи пир бўлди. Нега деганда улар орасида ҳеч қанақа янгиликлар йўқ, бу тажрибалару таклифлар ҳамда таклифлар эскирганди. «Наҳотки,— деб ўйларди у кабинетида уёқдан-буёққа юаркан,— бу инглиз шу қадар содда бўлса, юборган материаллари мени қизиқтириши мумкин, деб ўйласа? Ё иссиққа чидамли қотишмалар бобида улар биздан чиндан ҳам жуда орқада қолиб кетишганми? Ҳарҳолда, эътиборлари учун уларга миннатдорчилик билдириб қўйиш керак».

Смеляков ўша кеча ухлаёлмай анчагача уёқдан-буёғига ағдарилиб ётди. У хатни ўйлагани сари ҳамма нарса кўзига галати кўринаверарди. Кечаси тушига Лондон кирди. У Смеляков бўлган Римга жуда ўхшар экан. У Қолизея деворларига тирмашар, йиқилар, кимдандир қочар, кимдандир жуда ҳам қўрқар, қочишга эса мадори келмай, оёқлари увишган, қуввати йўқмиш...

У эртасига иш кабинетига кириши билан телефон жиринглаб қолди. Трубкадан ўзига яхши таниш бўлган жаҳонга таниқли академикнинг овози келди. Смеляков бир вақтлари институтда унинг лекциясини тинглаганди. Ушандан бери икковлари унчалар яқин бўлмасалар ҳам ҳарҳолда алоқалари анча мустаҳкам эди.

Академик қисқа салом-аликдан кейин деди:

— Роман Алексеевич! Лондонга боришни хоҳлайсизми?

— Лондонга?— Смеляков кечаги мактубни эслаб, ҳозирги галати муштаракликдан таажжубга тушди.

— Ҳа, Лондонга... Бир нима бўлдими?

— Йўқ, ҳеч нима. Қандай мақсадда? Турист бўлиб бормасам керак, дейман?

— Йўқ, албатта. Симпозиумга. Илмий жамият сени металлург олимлар симпозиумига таклиф қилапти.

— Бу катта шараф бўлса керак, Константин Николаевич?— кулди Смеляков.— Ичида эса ўйларди: «Инглизларга бир нима бўлганми? Менинг камтарин шахсим уларни нечун қизиқтириб қолди?»

— Бўлмаса-чи! Сен, дарвоқе, Лондонда бўлган-мисан?

— Йўқ, бўлмовдим.

— Чиройли шаҳар. Хўш, нима дейсан? Инглиз ҳамкасабаларингга нима деяй?

Смеляков симпозиумга бутун дунёдан олимлар келишини ўйлади. Ҳамкасабалари нималар устида ишлаётганларини эшитиш қизиқарли эмасми? Кейин фойдали ҳам. Ўзига ҳам, институти учун ҳам. Бундан ташқари жиндай дам олишига ҳам ҳалал бермайди.

— Начора, Константин Николаевич! Мен розиман...

— Жуда соз! Икки ҳафтадан кейин жўнашга ҳозирланавер.

Смеляков трубкини қўйди. Афтидан, у қувониши керак эди. Олдинда қизиқарли учрашувлар, янги нотаниш шаҳар турарди-да. У ҳақда кўп ўқиганди. Лондон! Пикадилли — серкус, Оксфорд — стрит, Нельсон ҳайкали... Гайд — парк... Буларни ўз кўзи билан кўришига имкон бўлади. Пировардида, иккала хат ҳам Англиядан келган — бу эътирофнинг, халқаро миқёсда танилганининг далили-ку. Бироқ, Смеляковга бу хушxabарлардан завқ олишга нимадир ҳалал берарди. Бу ўзидан қаноатланмаслик ё ич-ичини кемираётган маънавий нотинчликка ўхшаган бир нарсa эди.

У кўнглидаги ана шу ғулгулага барҳам бериш учун хотинига қўнғироқ қилди.

— Чамаси, бир неча кундан кейин Лондонга учсам керак.

— Жуда зўр-ку! Табриклайман! Бунга хурсанд эмасдай кўринаяпсанми?

— Йўқ, нимага энди...

— Сен учун хурсандман. Менга французча лаб бўёғи олиб келишни унутмассан, дейман?

«Менимча, бундан ўзинг учун хурсанд бўлсанг керак»,— Смеляков шуни кўнглидан кечирди-да, хотини билан хайрлашмай трубкини қўйди.

Бу суҳбатдан кейин хуноби яна ошгандай бўлди.

ШУБҲА

Кейинги кунларда Лидия Павловнанинг росаям бўлари бўлди-да. Рублевнинг кабинетигаги суҳбатдан кейин Рудник уни сира ҳам севмаганлигини очиқ-равшан тушунди қўйди. Мабодо у Рудникка керак бўлганида ҳам мутлақо дўст ёки аёл сифатида зарур бўлмаганини аниқлашди. Рудник уни танишганларидан бери гап ташувчи сифатида фойдаланган экан-да. Лидия Павловна ўша институтнинг лабораториясида ишламаса борми, Рудник унга сира ҳам яқин келмасди чамаси. Буларнинг бари Лидия Павловнанинг нафсониятига жуда ҳам текканди. «Ё худойим,— дерди у,— жудаям аҳмоқ эканман-а! Дарҳол сезмаганимни қаранг-а!» Шунда у Рудник гаплашаётганларида ҳадеб гапни Смеляковга бураверганида кўнглида шубҳага ўхшаган нарса пайдо бўлганлигини эслади.

Лидия Павловна ҳозир Рудник билан муносабатлари тарихини кўз ўнгидан ўтказаркан, ўзининг кўр эканидан тобора кўпроқ таажжубга тушарди. Бу нусха уни қандай қилиб лақиллатди? Ўзи ўн ўтти ёшли қизмас-ку, ахир! Худога шукрки, бошидан озми-кўпми нарса ўтган! Тўғри, Рудник сезгир, меҳрибон. Лидия Павловнага эса бунақа нарсалар ёқади. Балки бунга ёшлигида совға-саломлару эркалашларга зор бўлгани сабаблидир. Отаси урушда ҳалок бўлган, онаси эса Лидия эсини танибдики, бошигача ишга кўмилганди. У кундузи фабрикада ишлар, кеч-қурун плита ёнида куйманар, тикув машинасида у-бу тикиб, топганини тирикчиликка яратарди. Қўлида эса иккита қизчаси қолган, Лида каттаси бўлиб, қари онаси ҳам бирга эди.

Ўша кунлари Лидия Павловнанинг кунлари гўё тушдагидай ўтарди ҳисоби. У одатдагидай соат еттида турар, кофе қайнатиб ичар, сўнгра яхшилаб кийиниб, ишига кетарди. Шунда биров унинг кўнглида бўлаётган тугёнларни билмасди ҳам. Сиртдан у хотиржам кўрнар, унга синчиклаб қараган одамгина ранги сал ўчганлигини осонгина пайқаб ола оларди. Ҳа, дарвоқе, паришонроқ ҳам бўлиб қолганди. Унинг бўлимидаги қизлар: «Қаранглар, Лидиямиз ўзиники

билан уришиб қолганга ўхшайди»,— деб шивир-шивир қилишарди.

Рудник кейинги вақтларда унинг ишига тез-тез қўнғироқ қилар, Лидиянинг баъзи бир дугоналари уни ё билишар, ё борлигини сезишарди. Гарчи уни биров кўрмаган бўлса ҳам, ҳарҳолда, Рудник борлигидан хабардор эдилар. Қизлар трубкани олиб: «Лидия Павловна, танишингиз қўнғироқ қиляпти»,— дейишарди. Лидия Павловна хизматдошлари билан тўқнаш келаркан: «Ҳозирча улар ҳеч нимани билишмайди. Бироқ тез орада ҳаммаси аён бўлади. Шивир-шивирлар, менга имо қилишлар бошланади». Анавининг танишган одами жосус чиқиб қолди», дейишади, деган гаплар кўнглидан ўтарди. Қандай даҳшат! Йўқ, бунга у чидаёлмайди! Танишларини кўришга юзи чидамайди. Бунинг устига эса оғир оёқли! Ҳа, нимадир қилиш керак! Бироқ нима?

Шунда унинг хаёли яна Рудникка қайтди. Лидия Павловнанинг фожиасида ўша, фақат ўша айбдор. Умрини поймол қилди-я!

Лидия Павловна унга дуч келолмас эди. Бунинг устига ўзини билдириб қўйишдан чўчирди. Чунки Рублевга ўзини тутишга ваъда берганди-да. Рудник унинг таъби хиралигини сезгудай бўлса борми, яна ёлғон-яшиқ гапириб, ялтоқилик қилишга ёки совғасалом билан кўнглини олишга тушади. Ёки дўқ-пўписи билан таъби хиралигининг сабабини аниқламоқчи бўлади. Афтидан, у бир нимани сезганга ўхшайди. Беш кундан бери қўнғироқ қилмайди. Илгари эса қўнғироқ қилмаган кун йўқ эди. Кейин эса қўнғироқ қилиб, командировкага кетаётганини айтди. Ўртадаги гап қисқа бўлди. Лидия Павловна Рудник ўзини мулоим кўрсатишга уринаётганини сезиб турарди. Бироқ Лидия Павловна унинг овозини эшитди дегунча қалтирайверарди. У секингина аёллар хонасига ўтарди-да, битта таблетка элениум ичиб, сал тинчиган бўларди.

Лидия Павловна ўша қўнғироқдан кейин икки кун ўтгач, Рудникни институт ёнида кўрганида жуда таажжубда қолди. Рудник уни дарвоза олдида кутарди. Рудник гарчи илжайса ҳам кўнгли безовта эканлиги Лидия Павловнанинг назаридан қочиб қутилмади.

— Кечир,— у Лидия Павловнанинг кўзларига син-

чиклаб тикилганича гап бошлади,— мендан нега хафа бўлдинг?

— Сенга шундай кўрингандир...— У хотиржам бўлишга уринса ҳам буни эплотмаётганини сезиб турарди. Юзи эса ёнарди.

— Телефонда нега мен билан қуруққина гаплашдинг... Нима бўлди?

— Ҳеч нима. Сенга шунақа туюлгандир.

— Лида, бунақа гапирма. Наҳотки, мен хафа қилган бўлсам...

Шунда Лидия Павловнанинг вужудини ғазаб қоплади. «Хафа қилган бўлсам эмиш! Яна сўрайди-я!»

Лидия Павловна индамади, фақат қадамини тезлатди.

— Бизникига борайлик. Гаплашиб олишимиз керак.

— Вақтим йўқ. Ишим бор...

— Қанақа ишинг бўлиши мумкин? Бизнинг муносабатларимиздан ҳам зарурроқ бошқа нарса борми?

Рудник тротуардан пастга тушиб, қўлини кўтарди. Бир сониядан кейин тормози ғийқиллаб, такси тўхтади. Рудник унинг эшигини очиб, Лидия Павловнани машинага босди ҳисоби.

«У билан гаплашиб олиш керак,— Лидия Павловна билан телефонда гаплашганида у ёқтирмайроқ муомала қилаётганини кўрган Рудник ўзича шундай қарорга келганди.— Нимага мендан хафа бўлди? Балки уч-тўрт кундан бери қўнғироқ қилмаганимгача-микин?» Шундай бўлса ҳам Рудник гап фақат шунда эмаслигини сезарди. Бир хавф борлиги кўнглига келиб турарди. Рудник, учрашсак, бу сал аёнлашар, деган қарорга келди. Ҳа, у Лидия Павловнани душман сифатида кўришни истамасди. Бироқ душманини қаерда бўлса ҳам қўймас, бу унинг принципи эди.

Машинада индамай кетишди. Лидия Павловна Рудник томонга қарамасликка уринарди. Ютоқиб чекар, тутунни сал очиқ ойнага пуркарди. Рудник эса юпқа лабларини тишлагани тишлаганди.

Рудникнинг квартирасига кирганларида мезбон дарҳол ошхонага ўтиб, холодильникни очди-да, ичадиган бирор нарса бормикин, деб олазarak бўла бошлади. Унда бир шиша ҳам ичкилик йўқ эди. Ошхона шкафининг пастки тортмаси ҳам бўмбўш эди. Рудник

бундан икки кун аввал бир таниши уйига киргани ва икковлари бор ичкиликни гумдон қилишганини эслади.

— Мен ҳозир, бир минутга,— деди Рудник,— ғиз этиб магазинга бориб келаман...

«Нега бу ерга келдим? Бунда нима қиламан? У билан нимани ҳам гаплашаман? Уни кўришга тобтоқатим йўқ».

Лидия Павловна ўрнидан турди-да, ўзини босиб олгани хонада уёқдан-буёққа юра бошлади. Хона тартибсиз ҳолда эди. Стулларда буюмлар ётар, китобларни чанг босиб кетган, тахта каравотдаги чойшаб-пойшаблар йиғиштирилмаганди. Ошхонадаги чиганоқда бир олам идиш-товоқлар қалашиб ётарди, мана энди эса ўйлаганлари сароб бўлиб чиққанди. Шунда кўзи яқиндагина ўзи Рудникка совға қилган кофе сервизига тушиб қолди. У ана шу сервизни роса қидиргани, олишда иккилангани, бунга пул йиққанини эслади. Шунда хўрлиги келди. «Ё, худойим! Жуда телба бўлган эканман-а! Ахир у жосус-ку! Жосус!»— дерди у Павелдан қўрққани учун.

Рудник қайтиб келди. У журнал столчасига биттадан коньяк ва «Ркацителни» шишаларини қўйди.

— Бугун кайф қилгим келаяпти,— деди у.

Рудник газак тайёрлади. Помидордан аччиқ-чучук қилди, колбаса, яхна гўшт тўғради, олма қўйди.

— Иссиқ овқат йўқ,— деди Рудник икки рюмкадан ичганларидан кейин масхараомуз ҳолда,— шунинг учун узр. Бека иш ташлаган.

— Бунга унинг сабаби бордир-да.— Лидия Павловна ўлганининг кунидан тишининг оқини кўрсатди. Коньяк ҳозирда унинг баданини қиздириб, бўшаштираётган ва ҳар жиҳатдан тинчитаётган эди.

— Эҳтимол,— Рудник унинг гапига қўшилди.— Шунинг учун бу стол музокаралар давраси бўлишини истайман. Бекага нима бўлибди ўзи?

«Унга нима десамикин?— Лидия Павловна ичида зўр бериб ўйларди.— Ҳаммасидан хабарим бор, дейми. Йўқ, сира ҳам бунақа демайман!»

— Беканинг кўзи очилган.

— Кўзи очилган? Ё уни битта-яримта очиб қўйди-ми?— Рудник қўлида рюмкани ўйнаса ҳам Лидия Павловнага қаттиқ тикиларди.

— Мени сўроқ қилишга чақирувдингми?

— Нега энди бунақа дейсан? Дўстона суҳбатга чақирганман. Нима, биз дўст бўлмай қолганмизми?— Рудник кулимсиради-да, рюмкаларни яна тўлатди. Лидия Павловна илдамасди. Рудник рюмкани кўтарган ҳолда хитоб қилди:— Дўстлигимиз учун...

«У ниманидир билади,— Лидия Павловна шундай қарорга келди.— Куни битганини сезаяпти. Ҳа, куни битган. Жуда соз. Баттар бўлсин»,— Лидия Павловна шуларни ўчакишган ҳолда ўйласа ҳам барибир кўнгилида Павел барча гумонлариму ваҳималаримни кўтариб ташлайди, деб умид қиларди.

— Сен ичимдагини топ бўлиб қолдинг,— Рудник чўчка гўштини чайнаркан, гапида давом этди.— Мендан яширадиган сиринг борми?

— Нега бўлмас экан?— Лидия Павловна тутоқиб кетди.— Нимага сирим бўлмас экан? Ўзингнинг ҳам сиринг борми?

— Сен нимага шама қилаялсан?— деди Рудник гижиниб.

— Нималигини ўзинг биласан!..

Рудник оғзидаги жазни чайнашдан тўхтади. Кўзлари ҳам қисилиб кетганди.

— Мен-ку биламан-а. Сен эса қаёқдан биласан? А?— Рудник салкам шивирлаган ҳолда сўраганди, ёноқларидаги гуддалари ҳам ўйлаб кетди.

Лидия Павловна шундагина бемаъни иш қилганини пайқаб қолди. Чунки Рудникка барибир, унинг қўлидан ҳар нарса кела оларди-да. «Менинг нима кетади?— деди Лидия Павловна ичида. У коньяк ичганидан дадил тортганди.— Ундан қўрқадиган жойим йўқ, чунки ўлимдан қўрқмайман. Хоҳлаган ишини қилаверсин. Туфураман унга!»

— Сўроқ қилмоқчимсан?

— Ҳа. Ўзингга нима бўлганини менга айтиб берасан.

— Умид ҳам қилма.

— Илдамайсанми?

— Ҳа.

Рудник бир лаҳза нима қилишни ўйлаб олди. Сўнгра юмшагандай бўлди.

— Лида,— унинг овози мулойим, деярли эркалаётгандай чиқди,— сен айтиб беришинг керак. Ҳеч бўлмаганда ўртамиздаги яхши нарсалар ҳаққи айтишинг зарур. Сени севаман-ку.

— Елғон! Мени ҳеч қачон севмагансан. Мендан кўра кўпроқ ишимга қизиққансан.

— Иймалар деясан!— Рудник чинакамига ажабланди.

— Нима дейётганимни биламан. Сенга мен эмас Смеляков керак эди.

Смеляковнинг номи айтилганда Рудник чўчиб тушиб, Лидия Павловнага вазмин қараб қолди. Бундан бир сония муқаддам Рудник адашаётган бўлсам керак, Лидия бошқа сабаблар туфайли менга нисбатан ўзгариб қолган, деган ҳаёлда эди. Энди эса бари равшан тортди. Умид-пумид қолмади. Қўлга тушди. Лидия Павловнанинг сўнгги сўзлари бамисоли ҳукмдай янграганди.

Бу аёл менга қўйиб қўйилган экан, деган ўй ҳам ҳаёлидан лин этиб ўтди. «Ҳа-ҳа,— Рудник ичида ўзини ишонтирарди,— у чекист. Мени кузатган. Наҳотки бу ҳақиқат бўлса? Лекин жуда ҳам усталик қилиб юрган экан!»

— Хўш,— Рудник ўридан қўзгаларкан, ўшқирди,— вайсанин тўхтат. Буларнинг барини қайдан биласан?

— Айтмайман!— Лидия Павловна унинг кўзига тик қаради.

— Айтмағунингча бу ердан кетмайсан.

— Мени қўйвор!— деди Лидия Павловна қаҳр билан шивирлаб.

— Йўқ, кетмайсан.

— Қўл теккизиб кўр-чи.

Лидия Павловна туриб, сумкачасини олди-да, эшикка йўналди. Рудник унинг йўлини тўсди, қўлидан ушлаб, хонанинг ичкарисига қараб итарди.

Лидия Павловна йиқилаётиб, бошини столчага ёмон уриб олди. Кўзларидан олов чиқиб кетгандай бўлди. У Рудникнинг юзи қизарган ҳолда ҳапсираганича олдида турганини кўрди.

— Сени гапиршига мажбур қиламан,— деди у шивирлаб.

Лидия Павловна унинг бармоқларидаги бўғинларни жуда оқариб кетганини пайқайди.

Лидия йиқилаётганида панжаси қирилганидан полда бармоқларини лабига босганича ўтирарди.

Павел тиз чўкди.

— Лидия кечир! Улай агар, сени севаман, гапимга

нишон... Ҳеч нима, ҳеч нима керак эмас, фақат... мен билан бўлсанг бас.

Рудник лаблари билан унинг лабларини қидирганидан Лидия Павловна ҳансираётгани ва оғзидан ичкилик ҳиди келаётганини сезарди.

Лидия Павловна туриб, сумкачасини олди.

— Кетма! Ялинаман!

Лидия эса уни туртиб юборди.

У ташқарига чиқиб, зинадан туша бошлади. Рудник билан шу пайтда ишдан келган қўшнисини ўзининг кетидан қараб туришганини Лидия сезарди. «Қўчага чиқиб олсам бўлгани. У ерда мени ҳеч нима қилолмайди». Лидия Павловна кетаркан, зинапояларни санарди. Бир, икки, уч... ўн... Яна бир айланиш қолди. Кейин эшик келади. Қўчага оқшом чўккан, машиналар шовқини, одамларнинг қувноқ овозлари эшитилади.

Лидия Павловна таксида кетаётганидаёқ эти увиша бошлади. Уйида жойига чўзилиб, устига иккита адёс ёнди. Бироқ эти увишаверди. Хаёлига минг хил нарсалар келарди. Негадир уруш вақтида турган қишлоғи эсига тушди. Дарёнинг тик қирғоғи ва нариги бетдаги серсув майсазор. У ерда қизғиш деган қушлар безовта чуғурлашар ва қўзқулоқлар қалин ўсганди. Шундан кейин Сочи яқинидаги дугонаси билан бирга дам олишган Лоо деган кичкинагина қасаба кўз олдига келди. Симобдек ялтираётган денгизнинг текис сатхи, қайиқларнинг бемалол чайқалиши, эшакларнинг шиниллаши, танца тушиладиган айвондаги радиоланинг ҳирқираши, кечки чирилдоқларнинг овозлари... Буларнинг бари Лидия ҳаётидаги энг беташвиш ва бахтли дамлар эди.

Бир оздан кейин Лидия Павловнанинг эти увишиши қолиб, иссиғи кўтарилди. Кўз олдига ҳафтраиғ доиралар сузар, ўзи қандайдир ўрга тушиб кетиб, яна қалқиб чиқар, ухласга ҳаракат қилиб, каравотида безовта бўларди. «Ухласам, фақат ухласам бас, кучли чироқ ёки электроплитани ўчиргандай ҳушимни ҳам ўчирсам». У пардоз столининг тортмасида бир пачка нембутал дориси борлигини эслади. «Ҳа-ҳа, чора мана шу,— суюниб кетди у. Зўрға ўрнидан туриб, стол тортмасини пайпаслади...— Соз, қандай соз! Ҳеч нимани ўйлашга ҳожат қолмайди...»

Лидия Павловна зина айланмасида гойиб бўлиши биланоқ Рудник эшикни ёпди-да, лабини тишлаганича унга орқаси билан суяниб қолди. Нима қилсин? Лиданинг кетидан югуриб, қувиб етиб, қайтишга кўндирсинми? Бунинг фойдаси йўқ. Бу ерда, квартирада қолиш ҳам беҳагар эмасди.

Лида ҳозир қайга кетганини? Чаққаними? Балки шундайдир. Телба хотин! Унга нима бўлди ўзи? Бунга қасқдап билди? Ўзининг фаҳми етган бўлса майли-ку-я, мабодо... Унда шўри қуриди! Рудник яғринида совуқ тер томчилари сирғилаётганини сезиб турарди. Тамом!.. Қандай даҳшатли сўз! Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ўзини осонгина қўлга олишларига йўл қўймайди.

Рудник ўзини тортма галладонлари кўп столга урди. Қўллари қалтираганича шимининг чўнтагидан калитни олиб, кичкина тортмани очиб, бир даста пул, ўзининг паспорти, Хмизов Николай Петрович деган кишининг номига ёзилган қалбаки паспортни чангаллаганича пиджагининг чўнтакларига тиқиштирди, плашини устига ташлади. Сўнгра даҳлиздаги столча тортмасидан пистолетни олди. У қўшинисининг қўнғирогини эшитганида эшикни очиндан аввал тўппончасини ўша жойга яшириб қўйганди. Тўппончасини плашининг чўнтагига урди. Ҳаммаси битди, шекилли. Рудник, квартирада сиримли очадиған бирор далил қолмаганини, деб зўр бериб ўйлаганича даҳлизда бир дам туриб қолди. Чамаси йўққа ўхшайди. Шундан кейин эшикни овоз чиқармай очди-да, қаватдаги майдончага лип этиб ўтди.

Ана шу даққага шунча йил тайёргарлик кўрди-я! Рудник эртаки-кечми ана шу дақиқа келишига ишонарди. Шунинг учун ҳам ўзи учун чеккишнинг бир печа йўллариини ўйлаб қўйганди. «Хўжайинлари» эса қалбаки ҳужжатлар гамини ейишганди. Ҳаммаси кўзда тутилганди. Шундай бўлса ҳам Рудник ҳозирда уй подъездидан чиқаркан, кўйлаги яғринига ёнишиб қолаётганини, юраги эса дукуллаб ураётганини сезарди.

Шаҳар узра енгил, тиниқ оқшом нардаси тушганди. Кўчада одамлар оқими қайнар, шовқин қилар ва тинимсиз равишда ўзгариб турарди. «Восток» ресто-

рани олдидаги оломон эшникбон билан гижиллашарди. Грампластинкалар магазинининг очик эшикларидан кўчага хилма-хил нагмалар эшитиларди. «Аэрофлот»нинг хилма-хил рангдаги титроқ неонли рекламси вақтин тежани ва фақат самолётларда парвоз қилишга чорларди.

Рудник одимлаб бораркан, аҳён-аҳёнда тўхтар ва зимдан теварак-атрофга қараб қўяр, нега деганда, изимга одам тушмаганмикин, деган ҳаёдан сира ҳам қутулолмасди. Метрога етганида телефон-автомат топиб, ундан қўнгироқ қилди.

— Йолалар сотилиб бўлди,— деди у трубкага. Рудник хотиржам гапиришга уринди. Бироқ қўнгироқ қилган одам ҳозирда ҳаяжонда эканлигини сезарди чоғи. Рудник жуда ҳам ҳаяжонланарди. Телефон симининг нариги томонидагилар Рудник бамайлихотир бўлишини кутишмасди ҳам. Улар Рудник ҳозир қопқондалигини ва уни қутқариш кераклигини тушунишарди.

— Навбатдагилари эртага тўққизда келади,— деган жавобни олди телефондан. Бу эса у эртага соат тўққизда Химки шаҳри атроф станциясида бўлиши керак, дегани эди. Химкида Рудникнинг ёнига кимдир келиб, нима қилиши кераклигини айтади.

Ҳозир эса нима қилсин?

Уни ҳаммасидан ҳам Лида ташвишга соларди. У нима қилди ўзи? Ҳозир қасердайкин? Мабодо уйда бўлса гўрга-я, унда Рудникнинг ҳали вақти бор. Бироқ бу гапларни у қайдан билади? Рудникка мана шу нарсa бамисоли зирапчадай азоб берарди. Мана шу саволга у жавоб толмагунича тинчиёлмайди.

Метро ёнида у такси ушлади.

— Тўғрига,— деди у шофёрга.

Рудник Лиданинг бир хоналик квартирасини, лиқилдоқ столчали торгина ошхонасини, «Темп-6 м» деган телевизор ва Пушкин давридаги кўча фонари шаклидаги стол чирогини кўз олдига келтирди. У ана шу квартирада анчагина маншат қилганди. Рудник сира ҳам ўзини мустаҳкам, бақувват ва қимир этмайдиган ҳолда сезмаганди. Эсини танибдики, ҳамма нарсаси омонат эди. Пши ҳам, одамларга муносабатни ҳам, нарсалари ҳам, Лидия Павловнага муҳаббати ҳам омонат эди. Махфий машғулоти ҳам бамисоли лаънат тамгасидай боши узра хавф солиб

турарди. Ҳар дақиқада қўлга тушаман, деб турганидан кейин ўзини қандай қилиб бақувват сезсин. У ҳозирда ҳатто пул ҳам одамни бақувват қилолмаслигини жуда яхши сезарди. Аксинча, пули кўпайгани сари мазаси қочиб борарди. Пул иккиёқлама тирикчилик қилаётганига тилсиз гувоҳ янглиғ албатта қўлга тушажагидан далолат бериб турарди.

Такси нимқоронғи подъезд олдиди тўхтади. Рудник таксининг ҳақини тўлади-да, тезда подъездга кирди. Лидия Павловнанинг квартираси калити ёнида. «Ишқилиб, ичкаридан занжирини олиб қўймаган бўлсин-да»,— дерди у ичиди. Квартиранинг эшиги қўлфланмаган экан, Рудник даҳлизга кирди. Ҳаммаёқ қоронғи ва сокин эди. Фақатгина ошхонадан ёнгиллаётган радионинг овози келарди. Рудник Лида уйда йўқ экан, деган ҳаёлга борди, бироқ хонага кириб, атрофга кўз ташларкан, у каравотда ётганини кўрди. Рудник уни чақирди, бироқ у жавоб қилмади. Ҳатто қимирламади ҳам.

Рудник чироқни ёқди, Лида эса боягидай қимирламай ётар ва нима учундир кийимини ечмаганди, устида Рудник совға қилган кулранг-мовий костюми бор эди. Унинг битта қўли гиламчага тегай-тегай деб осилиб ётар, бошқаси эса бошининг тагида эди. Оғзи сал очиқ, қошлари аянчли чимрилганди.

Унга нима бўлдийкин! Рудник каравотга яқинлашди-да, Лиданинг елкасидан ушлаб силкитди. Бироқ у илгаригидай ухларди. Рудник қаттиқроқ силкитса ҳам у кўзини очмади. Рудник қулогини унинг кўксига тутиб кўрди. Лида нафас оларди. Унга нима қилганикин ўзи?

Рудник шунда нардоз столчасида нембутал ўраладиган қоғозни кўриб қолди. Уйқу дори. Ҳамма гап шунда экан-да! У уйқу дори ичган. Нимага? Нима мажбур қилган? Ҳозирча у тирик. Бироқ бир-икки соат ўтганидан кейин тирик қолмайди. Ўлади. Рудникнинг юраги уриб кетди. Нима қилиш керак? Уйғотсинми? Сут ёки қайт қилдирадиган нарса берсинми? Унинг ўлишига йўл қўйиб бўлмайди-ку. Рудник нима қиларини билмай Лиданинг қонсиз юзига тикиларди...

Ўлишига нимага йўл қўйиб бўлмас экан? Рудникда шунда гувоҳ-пувоҳ қолмайди-да. Ҳаммаси дуруст бўлади. Рудник ундан қўрқиб-нетиб ўтирмайди.

Раҳм-пахм деган нарсa қуриб кетсин! Нимага унга раҳми келиши керак? Бирга ётгани учунми? Қуриб кетсин! Жин урсин! Ачиниш-пачиниш йўқ. Уйқу дори ичган бўлса ажаб қилибди. Бўлганича бўлаверсин!

Рудник эшикка тисарилди. Бир неча сониядан кейин қаватдаги майдончага чиқди. У зиналар оша ҳатлаганича қочарди. Бу ердан тезроқ кетиш керак! Тезроқ!

У подъезддан ўқдай отилиб чиқди. Уйнинг рўбарўсидаги хиёбончада ўриндиққа чўкиб, пешона терини артди. У ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди. «Тинчлан,— дерди ўзига ўзи,— тинчлан. Ҳаммасини яхшилаб тагига етиш керак. Нимага у уйқу дори ичди, нимага?» Одати бўйича уёқ-буёғига аланглади. Шунда тўсатдан қўшини уйнинг кўланкасида машинани кўриб қолди. Унда кимдир ўтирарди. Машинада икки ёки уч киши бор эди. Уларнинг қоралари машинанинг салгини туширилган ойнасидан аранг кўзга ташланарди. Ўшалар! Рудник бунга шак-шубҳа қилмасди. Уни кузатишаяпти! Тамом!

Рудник секин турди, сигарета олди-да, машинага тескари қараганича тутатиб, хиёбондан кета бошладди. У ҳозирда нима қиларини билмасди. Қочсинми? Фойдаси йўқ! Энди изига тушганлардан ниманки қилиб бўлса ҳам қутулиб кетиш, уларга чап бериш лозим эди.

У чамаси икки юз метр юрганидан кейин орқа томондан мотор гуриллаганини эшитди. Кулранг «Волга» уни қувиб келмоқда эди. Рудник югургилаганича кўчани кесиб ўтди-да, муюлишдаги ҳовлига кириб қолди. Кейин нима қилаётганини ўзи ҳам яхши англолмади. Қандайдир деворлардан сакраб ўтиб, қоронғи кўчалардан югурди, то трамвай йўлига чиққунича қандайдир деворлар бўйлаб кетди.

У ниҳоят трамвайга ўтирди, кейин метрога уриб кетиб, Ленинград вокзалидан чиқди.

«Хайрият, қутулиб кетганга ўхшайман,— деди у ичида метро поездида чайқалиб кетаркан.— Эртага Кушниц келади, кейин эса... Хизматим ҳам тугади. Таваккалчилик ётар. Дам олиш керак. Мени чегаранинг нарёғига ўтказиб юборишсин. Бунга муносибман-ку, ахир».

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ

Смеляков Лондонни ўзинча негадир қизил ғиштин, пастак, ис босган, энсизгина найзасимон деразали уйлардан, дам у ер — дам бу ерда қўққайиб турувчи мўрконлардан, қизил ғишдан қурилган ва ис босган заводлар йиғиндисидан иборат, деб тасаввур қиларди. Чиндан ҳам Смеляков Лондонни қуюқ сарғиш тумансиз ва дубулғаларини энсиз тасмаси даҳанларига тушиб турган, кенг, ҳилпираган ёпинчоқ кийган полисменларсиз ҳам кўз олдига келтиролмасди. Қисқаси, Смеляков инглизлар пойтахти борасидаги тасаввурни Диккенс ва Голсуорсининг романларидан олганди.

Шунинг учун ҳам Смеляков Лондонга келган биринчи кунёқ меҳмонхонадан кенг ва ғала-ғовурли, витриналари ярқираб турган Оксфорд-стритга чиқаркан, Британия пойтахти тасаввуридаги шаҳарга унча ўхшамаслигини фаҳмлади. Унинг кўзига дастлаб ташланган нарса — кўкатлар ва гулларнинг се-роблиги эди. Уйлар олдидаги майдончалардаги гуллар, иодъездлар рўбарўсидаги цементдан ишланган чиганоқлар ва катта туваклардаги гуллар, деразалардаги гуллар, хиёбонлардаги гуллар бунга мисол эди.

Лондоннинг икки-уч қаватли иморатларида истиқомат қилиб, шахсий «ягуар» ва «бентли» деган чиройли машиналарида келиб туришадиган бадавлат одамлари макон тутган жойи чиндан ҳам дов-дарахтлар ва гулларга бурканган эди.

Смеляков қизил, ис босган, бир-бирига тиқилиб турган уйларни Истэндда, кунлари берироқ ўтадиган одамлар яшайдиган жойда кўрганди. Ўша одамларнинг аксарияти ишчилар ва майда дўконларнинг сотувчилари эдилар.

Смеляков кечқурун Лондонни айланишга чиққанида болалигидан бери ўзига китоблардан таниш бўлган кўчалар ва майдонларни кўраман, деб юраги энтикарди. Орадан кўп ўтмай Пикадилли-серкусга бориб қолди. Бу майдондан эса ҳафсаласи пир бўлди. Унинг чароғон жимирловчи рекламалари ҳам, архитектурасининг диққатга сазовор жойлари ҳам Смел-

яковни ҳайратга солмади. Бу ердаги энг ажойиб нарсa Миллий банкнинг арки тагида ориқ, соч-соқоллари ўсган хиппи-олифта йигитларнинг жаъм бўлгани эди. Уларнинг баъзилари куз келганига ва асфальтдаги ёмғир совуқ ялтираётганига қарамай яланг оёқларини навбатма-навбат билан ерга қўйишарди. Улардан биттаси Русиядаги гадойлар ёки мусофирлардай елкасига халта осиб олгани учун ҳам Смеляковнинг кўзига ташланиб турарди. Елкасида дагал матодан қилинган оддий қоп бўлиб, икки чеккаси ва учидан арқон ва тасмалар билан бўғиб қўйилганди. Йигитнинг ўзи ҳам мусофирга ўхшаб кетар, юзи қонсиз, ёноқлари чўккан, сарғиш сочлари таралмаган, устки лаби ва даҳанида сийрак соқоли кўришарди. Ўзуи қора пальтосининг белидан каноп арқон бойлаб олганди. Унинг рус гадойларига батамом ўхшашини учун чориқ билан пайтава етишмай турарди, холос.

Йигит шошилмай одимлар, чамаси жуда олисдан келарди. У шошилмас, ҳеч қаёққа ошиқмас, банк деворига суйкалишаётган ёки стендлар ёнида беҳаё журпалларини варақлаётган бошқа хиппилар ҳам ҳеч қаёққа шошилишмасди. Шунинг учун ҳам Смеляковни хиппиларнинг ўрта асрларга хос турқи-таровати ёки боринги, гамгин кўринишлари эмас, балки замонга, ўзларини қуршаган воқеликка бепарволиклари ҳайратга солди. Улар шунчаки вақтларини ўтказишарди. Истаклари ҳам, хоҳишлари ҳам йўқ эди. Смеляков ҳар бир сонияни тежашга, ҳароратли ва жадал яшашга ўрганиб қолганидан ҳозирда бу хиппилар кўзига ғалати кўришарди.

Смеляков ҳозирги замоннинг бу исёнчилари қанақаликларини тушунишга уринганидан банк олдида анча туриб қолди. Бу хиппилар ўтган асрнинг исёнкорларига сира ҳам ўхшашмасди!

Машиналар гиз-гиз ўтарди. Фильмлардан ва суратлардан яхши таниш бўлган қизил тусдаги қўшқаватли автобуслар ҳам сирғилишарди. Пиёдалар шошилишгани шошилишган. Шунинг учун ҳам сочлари пахмайган, ялангоёқ исёнчиларга биров парво ҳам қилмасди. Смеляков, афтидан, буларга қизиқсиниш билан тикилган ягона одам эди.

Смеляков, лоқайдлик, маҳдудлик инглизларга хос бўлган нарсa, деган хаёлга борди. Улар яқинроғида-

ги одам ўзига жуда тегишли бўлмаса, у бирор ғайритабиий иш қилганида ҳам эътибор беришмасди. Смеляков бир купи ёшгина йигит билан қиз гавжум муюлишда, одамлар оқимининг ўртасида туришганини кўрганди. Икковлари зўр бериб ўпишишарди. Ҳамма уларни беихтиёр туртиб ўтар, чунки йигит билан қиз одамларга очиқдан-очиқ халақит беришарди. Бироқ бирорта ҳам одам улар томонга қайрилиб қарамасди. «Чидамлилиқ ёки лоқайдлик,— ўзича ўйлади Смеляков.— Маданиятнинг юксак даражаси туфайли вужудга келган назокатми ёки бегонасирашми? Зерикарли жамиятнинг кунингги кўраверу бошқаларни тирсагинг билан туртма, деган насиҳатми бу?»

Смеляков сайрдан қайтганидан кейин анчагача ухлаёлмади. Кейинги кунлари эса иши жуда тикилиб кетганидан бундай мулоҳаза юритишларга вақти ҳам қолмади. Программа ниҳоятда тинч тузилганидан бир дақиқа ҳам бўш вақти йўқ эди. Кечаси соат бирда ўзини олиб келган машинадан тушардию меҳмонхонанинг қизил гилам тўшалган зинасидан аранг кўтарилиб, ечинарди-да, ўрнига ўзини «гуп» этиб ташлаганича ухлаб қоларди.

Биринчи нонуштадан кейин Смеляковни олиб кетгани машина келарди. Жуда мулойим, қипқизил юзли, сочи оқарган жентельмен қора шляпасини салгина кўтариб, мулойим жилмайганича Смеляковнинг қўлини қисаркан: «Морнинг, сэр»,— дерди. Қипқизил юзли жанобнинг исми мистер Смит эди. У ўзини илмий жамиятнинг аъзоси ва металлург олимлар симпозиумининг ташаббускорларидан бири сифатида таништирганди.

Соат тўққизда навбатдаги докладни тинглаш бошланарди. Ун бирда ярим соатлик танаффус эълон қилинар, бунда меҳмонлар пирог ва чой билан сийланарди. Соат бирда яқинроқдаги ресторанда, гоҳида эса хўжайинлардан бирортасининг хонадонида ўтириш бўларди. Ушанда гурунглашишар ва баҳслашишар, ҳазил-ҳузил қилишар ва ғаройиб тахминларни олдинга суришарди. Смеляков олдинига ўзининг инглизча гапиришидан тортинди, ноқулай, кулгили бирикмаларни айтиб юборишдан чўчиди. Бироқ те-варағидагилар унинг гапларига қизиқиш билан қулоқ солишганини кўриб бир кундан кейин тортинмай ҳам қўйди.

Симпозиумда ўн еттидан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашаётганлиги, иштирокчилар орасида турли ёшга мансуб, ўттиздан етмиш ёшгача бўлган одамлар борлиги ва улар хилма-хил қиёфада бўлганларига қарамай, Смеляков ўзини бу одамларда илмга эҳтирос барча нарсадан устун бўлганини, ҳатто фидойиларча қизиқиш уларни бирлаштириб турганини сезарди. Гарчи у ижтимоий тузуми бу симпозиумдаги кўпчилик кишиларга тушунарсиз ва бегона мамлакатнинг вакили бўлишига қарамай, чамаси ана шу қизиқиш туфайли бошқа олимлар билан тезда тил топишиб кетди.

Смеляков, жумладан, америкалик кимёгар олим, ярғоқбош, кўримсиз, сочлари тўкила бошлаган, гирди шоҳдан ясалган катта кўзойнак таққан Ричард Крейс билан танишди.

Профессор Крейс бир кун Смеляковни кичкинагина ўтириш — «парти»га таклиф қилди. Крейс «парти» сўзини қандайдир ўзгача, гирт америкачасига ўхшатиб айтар, бунда «р» билан «т» товушлари гўё бирикиб кетиб, янги, талаффузи қийин сўз ҳосил қиларди. Смеляковнинг америкалик олимга гарчи ҳуши йўқроқ бўлиб, бу оқшом анча-мунча жойга таклиф этилганига қарамай, ҳар қалай: «У ерда америкаликнинг анчагини ватандошлари бўлар», деб боришга кўнди.

Крейс ўша меҳмонхонадаги, бироқ икки қават пастдаги каттагина уч хонали номерда турарди. Смеляков айтилган вақтда тим кўк рангдаги костюмини кийиб, йўл-йўл галстугини тақиб Крейс хонасининг остонасига қадам қўйди.

Катта хонада ўн чоқли одам уймалашарди. Смеляков уларга таништирилди. Шунда уларнинг ҳаммалари Смеляковнинг исми-шарифини эшитишди ёки ўзларини эшитганга солиб, илжайганларича унинг қўлини самимий сиқишди.

Смеляковга ўша заҳотиёқ жуда чучмал-ширин бўлган коктейль тутишганди у ўзига виски беришларини сўради.

— Селавани ёқтирмайман,— деди Смеляков инглиз тилида,— чунки селави (ҳар қалай спиртли ичимликларда) табиат устидан зўрликдир. Бир донишманд айтганидай, табиат спиртли ичимликларда селавига тоқат қилолмайди.

Ҳаммалари маъқуллаб кулишди.

Меҳмонлар орасида бир неча хоним бўлиб, кўпчилигининг ёши Смеляковдан катта эди. Бироқ, хонимлардан бири жуда ёш ниҳоятда кўркем эди. Сарғиш сочлари қуюқ бўлиб, яхшилаб таралган, кўзлари кичкина ва кўркем эди. Смеляковни унга таништирилганларида жувон пича ҳижил бўлиб, қизарди:

— Биз эса, доктор, танишмиз-ку.

Смеляковнинг юзида, чамаси, ҳайрат акс этди. Жувон шунинг учун ҳам шоша-пиша қўшимча қилди:

— Ғойибона танишмиз, албатта. Сиз хатимни олдингизми?

— Сиз Пэт Бувьемисиз?— деб юборди Смеляков.

— Топдингиз!— Жувон чиннидай оппоқ тишларини ярқиратиб кулди.

— О, сизлар эски таниш экансиз-да!— деди Крейс кўзларини ҳазиломуз чақчайтириб.— Маъзур кўрасиз доктор Смеляков. Сизларга халал бермайман.

Буларга коктейль беришди. Смеляков сув қўшилган вискини синтетик найчадан тортаркан суҳбатдошининг чиройли юзига тикилиб сўради:

— Сизнинг фамилиянгиз французчами? Сиз французмисиз?

Пэт жилмайганича бошини чайқади:

— Йўқ. Менинг ота-боболарим асли французлардан чиқишган. Катта бобом Буюк Британияга ўтган асрда келган. Мен эса ҳозирда Англияда ишлайман. Сиз хатимни олиб, ҳайратга тушгандирсиз?

— Пича. Менинг номимни қайдан биласиз?

— О, бу жуда ҳам осон. Мен русча илмий журналларни ўқиб бораман. Сизнинг қаттиқ ёнилғининг истиқболи ҳақидаги мақолангиз менда жуда катта таассурот қолдирди. Шундан кейин сизга хат ёзишга жазм этдим.

— Журналлар юборганингиз учун раҳмат...

— О, арзимаиди. Истасангиз, уларни мунтазам равишда юбориб туришим мумкин.

— Жуда миннатдор бўлардим. Мабодо махфий бўлмаса қанақа муаммолар билан бандсиз?

— Махфий эмас, албатта. Биз, Ғарбдагилар ўз ишимизни махфий тутмаймиз...

— Бу унчалик эмасдиров ҳам дейлик,— Смеляков кулимсираб, унга эътироз билдирди. У Пэтнинг гўзал ҳаракатлари ва юзидаги ифодали қимирлашларга

махлиё эди. Пэт эса илм билан шуғулланадиган кў-ринишлари бир хилдаги аёлларга сира ҳам ўхшамасди. Унда аёлларга хос бўлган латофат кўпроқ эди. «Дарвоқе,— дерди ичида Смеляков,— тарих ақли билан ҳусни жуда уйғун бўлган аёлларнинг анча-мунчасини билади. Масалан, Софья Ковалевская, Кюри-Складовская...»

— Бизда ҳам ҳамма нарсага «махфий» деган муҳр босишга тайёр турган овсарлар топилади, албатта. Бироқ, бу қонда эмас, балки кўпроқ истиснога тўғри келади. Менга келганда эса фотон двигателининг муаммолари билан шуғулланаман. Худди ана шу двигатель кўмагида тезлиги нур тезлигига яқинлашадиган ракеталарни қурса бўлади.

— Бунда ижобий натижаларга эришдингизми?

— Афсус!— Пэт тадқиқотларидаги мағлубияти учун кечирим сўрагандай ожизона жилмайди.— Ҳозирча йўқ. Бироқ, мен ва ҳамкасбларим бундан умидимизни узганимиз йўқ.

Буларнинг ёнида Крейс пайдо бўлиб, тамадди қилиб олишга таклиф қилди. Меҳмонлар пастга, ресторанга тушишди. У ерда узун зиёфат столи безатиб қўйилганди. Унда хилма-хил таомлар кўринар, биллур идишлар ялтираб, хилма-хил товланиб турарди. Стол теварагида оқ смокинг кийган официантлар имирслашишарди.

— Нақадар ёқимли тасодифият!— Смеляков стол ёнида Пэт билан ёнма-ён жой олганини кўриб хитоб қилди.— Мистер Крейс одамни қандай хурсанд қилишни билади-да!

Смеляков суянчиғи баланд стулни суриб, Пэтнинг жойига ўтиришига кўмаклашди. У нигоҳи билан Смеляковга миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонлар жой-жойларига ўтириб, залга анча жимлик чўкканидан кейин мистер Крейс ўрнидан қўзғалди. У барча мамлакатлар олимларининг яқин, дўстона ҳамкорликлари учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

— Биз, олимлар,— деди у,— битта улкан, иноқ оиламиз. Тараққиёт Жаноби Олийларининг хизматкорларимиз.

Оҳиста чалинган чапаклар эшитилди.

Смеляков ўзини ноқулай сезарди. Назарида, дастурхон атрофида бирорта хато иш қиладиганга ўх-

шар, қолаверса дастурхон ҳам жуда гаройиб тузалган бўлиб, ундаги таомлар қандайдир нотаниш эди. Қисқичбақаларнинг майдалариданми ё катталариданми ўхшатиб қилинган салатлар, умуман айтганда нималари биландир денгизни, экзотикани эслатиб турарди.

Смеляков Англияга жўнашидан олдин дўстлари ва танишлари инглизларнинг такаббурликлари, муомилада, айниқса дастурхон атрофида ўтирганда панд бериб қўйишлари борасида бир талай нарсаларни айтиб беришганди. Шунинг учун ҳам Смеляков ҳозир ножўя иш қилиб қўймасликка, беҳисоб пичоқлар, вилкалар, ликоб ва ликобчалардан ўрнида фойдаланишга ҳаракат қиларди. Олдинида дастурхон атрофида ўзини тутинишга жуда қийналиб қолганида ён-веридагиларга тақлид қилмоқчи бўлди, кейин эса ўзинча баридан қўл силтади, нега деганда, бўлмағур ҳар хил нарсалар билан бошини қотиргиси келмади. Қолаверса, ҳозир унинг бутун фикри-зикри Пэт билан суҳбатда эди. Пэтнинг эса чакаги тинмасди.

Пэт жуда осон ва табиий ҳолда бир нарсадан иккинчисига ўтарди. Уни деярли ҳамма нарса рус аёллари нима кийишларидан тортиб, Смеляков инглизларнинг қайси фильмларини кўрган, Тауэр ёққан-ёқмаганлигича қизиқтирарди. У йўл-йўлакай инглизча латифалар ҳам айтар, Смеляков уларнинг мағзини араиғ чақиб оларди. Смеляков ҳам инглиз тилининг чапгалзорларида адашмасликка ҳаракат қиларкан, суҳбатнинг учқур суръатидан орқада қолмасликка зўр берар, Лондонга келган купидан бери инглизчада бемалол, қийналмай гапираётганидан ичида хурсанд бўларди. Уни яна дастурхон атрофидаги суҳбат дўстона тус олаётгани ва бу суҳбат теннис ўйинига ўхшаётгани, ҳазил-ҳузиллар дастурхон узра копток янглиғ учаётгани ҳам қувонтирарди.

— Мен Россияда сира ҳам бўлмаганман,— деди Пэт.

— Бунга нима ҳалал бераяпти? Уч соат учасиз ва...

— Энди албатта бораман...

— Энди?

— Ҳа, энди... сиз билан танишганимдан кейин.— Пэт жим қолиб, ер сузди. Смеляков унинг гапириш оҳангида сохталик сизди, Пэт ҳам буни фаҳмлади шекилли ўша заҳотининг ўзида тилёғламалик билан

қўшиб қўйди:— Ҳа, энди, сиз билан танишганимдан кейин Москвани кўргим ва энг муҳими, рус ҳамкасабаларим қандай ишлаётганлари билан танишгим келиб қолди.

— Яхши, жуда соз-да — менинг меҳмоним бўласиз...

— О, миннатдорман... ҳозирча сиз бизнинг меҳмонимизсиз... Сиз, доктор, уйимга ташриф буюрсангиз, мени жуда хушнуд этган бўлур эдингиз... Уйда озроқ дўстларим ҳам бўлишади.

Смеляков мамнуният билан рози бўлди.

— Дарвоқе, мен сира ҳам инглиз хонадонида бўлмаганман. Инглизнинг бунақа қалъа-уйига кўз ташлаш қизиқарли бўлади, албатта.

— Бунақа мақол менинг тўғримда эмас,— деди Пэт кулиб.— Менинг уйим барчага очиқ. Мабодо эртага саккизга чақирсам... Бунга қандай қарайсиз?

— Албатта бораман.

Ўтириш хурсандчилик билан бошланган бўлса, тугаши ҳам яхши бўлди. Ресторан олдида ўтириш қатнашчиларини машиналар кутиб турарди. Программада театрға бориш кўзда тутилганди. «Одеон» театрида «Виндзорлик шўхлар» спектакли кетарди. Смеляков машинаға ўтираркан, меҳмонхонаға яна ярим кечада қайтиб, ўрниға ўзини таппа ташлашни ўйларди. «Йўқ,— деди у ичида,— аъёнлар ҳаёти менға тўғри келмайди. У ишдан ҳам кўпроқ толиқтираркан».

Смеляков ўзининг лабораторияси, ходимлари, қоғозлар билан бўйича тугалланмаган мақоласини ўйларкан, бирдан уйига, Москваға қайтгиси келди. Машинада эса ёнида Пэт ўтирарди. «У нимаға ёнимдан қимирламаяпти? Наҳотки, мен йўлдан оздирадиган одамға ўхшасам?»

Смеляков кулимсираб қўйди.

— Нимаға кулаяпсиз, доктор?— Пэт нозлиниб қизиқсинди. Бу гапға жавобан.

— Онгимда изгиган «чалкаш фикрлар» келтиради баъзан кулгимни,— деди Смеляков Пэтға Шекспирдан цитата келтириб.

* * *

Машина чироқлари дарахтлар түпини ёритганида улар ортидаги икки қаватли вилланинг деразалари

ялтираб кетди. Машина радиатори икки табақали дарвозага келиб тақалганида у автоматик равишда очилди-да, «мерседес» пастки қабатдаги гаражнинг қоронғи камерасига кирди.

— Келдик,— деди соқолли киши.

У йўл бўйи миқ этмай келаётганидан Ганс Кушницнинг назарида ёнидаги кимса одам эмас, балки одамга ўхшатиб ясалган, устига қалин свитер кийган ва трубка чекаётган роботга ўхшарди.

Улар унсиз зинадан деворларига абстракт картиналар илинган кенг залга кўтарилишди.

— Бу ерда биз бежавотир бўламиз,— деди Юлия креслога чўкиб. У гўё Гансни энди кўраётгандек қизиқиш билан тикиларди.

— Менга қаранг, Юлия, биз қаердамиз?

— Дўстимнинг уйида. Қўрқманг, бу ерга ҳеч ким келмайди.— У Ганснинг қўлига оҳиста қўлини текизди.

— Мен қўрқмайман... Сиздай аёл билан...

Юлия танишганларидан бери биринчи марта бўлса керак бемалол ва очиқ жилмайди. Унинг йирик қора кўзлари ва чехраси Гансга бениҳоя гўзал кўринарди.

Соқолли киши шишалар ва стаканлар шиқирлаётган патнис кўтариб келди. У трубкасини тортгани тортганди.

— Питер, сенда дўстимизга бирорта кийим-пийим топиладими?

— Кийим кейин бўлар, олдинига ичайлик,— жавоб қилди соқолли киши стаканларга виски қуяркан.— Бунақа пайтларда нима дейилишини билмайман,— гапида давом этди у стаканини кўтариб.— Мен ҳаётимда кўп нарсалар билан шуғулланганман: самолётларда учганман, сув остидаги хазиналарни излаганман, Африкадаги моховлар учун госпиталь лойиҳасини тузганман, бироқ психиатрия клиникаларидан одамларни халос этишимга тўғри келмаганди...

— Менимча,— Юлия гапни илиб кетди,— биз бирор нарсанинг чорасини топгунимизча дўстимизга ўзини осойишта тутишини тилашимиз керак.

Ҳаммалар ичишди.

— Сизларга ҳаммаси учун раҳмат,— гўлдиради Ганс. — Сизлар мени қутқардинглар...

— О, миннатдорчилик билдиришга ҳали бор,— эътироз билдирди Юлия.— Сиз ҳозирча озодлик йўлида ярим қадам босдингиз. Клиникадагилар бугуноқ талвасага тушишади. Профессор поликлиникани оёққа турғизади. Сизни бутун мамлакат бўйлаб қидиришади.

Ганснинг бутун вужуди таранг тортди. У ўзи турган уйга профессор... полициячилар билан биргаликда бостириб киришини кўз олдига келтирди. Уни Ганс машинага босишади-да, яна касалхона палатасига тикиб қўйишади. Йўқ, фақат шуниси бўлмасин...

— Бироқ, уларнинг нима ҳақлари бор?.. Мен бу ерда ажнабийман-ку, ўзи...

— Буни қандай исботлайсиз?— эътироз билдирди Питер.— Ёнингизда ҳеч қанақа ҳужжат йўқ-ку.

— Газеталар билан боғланса бўлмасмикин?— таклиф қилди Юлия.

— О, йўқ,— Питер эътироз билдирди.— Ўзингизни репортёр ўрнида тасаввур қилинг. Ҳузурингизга нотаниш кимса келади-да, жиннихонадан қочганини ва валдирашга жуда ҳам ўхшаб кетадиган воқеани айтиб беради... Ўша газетачининг ўрнида бўлсангиз, нима қилардингиз?

— Ҳа... — Юлия вискили стаканни бармоқлари билан қисди. — Аҳвол чатоқ...

Элчихонага мурожаат қилиш керак,— деди Ганс.— Расмий йўллар билан ҳаракат қилиш керак. Улар кимлигимни аниқлашади ва мени психиатрия клиникасида сақлаш кимларга зарур бўлганига ҳам равшанлик киритишади.

— Ҳа,— Питер унинг гапига қўшилди,— бу ягона чора. Ҳозир эса, Ганс ваннага тушасиз, кийимингизни ўзгартирасиз ва бошингизга тушган нарсаларни ёзиб чиқасиз. Мен хатингизни Бонига, Совет Иттифоқи элчихонасига етказишга ҳаракат қиламан. У ердагилар Шарқий Германия маъмурлари билан боғланишади. Бунга эса вақт керак. Ҳозирча уйимда тураверинг.

Ганс кулимсиради.

— Кейинги кунларда қамоқ камераларини ўзгартираяпман, халос.

— Бошқача чора йўқ.— Питер елкасини қисди.

Ганс ваннага тушиб, кенг каравотга чўзилгани-

дап кейин дераза ортидаги ҳар бир шитир-шитирга қулоқ солиб, анчагача ухлаёлмади.

Соат миллари тунги иккидан чорак ўтганини кўрсатарди.

* * *

Рудник яширинганди. Рублев энди Мижоз сири очилишини билгани ва шунинг учун ҳам сергак тортганига деярли шубҳа қилмасди. Буни у Матвеевадан билиши мумкин. Бошқа бировдан билолмасди.

Ёмғир шивалай бошлаганидан машинанинг олдинги ойнасини тезда томчилар босди. Шофёр тозалагични ишга солганди, улар тиниқ ярим донралар чиза бошлади. «Волга» тротуар ёнида турарди. Рациянинг динамикидан эса:

— Учинчи, ахборот беринг, ишлар қалай?— деган хириллаган овоз эшитилди.

— Изин йўқотдик,— жавоб қилди Рублев.— Мижоз биз қўлга олганимизча бўлмай яширинди.

— Жин урсин!— Петраковнинг динамикдан ўшқиргани келди.— Зумда қўлга олиш керак эди. У қаердайди?

— Матвееванинг квартирасида.

— Нима бўлди ўзи?

— Қўни-қўшнилари безовта қилишни истамовдик... Матвеева шу ерда туриши керак-ку. Кўчада қўлга олмоқчи эдик.

— «Истамовдик», дейсиз-а... Таклифларингизни айтинг.

— Қидирув эълон қилишни таклиф этаман. У узоққа кетолмайди. Милицияни ҳам ишга солинг.

Динамик ўчди. Рублев рўмолчасини олиб, терлаб кетган юзини артди. Бугун жуда бемаъни чиқди, ҳе, жин урсин-е! Энди бошқармада нордон гаплар бўлмай қолмайди.

Рублев бундан бир неча соат муқаддам Могилевадаги Максимовдан хабар олганди. Максимов эса Рудник билан давлат хавфсизлик органлари томонидан кўп йиллардан бери қидираётган Обухович битта шахс эканлигини аниқлашга муваффақ бўлганди. «У жазоловчи бўлган,— хабар қилганди Максимов.— Зудлик билан қамоққа олишга ордер ёзинглар».

Рублев бир неча соатдан кейин иккита ходим

билан Рудникнинг уйига жўнади. Бироқ, у уйда йўқ эди. Рублев автобаза ва ГДР элчихонаси билан боғланишга топшириқ берди. Рудник у ерда ҳам йўқ эди. Улар Рудникни подьезд олдида кутиб туришди. Бироқ, у қорасини кўрсатмасди.

Рублев шофёрга Матвеевнинг адресини айтди. Улар Матвеева турган уй олдида тўхташга улгурмаслариданоқ подьезддан Рудник чиқиб келди. Қоронғи тушиб қолганидан Рублев уни дарҳол таниёлмади. Йўл чеккасида турган машина эса Рудникка шубҳали туюлди. У Рублев то ходимларига команда бергунича қўшини уйнинг ичкарасига уриб кетди. Рублевнинг одамлари бутун квартални тит-пит қилишди, бироқ Мижоз таъқибчиларидан қутулиб кетганди. «У нимага ишонаяпти?— дерди Рублев ичида тутуқиб.— Қаёққа боради? Биз уни эртамин-кечми топамиз-ку. Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб чиқамиз. Жон талвасасини чўзмоқчи...»

Рублев ходимларига қидирувни тўхтатишга буйруқ берди-да, буёғига нима қилиш кераклигини зўр бериб ўйлай бошлади. Аввало, Матвеевнинг уйига кириш керак эди, албатта. Рудник қаерга яшириниши мумкинлигини эҳтимол у билар. Сергей Николаевич бошлиғи Петраковдан эшитадиганини эшитганидан кейин машинадан тушиб, Матвеевнинг квартирасини қидириб топди.

У эшик қўнғирогининг тугмасини ҳар қанча босса ҳам ичкаридан жавоб бўлмади. Лидия Павловна наҳотки уйда бўлмаса? Мабодо уйда йўқ бўлса Рудник бу ерда нима қилди? Сергей Николаевич қўнғироқ тугмасини қайта-қайта босса ҳам дерматин қопланган эшик ортида сукунат ҳукмрон эди.

Рублов эшикни итарди. У қулфланмаган эди.

У қоронғида чироқ тугмасини аранг топди. Матвеева энли каравотда устига катак-катак қалин жун рўмол ёнишиб ётарди. У чироқ ёқилганига ҳам парво қилмади. Юзи осойишта эди. «Наҳотки, ўлдирилган бўлса?»— ўйлади Рублев. Бироқ юзида жароҳат ёки зўравонлик излари сира ҳам кўринмасди. «Унга нима бўлганикин?»

Рублев, дастлаб Мижоз Лидия Павловнани ўлдирган, деган хаёлга борди. Кераксиз гувоҳни йўқ қилган. Матвеева ўзини сотиб қўйган бўлса ҳам ажаб эмас.

Рудник наҳотки бунақа «чатоқ ишга» қўл урган бўлса? Ҳар қандай шароитда ҳам иши расволигини тушунмайдиган аҳмоқлардан эмас-да. Ё ўч олгани ўлдирганмикин? Қутуриб кетиб қилганмикин бу ишни?

Сергей Николаевич милицияни чақирди. Орадан беш минут ҳам ўтмай квартирада икки киши — младший лейтенант билан старшина пайдо бўлишди.

Старшина Лидия Павловнанинг елкасидан енгил силкиди. Лидия Павловна қимир этмади. Қаттиқроқ силкиганида ҳам сира парво қилмади. Милиционер қўлини олиб, томирини ушлади, сўнгра кўкрагига қулоғини тутди.

— Тирик!— навқирон милиционер ичкарига кирганларга ҳайратда қараб хитоб қилди.— Балки, донг қотиб ухлаётгандир.

Шу пайтда Рублевнинг оёғи тагида нимадир енгил қисирлади. Қараса таблетка! У столчада шунақа таблеткадан яна бир нечаси турганини кўрди.

— Врачни чақиринг!— буюрди у оператив ходимлардан бирига.— Зумда «тез ёрдам» чақиринг!

— Унга нима қилган? — сўради милиционер.

— Уйқу дори! У уйқу дори ичган!— Рублев деярли қичқириб юборди.

Ичкаридагилар дарҳол ҳаракатга тушишди. Эшиклар очилиб-ёпиларди. Бир неча одам ташқарига чопди.

— Гап шундай,— деди Рублев даҳлизда депсиниб турган паст бўйли, бошига гулдор рўмол ўраган қоровул татар хотинга,— бу уйда врач борми? Бу ерда бирорта врач турадимиз?

— Врачми?— У пешонасини тириштирди.— Туради, шекилли.

— Қаерда? Қайси квартирада?

— Ўттиз бешинчида. Ксения Ивановна. Район поликлиникасида ишлайди.

Милиция сержанти врачга югурди. У беш минутлардан кейин қора кўзойнакли ёшгина, серҳаракат жувон билан қайтиб келди.

— Лидия Павловна!— жувон қўлини қўлига урди.— Унга нима бўлди? Мен уни билардим.

Рублев индамай унга бир неча таблеткани узатди.

Ксения Ивановна бир сония уларни кўздан кечирди.

— Нембутал. Ундан нечтасини ичганикин? Е худойим!— У Матвееванинг томирини ушлади.— Эркаклар чиқиб туришларини сўрайман. Ажаб, бу уйда клизма бормикин... Сиз, эса, — у қоровул хотинга ўғирилди, — илтимос, қолсангиз менга қарашасиз.

— Нима дейсиз,— сўради врачдан Рублев,— уни сақлаб қолса бўлармикин?

— Иложи борича ҳаракат қиламан.

Рублев подъезддан чиққанида уйга қоронғи деразаларни ёритганича «тез ёрдам» машинаси етиб келди. Машинадан оқ халатли иккита санитар тушишди.

Рублев келишидан бир-икки соат олдин Матвееванинг квартирасида нима рўй берди ўзи? Лидия Павловна нимага уйқу дори ичди? Балки бу ёлғондакамга ўзини ўзи ўлдиришмикин? Рудник, эҳтимол, яна нотўғри изга солаётгандир? Йўқ, бу сафар буни уйда қилолмайди! Сергей Николаевич уйни қуршаган торгина йўлдан бир неча марта ўтди. Ёмғир шиваларди. Дарахтлардан йирик томчилар чакилларди. Сал наридаги Киров кўчасидан машиналар шовқини келарди.

Подъезддан замбил кўтарган санитарлар чиқишди. Фонарнинг хира ёғдусида Лидия Павловнанинг юзи оқиш-бинафшаранг туюларди.

Рублев жойидан жилган «тез ёрдам»га қараб турди-да, сўнг тенага кўтарилди.

Қоровул аёл полни тозалади. Ксения Павловна ваннада қўлини юварди.— Яшайди...— у Рублевнинг унсиз саволига жавоб қилди.— Вақтида ишга киришдик, шекилли.

— Раҳмат сизга. — Сергей Николаевич енгил нафас олди.— Ҳозир эса биз квартирани кўздан кечиришимиз керак.

* * *

Мистер Крейс билан симпозиумнинг яна иккита қатнашчиси ҳам Пэтнинг уйига таклиф қилинган экан. Пэт Смеляковни гул-гул очилиб, жуда хурсанд ҳолда кутиб олди. У шунчалар ном чиқарган, шунчалар машҳур рус олими фаннинг оддий бир фидойиси уйига келишга имконият топганидан бениҳоя хурсанд эканини бутун оқшом давомида таъкидлаб турди.

— Мистер Смеляков, марҳамат, ўзингизни бема-

лол тутаверинг. Менинг уйимда ҳаммаси бемалол. Такаббурликка тоқатим йўқ. Илтимос, ҳа, марҳамат.

Мистер Крейс ва яна бошқа бир неча муътабар жентельменлар Смеляковнинг қўлини қисиб, илтифотли таъзим қилдилар. Смеляковга Пэтнинг ўзи гарчи столчада чамаси унга аталган Смирнов араги турганига қарамай тоникли жин ҳозирлади. Смеляков эса гапда шошқалоқлик қилишдан хавфсираб кучли ичимлик ичишга журъат этмади.

Смеляков уёқ-буёққа кўз югуртирди. Кенг меҳмонхонага ёрқин бўёқлар берилган, олдиниға у ҳаттоки кўзига ваҳимали кўринганди. Шундай бўлса ҳам Смеляков меҳмонхона дид билан безатилганини эътироф этишга мажбур бўлди. Сарик, қизил, қўнғир ранглар бир-бирлари билан баҳслашишар ва айни пайтда бир-бирларини тўлдиришарди. Деворлардан бирини энлаган узун ва катакларга бўлинган шкафда бир олам ҳар хил майда-чуйдалар — денгиз чиганоқлари, суякдан ишланган буюмлар, қора ёғочдан қилинган ҳайкалчалар, африкаликларнинг ниқоблари, қадимий тўппончалар ва русларнинг иконалари¹ бор эди.

— Иконаларни қайдан олгансиз?— сўради Смеляков.

— О, буларни Россияда бўлишган дўстларим софга қилишган. Менда эса умуман русча сувенирлар кам.

Пэтнинг охириги жумласида шама бўлганидан Смеляков коллекциянинг русча қисмини кенгайтиришга ёрдам бераман, деб ваъда қилди.

Пэт Смеляковни каминли ва полига жуни ўсиқ пўстак ташланган меҳмонхонага олиб кирди. Икковлари қўл суянчиқлари юмшоққина бўлган чуқур креслоларга чуқишди.

— Бу ерда бизга ҳеч ким халал бермайди,— деди у Смеляковга музли виски қуяркан.

Смеляковга Пэт меҳмонлар олдида жуда серҳаракат ва ҳаяжонли туюлганди. Бунини у вискига йўйган, чунки Пэт аёллигига қарамай, анча-мунча ичиб қўйганди.

Ҳозир эса Пэт жуда ҳам ҳушёр эди. Овози ҳам текис ва осойишта чиқарди:

¹ Худс ёки авлиёларнинг суратлари.

— Қадрли рус дўстим, сизни шундай аташимга ижозат берасизми? Биз энди дўстлармиз, деган умид-даман, шундай эмасми?— У меҳмоннинг бунга тасдиқ ишорасини кўрганидан кейин гапида давом этди: — Биз, олимлар бирга бўлишимиз кераклигига, бир-биримизга кўмаклашимиз зарурлигига ишонаман. Дарвоқе, сиз билан кичикроқ дўстона шартнома тузишимизга қандай қарайсиз?

— Қанақа?— Смеляков самимий илжайди.

— Илмий ахборотларни айрибошлаш хусусида.

— Илмий ахборотлар эса ҳар маҳал ҳам бизнинг мулкимиз бўлмайди-да. Гоҳи у давлатнинг мулки бўлади, биз, совет олимлари эса давлатнинг маблағи ҳисобига тадқиқотлар олиб борамиз.

— О, арзимаган гап!— Пэт қўл силтади.— Давлатнинг ўз манфаатлари, менинг ўз манфаатим бор. Мен сизга изланишларимизнинг энг янги натижаларини етказиб туришим мумкин. Улардан ўз билгингизча фойдалана оласиз.

— Одамни ҳаваслантирадиган гап бўлаяпти-ку!— деди Смеляков кулиб.— Бунга жавобан мен нима қилишим керак? Чунки шартнома ҳақида гап кетаяпти-ку.

— Озгинагина парса.— Пэт муруватли жилмайди.— Мени энергия бошқа турларининг баъзи бир жиҳатлари қизиқтиради.

— Буларга менинг кучим етмас, деб қўрқаман.

— Нимага энди?

— Буларни мендан кам билмайсиз, деган фикр-даман. Энергия янги турларини амалий ўзлаштириш эса ҳозирча у даражада эмас...

— Ҳозирча деганингиз тўппа-тўғри! Бу вазифани эртами ё кечми Англия ва Америка олимлари ҳал этишади. Бунга махфий тутишдан маъни чиқармикин?— Пэт ўрнидан турди-да, Смеляковга яқин келди. Смеляков ҳам турди.— Уйлаб кўринг, доктор. Шунга унутманг, мен оқибатли бўлоламан.— У Смеляковнинг тугмасидан ушлаб, кўзига тик қаради. Пэтдан хушбўй атир исн анқирди. Салгина жилмайиб турганидан эса оппоқ тишлари ҳам ярқирарди.

— Сиз шуҳратпараст экансиз,— деб қўйди Смеляков оҳиста.

Пэт куларкан. Смеляковнинг тугмасини қўйиб юборди.

- Тўғри, доктор. Шундай.
- Илмий шуҳратни истайсизми?
- Ҳа, доктор, ҳа.

— Унинг эса сизга нима ҳожати бор? Шундай ҳам сизда бир олам фазилатлар бор: ёшлик, ҳусн, жозиба.

— Доктор,— Пэтнинг овози пасайди,— илтифотингизни аямасангиз, сиз энг янги илмий ахборотлардан ташқари ҳозиргина ўзингиз санаган фазилатларимдан ҳам баҳраманд бўласиз.

Смеляков тонг қолди. Пэт унга очиқдан-очиқ ўзини тутаетганди-да. Смеляков шунда суҳбатларининг тагида нима маъно ётганлигини аниқ-таниқ тушуниб олди. Ғира-шира гумонлари аён ишончга айланди.

Пэт, афтидан, унинг сукутини ўзича йўйди. У Смеляковнинг қўлига ёпишиб, кўзларига пастдан қараб шивирлади:

— Москвага боришимни хоҳлайсизми?

— Пэт...— Смеляков кўзларини қисди,— битта нокамтарин савол берсам майлими? Илмий фаолиятдан ташқари яна нима билан шуғулланасиз?

— Ҳеч нима билан, доктор. Ишонинг, ҳеч нима билан. Бунақа гумонсирашларининг нима ҳожати бор?

— Яхши,— деди Смеляков.— Ўйлаб кўраман. Энди эса меҳмонлар ёнига борайлик.

Смеляков меҳмонхонага таъби хира ҳолда қайтди. У Пэт билан бўлган суҳбат синов соққаси эканлигини биларди. Энди уни тинч қўйишмайди. Бундан кейинги таклиф кучлироқ шаклда бўлади. Мабодо бундан бош тортса борми, ана шу соҳибжамол панасида турганлар шаллақилик қилишдан ҳам тойишмайди.

Смеляков эртаси куни элчихонага бориб. Пэт билан бўлган суҳбатни айтиб берди-да, зудлик билан Москвага учиш ниятида эканлигини билдирди.

Ун еттинчи боб

ГАНС БУЙРУҚНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ

Кларк ўзининг итоатидаги Маккензидан жуда ҳам норози эди. Маккензи очиқдан-очиқ таназзулга юз тутганди. Хизматга кечикиб келар, яхши кийиниб юрмас, ича бошлаганди. Кларк эса илгари унинг ички-

лик бобидаги маҳкамлигига ҳавас қилиб юрарди. Бунинг устига Маккензи сиёсий мавзуларда тинимсиз сафсата сотиб, урушга тоқати йўқлигини ва «исқирт бизнес» билан шуғулланишни истамаслигини сезди-рарди. У жосусликни «исқирт бизнес» деб атарди.

Бир куни элчихонадаги қабул маросимидан кейин Кларкнинг квартирасида икковлари ёлғиз қолишди.

— Менга қаранг,— Жозеф креслода ялпайиб ўтирганича гап бошлади, — икковимиз умримизни беҳуда ўтказаятганимизни сезмаяпсизми?

— Бу ғалати савол бўлди-ку!

— Нимага ғалати бўларкан. Менинг Лондонда акам бор. Қурувчи-инженер. У кўприklar, заводлар, миноралар, антенналар қуради. У ҳаётни вужудга келтираяпти, Кларк. Сиз билан биз нима қилдик, а?

— Сиз билан демократия учун жанг қилдик, Джо. Биз унинг содиқ солдатларимиз...

— Демократиянинг? Унга ким ўзи ҳужум қилмоқчи, Кларк?

— Ким деганингиз нимаси? Коммунистлар-да, албатта.

— Сиз ҳам шу афсонага ишонасизми?

— Нега ишонмаслигим керак экан, Джо? Мана, ўша ракетани олиб кўрайлик. Руслар тинчлик ҳақидаги гапларига қарамай кенгайтирилган ҳарбий программани амалга оширишяпти-ку.

— Нега ҳам амалга оширишмасин? Уларнинг ҳам душманлари борку, ахир. Руслар қўлни қовуштириб ўтирадиган аҳмоқлардан эмас.

— Сиз нега Советлар бир кунмас бир кун бу қуролларини бизга қарши қаратмасликларига ишонасиз?

— Жуда жўнгина нарса бу. Бунинг русларга кераги ҳам йўқ. Уларнинг ташвишлари ўзларига етарли. Сиз билан биз эса бекорга ишляяпмиз, Кларк.

— Муболағанинг ҳожати йўқ, Джо. Уруш — баъшариятнинг табиий ҳолати. Унда бизнинг касбимиздаги одамларнинг хизмати керак бўлади.

— Бу эса баҳсли масала,— Маккензи тўғри жавоб беришдан қочди.— Ракеталарга келганда эса, бу гап орамызда қолсину, мабодо у русларда бўлса, мен бундан хурсандман.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Мен, бу ракета сиз билан бизнинг хавфсизлигимизга кафолат, демоқчиман.

— Тушунмадим.

— Бунинг тушунмайдиган жойи йўқ! Бу ракета Лондондагиларнинг эсларини жойига келтириб қўяди. Ундан бошқа жойдагиларни ҳам. Қайтараман, Кларк, руслар бир кунмас бир кун уруш бошлашларига ишонмайман.

— Ҳамкасабамнинг тилидан бунақа гапларни эшитиш ғалати бўларкан. Русларнинг иқлими, назаримда, сизга фойда қилмабди, Джо.

Маккензи эса бунга жавобан елка қисди.

Кларк Маккензининг хайрхоҳлигидан ҳам гумонсирай бошлади. У доимо қўл остидагилар билан ҳам, бошлиқлари билан ҳам тинчгина ишлашга ҳаракат қиларди. Энди эса дош беролмай ўзидан баландда турган бошлиқларига Маккензининг ўрнига бошқа ходим беришларини сўраб, рапорт юборди.

Кларк зарур иш юзасидан Маккензи келишини кутиб ўтираркан, ана шу суҳбат ёдига тушди. Бу иш эса Кларкни жуда ҳам довдиратиб қўйганди.

Шундай воқеалар бўладики, одам улар юз беришини доимо кутади. Бироқ, ўша воқеа содир бўлиши аёнлашганда одамнинг бунга ишонгиси келмайди. Кларк ҳам худди шунақа қўйга тушганди.

Профессионал разведкачи бўлган Кларк умр бўйи бир кунмас бир кун сири очилишига ҳозирланиб келарди. Энди эса қўлга тушиши аён эди. Шунга қарамай, Кларкнинг бунга сира ишонгиси келмасди. Ишонмасликнинг эса иложи йўқ эди. Ганс Қушниц фақат биттагина маънони билдирадиган, яъни Павел Рудникнинг «сири очилди», изида одам бор, деган сигнал олганди.

Кларк кабинетида пилдирашини тўхтатиб, бардан вискили шиша олди, ундан ярим стакан қуйиб, бир отишда бўшатди. Кўп ўтмай баданига ҳузурли иссиқ югураётганини сизди.

У хаёлида гужғон ўйнаётган фикрлардан биттасини, энг асосийсини ажратиб олиб, шу ҳақда бош қотиради. «Қақнус» операцияси барбод бўлишига сира ҳам йўл қўйиш мумкин эмасди. Мабодо, ҳаттоки, Рудникнинг сири очилса ҳам бу арзимас нарса. Қолаверса агент ҳозирча очикда юрибди. Ҳа, ҳали кўпи турибди. Энг муҳими — совет контрразведкаси

Кларкнинг изига тушишига йўл қўймаслик. Бунинг учун ўзини сири очилган агент билан боғлаб турган воситаларнинг барини қирқиш керак. Разведка тармоғида ҳар қандай машинадаги сингари ишдан чиққан деталь янгисига алмаштирилади. Машина ишдан тўхтамаслиги керак-да. Кларкни эса ҳозирда машина эмас, ўзининг тақдири кўпроқ ғулғулага соларди. У Москвадаги резидент сифатида эндигина иш бошлаган, дебочаси ҳам ёмон бўлмаганди. Нега деганда Смеляков хусусидаги муфассал маълумотларни олишга муяссар бўлган, унинг Лондонга симпозиумга жўнаганини ҳам аниқлаганди-да. У марказга жўнатиб турган ахборотлар оптимизмга тўлиқ бўларди. Йўлга шунчалар шитоб билан чиққандан кейин жон борица кети ҳам яхши бўлишига ҳаракат қилиш керак-да.

Кларк Маккензи келганини кўрди. Маккензи қорайган, камгап, сепкил босган юзидан бирор нарсанинг аломати сезилмасди.

— Хўш? Гапиринг.

— Тамом, расво. Рудникнинг чиндан ҳам сири очилган.

Маккензи пиджагининг чўнтагидан рўмолча олиб, терлаган пешонасини артди.

Кларкнинг ранги қув ўчса ҳам ўзини қўлга олиб, норози ҳолда деди:

— Фақат ваҳима қилманг. Бемалолроқ гапиравринг.

— Балки... Сиз ҳам, мен ҳам Рудникни билмаймиз,— Маккензи анча жимликдан кейин аранг шундай деди-да, кулранг кўзларини бошлиғига тикди.

— Ҳа, бироқ у бизларни билади. Мана шуниси ачинарли, Жозеф.

— Биз қаерда ишлашимизни билмайди ҳам.

— Бемаъни гапларни тўхтатинг, Жозеф. Руслар кавлаб билиб олишади. Расмларимизни кўрсатишса, Рудник танийди. Ё, эҳтимол, соқов бўлиб қолар, деб ўйлаяпсизми? Дарвоқе, уни соқов қилиб қўйса ҳам бўлади,— Кларк бунга оҳиста гапирди.

— Сиз бу билан нима демоқчисиз?— Маккензи бошлиғининг бақалоқ гавдасига тез кўз югуртирди.

— Сиз нима, фаҳмламаяпсизми?

— Фаҳмлаяпман. Бироқ, ишни жинойтсиз битирсам, девдим. Жанжалларга тобим йўқ, Кларк.

— Қўйсанг-чи, Жо. Жосуслик тарихини мендан кам билмайсиз. Жосуслик жиноят билан доимо қўл-тиқлашиб юрган.

— Билиб қўйинг, Кларк, бу ёмон жосуслик.

— Қани, мабодо сиз интеллектуал услуб мухлиси бўлсангиз, яна бирор нарса таклиф қилинг.

Маккензи нафасини ростлаб, ўзига виски қуйди.

— Масалан, уни Ғарбга ўтказиб юбориш,— деди Маккензи афтини буриштирганича стаканни столга қўяркан.

— Жуда зўр гапни айтдингиз!— деди Кларк заҳархандалик билан.— Бироқ, қандай қилиб ўтказиб юборишни билсак бўладими? Ўша Рудникка соқол ёпиштириб, қўлига қалбаки ҳужжатлар тутқазамизми?.. Бу ерда бунақаси кетмайди, сэр. Буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

— Яхши, Кларк. Бироқ биз уни ташлаб қўя олмаймиз. Тақдиримиз кўп жиҳатдан ўша одамга боғлиқ.

— Сира қўрқинчли жойи йўқ. У ўзининг ишини қилди.

— Бизнинг эса ҳозирча ишимиз битмади. «Қақ-нус» операцияси тугалланганича йўқ.

Кларк елкасини қисди.

— Нима қилдик?

— Нима қилдик эмиш?— Кларк сачраб кетди.— Хоҳлаганингизни қилинг, бироқ қаққайиб тураверманг!— Кларк кабинетда уёқдан-буёққа юрди.— Бу-гуноқ Кушниц билан учрашиш иложини қилинг. У Рудник билан алоқа қилсин...

— Кушниц кузатилмаётганига ишонасизми?

— Йўқ. Ишонмайман. Бироқ, бу ишни тўхтатолмайди. Рудникка айтиш керак, у зарур чоралар кўрмагунимча ўзини панага олиб турсин. Уни чегарадан ўтказиб юборишга ҳаракат қилаётганимизни етказиш керак...

Маккензи ўрнидан вазмин қўзғалди.

— Кўрсатмаларингизни унга етказаман, хўжайин.

Маккензи чиқиб, эшик ёпилганидан кейин Кларк ўзига виски қуйиб, дераза олдига келди. «Йўқ,— дерди Кларк ўзига ўзи машиналарнинг сершовқини оқимидан кўзини узмай.— Сиз ҳақ эмассиз, мистер Маккензи. Мен чора топаман».

Рудник бир вақтлари Моссовет автобазасида бир-га ишлашган танишининг уйига яширинди. Таниши Рига вокзалига яқинроқ жойда торгина кўчадаги сувоқлари кўчиб кетган ва эшиклари тирналган икки қаватли гиштин уйда турарди. Уйнинг теварагида сирень дарахтлари бўлганидан ҳатто офтобли кунлари ҳам хоналарни кўкиш қоронғилик босарди. Бу ерда Рудникнинг ошнасида ташқари икки қари кампир ҳам бўлиб, улар бир тўда мушуклари билан истиқомат қилишарди. Мушуклар Рудникни кўрганларида белларини камалакдай букишар ва қоронғи даҳлизда ёнувчи кўм-кўк кўзларини ёмон ялтиратишарди. Мушукларда одамни қўрқитадиган нимадир бор. Рудникнинг назарида мушуклар унинг сиридан воқифдай ва гапиришни билсалар борми, керакли жойга етказишадигандай туюлишарди.

Дарвоқе, Рудник ҳозирда ҳар бир нарсадан чўчирди. Дераза ортидан эшитиладиган шитирлашлар ҳам, яқинроқдан ўтиб кетган машина овози ҳам, почтальоннинг эшик қўнғироғини чалиши ҳам Рудникка қўрқув соларди. Дераза ортидаги ҳар бир товуш ҳам унга шубҳали бўларди. Уни совуқ тер босиб, ирғиб турарди. Юраги гўё қинидан чиқиб кетаман, дегандай гупиллаб урарди.

Рудник кундузлари гарчи бу туйғу алдамчилигини сезиб турса ҳам ўзини тинчроқ сезарди. «Улар» олиб кетгани куппа кундузи ҳам келишлари мумкин эди-да.

Квартира соҳиби эрталаб кетар, у таксомотор паркида механик бўлиб ишларди. Шундан кейин Рудник ёлғиз қолар, вақтни қандай қилиб ўтказишни билмасди.

У ошнаси Вадимга, хотиним билан уришиб қолдим, деганди. (Лидия Павловнани танишларига хотиним, дерди-да).

— Мабодо уйнингда бир-икки кун нафасимни ростласам, йўқ демайсанми?

— Истаганингча туравер! Жой етарли!— деди Вадим қўлини ёзиб. Унинг квартираси поли ғижир-ғижир қиладиган иккита хона ва кичкинагина ошхонадан иборат эди.— Бемалол...

— Хотинимнинг бир жазосини бермоқчиман. Мен энди ўзи қидирсин.

— Тўғри қиласан. Хотинларни шундай жазолаш керак. Мен уларни биламан.

Вадимнинг чиндан ҳам бунақа ишларда қандайдир тажрибаси бор эди. У бир неча йил муқаддам хотини билан ажрашганидан, ҳозирда бўйдоқ эди. Ошнаси қўққисдан кириб келганидан ҳатто хурсанд ҳам бўлиб кетди, нега деганда икковлари зерикишмасди-да. Рудник унга аввало улфат, бунинг устига пулдор эди.

Вадим одатда ишдан «қизиброқ» қайтарди. У ичишни яхши кўрар, бироқ бунга пул керак эди. Мана шундай пайтда Рудник унга мададга келганди. Рудник ўн сўм чиқарар, Вадим шундан кейин шишаларни йиғиштириб, магазинга югурарди. У арақ ва пиво олиб қайтар, хурсандлигидан қўлини қўлига ишқаганича «дастурхон тузарди». Оқшом ҳам сезиларсиз кечарди.

— Сен, биродар, хафа бўлаверма,— Вадим Рудникка тасалли беришни ўзининг бурчи санарди.— Хотинингни хаёлингдан чиқар. Нима, ундан бошқаси қуриб қолибдими? Хоҳласанг ҳозироқ қўнғироқ қиламан! Манаман деган қизлар, ғалва-палваси йўқ.

Рудник ошнасининг учуқли бурнига, тепакалига ва кўйлагининг кир ёқасига шубҳаланиб қарар ва таклифини мулоимроқ, бироқ қатъий рад этарди. Рудник кўп ичар, лекин маст бўлмасди. Ичкилик одатда унинг уйқусини келтирарди. Энди бўлса арақ ҳам, уйқу дори ҳам фойда бермасди. Рудник аста-секин тинчиётган шаҳар шовқинига анчагача уёқ-буёғига ағдарилиб ётарди. Энди уни нима кутаётганикин? Дўстлари унга наҳотки ёрдам беришмаса? Рудникнинг назарида ҳар иш қўлидан келадиган ва тутқич бермас туюлган Қларк нима қилмоқчийкин? Наҳотки, у агентни совет контрразведкасининг қўлига тушишига йўл қўйса? Рудник анчагача мушук-сичқон ўйнолмайди-ку, ахир. Мабодо улар изидан тушишган экан, демак, ниманидир билишаркан-да. Ўзингни деворга қадаб қўйишганларидан кейин қаршилиқ қилишдан нима маъни чиқади? Қларк ва унинг дўстлари учун тишини тишига қўйсинми? Жин урсин! Улар ўзларининг ғамини ейишсин! Улар ҳозир Рудникнинг юрагига сиғмайди. Мабодо Рудникнинг сири очилгу-

дай бўлса Фарбга ўтказиб юборишга ваъда беришганди-ку. Тўғри, Рудник ўзича уларнинг ваъдалари унчалар чин бўлавермаслигини сезиб турарди. Ҳозир улар ўзларини жон-жон деб Рудникни танимасликка олишлари мумкин. Рудник бир нарсани, совет контрразведкаси бу афсонага ишонмаслигини биларди. Чунки ўзи катта ўйиндаги пиёда, изидан тушганлар эса фарзин билан шоҳни қидиришади. Шунинг вазидан ҳам шоҳ унга ёрдам бериши зарур. Бу ишни қилиш мушкул, бироқ шоҳ чора топа олиши учун ҳам шоҳ-да. Масалан, қалбаки ҳужжатлар. Рудник чет элга ажнабий коммерсант ёки журналист сифатида чиқиб кетиши мумкин. Ё бўлмаса чегарадан яширинча ўтиш. Ёки, ҳеч бўлмаганда сув ости кемаси, мўъжазгина, шовқин-суронсиз икки кишига мўлжалланган, Рудник журналда ўқиган кемалардан бири. Хуллас, шоҳ бунинг чорасини қилиши керак. Қолаверса фуқароларидан бири қаерга яширинганини билади. Рудник бу ҳақда унга шартли телефонга шартли тилда хабар берган. У телефонда рақамларни айтган, уларнинг бир қисми кўчанинг номи, бошқа қисми уй билан квартиранинг номерини билдирарди.

Рудникнинг дўстлари яширинганининг тўртинчи кuni ўзларидан хабар беришди. Рудник тушликдан кейин ухлаётганида, тўғрироғи ухлашга уринаётганида эшик қўнғироғи чалинди. Рудник қотиб қолди, кейин туриб, деразага унсиз яқинлашди-да, парда тирқишидан қараб бошига кепка ва эгнига плаш кийган баланд бўйли малла одамни кўрди. Рудник унинг афтига тикиларкан, енгил нафас олди. У Жозеф, Кушниц келгунга қадар тўплаган маълумотларини савдогар Маклаковнинг дахмасидаги хуфя жойдан олиб турган Жозефнинг ўзи эди. Рудник айни вақтда шоҳ ўзини унутмаганидан қувониб, ҳам қўрққанидан эшикни очишга шошилди. Чунки Жозеф кетидан «дум»ни етаклаб келиши мумкин эди-да.

Жозефнинг асабийлашаётгани сезилиб турарди. У квартирага кўзини югуртираркан, афтини буриштириб қўйса ҳам дамини чиқармади.

— Бу ерда ким туради?— деб сўради у Рудник сурган эскирган креслога ўтираркан.

— Ошнам...

— Унга ишонасизми?

— У ҳеч нимани билмайди. Унга хотинимни ташлаб кетдим, деганман.

Меҳмон ҳам, Рудник ҳам бир-бирларига тикилганларича пича жим қолишди.

— Сиз «дум»ни эргаштириб келишингиз мумкин эди,— деди ниҳоят Рудник.

— Мумкин, албатта. Бироқ эргаштириб келмадим,— жавоб қилди Жозеф.— Ўзингиз сезиб турганингиздек, тўдангизда қўлга тушишдек истиқбол менга кулиб боқмаяпти. Шунинг учун ҳам тегишли чоралар кўриб қўйганман. Ҳозир эса ишга яқинроқ келайлик. Сиз нимага, мени кузатишмаяпти, деган фикрга келдингиз? Сизга шундай туюлаяптими?

— Афсуски, йўқ. Мен буни таниш аёлим билан суҳбатда сездим.

— Матвеева биланми?

— Ҳа. Унга нимадир маълум бўлган. Ҳарҳолда у, сенинг ишинг расво, деб очиқдан-очиқ шама қилди.

— Қаёқдан билади?— Жозеф Рудникка қадалиб қолди.

— Билмайман. Назаримда, мени бошиданоқ кузатиб юришганга ўхшайди.

— Бу бўлиши мумкин эмас!— хитоб қилди меҳмон.— Биз уни текширганмиз.

— Унда яқинда нимадир маълум бўлган. Бироқ у арзимас нарса. Энг муҳими, унинг уйидан чиқаётганимда машина турганини сездим. Машинада «ўшалар» бор эди.

— Ишончингиз комилми?

— Ҳа. Улар мени қўлга олмоқчи бўлишди. Бироқ чап бердим.

Жозеф даҳанини ишқалаб, ердан кўз узмай қолди.

— Нима қилай?— сўради Рудник жимликдан кейин.— Нимадир қилиш керак.

Жозеф индамай ўтираверди. Ниҳоят, ўрнидан туриб, сигарета чекди-да:

— Аҳволингиз чатоқ...— деди.

— Раҳмат,— Рудник гижиниб қўйди.— Буни ўзим ҳам сезиб турибман. Мистер Кларк нима чора кўрмоқчилигини билмоқчийдим...

— Кларк...— Меҳмон оғир хўрсинди.— Билмайман... Сири очилган агентнинг кимга ҳам кераги бор,

мистер Рудник? Сири очилган агент қуртлаган тиш — уни суғуриб ташлаб, янгиси қўйилади.

Рудникнинг юзи қотиб қолди ҳисоби, қисилган кўзлари эса меҳмоннинг ҳар бир ҳаракатини кузатарди.

— Демак, шундай,— Рудник ғижиниб гапирди,— мени уларга топшириб, ўзларинг чакалакка уриб қоласизларми?

— «Ўзларинг» деганда кимни кўзда тутаяпсиз?

— Кимнимиш-а?! Гўё уларни билмайдигандай гапирасиз-а! Кларкни, сизни, Гансни-да...

— Сиз учун бизнинг ҳаммамиз битта одаммиз, мистер Рудник. Мен тушунаман. Бироқ, мен билан Кларкнинг орасида анча фарқ бор. Эҳтимол, Кларк ўзини чакалакка уришга тайёрдир, бироқ биз сизга ёрдам беришга тайёرمىз, мистер Рудник.

— Сиз кимсиз?

— Бунинг аҳамияти йўқ, Павел. Информация шахсан менинг ўзимга керак.

Рудник тутaqиб кетди:

— Умр бўйи беркинмачоқ ўйнаш жонимга тегди! Ўзингиз ўйнайверинг!

Маккензи афтини аламли буриштирди:

— Бас қилинг! Ишбилармон одамлардай гаплашайлик.

Маккензи асабини тинчитгани зажигалкасини шунчаки ёқиб қўярди. Ёқади-да, яна пуфлаб ўчиради. Маккензи ичида, руслар очигини айтганда, ғалати-роқ одамлар бўлишади-да, қалтис пайтларда ўзларини тутиб, каллани ишлатишмайди-да, деб ўйларди!

Маккензининг ишлари ҳам расво эди. Ўзини Москвадан Лондонга чақириб олиш ҳақида Кларк юборган хат борасидаги гап қулоғига етиб келганди. Шифрлаш бўлимидаги дўстлари буни шипшитиб қўйишганди. Маккензи эса ўйиндан шўппайганича чиқиб кетаверишни истамасди. Ҳеч бўлмаганда ҳамёнини дўппайтириб чиқиб кетиш пайида эди. У-бу орттириб, пенсияга чиқиб кетишни ўйларди. Ана шу маънода Рудник унга ажойиб даромад манбаи эди. Нега деганда Рудник ихтиёридаги материалларни ҳар қандай давлатнинг разведкасига мўмайгина пулга сотса бўларди-да. Кларкка ўхшаган телбалар демократия учун курашаверсин. Бундан буён у, Жозеф Маккензи ўзи учун курашади. Ҳа, бу беномуслик бў-

лади. Бироқ ташвиш тортиб ўтиришга арзимади! Маккензи ўзининг бутун умрини ана шу беномус ўйинга бағишлади.

— Бу сафар мен нима қилишим керак?— сўради Рудник. У меҳмондан кўзини сира ҳам узмасди.

— Жуда оз нарса. Сиз ўз вақтида Кларкка ет-кизган барча маълумотларингизни берасиз, мен бўл-сам Ғарбга ўтиб кетишингизга кўмаклашаман.

Рудникдан бир муддат садо чиқмади. Кейин у ошхонага ўтди. У ердан очилган ароқ шишаси, икки-та рюмка ва помидор салати кўтариб кирди. Жозеф ичишдан бош тортди. Рудник рюмкани бир отишда бўшатди-да, кетидан бир тўғрам помидор чайнади. Қалласида ҳар хил шубҳа-гумонлар ғужғон ўйнарди. Нима бу, ифвоми? Ё жон сақлашнинг реал имкония-тими?

— Сўзингизнинг устидан чиқишингизга кафолат қани?— сўради Рудник, бамайлихотир сигарет че-киб ўтирган меҳмондан.

— Мен сўзимнинг устидан чиқа оламан, мистер Рудник. Сизни рус контрразведкаси марҳаматиға қолдириш менинг манфаатимга тўғри келмайди.

— Кларк ҳам менга шу чоққача шундай деганди. Ҳозир у ва дўстлари қаерда? Ҳаммаси ўзларининг жонларини сақлашаяпти.

Маккензи ўзига жиндай арақ қуйди.

— Менга қаранг, мистер Обухович, биз сизни кўпдан буён кузатиб келамиз ва шунинг учун ҳам баъзи бир нарсаларни биламиз.

Рудник шунда бамисоли шапалоқ еган одамдай титраб кетди.

— Гап бундай, Павел Обухович,— давом этди инглиз,— сизга таржимаи ҳолингизнинг баъзи, албат-та кўнгилсиз тафсилотларини эслатишни истардим. Бизга маълум бўлишича, уруш йилларида полицияда хизмат қилгансиз. Жазо отрядининг бошлиғи бўлган-сиз ва қамоққа олингансиз ва гитлерчи хўжайинла-рингиз партизанларга алоқадор деб шубҳа қилган ватандошларингизни шахсан отиб ўлдиргансиз.

Рудник кўзларини даҳшатдан чақчайтирганича меҳмонига қарар ва бирор сўз айтишга ҳам мажоли келмасди. Ҳозирда унинг рўбарўсида ўзи унут бўл-ган, бироқ яна тирилган деб ҳисоблаган ўтмишнинг элчиси ўтирарди.

— Рус армияси Могилевга яқинлашганида сиз хотинингизнинг паспортини олиб, унинг исми, отасининг исмини ўчириб ташлагансиз, ўрнига ўзингизнинг номингизни ёзиб, ўша паспорт билан ўзингизни биров танимайдиган Латвияга қочгансиз. Паспортни жуда ўхшатганингиздан бўлса керак, руслар Латвияни озод қилганларидан кейин Қизил Армияга кўнгилли бўлиб кириш истагини билдиргансиз. Сизни Қизил Армияга олишган, ҳатто текширувдан ҳам ўтиб олгансиз... Ҳаммасини тўғри баён қилаяпманми, ишқилиб?

Рудникдан ун чиқмасди. У бошини ҳам қилиб, лабини тишлаганича креслода ўтирарди.

— Шундай қилиб,— гапида давом этди Жозеф Маккензи,— Қизил Армия билан бирга жанг қилиб, Болтиқбўйидан Берлингача бордингиз. Дуруст жанг қилгансиз шекилли, рус қўмондонлиги уруш тугаши олдидан сизга ҳатто офицерлик унвонини ҳам берган. Сиз жон-жаҳдингиз билан жанг қилгансиз, чунки тўла хайрихоҳ эканлигингизга ўртоқларингиз ва командирларингизни ишонтиришни истагансиз. Бироқ, кўп ўтмай, омадингиз юришмади: асирга тушиб қолдингиз ва менимча, буни беғараз қилмагансиз. Фашистлар асирлигидан сизни америкаликлар озод қилишди. Шунда, оккупация зонасида бўлганингизда чинакамга омадингиз юришмади. Гап шундаки, мистер Обухович, ўша пайтда инглиз ҳарбий разведкаси қўлига гестапо архиви тушиб қолганди. Ўша вақтда ёш ва умидли контрразведкачилардан бўлган Кларк сизнинг ишингизга дуч келди. У ишингиздаги расм билан сўроққа келтирилган рус лейтенанти бир-бирларига жуда ҳам ўхшашликларини фаҳмлаб қолди. Нимаики десангиз ҳам, мистер Обухович, Роберт Кларк сезгир йигит. У сизнинг бармоқ изларингизни олиб, ишингиздаги бармоқ изларига солиштирди. Иккови бир-бирига жуда тўғри келди чоғи, Кларк шундан кейин рўбарўсидаги одамнинг кимлигига шак-шубҳа қилмай қўйди. Энди у ўша одамни хоҳлаган кўйига солиши мумкин эди. Масалан, рус ҳарбий маъмурларига топширса бўларди. Кларк эса уни ёллашни афзал кўрди. У эҳтиёткор йигит эди. Иттифоқчиликнинг аҳилликда кечадиган дастлабки ойларида кейин «совуқ муносабатлар уруши» даври бошланишига унинг ақли етарди. Кларк ёшгина рус лейтенанти корига яраб қолишини биларди. Сизни

ҳозиргина озод қилинган ҳарбий асирлар лагерига тиқиштириб қўйди. Ёш лейтенантга шу тариқа уйини соғинган бошқа асирлар қатори ватанига қайтиш имкони берилди. Ҳа, айтмоқчи, мистер Обухович, иккинчи текширувдан қандай ўтиб олдингиз? Наҳотки, яна гапингизга ишонишган бўлишса?

Рудник бошини кўтариб, гўё биринчи марта кўраётгандек меҳмонга қаради-да, ҳирқироқ овозда жавоб қилди:

— Йўқ. Асирликка ярадор бўлиб, беҳуш ҳолда тушганимга гувоҳлар топилиб қолди, холос.

— Ўшанда ҳам ҳозиргидай омадингиз келган экан. Мен қочиб кетишингизга ёрдамлашаман.

— Қандай қилиб?

— Менда план бор, мистер Обухович.

— Буни бас қилсангиз-чи!— Рудник қайнаб кетди.— Бу ерда Обухович йўқ! Павел Рудник бор!

— О, кечирасиз, мистер Рудник. Хуллас, менда план бор. Эртага кечқурунгача Кларкка қандай маълумотлар берганингиз ҳақида тўла ҳисобот ёзасиз. Ана шу ҳисобот билан кечқурун соат ўнда Минск шоссесининг ўттиз еттинчи километрида бўлишингиз керак. Шоссенинг ана шу жойи ўрмонга жуда туташган. Мен симёғоч ёнида тўхтаб, машинамни тузатаман. Сиз эса машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб оласиз, шундан кейин энг яқиндаги йирик станция — Янги Иерусалимга элтиб қўяман. Соат йигирма учдан йигирма минут ўтганида у ерда Ригага кетаётган поезд тўхтайди.

Жозеф Маккензи пиджагининг чўнтагидан ҳамён олди. Унда эски паспорт, Москвадан Ригагача билет ва эллик сўмликлардан иборат минг сўм бор эди.

— Бу сизга,— деди у барини агентга узатаркан.— Энди Рудник эканлигингизни унутишингизга тўғри келади. Сиз энди Степан Иванович Заболоцкий, тобольсклик инженерсиз. Ригадаги вагонсозлик заводида командировкага кетаяпсиз. Манави эса командировка гувоҳномаси.— қўшимча қилди инглиз завод штампи, муҳри ва пастида имзолари бўлган варақани узатиб.

Рудник ҳужжатларни қўлида айлантириб кўрди. Паспорт анча эскирган, ундаги сурат ҳам тиниқ эмасди, бироқ худди эскилиги билан ҳам чинакам деган таассурот қолдирарди. Рудник уни варақларкан, ун-

да прописка штампини ҳам ва ҳатто қандайдир Журавлева Зинаида Антоновна билан никоҳ қайд этилган штампни ҳам кўрди.

— Ригада,— кўрсатма беришда давом этди Жозеф Маккензи,— ўзингизга маълум бўлган адресга мурожаат қиласиз. Линисни сўрайсиз.

— Ригада кейин нима қиламан?— сўради Рудник севиичини зўрга яшириб.

— Кейинги кўрсатмани Линис орқали оласиз. Бир неча кундан кейин сизни Швецияга ўтказиб юборамиз.

Рудник ўз қулоқларига ишонмасди. Наҳотки у озодликка чиқса? Наҳотки, бир кунмас бир кун ўзини беҳавф-хатар сезса? У ичидаги фикрларга тасдиқ излагандай меҳмонга кўз ташлади. Маккензи мулоҳим илжайрди.

— Менимча, вагонга Москвада эмас, яқинроқдаги станциядан ўтириш хавфсизроқ бўлади.

— Албатта, албатта,— Рудник шоша-пиша унинг гапига қўшилди.

— Ҳисоботни эсингиздан чиқарманг. Чегарадан ўтиб кетишингиз сизнинг самимийлигингиз ва тўғрилигингизга боғлиқ.

— Ҳаммасини қиламан,— Рудник меҳмонни қизгин ишонтирди.

— Энди эса мен кетай.

Жозеф Маккензи ўрнидан турди. У новча, қаддик ва тантанавор эди. Рудник уни эшиккача кузатиб қўйди-да, ўзига яна арақ қўйди. Вадим қайтиб келганида эса Рудник уни коньяк ва шампаньскогоя юборди.

Уша кечаси Рудник бамисоли тақводордай тинч ухлади.

Ўн саккизинчи боб

КУТИЛМАГАН ВОҚЕАЛАР

Сергей Николаевич Рублев эрта билан касалхонага қўнғироқ қилди. Навбатчи врач Матвеева ўзини нормал ҳис қилаяпти, деб жавоб қилди. Уни бориб кўрса бўладими? Ҳа, бироқ тушдан кейин келинса дурустроқ бўлади.

Рублев соат учда касалхонада бўлди. Матвеева уни ҳовличадаги скамейкада кутиб ўтирарди. У кулранг, ювилган халатда бўлиб, ранги кетиб қолганидан қарироқ ва хароброқ кўринарди. Қаёқларгадир қарашган ҳолда саломлашишди. Ўртага ноқулай жимлик чўкди.

— Сиздан жуда уятлиман, Сергей Николаевич... жуда уятлиман,— Матвеева юзини яширганича гўлдиради.

— Бўлди, бўлди, ўзингизни босинг. Ҳаммаси жойида.. Ҳа, манави сизга.— Рублев унга саллагулдан ясалган гулдаста тутди.

Матвеева миннатдорчилик билдиргандай гўлдиради.

— Нима бўлди ўзи, Лидия Павловна? Рудникнинг квартирасида нима бўлди?

Матвеева ҳаяжонланганича Рудник билан жанжаллашиб қолгани, тўғри гапирмаяпсан, деб зўравонлик қилмоқчи бўлганини айтиб берди.

— Бу ишни эса сиздан сира ҳам кутмагандим,— Рублев ўзини тутолмади.— Бардошингиз етарли, деб ўйловдим.

— У бошимга кўп кулфатлар солди! Асабим дош бермади,— Матвеева ҳиқ-ҳиқ қилганича ўзини оқлади.

Рублев таблеткаларни тилга олиб ўтирмасликка жазм этди. Матвеева ҳам заифлигидан уялаётганидан ҳозирда ўзини қайга қўйишни билмасди. «Бечора,— дерди ичида Рублев,— жуда ҳам қийналиб кетди-я!»

— Лидия Павловна,— Рублев гапни энди жиддий оҳангда бошлади,— сиз батамом тузалиб чиққанингиздан кейин ҳаммасини батафсил гаплашиб оламиз, ҳозир эса менга ёрдамнинг керак. Рудник ғойиб бўлди. У қаерга яшириниши мумкинлигини билмай-сизми?

Матвеева елкасини қисди.

— У узоққа кетолмайди, албатта,— давом этди Сергей Николаевич.— Бироқ, уни тезда зарарсизлантириш керак. Унинг ошналари, танишларини эслаб кўринг.

У Рудник билан бирга уйларига боришган бир неча танишларини айтди. Уларнинг уйлари Садоваяда, Гоголь хиёбонида, Обручев кўчасида эди. Рублев

уларнинг адреслари ва фамилияларини батафсил ёзиб олди.

— Бошқа шаҳарларда унинг қариндошлари ёки дўстлари йўқми?

Лидия Павловна буни билмасди.

— Ёрдамингиз учун раҳмат.— Рублев ўрнидан туриб, унинг кучсиз қўлини қисди.— Тезроқ соғайинг.

— Сиздан илтимос қилмоқчийдим,— Матвеева заиф овозда гапирди,— буни... идорамдагиларнинг билишмасликларига илож борми? Бўлмаса у ердан кетишимга тўғри келади.

— Яхши. Тўғрилашга ҳаракат қиламан. Соғайиб кетинг.

Рублев ярим соатдан кейин бошқармада эди. Кабинетга кирмасиданоқ Петраков қўнғироқ қилиб қолди.

— Сергей Николаевич, ёнимга кириг.

Петраков қўлини орқасига қилганича кабинетда айланиб юрарди. Қошлари жуда ҳам чимирилганди. Унинг нимадандир ташвишга тушганлиги сезилиб турарди.

Петраков стол ёнидаги креслога имо қилди.

— Ўтиринг...— Рублев креслога чўкканидан кейин ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапида давом этди.— Гап бундай, Сергей Николаевич... Бу ерда айрим ўртоқлар, операцияни сиз силлиқ олиб бормаяпсиз, деб ҳисоблашаяпти... Сиз Рудникни қўлдан чиқариб юбордингиз... Матвеева касалхонага тушди... Ҳарҳолда, унга бор гапни бекорга айтдингиз чоғи... Ҳа, дарвоқе, у яхшими?

— Яқинда чиқади...

— Бунисига хурсандман. Гап бундай... силлиқ операциялар фақат китобда бўлади, албатта, бироқ ҳарқалай, сиз қандай фикрдасиз?

Рублев бошлиғи ўлганининг кунидан бу гапни айтаётганини сезиб турарди. Бироқ, афтидан кимдир уни бунга мажбур қилган. «Ким? Асосан Игорь Тарков бўлса керак. У кек сақлайдиган одам!»— Сергей шуни хаёлидан кечирди.

— Ўртоқлар ҳақли, албатта. Ҳаммаси ҳам кўнгилдагидай бўлмади. Бироқ, асосий иш қилинди — биз жиноятчининг изига тушдик. Энди биз шундай десак бўлади... Рудникка келганда эса у жосуслик ҳунарида пихи қайрилган, хўп деяверинг. У доимо

сергак бўлган! Қамоққа олинишини кутган...
Ўша районни ўраб олишга эса имкониятим йўқ
эди...

— Бу гапда мантиқ бор,— пўнғиллаб қўйди Пет-
раков.

— Энди Матвеева масаласида... Биз ўшанинг ёр-
дамида рақибимиз нимага қизиқаётганини билиб
олдик... У биз тўғри йўлда эканимизни тасдиқлади.
Кейин, у билан суҳбатлашганимда Матвеева хуштор-
рининг яширин ҳаётидан беҳабарлигини фаҳмладим.
Икки ойдан бери таниш-билиш бўлишади-ю, буни
қайдан ҳам билсин. Мен у бизнинг кишимиз, совет
кишиси эканига ишондим ва адашмадим.

— Эътирозим йўқ.

— Энди энг муҳими: операция ҳали тугаллангани-
ча йўқ... Рудник ҳеч қаёққа кетмайди...— Сергей Ни-
колаевич жим қолди-да, илжайганича қўшимча қил-
ди: — Умуман олганда, мен контрразведкачи сифа-
тида сеҳргар эмасман, иш ўрганаёпман, холос.

Бошлиқ илжайди-да, нимадир демоқчи бўлганди,
шу пайтда ичкарига офицер кириб, Петраковга теле-
фонограмма узатди.

— Жуда шошилинч экан,— қўшимча қилди офи-
цер.

Петраков телефонограммани ўқишга киришаркан,
қошлари чимирилиб кетди.

— Ўқиб кўринг-чи. Бу сизга дахлдор.

«Яқинда Бонндаги Совет элчихонасига,— Рублев
машинкада ёзилган сатрларга кўз югуртирди,—
номаълум гражданин мурожаат қилиб, ўзини Ганс
Кушниц, Германия Демократик Республикасининг
фуқароси эканлигини айтди. Ганс Кушницнинг айти-
шича, у яқин вақтгача Москва Давлат университети-
нинг физика факультетида ўқиган. Университетни
тугатганидан кейин ГДРнинг СССРдаги элчихонаси
унга Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида ишлашни
таклиф этган. Ганс Кушниц шу йилнинг июлида от-
пускадалигида Ғарбий Германияда турадиган хола-
сини кўргани борган. Бироқ, у ерда нотаниш кишилар
томонидан ушланган, ўша кимсалар унга инглиз
разведкаси билан ҳамкорлик қилишни таклиф этган-
лар. Ганс Кушниц бундан бош тортганидан кейин
уни зўрлаб сўроққа тутганлар, кейин эса Франк-

фурт-Майндаги психиатрия клиникасига жойлаганлар. Ганс Кушниц бундан бир неча кун муқаддам ўша ердан қочишга муваффақ бўлган. Ганс Кушниц содир бўлган бу воқеаларни тегишли шахсларга Москвага ишончли одам юбориш, ўша киши эса Кушницнинг ҳужжатларидан ва ташқи қиёфаси ўхшашлигидан фойдаланиб, Москвада қўпурувчилик иши билан шуғулланиши зарур бўлганлиги билан изоҳлайди.

Германия Демократик Республикасининг хавфсизлик органлари Ганс Кушницнинг тахминлари эҳтимолдан узоқ бўлишига қарамай, тўппа-тўғрилигини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Ташқи кўриниши, қон группаси ва бошқа аломатлари Ганс Кушниц ўзини атаётган одам айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди.

Сизлардан ўз тарафингиздан ўзаро Ёрдам Кенгашининг штаб-квартирасида ишлаётган ва ўзини Ганс Кушниц деб атаган одамни текширишларингизни илтимос қиламиз. Ҳақиқий Ганс Кушницнинг сўзларига қараганда, Москвада унинг Таня Балашова деган таниш қизи бор. У Ленинград районида истиқомат қилади.

Текширишларингиз натижаларидан бизни хабардор қилишингизни сўраймиз.

Ганс Кушницнинг суратини ва унинг асосий антропологик кўрсаткичларини илова қиламиз».

Пастда ГДР хавфсизлик органлари бошқармаси бошлиғининг имзоси турарди.

Рублев билан Петраков бирпас бир-бирларига унсиз боқишди.

— Хўш, бунга нима дейсиз, Сергей Николаевич?— Петраков жимликни бузди.

— Ҳе, жин урсин-е!— деб юборди Рублев.— Буларнинг барига ақл бовар қилмайдиганга ўхшайди-ку.

— Нега бовар қилмас экан? Инглиз разведкаси илгари ҳам қиёфадosh одамлардан фойдаланган.

Сергей Николаевич бу пайтда Ганс Кушницнинг расмини кўздан кечирарди. Расмдан унга кўзлари кулранг ва кичикроқ, лаб бурчаклари юқорига қараган ва даҳанида кулдиргичи бўлган йигит боқарди.

— Яхши, очиқ юзли йигит! Бунақа одам ишонч уйғотади.— Рублев ҳужжатларини бошлиғининг сто-

лига қўйиб, давом этди:—Менимча, Анатолий Васильевич, мабодо душман шунчаликка борган экан, уни бунга фавқулодда вазият мажбур этган. Унга ўша одамни Москвага юбориш жуда ҳам керак бўлган. Ана шу авантюранинг бари янги ёнилғига алоқадор, дейишга журъат эта оламан. Душман технологик сирларни қўлга киритиш учун ҳеч нимадан тап тортмайди.

— Буни ҳали исботлаш керак!

— Бунақа хулоса ўз-ўзидан чиқиб келаяпти. Душман разведкаси физика факультетининг битирувчиси билан қизиққанига эътибор беринг-а. Демак, унга техник ва илмий жиҳатдан иқтидорли одам керак бўлган. У юборган разведкачи ҳам чамаси физик — экспертнинг ишини уддалаётганини назарда тутинг. Бундан чиқди унинг техник маълумоти бор.

— Бунда бизга Рудник ёрдам бериши мумкин эди. Айтмоқчи, у ҳақда бирор янги гап борми?

— Ҳозирча йўқ. Ходимлар вокзал, аэропорт ва Москвадан чиқишдаги ГАИ постларида кузатув олиб бормоқдалар. Тахминларга кўра, у шаҳардаги бирор уйда яшириниб ётипти. Бироқ, эртами ё кечми ўзини сездиради.

— Равшан. Энди Кушниц билан шугулланинг. Иш жойидан у ҳақда маълумот олинг. Рудник ёки Жозеф Маккензи билан боғланган-боғланмаганини текшинг. Боғланган бўлса, қамоққа олишга ордер ёзинг. Боғланмаган бўлса, мамлакатга қалбаки ҳужжатлар билан киргани учун қамаш мумкин. Бироқ, олдин мамлакатимизга нима учун келганини билишни истардик. Мени ҳаммасидан хабардор қилиб туринг.

* * *

Экспертлар Ганс Кушницнинг катталаштирилган суратини тайёрлашди. Рублев уни папкага солди-да, Узаро Ёрдам Кенгашининг кадрлар бўлимига қўнғироқ қилиб, қанчалар нозик вазифа билан бораётганини тушунтирди.

Рублев орадан ўн минут ўтганидан кейин Максимов билан биргаликда Арбат кўприги ёнидаги баланд ойнаванд бинога кирди. Кадрлар бўлимида уларга Ганс Кушницнинг шахсий иши ҳозирлаб қў-

йилганди. Шахсий ишга ёпиштириб қўйилган кичкинагина сурат билан Рублев олиб келган расмда битта одам тасвирланганини билмоқ учун эксперт бўлишнинг ҳожати йўқ эди. Бироқ, Сергей Николаевич суратни асл нусха билан солиштирмоқчи бўлди. У бўлим ходими билан сохта Кушницни бирорта дурустроқ баҳона билан махсус кабинетга чақириб, қия очиқ эшикка қараб ўтқазिशга келишишди. Максимов икковлари шунда эшик тирқишидан уни кузатишадиган бўлишди.

— Бу йигит ўтюралардан,— деди Максимов узун коридордан боришаркан,— бунақа авантюрага ҳар ким ҳам кўнавермайди.

— Эҳтимол,— Рублев унинг гапига қўшилди.— Ҳарқалай, мен унга ҳавас қилмайман. Доимо қўрқувда яшаш, ҳар дақиқада фош бўламан, деб хавфсираш. Ҳа, бу йигитнинг асаблари мустаҳкам экан.

Улар эшиклардан бири олдида тўхташди. У қия очиқ эди. Стол ёнида сочи фарқи очилган ҳолда силлиқ таралган, даҳанида кулдиргичи бўлган йигит ўлтирарди. Лабининг бурчаклари юқорига қараганди. Йигит битта миқти одам билан нималар ҳақидадир суҳбатлашарди. Рублев билан Максимов ўша одамнинг кенг елкалари билан тепакалини кўришарди, холос.

— Тўла ўхшашлик. Бу биз қидираётган одамнинг ўзгинаси,— деди Максимов эшик ёнидан нарига кетишаркан.— Нима қиламиз, Сергей Николаевич?

— Олдинига уни кузатамиз. Бу ишни ўз зимманга олгин.

Энди Кушницнинг ҳар бир қадами, бошқалар билан ҳар бир учрашуви маълум эди. Ушал оқшомнинг ўзида Рублевга Кушницнинг Малла билан учрашганини маълум қилишди.

— Рудник, Кушниц, Кларк ва Маккензи битта разведка занжирининг звено ҳалқалари эканликлари энди аён бўлаяпти,— деди Рублев бошлиғига ахборот бераркан.— Буларни қўпоровчилик, ифлос мақсадлар бирлаштириб турибди.

— Мана энди,— Петраков Рублевнинг ахборотига яқун ясади,— иш ечимига қараб кетаяпти.

Ўн тўққизинчи боб

СЎНГГИ УЧРАШУВ

Рудник Маккензига жуда ҳам ишонмасди. Уни тузоққа туширмоқчилиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди-да. Бироқ, бошқа чора йўқлигидан Жозефнинг шартини сўзсиз қабул қилишига тўғри келди. Рудник Вадимнинг уйидаги ўша охирги кунни талвасага тушган ҳолда ўтказди, нега деганда ҳаётидаги бутун бир давр барҳам топиб, янгиси бошланаётганини сезиб турарди-да. У уёғи бутунлай номаълум бўлган маррани босиб ўтаётганди-да.

Рудник ҳисобот ёзишга нақ ярим кунни бағишлади. Ўн қоғоздан иборат, зич қилиб ёзилган текстга унинг бутун ҳуфёна ҳаёти, ташвишлари, қўрқувлари ва умидлари жо бўлганди. Янги ракета ёнилғиси тўғрисида эшитган суҳбати ҳам, Смеляковнинг таърифи ҳам шунда эди. Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка дахлдор бўлган ҳужжатнинг баёни ҳам бунда бор бўлиб, Рудник уни «Қақнус» операцияси бошланишидан сал аввал маслаҳатчи Штрассернинг портфелидан бир неча минутга ўмариб, суратга олганди. Москвани қуршаган йўлларнинг қисқача баёни ва самолётларнинг баъзи турларига берилган характеристикалар ҳам текстдан жой олганди.

Рудник совет контрразведкасининг қўлига тушсам ҳам шунақа ҳисобот ёзган бўлардим, деган хаёлга борди. У ҳар гал шуни ўйлаганида вужудини ваҳима босарди. Шунда дунё кўзига тор кўриниб кетарди. Гоҳи Москва кўчаларида машина ҳайдаб бораркан, шоша-пиша кетишаётган одамларни кўриб, уларга ҳаваси келарди. Ўша одамларга шундай яшаш маза, ҳеч нимани яширишларига тўғри келмайди. Ухлагани бемалол ётишаверади. Ишларига шошилишади, болаларини ўстиришади ва рўзғор ташвишини қилишади. Ҳамма нарсалари жўн ва равшан. Эшик ҳар тикиллаганида чўчиб тушишмайди ва бегона одам тикилиб турганини кўришса баданларини совуқ тер босмайди. Павел Рудникнинг муртад ролини ўйнаётганига ким айбдор ўзи?

У кўпинча урушни айбларди.

Ҳа, ҳаммаси қирқ биринчи йилнинг июлидан, не-

мислар Могилевга бостириб кирганларидан бошланди. Ушанда Паша Обухович ориққина, қоп-қора сочли, мактабни эндигина битирган ўспирин эди. Хаёлида маълум бир режаси ҳам йўқ эди. Кўпчилик тенгқурлари эса учувчи бўлишни орзу қилишар, ўшанда бу нарсa ҳамманинг дилида эди. Паша ҳам бир кунмас бир кун она шахрга келишни ва марказий кўчадан ғирчиллайдиган хром этик кийиб, чаккасига кўк пилоткани қўндириб ўтишни орзу қиларди. Ушанда кўкрагида орден ялтираб турса, ҳамма танишлари унга қараб, бир-бирларига ҳурмат билан: «Бу йигитни танимаяпсанми? Бу Паша Обухович — сартарош Аркаша Обуховичнинг ўғли-ку», дейишса-да.

Паша мактабни битиришидан бир неча кун олдин учувчилар билим юртига ариза берди. Бироқ, охирги имтиҳонни топширганидан кейин иситмаси ошиб кетиб, ётиб қолди. У немислар шаҳарга яқинлашганларида ва фронт гумбур-гумбурлари эшитилиб турганидагина бошини кўтарди.

Шаҳарда тўс-тўпалон бўлиб, Субботиха деган лақабли қийшиқ қўшни хотин қаёқдаги ваҳимали гапларни айтарди. Бир ерда бомба тўппа-тўғри бомбапанага тушибди, қаердадир немис парашютчисини тутиб олишибди, у милиционер кийимида экан. Уни ўша жойнинг ўзидa отиб ташлашибди, қаердадир вино омборини ўмариб кетишибди.

Ҳамма танишлар Шарққа эвакуация қилинганди. Бироқ, катта Обуховичнинг бўлаётган воқеаларга нисбатан ўзига яраша фикри бор эди.

— Биз кичкина одаммиз,— дерди у.— Немислар бизга тегишмайди.

Уларга чиндан ҳам тегишмади. Катта Обухович ўша сартарошхонада мижозларининг соч-соқолларини олар, бироқ энди улар немисларнинг офицер ва солдатлари эдилар.

«Мабодо мен фронтга кетганимда ёки эвакуацияга жўнаганимда ҳаётим бўлакча бўлар эди»,— деб ўйларди Рудник кўпинча.

Павел Обухович полиция хизматига отасининг тавсияси билан олинди. Отаси бу борада мижозларидан бирининг соч-соқолини олаётганда келишиб олганди чоғи. Кичик Обухович олдиниға бунга кўнмади:

— Ноқулай бўлади, мени шаҳардагилар таниша-

ди, ўзимизникилар бирдан қайтиб келишса нима бўлади?

— Қайтиб келишмайди,— эътироз билдирди отаси.— Мана, немислар ҳозир Москва яқинида! Уларда куч бор, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам нағмаларига ўйнайсан. Кейин, нима, сен отангга юк бўлмоқчимисан?

Павел таслим бўлди. Пировардида қоринни ҳам бир амаллаб тўйдириш керак эди. Немислар эса қўллари остида ишлаётган одамларгагина паёк беришарди. Кейин Пашанинг ёлғиз ўзи немислар билан бирга ишлармиди? Мана уларнинг қўшниси — собиқ магазин мудирини Степан Қорнеич-чи. У ҳам комендатурага ишга кириб олди...

— Сен шундай қил, йигит,— панд-насиҳат қилди отаси,— гапимга кир, ота ёмонликни тиламайди. Полицияда ҳам ҳар хил хизмат қилса бўлади. Ёмон ишга аралашма, қўлингни қонга булғамасан. У ерда яхши одамларга фойданг ҳам тегиши мумкин.

Полицияда Павелни кўзини бойлаб олган қотма немис қабул қилди. У анкета тўлдиртириб, мен, Павел Аркадьевич Обухович, ўн саккиз ёшда, буюк рейхга имону эътиқод билан хизмат қиламан, деган тилхат олди. Икки ҳафта уни бўлғуси полицаиларнинг қурама тўдасида шаҳардан ташқаридаги майдонда югуртиришди, сафда одимлашга, эмаклашга, карабин ва автоматдан отишга ўргатишди, кейин эса гувоҳнома, енгга бойлайдиган белги ва қурол беришди.

Павел олдинига шаҳарда патруллик қилди, тинтув ва қамоққа олишларда қатнашди. Гоҳо одамларга хўжайинлигидан терисига сиғмай кетса ҳам бу иш унга ёқмасди. Бироқ, у ҳали ёш бўлганидан мусибатда қолганларни кўрганида жуда эзилиб кетарди.

Орадан кўп ўтмай, уни «жиддий» ишга олишди. Бир гуруҳ қамалганларни отиш керак эди. Отиладиган кишилар томорқалар ортида, ўрмон чеккасида ўзларига қабр — узун чуқур қазишди. Обухович уларни қўриқлади. У қўллари бойланган маҳбусларни подвалдан олиб чиқар, чуқургача олиб борар, у ерда немис фельдфебели қурбоннинг орқасидан отар, мурдалар чуқурга тушаверарди. Обухович подвалдан етмишдан ортиқ одамни олиб чиқди. Чамаси, гитлерчи фельдфебель ўзининг «бурчини» шунчаки бажар-

ган бўлса керак. Павел ана шу ваҳшиёна ишдан кейин бир неча кунгача кечасилари босинқираб чиқди.

Шундан кейинги кунлари ичкиликдан боши чиқмади. Полициячиларнинг деярли ҳаммалари ичишар, нега деганда самогон текин эди. Уни деҳқонлардан тортиб олишарди. Павел ҳам ича бошлади. Қамоққа олишлар, облавалар, қийноқлар, отиб ўлдиришлар — Павел қурбонларини санаганда адашиб кетарди. Эс-ҳуши ўзига келган пайтларда орқага қайтадиган йўли берклигини тушунарди. Изидаги кўприкларни ўзи ёндириб келганди-да. Кейин, интиқом онлари яқинлашганида, яъни тўпларнинг ғолибона гумбургумбури буни эслата бошлаганида у Болтиқбўйига қочди. Ўшандан бери Павел сири очилиб қолишидан қўрқа-писа яшарди. Урушдан кейин орадан кўп йиллар ўтса ҳам кўчада, метрода ёки троллейбусда мени таниб қоладиган танишларимдан бирортаси йўқмикин, деб одамларга зимдан қарарди. Ваҳима унинг абадий ҳамроҳи бўлиб қолганди.

Ҳа, манави малла инглиз ҳақ эди. Павелнинг икки марта сира ҳам омади келмаганди. Биринчи сафар отасининг гапига кирганида ва иккинчи марта мистер Кларкка дуч келганида. Тўғри, ҳозир ҳам, мана учинчи марта омади юришмаётганди. Сири очилганидан худди ёввойи ҳайвондай изидан тушиб, тутиб олишмоқчи. Шунинг учун ҳам Обухович — Рудник ҳечқанақа ширин хаёлларга бормасди. Контр-разведканинг қўлига тушса борми уни сира аяб-нетиб ўтиришмайди. Унда фақат битта чора бор. У ҳам бўлса — Ғарбга қочиш.

* * *

Кўча зимзиё қоронғи эди. Эрталабдан бошлаган ёмғир кечга томон зўрайганди.

Рудник кўлмакларни айланиб ўтди-да, ўзи телефонда чақирган таксига ўтирди.

— Гап шундай, шеф,— деди у шофёрга.— Минский шоссесига ҳайда. Ўттиз еттинчи километрга. У ерда ошнам фалокатга йўлиқбди. Яхши чой пули оласан.

Шофёр қаноатлангандай бош ирғади. Машинасига чинакам мижоз энди тўғри келганди-да.

Такси кўлмаклардаги сувларни сачратганича

Трифонов кўчасига чиқиб, сўнгра Октябрь кўчасига бурилди. Шофёр бир нарсалик бўламан, деб машинани жони борича ҳайдарди. Рудник Вадимдан ўмарган кепкасини бостириб кийганича орқа ўриндиққа қалишиб олганди. Рудник машинанинг терлаган ойнасидан ўзини таниб олиш мумкин эмаслигини тушунса ҳам барибир асабийлашарди.

— Эҳтиётроқ бўл,— маслаҳат берди у шофёрга,— бўлмаса тўхтатишади-да, кўпроқ вақтимиздан айриламиз.

— Ҳечқиси йўқ!— тетик жавоб берди ҳайдовчи.— Оз эмас, ўттиз йилдан бери рулдаман.

Машинанинг олдинги, тозалагичлар ярим доира шаклида тиниқлаштириб қўйган жойидан Кутузов проспектидаги баланд иморатлар кўрунарди. Ана шу бинолардан бирида унинг собиқ хўжайини — маслаҳатчи Штрассер истиқомат қилади. Рудник япалоқ юзли бу хушфеъл одамнинг ҳайратда қолишини кўз олдида келтирди. «Пауль — жосусми? Бўлиши мумкин эмас! Майн готт! Кимнинг хаёлига келибди дейсиз!»

Штрассер жуда ваҳимага тушиб, валидол ичиши ҳам мумкин ва бу катта янгиликни хотинига ҳам айтади. «Хайр, маслаҳатчи Штрассер! Сен хушфеъл одам эдинг, мени деб ишинг чатоқ бўлишини хоҳламагандим».

Рудник ишдаги танишларнинг башараларини ҳам кўз олдида келтирди. Улар бурчак-бурчакда шивир-шивир қилишса керак: «Эшитдингларми, Рудник жосус экан!»— «Қайси Рудник?»— «Э, анави-чи...» Кадрлар бўлимининг бошлиғи инфаркт бўлиши турган гап! Унинг шўри қурийди! Гарчи кадрлар бўлимининг бошлиғига Рудникнинг ғарази бўлмаса ҳам буни ўйлаб хурсанд бўларди!

Қизиқ, Вадим ўз квартирасида кимни сақлаганидан бир кунмас бир кун хабар топармикин? Дарвоқе, билганида ҳам бундан унчалар ваҳимага тушмайди. «Менимча,— дерди ичида Рудник,— уни арақдан бошқа нарса ташвишлантирмайди». Рудник унга уйимга қайтаяпман, деганида Вадим афсусдалигини яширолмади ҳам. Бўлмаса-чи! Нега деганда Вадим бой ва саҳий амакидан маҳрум бўлаётганди-да. Энди эса араққа дўстларидан уч сўмдан юлқилаши керак бўлади!

Рудник ҳаяжонланаётганини боса олмасди. Такси ҳозирда уни ўтмишидан илдамлик билан узоққа олиб кетаётганди. Рудник ўзининг номаълум келажаги томон соатига тўқсон километр тезлик билан илгириламоқда эди.

Келажак! Швеция ёки Канаданинг бирор жойидаги уйчаси Рудникнинг кўзига бир неча марта элас-элас кўринганди. Ям-яшил, тептекис майсазор, кўча эшик олдида эса «мерседес» турибди! Рудникнинг бунга қурби келади! Пировардида унинг ҳисобидаги маблағ умрининг охиригача бемалол етади. Ҳозир бу ердан қочишга муваффақ бўлса бас!

Минск шоссеси бу пайтда кимсасиз. Гоҳо машиналар вишиллаб ўтиб қоларди. Рудник соатига қаради, тўққиздан ўттиз беш минут ўтганди. ГАИ постидан эсон-омон ўтиб олишди. Рудник шундан кейин пича тинчиди. «Ҳа, бекорга асабийлашаяпман,— дерди ўзига тасалли бериб,— шаҳардан чиқаётган ҳар бир машинани текшириб бўлмайди-ку!»

Рудник йигирма минутдан кейин белгиланган жойга етди. Теваракда жон асари йўқ эди. У таксичига йигирма сўм берганди у хурсанд бўлганича кетди.

Соат бешта кам ўн эди. Маккензи ҳали замон келиб қолиши керак. Рудник нам майсани босиб, ёнбағирликдан тушди-да, буталар орасида кўринмай кетди. Юрагининг гупиллаши қулоғига эшитилиб турарди. Шунда Рудникнинг юрагини бирдан ваҳима босди: инглизни ушлаб қолишса-чи! Яна Москвага қайтиши керакми? Йўқ, бунинг иложи йўқ! Рудникнинг ахири бир кун омади келиши керак-ку!

Рудник икки минутдан кейин бир чеккада қоронғиликни тилиб келаётган машина чироғини кўрди. У шоша-пиша ёнбағирликдан йўл чеккасига чиқди. «Жозеф,— деб ғўлдиради у,— бу Жозеф бўлса керак...»

* * *

Сохта Кушниц рулда асаб торлари таранг ҳолда келарди. «Волга» соатига саксон километр тезлик билан келарди. Кушниц ўттиз еттинчи километрга яқинлашганида йўл чеккасида турган одамни кўрди. Ўша одам савалаётган ёмғирга зўрға бардош бериб

букчайганнича ва афтини буриштирганича турарди. Кушниц машина ойнасини сал, тушириб, теварак-атрофига аланглади: шоссе кимсасиз, олдинда ҳам ҳеч ким кўринмасди. Рудникнинг машина чироқлари ёритаётган қораси эса жуда тез яқинлашарди.

Кушниц газни босиб, рулга маҳкам ёпишди. У Рудникнинг башараси қўрқувдан буришиб кетганини ва ўзи шосседа биланглаб қолганини кўрди. Бироқ, учиб келаётган машина зарбига чап беролмади. Зарбнинг бўғиқ овози эшитилиб, Рудникнинг жасади баҳайбат латта қўғирчоқдай йўл чеккасига учиб кетди.

Кушниц «Волга»ни йўл чеккасида тўхтатди-да, чироқларини ўчирди. Ёмғир тобора саваларди. Кушниц энгашганича Рудник ётган жойга югурди. Унинг мажақланган бажарасига қарамасликка уриниб, чўнтакларини кавлаштирди, икки букланган қўлёзмани олди. Маккензига жуда ҳам зарур бўлган қўлёзма шу эди! Уни чўнтагига солиб, машина томон шошилди. Энди иложи борица тезроқ Маккензи билан учрашиш қолганди.

* * *

Машина йўл чеккасида катта ва кичик чироқларини ўчирган ҳолда турарди. Максимов олдинда, шофёрнинг ёнида ўтирар ва рациядан Рублевга ахборот беради:

— У ўттиз еттинчи километрда тўхтади. Нима мақсадда тўхтаганини билмайман...

— Ўша жойни кўздан кечиринг,— буюрди Рублев. Унинг овози динамикдан бўғиқ ва ҳирқираб келарди.— Қайтишида эса тўхтатинглар.

— Есть, тўхтатамиз,— ҳушчақчақлик билан жавоб қилди Максимов.

— Қани, йигитлар,— у орқада ўтиришган иккита ходимга юзланди,— сизларга иш бор.

Сарғиш плашдаги кенг елкали иккита ёш ҳеч нима дейишмади, фақат улардан биттаси, начора, керак бўлгандан кейин бажарамизда, дегандай елкасини қисиб қўйди.

У рация ручкасини бураб, Москвага кираверишда навбатчилик қилаётган ГАИ ходими билан боғланди.

— Еттинчи эшитади...

— Қора «Волга»ни тўхтатинг.— У номерини айт-

ди.— Баҳона топинг. Мен етиб боргунимча ушлаб туринг.

— Бажарилади,— жавоб қилди инспектор.

Максимов бу пайтда ёмғирли куз кечасининг қоронғилигига тикилгани тикилганди. У Кушниц тўхтаган жойдан юз метрлар берида эди. У Кушницни Кутузов проспектида кўриб қолиб, кетидан келаверганди. Кушниц машина чироқларини ўчириб тўхтаганида Максимов ҳам тўхтаганди. Ҳозирча «Волга»нинг чироқлари ўчирилганидан Максимов Кушниц нима қилаётганини кўролмасди. Мана, ниҳоят машинанинг кўзни қамаштирувчи чироғи яна зулматни тила бошлади. «Волга» гувиллаб, орқасига бурилди-да, ёқут рангдаги тормоз чироқларини липиллатганича Москва томон ела бошлади.

— Кетдик,— деди Максимов шофёрга. Машина ҳам орқа томони сал чўкканича жойидан илдам қўзғалди.

Максимов «37» км деган белгили симёғоч ёнида машинадан чиқди. У фонарчасини ёққанди, унинг мовийсимон ёғдусида ёмғир томчилари қиялаб ураётгани кўринди. Максимов симёғочни кўздан кечирса ҳам шубҳали бирор нарса топмади. «Ҳарҳолда, бу ерда нима қилганикин?— дерди ичида контрразведкачи.— Унга нима керак бўлганикин? Наҳотки, шу ерда, симёғочда ҳуфя жой бўлса?» Симёғочни ҳар қанча синчиклаб кўздан кечирса ҳам бир нима тополмади. Максимов йўл чеккасини ёритди — тупроқда машина изи, майсаларнинг бир неча жойи эзгиланганди. Максимов шошилиш керак, деган қарорга келди. Ҳайдовчини анча ушлаб туриш инспекторга жуда ноқулай бўлади-да. Кушниц бу ерда нима қилганини ўзи тушунтириб беради.

Максимов ГАИ постига келганида «Волга» йўл чеккасида мотори оҳиста тириллаб турарди. Ҳўл ёпинғидаги милиция лейтенанти Кушницнинг ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечирарди.

— Сиз русча биласизми?— деб сўради Максимов Кушницдан «Волга»га яқинлашаркан.

— О, ҳа,— тасдиқлади Кушниц ходимга сергакроқ қараркан.

— Қойил. Мен билан боришингизга тўғри келади.

— Нима гап ўзи?— Кушницнинг кўзларида қўрқув акс этди. У тезликни улайдиган ричагга ёпиш-

ганди ёнига ўтирган ходим ўнг қўлидан маҳкам ушлаб, машина моторини ўчирди. Орқа томондаги бошқа ходим эса чап қўлидан сиқди.

— Ўзингизни оқилона тутинг!

— Нима ҳаққингиз бор!— тутақиб кетди Кушниц.— Мен ГДР фуқаросиман.

— Буни биз биламиз!— жавоб қилди Максимов.— Йигитлар уни ўзимизнинг «Волга»га ўтқазинг.

«Тамом!— ўйлади ичида Кушниц.— Буниси тамом. Демак, улар мени кузатишган. Улар Рудникнинг жасадини топиб олишса нима бўлади?!» Кушниц юзи ва яғринидан тер қуяётганини сезди.

У иккала томондан сиқиб олишган ходимлар ўртасида «Волга»да келаркан, юзидан шаррос тер қуяри, унинг шўртанг таъмини ҳам сезиб турарди. Унинг хаёллари гужғон ўйнарди: виджагининг чўнтагини қаппайтириб турган Рудникнинг ҳисоботини сездирмай улоқтириб юбориш, совет контрразведкасига ўзи ҳақида нималар маълумлигини аниқ билиб олиши лозим эди. Кушниц, ўзни қўлга олиш керак, дерди. Бироқ, бунинг иложини қилолмасди, чунки қўллари титрагани титраганди.

Машина баланд бинонинг подъезди олдида тўхтади. Эмандан ясалган вазмин эшиклар очилиб, Кушниц ходимлар ҳамроҳлигида олдинига кенг залга, сўнгра кўп сонли эшиклари бўлган узун коридорга кирди. У буларнинг бари ҳаёлимда бўлаёпти, ҳозир кўзимни очаману бари ғойиб бўлади, деб ўйларди.

— Буёққа!

Олдинда бораётган йигит эшиклардан бирини итарганди Кушниц мўъжазгина чароғон хонага кирди.

* * *

Сергей Рублов Кушницга синовчан қараб-қараб қўярган, шошилмай чекарди. Агентнинг башараси намхуш ялтирарди. Ботинкаси лой, галстуги бир томонга қийшайиб кетганди. «Ҳозир бунинг басавлат дейиш қийин»,— Сергей ўзича кулиб қўйди. У Кушниц жуда асабийлашаётганига эътибор берди: қўли тиззасида сирғалар, кўзлари аланг-жаламг эди.

— Кушниц,— сўради Рублев,— Минск шоссесининг ўттиз еттинчи километрида нима қилдингиз?

— Мен... шунчаки айлангани чиқувдим... Ҳаво олгани.

— Ҳаво айланиб роҳат қиладиган ҳаво эмас-ку...

Кушниц об-ҳаво менинг қўлимда эмас, дегандай елкасини қисди.

— Балки бирорта киши билан учрашмоқчи бўлгандирсиз?— гапида давом этди Рублев.— Масалан, манави киши билан.— У Рудникнинг расмини олдинга сурди.— Сиз бу киши билан танишмисиз?

Кушниц расмга узоқ тикилди, сўнгра аста бошини чайқади:

— Йўқ, бу одамни танимайман.

— Ишончингиз комилми?

— Мутлақо.

Рублев кулимсиради-да, бошқа расмини олди. Унда Кушниц Рудник билан мўлжалдаги учрашувда биргаликда олинганди.

Кушниц суратга кўз ташларкан, титраб кетди-ю, бироқ ўзини тезда қўлга олди. У нимадир демоқчи бўлганди, бироқ шу пайтда қўнғироқ жиринглаб қолди. Рублев кафти билан трубкани яширганича бир неча минут Максимовнинг ҳаяжонли овозига қулоқ солди. У машинанинг радиатори эзилганини ва унда қон томчилари борлигини хабар қилаётганди. Сергей Николаевич трубкасини сиқиб ушласа ҳам юз ифодасини ўзгартирмай деди:

— Воқеа юз берган жойни яхшилаб текширинглар ва анализ қилинглар.

Агентнинг кўзлари жуда бежо бўла бошлади. Афтидан, у гап нима ҳақда кетаётганини фаҳмлаганди. У энди ўзини эплолмас, қўллари баттар қалтирарди.

— Нимага асабийлашаяпсиз. Кушниц? А?

— Йўқ, мен... чарчадим, холос,— гўлдиради у.

— Хўш, бу одам билан танишмисиз?— гапида давом этди Рублев қўлига яна суратни олиб.

Агентнинг тагидаги пол гўё чайқалиб кетди. Қандил нури халқа-халқа бўлиб тўзирди. «Ҳа, бўйин товлашнинг фойдаси йўқ, улар ҳаммасини билишади. Мен қопқонга тушдим...»— дерди ичида қалтираб.

— Танийсизми ё йўқми?— Рублев энди саволини кескинроқ такрорлади.

Кушниц кўзларини юмганича индамади.

— Мазам йўқ... Ўзимни ёмон ҳис қилаяпман,— шивирлади у ниҳоят.

Рублев стол тагидаги кнопкани босди.

Хонага икки ходим кириб, чайқалаётган агентни олиб кетишди.

Бир соатдан кейин Рублев, Максимов ва икки ходим, «тез ёрдам» врач жасад ёнида туришарди. Рудникнинг жасади устига брезент ташланган замбилда ётар, ёмғир томчилари унга такиллаб тушарди. Ходим Рудник ёнидан чиққан буюмлар, қимматбаҳо нарсаларнинг суратини кўрсатди. Улар бир неча соат, бир даста америка доллари, ўн минг сўмча совет пулидан иборат эди.

— Қочишга отланган бўлса керак,— деди Максимов.

Шундан кейин Рублевни бир чеккага тортди.

— Сергей Николаевич, нимага Кушниц барибир Рудникни ўлдирди?

— Сенга айтсам... Тинтувда Кушницнинг чўнтагидан Рудникнинг фаолияти ҳақидаги ҳисобот чиқди.

— Чамаси, Маккензи унга ана шу ҳисоботни олишни буюрган. У, афтидан, ана шу ҳужжатдан қандайдир ғаразли мақсадда фойдаланмоқчи бўлган.

— Эҳтимол. Бунинг тагига етамиз. Ҳарқалай, Рудник инглизга халақит берган, шунинг учун ҳам уни йўқотишга жазм этган.

Иккала ходим «тез ёрдам»дан тушишган икки санитар Рудникнинг жасади турган замбилни машинага олишаётганига қараб жим туришарди.

— Балки мартабасини Швейцарияда яқунламоқчи бўлган-у, лекин ўликхонада тугаллашига муродига етиши насиб этибди-да,— деди Рублев.

— Сотқиннинг тақдири шу-да,— Максимов ҳўл шляпасини силкитди.— Начора, Сергей Николаевич, мен кетдим. Уйдагилар ҳам кутиб қолишгандир.

Максимов оғайнисининг қўлини қисди-да, подъездда ғойиб бўлди. Рублев эса таниш телефон номерини терди. Катянинг овози ҳар маҳалгидай жарангдор эди.

— Бугун сендан негадир жуда хавотир олдим. Бирор нима бўлдими?

— Ҳеч нима. Одатдаги иш куни.

— Сени кутаман...

Рублев таксини жуда тез топа қолди. У орқа ўриндиққа ястанганича ҳузур қилиб чекди. Бундан бир неча йил муқаддам бошқармада ишлашга таклиф

этишганини эслади. Ушандан кейин Горький кўчасида анча кезиб, рози булсаммикин-бўлмасаммикин, деб ўйлаганди. У Шарқ тиллари билан шуғулланишни, Япония, Гонконгга практикага боришни орзу қилганди. Йўқ, бугун бу йўлни танлаганидан афсус қилмади. Чунки у, Сергей Рублев йигирма етти ёшда бўлиб, одамларга тинч ҳаётни бағишлаётганлар сафида эди-да.

* * *

Ноябрь кунларидан бирида газеталаримизда бир хабар босилиб, унда тегишли органлар Р. Кларк билан Д. Маккензи мамлакатимизда расмий бўлишлари билан сиғишмайдиган номатлуб фаолият билан шуғулланганликлари аниқлаганлиги айтилганди. Уларга қирқ саккиз соат ичида СССР тупроғидан чиқиб кетиш таклиф этилганди.

«Линкольн» Кларк билан Маккензини аэропорт биносига олиб келганида улар кечки қоронгилик қўйнидаги рус пойтахтига узоқ тикилишди. Шунда Кларк ўзини кузатаётган ходимларига қараб, ўйчан ҳолда деди:

— Ҳа, Россия, бизга ўхшаганларнинг, амал пиллапоясидан юқорилашни орзу қилганларнинг мамлакати эмас экан...

*Москва,
1972—1973 йиллар*

МУНДАРИЖА

Биринчи боб

Шошилич чақирилган мажлис.	5
------------------------------------	---

Иккинчи боб

Икки Ганс.	36
--------------------	----

Учинчи боб

У ким бўлди?.	77
-----------------------	----

Тўртинчи боб

Муҳим топшириқ.	95
-------------------------	----

Бешинчи боб

Хуфя жой.	106
-------------------	-----

Олтинчи боб

Ганснинг вазифаси	114
-----------------------------	-----

Еттинчи боб

Қора «Мерседес»	121
---------------------------	-----

Саккизинчи боб

Унинг исми Павел	148
----------------------------	-----

Тўққизинчи боб

Кларк ўйинга қўшилди	169
--------------------------------	-----

Унинчи боб

Уйда ва ишда	182
------------------------	-----

	Ун биринчи боб	
Чора излаб		191
	Ун иккинчи боб	
Васиятнома		199
	Ун учинчи боб	
Хусусий клиника		211
	Ун тўртинчи боб	
Жўнатма.		220
	Ун бешинчи боб	
Шубҳа		226
	Ун олтинчи боб	
Ҳал қилувчи босқич		237
	Ун еттинчи боб	
Ганс буйруқни бажаришга киришди		253
	Ун саккизинчи боб	
Кутилмаган воқеалар		266
	Ун тўққизинчи боб	
Сўнгги учрашув		273

Прудников М.

П91 «Қақнус» операцияси: Қисса/Э. Носиров тарж.— Т. Ёш гвардия, 1989.—288 б.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Михаил Прудниковнинг «Қақнус» операцияси қиссаси саргузашт жанридаги мароқли асарлардан бўлиб, унда совет контрразведкачиларининг империалистик давлатлар махсус органлари олиб бораётган қўпурувчилик уринишларини барбод қилиш борасидаги ишлари ҳикоя қилинади.

Прудников М. Операция «Феникс»- Приключенческая повесть.

Р2

На узбекском языке

Михаил Сидорович Прудников

ОПЕРАЦИЯ «ФЕНИКС»

Приключенческая повесть

Редактор **М. Яхёев**. Рассом **И. Циганов**. Расмлар редактори
Н. Абдуллаев. Техн. редактор **У. Ким**. Корректор **Б. Юнусов**.

ИБ № 2648

Теришга берилди 6.11.88. Босишга рухсат этилди 11.01.89. Формати $84 \times 108^{1/32}$. «Литературная» гарнитурада № 2 босма қоғозга юқори босма усулида босилди. Шартли босма листи 15,12. Нашр листи 15,1. Шартли кр. отт. 15,54. Тиражи 60.000. Буюртма № 4899. Баҳоси 90 т. Шартнома 94—88.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.
Тошкент, 700113, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, ГСП, Тошкент, Ленин
кўчаси, 41.